

ЖАҲОН ҲИКОЯЛАРИ

Ойнинг акси



“Жаҳон адабиёти” журнали кутубхонаси

ОЙНИНГ АКСИ

Ҳикоялар



Nizomiy nomli

T D P U

kutubxonasi

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ-2019

УЎК 821(100)

КБК 84(0)

О 38

Дилдорхон Алиева таржимаси

Ойнинг акси: ҳикоялар / таржимон Д.Алиева. — Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. — 308 б

Адабиёт инсонга энг буюк мураббийдир. Хонада туриб бутун дунё маданиятини, санъатини, ҳаётини, одамларини ўрганиш мумкин. Айнан адабиёт орқали бошқа элатларнинг орзулари, армонлари, ҳаётий кадриятлари билан танишасиз.

Таниқли таржимон Дилдорхон Алиева томонидан ўзбек тилига ўгирилган ушбу асарлар сизга бошқа халқларнинг ҳаётдан ҳикоя қилади.

Кадрли китобхон, мазкур тўплам сизга манзур бўлишига ишонамиз.

УЎК 821(100)

КБК 84(0)

ISBN 978-9943-5295-2-6

© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2019

РЕДЕГОНДАНИНГ КУНДАЛИГИ

Ўтган тунда Шаҳарбоғи орқали уйга қайтаётиб, бир оз муддат ўриндикда ўтирдим, шу тоб эғнига узун кулранг пальто, қўлига сарик қўлқоп кийган аллақандай жаноб ёнимга келиб ўтирди. Қизик, бир дақиқа аввал у бу ерда кўринмаганди. Боғда шунча бўш жойлар туриб, унинг айнан менинг ўриндиғимга келиб ўтириб олгани кўнглимда шубҳа туғдирди; агар нотаниш одам шляпасини бошидан олиб, исмимни айтиб, сўрашмаганида, энди жуфтакни ростламоқчи бўлиб тургандим. Шунда бирдан уни таниб қолдим-у, бу ҳайратим ўзимга ҳам хуш ёқиб кетди. Ёш ва ниҳоятда одобли бу одам доктор Готфрид Вейвальд эди; у ўз олийжаноблиги билан ҳурматини сақлар, мулойим муомаласи эса ўзига завқ бағишлаши сезилиб турарди. Тўрт йил бурун уни Венадан Қуйи Австрияга ҳуқуқшунос ёрдамчиси қилиб ўтказишганди, лекин у, аҳён-аҳёнда бўлса-да, қаҳвахоналарда уни вазмин илтифот билан кутиб олувчи оғайнилари орасида пайдо бўладиган одат чиқарди: доктор Вейвальдга ҳаддан зиёд тақаллуфлар ёқавермасди. Мен Рождество байрамидан бери уни кўрмагандим, оқшом чоғи шаҳар боғида тўсатдан учратиб қолдим-у, аммо ҳайратимни унга ошкор қилмасликка уриндим. Илтифотига илтифот кўрсатдим-да, сир бой бермасликка ҳаракат қилдим, саломига алик олдим. У билан оқсуякларга хос тарзда суҳбатлашмоқчи бўлиб чоғланган ҳам эдим-

ки, бир пайт у худди ўзини мендан ҳимоя қилгандек, қўлини кўтарди-да:

— Ўзр, вақтим жуда зиқ, шундай бўлса-да, сизга ғалати бир воқеани сўзлаб бериш ниятида келгандим бу ерга, агар гапимни тинглаш сизга малол келмаса, албатта, — деди.

Унинг гап-сўзлари мени қанчалик ҳайрон қолдирмасин, уни жон-қулоғим билан тинглашга тайёр эканимни билдирган бўлмай, барибир ўзимни саволдан тийиб туrolмадим: у мени нега қаҳвахонадан қидирмай, кечқурун боғдан излаб топди ва буни қандай уддалади? Кейин, айнан менга кўрсатилаётган бундай иззат-икромнинг боиси нимада?

— Дастлабки иккита саволга жавобни, — деди у, ўзига одат бўлмаган қўполлик билан, — менинг ҳикоямдан топасиз. Сизни танлашимнинг боиси, азиз биродарим, энди у менга фақат шу тахлит мурожаат қиларди, — билишимча, сиз қоғоз қоралашга ишқибоз экансиз, менинг боши-кети йўқ ғалати ҳикоямни сиз мақбул шаклга келтириб, унинг дунё юзини кўришига ёрдам берарсиз, деб умид қиламан.

Мен камтарлик билан эътироз билдирмоқчи бўлгандим, лекин доктор Вейвальд, юзини ғалати тириштирди-да, дангал бундай деди:

— Ҳикоям қаҳрамонининг исми – Редегонда. У, Х. Драгун полкидан бўлган ротмистр, барон Т.нинг хотини бўлиб, Z шаҳридаги уйлардан бирига жойлаштирилганди.

Гарчанд мен нафақат бу кичик шаҳарчани, балки, ротмистрнинг исмини, ҳатто полк рақамини ҳам яхши билсам-да, у менга фақат бош ҳарфларнигина айтарди, холос. Буларнинг бари менга нечук маълум эканини сиз бир оз кейинроқ билиб оласиз.

— Редегонда, — давом этди сўзида доктор Вейвальд, — гузалликда беназир эди ва мен уни бир

кўришдаёқ севиб қолганман. Минг афсуски, у билан танишишнинг имконини тополмадим, негаки, зобитлар ҳарбий бўлмаганлар билан борди-келди қилиш у ёқда турсин, ҳатто, биздек, шаҳар бошқармасининг амалдорларидан ҳам ўзларини олиб қочиб юришарди. Шу боис Редегондани узоқдан кўрардим, холос; ўшанда ҳам у, ё эрининг, ёки бўлмаса, бошқа зобитлар ва уларнинг хотинлари ҳамроҳлигида бўларди. Баъзан уйининг марказий майдон томонга қараган деразаси ёнида пайдо бўларди. Оқшомлари кўпинча шалдироқ извошда ўзининг махсус ложаси бўлган театрга жунаб кетарди; мен бахтдан масрур, партердан туриб, сездирмай уни кузатардим, мана, танаффус ҳам бошланди, уни яна ёш зобитлар қуршаб олишди. Баъзан у менга бепарво эмасдек туюларди. Башарти, у менга бепарво нигоҳ ташлаганида ҳам кўзидагини барибир уқиб ололмаган бўлардим.

Кузнинг эрта тонгларида бирида мен Редегондани шаҳарнинг шарқий дарвозасидан сўнг бошланиб кетган чоққина боғда, ўрмонга ўхшаш ерда учратиб қолдим ва унга бўлган чексиз муҳаббатимни пойига садқа қилиш умидидан мосуво бўлганимни англаб етдим. У шундай ёнгинамдан, балки, мени сезмай, ёдига тушиб қолган алланималардан табасум қилиб ўтиб кетди-да, кўп ўтмай ўзини қирмизи ўрмонга урди. У мендан икки қадам наридан ўтган бўлса-да, унга бош ирғашга, ҳаттоки, биринчи бўлиб гап бошлашга ҳам фаҳмим етмабди! У ўрмонга яширинган ўша лаҳзаларда мен шундай имкониятни бой берганимдан асло ўкинмаганман, — чунки бундан барибир бирон нима чиқишига кўзим етмасди. Шунда ғалати бир ҳолатга тушдим: ичимдаги амрона янграган сирли овозга итоат этиб, Редегондани

тўхтатсам-да, ўзим гап бошласам, нималар бўлишини кўз олдимга келтирдим. Менинг жунбишга келган тасаввурларимга кўра, Редегонда дил изҳоримни рад этмаган, ҳатто журъатим унга ҳузур бағишлаган бўларди. У ҳаётининг маънисиз ўтаётганидан, уни қуршаб олган одамларнинг эса бир пулга қимматлигидан зорланди ва ниҳоят, кўнглини топа олган мендек меҳрибон дўстни учратганидан хурсандлигини яшириб ўтирмади. Мен тўқиб чиқарганларнинг бошидан охиригача, — унинг қарашларида шу қадар чуқур маъно бор эдики, ажралиш онларимизда ҳам худди шундай бўлган эди, — Редегондани оқшом театр ложасида кўрганимда, бизни аллақандай сирли ришта боглаб турганини ҳис этдим.

Тасаввурларим билан бунёдга келиб, кўп ўтмай яна бошқаларига уланиб кетган бу антиқа учрашувимиз, ишонаманки, қимматли дўстим, сизни ажаблантирмайди ва кеч куз кунларининг бирида Редегонда менинг қайноқ бағримга ўзини топширмагунча суҳбатларимиз учрашувдан учрашувгача борган сари дўстона, самимий тус олиб ва кейинчалик янада қалинлашиб бораверади. Тасаввурларим зўрайгандан зўраярди! Ахийри шаҳар четидаги оддийгина уйимга Редегонданинг ўзи кириб келди ва мен шундай бир роҳатбахш ҳузурни туйдимки, ҳатто ўша ғарибона ҳақиқат ҳам менга бундай тухфани тақдим этолмаган бўларди.

Бизни хавф-хатар ҳар қадамда таъқиб қилгани сайин, ҳис-туйғуларим шунчалик тасаввурларга бойиб бораверарди. Бир куни кечқурун пўстинларга бурканиб олиб, чанада қаергадир елдек учиб кетаётгандик, ротмистр ёнимиздан от солиб ўтиб қолди. Бир фалокат юз беришини ўшандаёқ кўнглим сезганди.

Баҳорнинг бошларида Редегонданинг эри хизмат қилаётган драгун полки Галицинга кўчирилаётгани бутун шаҳарга овоза бўлганди. Менинг ҳам, барчамизнинг ҳам тушкунлигимизга чек-чегара йўқ эди. Бундай боши берк кўчага кириб қолган ошиқлар қандай чора-тадбир қўллаши лозим бўлса, бари-ни бирма-бир хаёлдан ўтказиб чиққандик: қочиш ё ўлим, бундай ачинарли тақдирга тан бермасдан илож йўқ эди. Сўнгги оқшом етиб келган бўлса-да, бизни ҳамон шубҳалар қийнарди. Мен хонани гуллар билан безатдим-да, Редегондани кута бошладим; барига тайёр туриш учун жомадонга нарсаларни жойлаб, тўппончани ўқладим ва видолашув мактубини ёздим. Қимматли дўстим, буларнинг бари чин ҳақиқат. Менга танҳо хаёлларимгина эгалик қилармиди, билмадим, ўша кеча мен Редегонданинг келишига на фақат умидвор бўлгандим, йўлларига интизор кўз тиккандим. Ҳар доим бўлганидек, уни бағримга босиб тургандек хаёл қилмадим, йўқ, бу сафар гўё аллақандай сирли, ҳаттоки даҳшатли нимадир маҳбубамни уйдан чиқармай ушлаб турарди; мен, кимдир зинадан чиқиб келяптими-йўқми, деб эшик олдида тинмай бориб-келардим, узоқдан Редегондани яна кўриш умидида деразадан бошимни чиқариб мўраладим. Талвасали ҳаяжонда ҳеч бир тўсиқни ҳам писанд қилмай, уни қидириб топиш учун бор кучимни сарфлашга, севувчи ва севикли маҳбубам ҳаққи, Редегондани эридан тортиб олишга тайёр эдим.

Қўққисдан ярим кечага яқин кўнғироқ овози эшитилди. Юрагим шув этиб кетди. Бу тунги кўнғироқ энди хаёлда эмасди, тушуняпсизларми. Кўнғироқ иккинчи, учинчи бор жиринглаганда, унинг қулоқни қоматга келтирувчи жарангидан сўнг мен бир зумда

ўзгартириб бўлмас ҳақиқатга қайтдим-қўйдим. Шу оқшомгача менинг ғалати саргузаштларим фақатгина тушлар силсиласидан иборат эканини тушуниб етган дамимдан бошлаб, менда, жўшқин эҳтиросларимдан қочиб қутулолмаган Редегонда ёнимга келди, ҳозир остонада турибди, шу тобда киради-ю, ўзини бағримга отади деган бемулоҳаза умид уйғонди. Буткул ана шу лаззат оғушида эшик олдида бордим-да, уни очдим. У Редегонда эмасди. Рўпарамда танашиз шарпа эмас, бутун бошли тирик жон, унинг эри турарди. Шу онда сизни қандай кўриб турган бўлсам, уни ҳам худди шундай аниқ-тиниқ кўриб турардим.

Ротмистр менга тикилиб қаради. Тушунарли, уни уйга таклиф этиб, келинг, ўтиринг дейишдан ўзга чорам қолмаганди. Бироқ у, ҳамон кўкрагини кериб турганча, таърифга сиғмас заҳархандалик билан:

— Сиз Редегондани кутяпсизми; бахтга қарши унинг бу ерга келишига баъзи бир ҳолатлар ҳалақит қилади. Биласизми, у ўлиб қолди, — деди.

— Ўлиб қолди, — такрорладим мен ва шу заҳоти дунё кўзимга қоронғу кўриниб кетди. Ротмистр қатъий оҳангда:

— Бир соат бурун қарасам у ёзув столи олдида экан. Ёнидан мана бу дафтар чиқди, атайлаб уни ўзим билан олиб келдим. Афтидан, мен хонага кўққисдан бостириб кирганимда юраги ёрилиб ўлди, шекилли. Илтимос, бир кўз ташланг!

У очилган сафсарранг тери билан муқоваланган дафтарни менга узатди ва мен уни ўқий бошладим:

“Шундай қилиб, мен энди уйимни бутунлай тарк этаман, мени маҳбубим кутяпти.” Мен дафтарни ёпдим-да, тасдиқлагандек бош ирғадим.

— Қўлингиздаги Редегонданинг кундалиги эканини, — давом этди ротмистр, — сиз тўғри фаҳм-

ладингиз. Эҳтимол, яна бир илтифот кўрсатиб, уни варақлаб ҳам кўрарсиз. Шунда тонишдан фойда йўқлигига ўзингиз ҳам амин бўлардингиз.

Мен кундаликни варақлай, тўғрироғи, уни ўқий бошладим. Ёзув столига тирсагимни тираб ўтириб, уни деярли бир соатча ўқидим, бу вақт орасида ротмистр ҳам дивандан қимирламади. Яна ўша ҳайратомуз муҳаббатимиз: эрта куз ўрмонда Редегонда билан илк суҳбатимиз, биринчи бўса, шаҳар ташқарисидаги сайримиз, хушбўй ҳид анқиб турган хонадаги ҳузур-ҳаловатга тўлиб-тошган дамларимиз, қочиш ё ўлим ҳақидаги режаларимиз, бахтли ва дилхаста ўтмишимиз кўз олдимда жонлана бошлади. Ҳали ўзим чинакамига бошимдан кечирмаган, фақат тасаввуримдагина бунёд этганларимнинг бари ажабланарли даражада аниқ ва равшан тарзда кундалик саҳифаларига муҳрланганди. Сизга ҳақиқат бўлиб кўринганлар, менга нимаси биландир сира тушунтириб бўлмайдигандек туюляпти. Редегонда танҳо уники бўлишимни истагани боис ҳам тасаввурларимиздан бунёдга келган барча азоб-уқубатлар, севинч ва шодликларни мен билан баҳам кўриши учун унга сирли ихтиёр берилганини баногоҳ тушуниб етдим. Бошқа аёллар каби Редегонда ҳам ҳаётнинг бошланишига мендан кўра яқини бўлгани боис орзу-ҳавас ва унинг рўёби орасидаги фарқдан беҳабар ўзининг сафсарранг дафтарига битаётган дил изҳорларининг бари ўнгида бўлаётганига қаттиқ ишонарди. Балки бари бошқача бўлиши ҳам мумкин. Балки, шундайдир. Редегонда бу маккорона кундаликни журъатсизлигим туфайли мендан ўч олишни кўзлаб тутганди, чунки менинг – бўлмайдиган сўзим сабаб бизнинг барча орзу-ниятларимиз ушалмай қолганди; у, бу кундалик шу тариқа чув

тушган эрининг қўлига тушишини уйлаб, ўз ихтиёри билан ўзини ўлимга гирифтор қилганди. Аммо бу шубҳа-гумонларни бир ёқли қилишга менда вақт йўқ эди, чунки ротмистр менинг мутлақо айбдор эканимга астойдил ишонарди, шу боис мен ҳам вазият тақозо этгандек, унинг хизматига доим тайёр эканимни билдирдим.

— Уриниб ҳам кўрмасдан-а?..

— Ҳали тонмоқчиман денг?! — жаҳл билан гапимни бўлди доктор Вейвальд. — Асло! Ҳаттоки бу уриниш муваффақият қозонишингиз учун зиғирча умид ваъда қилганида ҳам бу ҳаракатни номуносиб дея баҳолаган бўлардим. Негаки, мен чидашни истаган, аммо кўрқоқлим панд бериб, бардошим етмаган бу даҳшатли ҳодисанинг оқибатига ўзимни жавобгар ҳис этаман.

— Ҳали Редегонданинг ўлими ҳақида бирон гап маълум бўлмай туриб, мен бу ишни охирга етказмоқчи эдим, — деди ротмистр. — Ҳозир соат роп-па-роса тунги бир, учда секундантлар учрашуви, бешда эса бари ҳал бўлиши керак.

Мен яна бош ирғаб розилик билдирдим. Ротмистр совуққина хайрлашди-да, кетди. Мен қоғозларни тартибга солдим, уйдан чиқиб, бош округ бошқармасидаги танишларимни тўғри ётган еридан турғаздим, улардан бири граф эди. Уларни шошириш мақсадида фақат энг зарур бир-икки оғиз сўзни лўнда қилиб тушунтирдим-да, ўзим асосий майдонга тушиб кетдим ва Редегонданинг жасади ётган қоронги хона деразаси тагида у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Мени шундай бир туйғу чулғаб олдики, гўёки мен ўз тақдирим йўлига пешвоз чиқиб бораётгандим.

Мен Редегондани илк бора учратиб, унга гапиришга барибир ботинолмаган ўша ерга яқин бўлган

ихчамгина ўрмончада тонгги соат бешда ротмистр ва мен бир-биримизга рўпарама-рўпара турардик.

— Сиз уни отиб ташладингизми?

— Йўқ, ўқим унинг чаккаси тепасидан учиб ўтиб кетди. У тўғри менинг юрагимга келиб қадалди. Ай-тишганидек, мен ўша заҳоти тил тортмай ўлдим.

— О-о-о. — Мен галати суҳбатдошимга саросимали нигоҳим билан боқдим-да, инграб юбордим. Лекин бирон тирик жонни кўрмадим. Ўриндиқлар бўм-бўш эди. Ҳатто айтиш мумкинки, бари менга шундай кўринди. Кеча қаҳвахонада аллақандай Тейергейн исмли ротмистр доктор Вейвальдни отиб қўйгани ҳақида мишмишлар ёйилганини фақат ўшандагина эсладим.

Бу хабар чекка жойлардаги одамларнинг дилини сиёҳ қилганди; бироқ, ўша куниёқ фрау Редегонданинг қандайдир ёш лейтенант билан беном-нишон гойиб бўлгани мана шундай қалтис ҳазилнинг келиб чиқишига сабаб бўлганди.

Кимдир, доктор Вейвальд камдан-кам учрайдиган ўзидаги оддийлик, олийҳимматлилик билан ўзидан хийла омадли рақибининг ҳам ўлимини ўз бўйнига олиб кетганини айтди. Шаҳар боғидаги Вейвальднинг арвоҳининг пайдо бўлишига келсак, агар мен унинг ўхшашини унинг мардонавор ўлимидан аввал учратганимда, унда унинг таъсири янада кучлироқ ва ажойиброқ бўлган бўларди. Агар воқеалар жараёни ҳаёлда бир оз кейинга сурилса, шу билан унинг таъсири бундан-да зўрроқ бўлиши бошда менга қизиқарлироқ туюлганини яширмайман. Бундай пухтароқ ўйлаб кўрадиган бўлсам, мени қўрқув босяпти, агар воқеалар тартиби ўзгарса, мени мистикада, арвоҳлар билан мулоқот бор гаплигига ишонишда айблаб, таъна-дашномларга

кўмиб ташлашади. Ҳикоям уйдирмалардан иборат эмасми, ёки, умуман, бундай воқеалар ақлга тўғри келадими ўзи, деган шунга ўхшаш саволлар туғилишини ва жавобга қараб, менга башоратчи ёки қаллоб дея тамға босишларини мен олдиндан сезгандим. Буларнинг ичида биронта қулоққа ёқадигани бўлмаса, нима ҳам дердим. Ҳар қадамда учрайдиган ишончсизликка гарчи бошқалар кўпроқ лойиқ бўлсалар-да, лекин, одатда шоирларга шундай муносабатда бўлганлари боис, кўрқаманки, барибир, бу-нинг тўғрилигига кўпчилик шубҳа билан қарайди.



НОТАВОН КҰНГИЛ

Макарио деганлари бу, йигирма йилдан буён юрагидаги ягона орзусининг ушалишидан умидвор, эгнида жулдур кийиму очликдан тинмай ҳиқиллай-верадиған ун битта боланинг отаси бўлған қишлоқлик бир дарахт кесувчи. Оиласи билан зўрға тикилиб яшайдиган, тоб ташлаб, путури кетган хароба уйининг ўрнига у, жон-жаҳди билан мол-дунёю ҳавас қилгулик уй-жойни орзу қилмасди. Ўтинчининг истагини қондирувчи бирдан-бир нарса бу бор-йўғи қовурилған курка гўшти бўлиб, ўшани ҳам у оч гўдақлардан нарида, хилват бир жойни топиб, барини бир ўзи ёлғиз, бус-бутунлигича ейишни орзу қиларди, холос.

Қорни қачон тузук-қуруқ тўйганини ҳам билмаган бу ўтинчи, ҳар куни эрталаб, хоҳ у бегим куни бўлсин, хоҳ таътил – қоронги тушганда елкасида бир боғлам ўтинни ортмоқлаб келиш учун тонготарда ўз маконини тарк этиб, ўрмонга йўл оларди.

Кун бўйи тинмай ишлаб, пешона тери эвазига келадиган бу бир боғлам ўтин учун у кўпинча бир кумуш танга, баъзида бундан ҳам кам ҳақ оларди. Тўғри, ҳавонинг авзойи бузилиб, рақобат сусайган баъзи пайтлар иши ўнгидан келиб, бир боғлам ўтин учун даромади баъзан икки кумуш тангагача ҳам чиқиши мумкин эди.

Макарионинг хотинига қишлоқдагилар Маъюскўз деб ном қўйишганди. Эри топиб келган икки

кумуш танга хотини учун бир дунё бойлик билан баравар эди.

Қуёш ботгандан сўнг оқшом уйига қайтган Макарио хўрсиниб юкини ташларди-да, гандираклаганча кулбасига аранг кириб борарди ва шовқин-сурон билан пастак, хомаки қоқилган курсига ҳолдан тойиб ўзини ташларди ва болалардан биронтаси чаққонлик қилиб, яна худди шундай хомаки тарашланган столни унинг ёнига суриб қўйишарди. Сўнг у икки қўлини столга қўйганча:

– Эй, хотин, ўлардек чарчадим, қорним ҳам ўлгудек оч! Кечки овқатга бугун нима пиширдинг? – дерди.

– Қора нўхат, – дерди хотини, – кук қалампир, шўртак зоғора нон ва лимон барги солинган чой.

Уйда ҳар куни ҳеч бир ўзгаришсиз бир хил ўша-ўша овқат эди. Макарио уйга етиб келмасдан бурун қандай жавоб олишини билса-да, болаларга гўнг махлуқдек кўринмаслик учун номигагина бир нима деб қўйиш кераклигидан сўраб қўярди, холос. Сўнг олдига сопол идишда кечки овқат қўйилганида, у росманасига уйқуга кетиб қоларди ва хотини уни туртиб уйготишга мажбур бўларди:

– Овқатингиз тайёр, эржон.

Эр кўзини очиб, овозини баланд кўтариб: “Эй, марҳаматли Тангрим, юборган ризқ-насибанг учун минг маротаба шукур”, – деб дуо ўқирди-да, овқатини ейишга киришарди. Бироқ, бир неча қошиқ ютар-ютмай, оч қолган ўн битта бола ҳаммасини ермикан, ё гарддаккина бўлса-да, бизга яна қолармикан дея оталарининг оғзини пойлаб, тикилиб турганларини сезиб қоларди, негаки норасидаларга бериладиган биринчи улуш уларнинг чап ичагига юк ҳам бўлмасди... Шунда у аста овқатдан қўлини тортарди-да, фақат лимон барги солинган чой билан

қаноатланиб қўя қоларди. Кўза бўшаганда эса чуқур хўрсиниб қўярди ва ҳазин овозда дерди:

– Ў, марҳаматли Парвардигор, қани энди, ғам-ташвишга тўлиб-тошган бу ҳаётимда атиги бир маротаба бўлса-да, қовурилган курка гўштига етишишу уни бир ўзим тўйиб ейишни менга насиб этсайдинг! Шунда мендек шўрлик банданг ҳам ёруғ дунёни бахтиёр тарк этган ва Қиёматгача қабрида тинч-осойишта ётган бўларди!

Борди-ю у бу қадар кўтаринки руҳда узундан-узоқ айтиладиган баландпарвоз гапларга баъзан фурсат тополмай қолса, унда:

– Эй, Худойим, қани энди бир марта бўлса-да, бус-бутун қовурилган жўжа насиб этсайди! – дейишни қанда қилмасди.

Болалар бу обидийдаларни эшитавериб, қулоқлари битиб кетганидан парво ҳам қилмай қўйгандилар. Бу сўзларни улар оталарининг овқатдан сўнг айтадиган шукрона сўзлари деб тушунардилар. Худди шундай натижа билан у минг кумуш танга сўраши ҳам мумкин эди. Ҳаётда ҳали бирон марта бўлса-да, болаларининг биронтасига татиб кўриш насиб этмаган семизгина курка гўшти у ёқда турсин, оддий қовурилган жўжага етишиш ҳам унинг учун амримаҳол эди.

Эрининг садоқатли ва фидойи умр йўлдоши бўлган ва бундай аёлни учратишни ҳар бир эркак орзу қилган Макарионинг рафиқаси, болалари отасининг оғзидан кўзини узмай, у емаганда ўзларига қолиши мумкин бўлган ҳар бир нўхатнинг ҳисобини олиб турганда, эри хотиржам овқатлана олмаслигини яхши биларди. Уни яхши турмуш ўртоғи деб ҳисоблашига аёлда асослар етарли эди ва бундан яхшироғини топишга умид қилиш унинг ҳаёлига ҳам кел-

масди. Эри унга умрида қўл кўтармаганди ва бунинг устига у тиним билмай ишларди, фақат шанба куни оқшом пайтларидагина бир стакан мусаллас ичишни одат қилганди, холос, шунда ҳам пулга зориқиб қолмасин дея ҳар сафар хотинининг ўзи айнан катта дўкондан сотиб олиб берарди, чунки бу пулга қовоқхонадан шунинг ярмисини беришарди.

Оиласини боқиш учун эри зўр бериб ишлаётганини, хотинига ва фарзандларига нечоғли меҳри баландлигини аёл тушунарди, шу боис ҳам аёл ўзидан андак тузукроқ кун кўрувчи кишлоқ аҳлидан кундалиқ хизмати эвазига топаётган ўша арзимас тангаларни бир-бирига уриб, туғиб қўйишга киришганди.

Аёлга гўё абадийдек туюлган узоқ уч йилдан сўнг Маъюскўз бозорнинг энг олди серёғ куркасини сотиб олиш бахтига ахийри муяссар бўлди. Хурсандчилигу бахтиёрликдан боши кўкка етган аёл болалар уйда йўқлигидан фойдаланиб, паррандани уйга олиб келди-да, ҳеч ким тополмайдиган ерга яшириб қўйди. Одатдагидек ҳориб-чарчаб, очиқиб уйга қайтган ва ҳар доимгидек курка сўраб кўкларга илтижо қилаётган эрига бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмади.

Бу оқшом аёл болаларни жуда эрта ухлашга ётқизди. Унинг ниятини эри фаҳмлаб қолишидан аёл хавотирланмаса ҳам бўларди, чунки ҳали стол атрофида ўтирган пайтдаёқ уйку элитган эри, ярим соат ўтар-ўтмай шалвираганча ўрнидан турарди-да, тушакка зўрға судралиб борарди ва гўё бошига тўқмоқ тушгандек ўзини ўринга таппа ташларди.

Агар бир кунмас-бир кун ажойиб овқатланиш маросими учун жон чекиб атайлаб танлаб олиб келинган курка гўштини пишириш жараёнида аёлыннинг қалбига, қўлларига беғубор бахт ва шодлик туйғуси куч-ғайрат ва руҳ бағишлайдиган бўлса,

унда бу воқеани айнан шундай кун деб аташ мумкин эди. Курка қуёш чиқишидан бир соат аввал тайёр бўлиши учун аёл туни билан қуймаланиб чиқди.

Макарио ҳар доимгидек барвақт туриб ишга шошилди ва ғарибона нонушта билан куч тўплаб олиш учун чўнқайганча столга ўтирди. Макарио хотинига хайрли тонг тилашни хуш кўрмасди ва оила аъзоларининг биронтасидан шу каби саломлашишларни эшитишга ҳам одатланмаганди. Мабодо, стол атрофида тўпланган пайт бирон-бир тартибсизликка кўзи тушса, ёки болтаними, ўтин боғлашга ярайдиган арғамчиними тополмай қолса, чурқ этиб оғзини очмасди, мингирлаб, алланималарни гапириниб қўярди, одатда. Негаки у камгап одам бўлиб, фақат баъзи, энг зарур ибораю хатти-ҳаракатлар билан чекланиб қўя қолар, хотини эса унинг ҳар бир ишорасини хатосиз тушунар эди.

У кетишга шайланиб ўрнидан қўзғалди. Авзойи бузилиб келаётган ҳавога тикилганча бир сония эшик олдида туриб қолди, шунда хотини аста унинг олдида келди ва иштаҳани қитиқловчи даражада обдан қовуриб пиширилган ва авайлаб янги, кўм-кўк банан баргларига ўралган курка гўштли эски саватни эрига узатди.

– Бу ерда, қимматли эржон, сен неча йиллардан бери тановул қилишни орзу қилиб келган қовурилган курка гўшти бор. Энди буни олгин-да, ҳеч ким ҳалақит бермайдиган хилват чакалакзорга бор ва уни охиригача бир ўзинг еб ол. Қани, имилламай йўлга туш, йўқса, болалар қовурилган курка ҳидини пайқаб қолишади-да, уйғониб, сени бундан ҳам бенасиб қилишади. Қани, тезроқ бора қол энди!

Макарио ҳорғин кўзлари билан хотинига боқди-да, бош ирғади. Унинг оғзидан миннатдорчилик

сўзлари ҳеч қачон чиқмасди. Ҳеч бўлмаганда бир бўлагини хотинига илинишга ҳам унинг фаросати етмади, чунки бус-бутун курка гўштига етишиш фикри қачонлардан бери унга тинчлик бермай келар ва у болалар уйғониб қолмасидан бурун хотинининг маслаҳати билан тезроқ жуфтакни ростлаш пайига тушди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, у урмондаги чангал-зорда овлоқ бир ерни топди-да, ўлгудек очиққанини ҳис этди ва бу роҳатбахш таомдан тановул қилиш тараддудига тушди. Улкан дарахт тагига қулай жойлашиб олган Макарио, таърифга сиғмас ҳузур билан хўрсинди-да, саватдаги курка гўштини олиб, янги, йирик банан баргларини ерга ёйди ва гўё Тангрига қурбонлик ўтказаётгандек паррандани тантанали ҳаракатлар билан япроқ устига қўйди.

Зиёфатдан сўнг у куннинг қолган қисмини оёғини узатиб, мириқиб ухлаб ўтказишни ният қилганди ва шу тариқа умрида илк маротаба ўзи учун чинакам байрам уюштирмоқчи эди...

Ўзгача тайёрланган курка гўштини томоша қила туриб, Макарио одам зотига таниш бўлган йигирма беш миллион хил ислар ичида биронтасига тенглаштириб бўлмайдиган бу муъжизавор исдан тўйиб-тўйиб нафас олди-да, шодликдан энтикканча минғирлади:

– Хотинимнинг маҳоратига ва қўли гул пазанда эканига тан бермай илож йўқ... Фақат бу санъатни намойиш этишга у бечорада имкон бўлмаган.

Макарио эплаб, чин дилдан айта олган миннатдорчилик ва энг олий мақтов сўзлари шундан иборат эди. Бундай сўзларни бир маротаба бўлса-да, хотинига айта олганида эди, шўрликнинг бахтиёрликдан юраги тарс ёрилармиди. Бироқ бу унинг қўлидан келмасди, негаки хотинининг олдида бу тахлит сўзларга тили айланмасди.

У қўлини сойда чайди ва одам йиллар давомида, Худонинг берган куни тинмай қилган илтижолари ижобат бўлиб, орзулари ушалганида бари қандай тайёрланиши лозим бўлса, ҳозир айнан худди шундай тахт қилинганди.

У чап қўли билан курканинг тушини маҳкам ушлади-да, серёғ оёқчасини узиб олиш учун унга тап тортмай ўнг қўлини олиб борди.

Бироқ оёқни узишга чоғланган ҳам эдики, ўзидан тўрт қадам нари-берисида турган бир жуфт одам оёғига кўзи тушди. У нигоҳини ердан ўзди ва кўзи кўнжи калта этик ичига тикиб қўйилган тор-танқис, ёпишиб турган қоп-қора шимга тушди. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида қовурилган бу курка гўштини бир ўзи қандай тушираркин, деб уни кузатганча, башанг кийинган бир йигит турарди. Йигит бошига зар жияк билан безатилган сербар соябонли қалпоқ кўндирилган, эгнига эса боёнларга хос ҳайратомуз зар ва кумуш иплар билан кашталанган калта камзул кийганди. Қора шимининг камаридан то этигининг темир тепкисигача соф кумуш тасма тикилган бўлиб, унга тикилган тилла тангачалар юрганда ажиб товушда жингирларди.

Йигитчанинг мўйловлари тимқора, чўққисоқоли эса худди эчкиникига ўхшарди, бир-бирига яқин жойлашган ва нақ тикандек қадаладиган кўзлари зулукдек қоп-қора эди.

Макарионинг нигоҳи йигитчага тушганида, чакирилмаган меҳмоннинг макр-ҳийлага тўлиб-тошган энсиз лабларидан қаттиқ қаҳқаҳа отилиб чиқди. Йигитга хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ аёл, афтидан, бундай авровчи кулгига биронта одам боласи сира дош беролмайдигандек кўринганди.

Йигитча жаранглаган овозда сўзлай бошлади:

– Биродар, уша мазали курка гуштингнинг яхшироқ жойидан мендек бир оч рицарга ажратиб берсанг, қандай бўларкин? Қара, муҳтарам биродар, мен куни бўйи эгардан тушмадим ва ҳозир очимдан ўлай деяпман. Жаҳаннам ҳақи, мени ўз нонуштангга таклиф эт.

– Биринчидан, – деди Макарио, гуё у шу топда пир этиб учиб кетишидан қўрққандек, куркасига маҳкам ёпишиб, – гап мутлақо нонуштада эмас. Иккинчидан эса бу менинг байрам зиёфатим, уни ҳеч ким билан баҳам қўриш ниятим йўқ. Нима деб ўйласанг ўйлайвер, фойдаси йўқ. Тушундингми?

– Агар қўлингда турган ёғли оёқчаларни менга берсанг, кумуш темир тепкимни сенга бераман, – кўзда тутган нарсасига ишора қилди у ва юпқа, агар айри бўлганда, илонники деб ўйлаш мумкин бўлган тиллари билан лабини ялади.

– Улар хоҳ темир бўлсин, ё хоҳ мис, ё кумуш, ё тилла, ҳатто олмос бўлганда ҳам менга сенинг тепкиларингнинг кераги йўқ, негаки, менда елдириб юрадиган отнинг ўзи йўқ.

Макарио қовурилган куркасининг баҳосини яхши биларди.

– Бўпти, ундай бўлса, шимимга қадалган бор тилла тангаларни узаман-да, куркангнинг ярим тушига алмашаман. Бунга нима дейсан?

– Бу пуллар мени бахтли қилолмайди. Агар мен танга пулларингдан лоақал биттасини сарф қиладиган бўлсам, мени ўша заҳоти турмага тиқишади ва ўғрилиқда айблаб, иқроқ бўлмагунимча қийноққа солишади. Сўнг мени ўғрига чиқариб, қўлимни кесишади. Худо менга тўртта қўлни раво қўрганида ҳам уни жон-жон деб олишга тайёр турган бир пайтимда, мендек қашшоқ дарахт кесувчи қандай қилиб икки қўлимнинг биридан жудо бўлишим мумкин?

Йигитнинг ваъдаларига ортиқ эътибор қилмай қўйган Макарио, курканинг танасидан оёқни ажратиб олиб, энди ейишга чоғланган ҳам эдики, нотаниш йигит яна гап қотди:

– Атрофга назар сол, ошна, шу ўрмоннинг эгаси менман. Мана шу дарахтзор ва теварак-атрофдаги ўрмоннинг бари менга қарашли. Агар сен куркангнинг атиги битта қанотини берсанг, шуларнинг барини сенга ҳадя этаман! Қара – шулар бари сеники бўлади!

– Бу гапингнинг турган-битгани ёлғон! Бу ўрмон сеники эмас, бу мурувватли Эгамнинг мулки, акс ҳолда мен бу ерларда ўтин кесиб, уни ҳамқишлоқларимга сотмаган бўлардим. Бу ўрмонни хоҳ совға қилиб бер, хоҳ бир бўлак курка гўштига алиш, бу билан мен барибир бойиб қолмайман, аввалгидек дарахт кесиб юравераман.

Нотаниш:

– Менга қара, азиз биродар!... – деди қайсарлик билан.

Шунда Макарио ғазаб билан унинг гапини бўлди:

– Яхшиси, сен менга қулоқ сол. На сен менга, на мен сенга биродар эмасмиз, бундан кейин ҳам бунақа бўлмаслигимиз аниқ. Уқдингми? Мени ўз ҳолимга қўй, тинчгина овқатланиб олай.

Олифта жирканч башарасини тириштирганча оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, сука-сука оқсаб-тўқсаб ўз йўлига равона бўлди.

Макарио унинг изидан қараб қоларкан, бош чайқаб тўнғиллади:

– Ўрмонда қўққисдан бундай махлуқ қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Ҳа, бу ёруғ оламда сени кимларга дучор қилмайди Эгам.

У нафасини ростлади-да, аввалгидай чап қўли билан курканинг тўшидан тутди ва ўнг қўли билан шартта семиз оёғидан бирини ушлади.

Макарионинг кўзи ярим дақиқа бурун олифта турган жойда яна бир жуфт оёққа тушди.

Эгаси гўё олис ва машаққатли йўлни босиб ўтгандек оёқларига тузиб, титилиб кетган пойабзални илиб олганди. Йўловчи кўринишдан роса толиққанди, оёғида ҳам базўр турарди.

Макарио кўзини ердан узди ва нигоҳи юзи сийрақроқ қорасоқол билан қопланган чехрага тушди. Нотанишнинг эғнида тўзган, бироқ тоза-озода рангсиз канопадан иштон, айнан шу матодан кўйлак бор эди, кўриниши эса атрофдаги қадимий американинг аҳолиси қандай бўлса, худди ўшандай эди.

Бироқ йўловчининг кўзлари гўё сеҳрлангандек қатъийлик билан Макарионинг нигоҳини ўзига тортарди ва бу ҳолдан тойган зиёратчининг юрагида замину самога бўлган ишқ-муҳаббат ва барча эзгуликлар қўшилиб кетгандек туюлар, бу кўзларда Макарио осмону фалакдаги Тангрининг худди ўзини бор улуғворлиги билан кузатиш мумкин бўлган, нақ увоққина олтин қуёшча мисол чақнаб турган дарчани кўраётгандек эди, гўё.

Узоқдан, бамисоли бақувват мусиқа созидан янграган куйдек, йўловчи жаранглаган овозда деди:

– Сенинг ўрнингда бўлганимда таомни сен билан жон-жон деб баҳам кўрган бўлардим, кел, сен ҳам, марҳаматли қўшни, мен билан баҳам кўр. Мен очман, ўлгудек очман. Қара, қимматли ошна, мени қандай узундан-узоқ йўл кутиб турибди. Марҳамат кўрсатиб, қўлингда ушлаб турган курканинг оёғини менга бер ва бу саховатинг учун мен сени дуо қилай. Менга фақат битта оёқни берсанг кифоя, қолгани ўзингга буюрсин. Шунинг ўзидан қорним тўйиб, дармонга кираман, негаки, отамнинг уйигача ҳали узоқ йўл босишим керак.

– Ҳой мусофир, – деди Макарио, – сен қачонлардир бўлган, бор ёки бу ёруғ оламга энди келадиганларнинг баридан раҳмдилроқсан.

Макарио бу гапларни гўё Биби Марямнинг сура-ти олдида туриб ибодат қилаётгандек айтди.

– Эй марҳаматли қўшни, сендан ёлвориб сўрайман, куркангнинг ярим тушини менга бер. Бус-бутун курка барибир сенга қўплик қилади.

– Ҳой мусофир! – дея гап бошлади тантанавор оҳангда Макарио, ҳеч қачон кўрмаган ва сира хабари ҳам йўқ, бироқ ер юзидаги улугларнинг улуғи деб ҳисоблаган руҳонийга мурожаат этгандек. – Ҳой ҳазратим ва пири муршидим! Сен чиндан ҳам бус-бутун қўшни агар каминага қўплик қилади деб ўйласанг, хафа бўлсанг ҳам сенга эътироз этишимга ижозат эт. Ҳой мухтарам зот, соф виждонимни ўртага қўйиб айтаманки, сен қаттиқ адашяпсан. Айтмоқчи бўлганларимни айтишим тўғри эмасдир, балки бу худди шаккокликка ўхшаб кетар, бироқ, шундай бўлса-да, жим туриш ҳам инсофдан бўлмайди, жаннат эшиклари энди мен учун ёпиқ бўлса-да, барибир жим туролмайман, бошқа иложим йўқ. Сенинг овозинг ва қарашларинг бор ҳақиқатни айтишга мени мажбур қиляпти. Шунини билиб қўйки, ҳурматли жаноб, мен бу курканинг ҳатто битта суякчасидан ҳам воз кечолмайман. Ўтиниб сўрайман, мени тушун. Бу курка менга бус-бутунича берилган ва ёлғиз менгагина аталган. Агар курканинг ақалли увоққина бўлагини кимгадир берадиган бўлсам, унда у бутун курка бўлмайди. Яхлит куркага эришишни бир умр орзу қилдим ва энди унга етишганимда, ундан истифода қилмасам, баридан воз кечиб, мени шундай дабдабали совға билан сийлаган меҳрибон, мени жондан севувчи хотинимнинг юрагини абгор қилган бўламан.

Ёлвораман, тақсир, ёлвораман, устоз, менинг ҳам туйғуларимни ҳисобга ол, илтижо қиламан, мендек фақир гуноҳкорга раҳминг келсин!

Йўловчи Макариога боқди-да, деди:

– Мен сени тушунаман, Макарио, оғайни, меҳрибон ҳамсоя, мен сени жуда яхши тушунаман. Дунё тургунча тур ва эсон-омонликда куркангни ейиш сенга насиб этсин. Энди мен борай, кулбанг ёнидан ута туриб, меҳрибон аёлингни ва фарзандларингни дуо қиламан. Яхши қол!

Макарио йўловчини кўздан йўқолгунча нигоҳлари билан кузатиб қўйди-да, бош чайқаганча деди:

– Унга жуда раҳмим келяпти. У жуда толиққан ва ўлгудек оч-наҳор эди. Ахир мен бошқача йўл тутолмасдим-да. Куркадан берсам хотинимни ҳақоратлаган бўлардим. Мен курканинг на оёғидан ва на кичик бир бўлакчасидан воз кеча оламан, кечадиган бўлсам, у бус-бутун курка бўлмайди...

Макарио қушнинг нимталанмаган танасидан ажратиб олиш учун шоша-пиша курканинг оёғига ёпишди ва ниҳоят зориқиб кутилган зиёфатни энди бошлай деб турганда, яна рўпарасида турган бир жуфт оёққа кўзи тушди. У оёқларига эски бичимдаги шиппак кийганди, буни кўрган Макарио уни бирон-бир чет элик бўлса керак деб ўйлади, негаки у илгарилари бундай пойабзални сира кўрмаганди.

Макарио ердан кўзини уздию қаршисида ақл бовар қилмас кўйга тушган башарани кўрди. Нотаниш узун асога таяниб турарди. Унинг юзи этдан холи, қўл ва оёқларининг эса устухонигина қолганди, холос. Кўзлари бош суякдаги таги кўринмас қора тешикка ўхшарди гўё. Оғзида икки қатор мустаҳкам тишлар кўзга ташланар, лаблар эса бор-йўқдай.

Ғалати дарбадарнинг эғнидаги ўнгиб кетган кўкимтир-оқ рўдапо на бир читга, на бир шойига

ва на бир жун матога ўхшарди. Яхшигина титиғи чиқиб кетган ва қисиб боғлаган белбоғда қимматбаҳо ёғочдан ясалган қирилиб-сирилган қути бир парча арғамчи бўлагига осилиб турарди, унда соатнинг аниқ-тиниқ чиқиллаши эшитиларди. Макариони довдиратиб қўйган нарса дастлаб белбоғдаги қути бўлди. Шунинг учун у янги меҳмонни дарров таниёлмади.

Шунда мусофир гап бошлади. Унинг овози таёқни таёққа ургандаги товушга ўхшарди:

– Мен шундай очманки, биродар, нарёқ-берёғи йўқ!

– Сен рост гапиряпсан, буни афт-ангоринг айтиб турибди, биродар, — қўшилди Макарио, мусофирнинг қўрқинчли турқидан хийла чўчиб.

– Модомики, буни ўз кўзинг билан кўриб турган экансан ва оч эканимга ҳам сира шубҳанг йўқ экан, унда қимматли биродар, ақалли куркангнинг оёқчасини мендан аямассан?

Мушкул аҳволда қолган Макарио дод-вой солиб бақирди ва чорасизликдан бошини чангаллади.

– Бўпти, майли, – деди у ниҳоят қайғудан титроқ босган овозда, – бизлар бандамиз, тақдир билан кимўзарга ўйнашни биз ожиз бандаларга ким қўйибди? Тақдирга тан берамиз. У охири мени ўз измига бўйсундирди. Бахт дегани энди менга кулиб боққандек эди, йўқ, афтидан, у менга аталмаганга ўхшайди. Бус-бутун куркага етишиш менга ҳеч қачон насиб этмаса керак! Ҳеч қачон, ҳеч қачон ва яна ҳеч қачон! Майли, бўлар иш бўлди, отахон, нима ҳам қилардик, қорнингни қаппайтиравер. Очлик нимаю оч қолиш нима, буни мендан сўрайвер! Бошга тушгани кўз кўрар; ўтир, Боёқиш, ўтир мен билан. Курканинг ярмиси сеники, ол, бемалол еявер, ош бўлсин!

– Ў, мана бу зўр гап бўлди, отахон! – деди Боёқиш Макарионинг рўпарасига ўтириб. Сўнг жағлари билан шундай бир ҳаракат қилдики, унинг ишшайётганини ҳам, кулаётганини ҳам билиб бўлмасди.

Мусофир юзини буриштириб, бу хатти-ҳаракати билан нима демоқчи бўлганини Макарио сира тушунмади – мусофир ё ўз миннатдорчилигини, ё бўлмаса, очлик балоси уни бирмунча вақт тарк этганидан хурсандлигини изҳор этмоқчи бўлди шекилли, деб ўйлади у.

– Мен ҳозир куркани тенг иккига бўламан, – деди Макарио. У жуда шошиларди, чунки яна биронта йўловчи чиқиб қолиб, насиба яна уч бўлакка бўлинишидан хавотирда эди. – Мен куркани бўлгунимча тескари ўгирилиб тур. Сўнг мен тақсимланган ҳар иккита нимтанинг ўртасига болтамни қўяман, кейин сен сопнинг ёнида турганини хоҳлайсанми, ё тигнинг олдидагисиними, менга айтасан. Шу усул билан иккига бўлсак адолатдан бўлади деб ўйлайман. Розимисан?

– Рози бўлганда қандоқ, отахон!

Улар шу зайилда базми жамшид қилишди. Бу зиёфат меҳмоннинг қулоққа ёқадиган сўзларию мезбоннинг қувноқ қулгисига бой зиёфат бўлди.

– Биласанми, отахон, – деди Макарио, – бошда мен унча ажабланмадим, кўринишдан сен мен ўйлаганимдан кўра бошқача одам экансан. Белбоғингда осилиб турган соатли қимматбаҳо ёғоч қутича мени чалғитди ва кимлигини дарров билиб олишимга ҳалақит қилди. Қумсоатингга нима бўлган ўзи? Ё бу сирми?

– Э, яна қанақа сир! Хоҳласанг, осиб олиб, бутун дунёга кўз-кўз қилиб чиқмайсанми! Мана нима бўлган, эшит. Бу Европа деганлари Хитойдан сўнг зап

сербарака жой бўлди, билолмай қолдим, қандайдир жанг авжига чиқди. Сенга шуни айтишим керакки, отахон, ҳазилакам ур-йиқит бўлмади. Мени обдан шундай таъзимимни беришдики, унча-мунча ёшнинг ҳам бунга бардоши етмасди. У ёқдан-бу ёққа чайқалиб, гангиб, ўзимни йўқотиб бутунлай ҳолдан тойдим. Шубҳасиз, шу билан ўзимдан кўз-қулоқ бўлишу ҳар турли удумларга риоя қилишнинг иложи бўлмади. Бунинг устига яна қандайдир ширакайф тўнка кўкқисдан рўпарадан гумбурлатиб ўққа тутса бўладими, британ тўпининг ўқи менинг қум соатимни сочиб ташлади, сочганда ҳам шундай сочдики, ҳатто кўпни кўрган уста темирчи Плутон ҳам уни эпакага келтиролмасди. Янгисини олмоқчи бўлиб роса қидирдим, бироқ нима қилайки, иложини қилолмадим, кўпдан бери ишлаб чиқарилмас экан, фақат безак учун камин тепасига қўйиладигани бор экан, лекин бу ҳам қуруқ гап, у ҳам ҳеч нимага ярамайди барибир. Музейдан ўғирламоқчи бўлгандим, бироқ, афсус, истисносиз барининг қалбакилиги маълум бўлди ва орасида биронта ҳам ҳақиқийси йўқ экан.

Шу ерга келганда у, юмшоқ оқ гўштдан бир бурдасини тишлаб узиб олди ва гўшт шу қадар хушхўр эдики, унинг тотли таъми мусофирни бир лаҳза бўлса-да, барини эсдан чиқаришга мажбур қилди. Сухбатни давом эттиришни кўнгли тусаганида эса:

– Ўзи нима деяётгандим, отахон? – деб сўрашига тўғри келди.

– Сен музейдан ўғирламоқчи бўлган қумсоат ва текширганда барининг қалбаки экани маълум бўлгани ҳақида сўзлаётгандинг.

– Тўғри! Мана, демак, мен шу тарзда ўз қумсоатимдан айрилганман. Бироқ бундан сўнг кўп ўтмай

бир дарғани йўқлаб хузурига бордим. У кемасининг бўлмасида эди, кема эса тобора сувга чуқиб борарди. Жамоанинг бари қайиқларга жойлашиб олганди, лекин уша дарға деганлари чинакам британ дарғаларининг белгиланган тартибига мувофиқ кемани тарк этишни рад этди ва кемада қолишга қарор қилди. Шу боис ҳам у ўз бўлмасида серрайганча кема журнализига белги қўярди. Мен ёнида ҳозир бўлганимда эса у жилмайди-да: “Хўш, мухтарам Қотма, демак, бу дунёдаги ризқ-насибамиз адоғига етди, шекилли?” – деди. “Худди шундай, дарға”, – дедим уни тасдиқлаб ва сўнгги дамларининг юкини енгиллатиш ва қавм-қариндошларидан, яқинларидан абадий жудо бўлиш аламини юмшатиш мақсадида кулиб қўйдим. У ўз хронометрига кўз ташлади-да: “Кема журнализига сўнгги қайдларни киритишга улгуришим учун менга марҳамат кўрсатиб, яна ўн беш дақиқа ҳадя этолмайсизми?” – деди. “Розиман”, – деб жавоб бердим мен. Уддасидан чиқиб, вафотининг аниқ вақтини ёзиб қўя олишидан у жуда мамнун бўлди. Дарғанинг бахтиёр чехрасини кўриб ундан: “Менга қаранг, жаноб дарға, хронометрингизни менга қолдиролмайсизми? Фаҳмлашимча, энди унинг сизга кераги йўқ, сиз ахир ундан бошқа фойдалана олмайсиз, негаки, бундан буён сузишингизга тўғри келадиган анави кеманинг бортида вақт деганларининг умуман ғамини емасангиз ҳам бўлади. Устига-устак, жаноб дарға, менинг қумсоатимга британ тўпининг ўқи шикаст етказди ва агар бунинг эвазига мен Англияда ишлаб чиқарилган хронометрни қўлга киритсам, бу адолатдан бўлурди”, – дедим.

– Нима? Демак, бу кулгили митти соатча хронометр деб аталадимиз? Буни эшитмаган эканман, – деди унинг сўзини бўлиб Макарио.

– Ҳа, – бош ирғади Қотма, тиржайганча ўттиз икки тишини барабар кўрсатиб, – у шундай аталади. Бироқ хронометрнинг фарқи шундаки, у чўнтаки, осма ёки минорага ўрнатиладиган бошқа соатларга қараганда вақтни юз маротаба аниқ кўрсата олади. Қани, отахон, демак, қаерда тўхтаган эдик?

– Дарғадан сенга қолдиришини сўраётганинг хро...

– ...нометр. Тўғри. Ўзининг чиройли хронометрини менга қолдиришини сўраганимда, у: “Буни сиз тўғри ўйлабсиз, негаки, тақдир тақозоси билан хронометр шахсан менга тегишли ва мен уни ўз хоҳишимга кўра тасарруф этмоққа ҳақлиман. Ҳаётдаги ишончли бу ҳамроҳим мабодо, компаниянинг мулки бўлганда эди, унда сизни рад этишга мажбур бўлардим. Ҳозирги унутилмас рейсдан бир неча кун бурун мен уни созладим ва сизни ишонтириб айтаманки, жаноб Қотма, алмисоқдан қолган қандайдир қумсоатдан кўра бу буюмга юз чандон кўпроқ суянишингиз мумкин”. Шундай қилиб, хронометр менга тегди, кемани эса шу орада гирдоб ўз домига тортиб кетди. Ўтмишдан қолган ғарибона қумсоатнинг ўрнига ҳозир ёнимда юрган хронометрга мен ана шу тарзда эғалик қила бошладим. Сенга шуни айтмоқчиманки, отахон, бу Англия ўйинчоги шундай бинойидек ишлайдики, мен ундан фойдалана бошлаганимдан бери ҳали бирон марта ҳам хато қилганим йўқ. Бир вақтлар шундай ҳам бўлгандики, шамшир ёки сиртмоқ олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлса-да, одам кўзимни шамғалатиб мендан қочиб ҳам қоларди. Бу жуда ёмон, ишон. Бундай воқеа юз берадиган бўлса, унда менинг обрўйим бир пул бўлади. Бироқ энди бундай бўлмайди.

Шу тахлит улар худди узоқ айрилиқдан сўнг учрашиб қолган дўстлардек вайсашиб, ҳар турли

галати воқеаларни бир-бирларига сўзлаб бериб, бир-бирлари билан ҳазил-хузул, вақтичоғлик қилиб, кулишиб ўтиришди.

Қотмага қовурилган курка азбаройи ёқиб тушганидан, у қушни иштиёқ билан шу қадар маромига етказиб тайёрлаган аёлга мақтовларни ошириб-тошириб аямасдан инъом этди. Базми жамшидга берилиб кетган Қотма, баъзан шу қадар ҳаддидан ошиб кетардики, ҳатто ўзининг кимлигини ҳам унутиб қўярди ва мавжуд бўлмаган лабларини тили билан ялашга уринарди. Бироқ Макарио унинг бужмайган башараси айтиб турган чинакам аломатлардан меҳмоннинг мамнун ва бахтиёрлигини кўриб ва англаб турарди.

– Бугун мен келгунимга қадар бошқа яна иккита меҳмоннинг бўлганди, тўғрими? – деди Қотма суҳбат авжида.

– Тўғри. Буни сен қаёқдан биласан, отахон?

– Мен бу дунёда юз бераётган барча ишлардан деярли хабардорман. Шуни билиб қўйки, мен маълум даражада махфий полициянинг раҳбариман, бунинг эгаси эса... Мен шама қилаётган хўжайинни сен биласан, унинг исмини айтиш менга ярашмайди... Келиб-кетган меҳмонларинг ким эканини сен биласанми?

– Бўлмасам-чи? Сен мени ким деб ўйлаяпсан?

Оч қолган – айтгандай, энди у сира оч эмасди – оддий қилиб айтганда, Қотма деди:

– Биринчи келгани биз одатда жин, иблис деб атайдиганимиз эди.

– Мен ўша заҳоти пайқагандим. Бу нусха менинг қошимда қандай қиёфада ҳозир бўлмасин, мен уни ҳар қанақасига бўлса-да, танийман. У бугун ясашиб-тусаниб йигит ролини ўйнамоқчи бўлди, бироқ

қилиқлари билан ўзини ошқор қилиб қўйди. Шунда мен дарров унинг сохта йигитча эканини тушундим.

– Унинг ким эканини шу заҳоти билган экансан, нега унга куркангнинг бир бўлагини бермадинг? У энди сенга анча ташвиш орттириши мумкин.

– Бу унинг қўлидан келмайди, ошна. Мен унинг барча кирдикорларидан бохабарман, йўқ, унинг менга ҳадди етмайди. Нега энди мен қовурилган куркамни у билан баҳам қўришим керак экан? Пули азбаройи чўнтагига сиғмай тўлиб-тошиб кетганидан уни иштонларига тикиб, ёпиштириб олган бўлса. Агар у хоҳласа, яқин орадаги майхонага кириб, беш-олтита қовурилган жўжани ва яна қўшимчасига бир жуфт қовурилган серсут чўққани ҳам сотиб олишга қурби етади. У куркамнинг на оёғига ва на қанотига зор.

– Бироқ иккинчи меҳмонинг... Қани, мен кимни назарда тутаётганимни яхши билсанг керак... Уни танидингми?

– Бўлмасам-чи, ахир мен насронийман-ку? Мен уни қаерда кўрсам ҳам танийман. Бироқ, таассуфлар бўлсинки, мен унинг роса ҳориганини ва ўлғудай оч эканини кўра-била туриб, арзимас аллақандай бўлакни ундан қизғанганим жуда чакки бўлди. Мен ношуд-нотавон нима каромат кўрсатибманки, ҳукмдоримизнинг ўғлидек одам билан қовурилган куркамни бўлишиш бахтига муяссар бўлсам? Бу оламдаги бор куркалару бу оламнинг ўзи ҳам унинг отасига тегишли, негаки, буларнинг барини У яратган. Ўғлининг қўнғли қанча куркани тусаса, шунча куркани олиб беришга отасининг қурби етади. Устига-устак: бир кун оқшом Тангрининг бандаси бор-йўқ иккита балиғу бешта нон билан беш мингта очнинг қорнини тўйғазишга муяссар бўлган, одам-

лар очликни қондириб бўлганларидан сўнг ҳам нон бўлакларига тўла бир нечта дюжина қутича қолган... Лекин, ошна, фикримча, уни чиндан ҳам очлик ҳисси безовта қилганида, у ўтнинг ўзи билан ҳам тўйиб қўя қолган бўларди. Мана яна нима: сувни шаробга айлантиришнинг уддасидан чиққан одамга, увовқина оёқчалари билан ерда ўрмалаб юрган миттигина қумурсқани, фақат бу дунёдагина мавжуд бўлган, унга қўшиладиган барча қайлаю керакли зираворлар билан хушхўр қилиб аъло даражада тайёрланган қовурдоқни куркага айлантириш нима деган гап? Мен кимман, мен қарамоғида ўн битта зумрашаси бўлган бир ўтинчи бўлсам, менинг нопок қўлларим билан булганган курка оёғини улуғимизни ҳақоратлаб, унга тортиқ қилишга наҳот менга изн берилган бўлса? Мен ўз динимизнинг садоқатли ўғлиман ва ҳокимиятни ҳам, Яратганнинг буюклигини ҳам эъзозлайман.

– Жуда соз, отахон, сен ҳақиқий файласуф экансан. Сени ишонтириб айтаманки, ақл-идроқда сен бекаму кўст яралгансан ва айниқса, шахсий мол-мулкни кўз қорачиғидай асраш масаласида миянг янада зўрроқ ишларкан.

– Умрим бино бўлиб ҳали бундай гапни эшитмагандим, отахон, – деди уялганча Макарио, камтарона.

– Мени бирдан-бир ҳайратда қолдирадигани бу, фақат сенинг менга бўлган муносабатинг, отахон. – Меҳмон сўзлай туриб, ўзининг бақувват тишлари билан курка қанотининг сўнгги бўлагини ғажирди. – Бундан сал аввал иссиққина куркангнинг озгина улушини Шайтонга ва Худога раво кўрмаган сендек одам, бор барака қилиб нечук унинг ярмини менга инъом этдинг?

– Э-воҳ, – хитоб қилди Макарио, ўз нидосига яна икки ҳисса ортиқ ишонч ҳосил қилишни кўзлаб кўк-

ка қўл очиб илтижо қиларкан. – Э-воҳ, – такрорлади у, – сен бошқа гап, отахон, бутунлай бошқа! Авваламбор, мен инсонман ва очлик нима эканини ўз бошимдан кечирганман ва у жонингни қандай суғуриб олишини ҳам яхши биламан. Ва мен бирон нима бунёд этиш ёки муъжиза яратиш учун ҳукмрон бўлганинг ҳеч қулогимга чалинмаган. Сен бор-йўғи олий ҳакамнинг итоатли қулисан, холос. Емак сотиб олишга ақчанг ҳам йўқ, акс ҳолда кафанингда кисса бўлган бўлурди. Гарчи хотиним буни катта меҳр билан тайёрлаган бўлса-да, чиндан ҳам мен хоҳишимга қарши чиқиб, куркадан бир бўлак ҳам унга бермадим. Хотиним роса ориқ, бироқ у қанчалик ориқ бўлмасин, барибир сен ундан беш баттар ориқ кўринасан. Тинмай “бер-бер” деб турган болаларимни минг машаққат билан бўлса-да, иссиққина бир бўлаги билан ҳам сийламадим. Улар қанчалик оч-наҳор бўлишмасин, сен улардан ҳам юз чандон очроқ кўринасан.

– Гапир-а, гапир, отахон! – хириллаб қўйди меҳмон мавжуд бўлмаган лабларидаги табассумни очик-ойдин чўзишга уринганча. – Дилингдаги бор ҳақиқатни тукиб-соявер, тишимни-тишимга қўйиб эшитавераман! Сен ҳозир ўз изоҳингни “авваламбор” деган сўз билан бошладинг, қани, энди у ёғини давом эттир-да, сенга иккинчидан нима таъсир қилганини менга сўзлаб бер.

– Бўпти, сен айтганча бўла қолсин, – деди Макарио бир тўхтамга келиб, – барига икрорман, очигини айтганда, отахон, курканинг оёгидан бўлса-да, маза қилиб татиб кўриш энди даргумонлигини менга рўпара келганинг заҳотиёқ тушуниб етгандим. Бус-бутун куркани-чи, гапирмай қўя қолай. Шунда мен: “У ҳозирча бор экан, мен ҳам нафсимни тийиб

утирмайман”, – дедим ўзимча ва куркани тенг иккига бўлдим.

Меҳмон ўзининг тубсиз кўз чаноқлари билан унга ўта ҳайратланиб тикилди ва сўнг гўё бўм-бўш идишни ноғора қилиб чалгандек чин кўнгилдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Момақалдироқ Худосининг номи билан қасам ичиб айтаманки, отахон, сен ақлли ва жуда устомон экансан! Кўпдан бери мен шундай фаҳм-фаросатли ва ҳозиржавоб одамни учратмагандим. Каминанинг ҳам ғарибона ҳаётига биров бўлса-да, хурсандчилик олиб кирувчи арзимас бир вазифани сенга лойиқ кўрдим ва сен бунга муносибсан. Биласанми, отахон, баъзан мен одамлар билан бажонидил ҳеч кимга зиёни тегмайдиган, вақтимни кўнгилхушликда ўтказиб, бажараётган вазифамнинг унчалик ҳам фойдасиз эмас деб ҳисоблашимга имкон берувчи бир ҳазил ўйин ўйнайман, агар сен мен нимани назарда тутаётганимни англаётган бўлсанг.

– Ўйлашимча, фаҳмлаяпман.

– Менга шунча марҳамат кўрсатиб, зиёфатингни мен билан баҳам кўрганинг учун қандай мукофотга муносиб эканингни биласанми?

– Бу яна нима бўлди экан, ошна? Нима қилмоқчисан ўзи? О, агар хизмат бўлмаса, барака топкур, мени ўзингизга ёрдамчи этиб тайинламасангиз! Майли, барига розиман, фақат ёрдамчингиз бўлишга эмас!

– Ёрдамчига муҳтожлигим йўқ, ҳеч қачон бўлган ҳам эмас. Гап бутунлай бошқа масала устида кетяпти. Мен сени шифокорларнинг шифокори қилмоқчиман. Менга ҳамиша қабих найранглар ишлатиш пайида бўлган ва фириб бериш осон дея хомхаёлга борган барча билагон тиббиётчиларни

доғда қолдирасан. Демак, гап бундай, агар шифокор бўлсанг, ваъда бериб айтаманки, куркангга кетган харажат миллион карра ортиғи билан ўзингга қайтиб келади.

Шу сўзларни айта туриб у ўрнидан турди ва ўн қадам босди-да, жазирамадан қақраб қолган қумли ерга боқди ва кичқирганча ўтинчини чақирди:

– Отахон, сувдонингни бу ёққа олиб кел. Мен аллақандай галати ошқовоққа ўхшаб кетадиган анави сувдонни назарда тутяпман. Аввал ундаги бор сувни тўкиб ташла.

Макарио унга итоат этди-да, меҳмони билан ёнма-ён турди. Қўноқ қуриб қолган ерга етти маротаба туфлади. Улар бироз кутишди ва қумдан тўсатдан тоза шаффоф сув отилиб чиқа бошлади.

– Энди сувдонингни менга узат-чи! – амр қилди Қотма.

У эндигина пайдо бўлган қўлча олдида тиз чўкди-да, бир қўли билан Макарионинг сувдонига ҳовучлаб сув қуйишга тушиб кетди. Роппа-роса бир литр суюқлик кетадиган бу сувдоннинг оғзи тор бўлгани учун бу юмуш анча узоқ давом этди.

Сувдон тўлиши билан ҳали қўлча ёнида тиз чўкиб турган Қотма қўли билан ерга бир урганди, сув гўё бўлмагандек бўлди-қолди.

– Отахон, кел, ўша ўзимиз аввал зиёфат қилган еримизда яна бир ўтирайлик, – деди қўноқ.

Улар яна ерга ўтиришди. Қотма Макариога сувдонни узатди-да, гапнинг пўсткалласини айтди:

– Сувдондаги суюқлик сени замонамизнинг энг донғи кетган ҳақимиға айлантиради. Бу сувнинг бир томчиси ҳар қандай дарднинг давоси бўлади ва “ҳар қандай дард” деганимда мен ўлимга олиб борувчи барча хасталикларни назарда тутяпман. Сен яхши-

лаб эшит ва қулоғингга қуйиб ол, отахон: дорининг сўнги томчиси тугаши биланоқ сендаги шифобахш куч ҳам ўз ниҳоясига етади.

Ақлини шоширувчи бу таклифдан Макарио сира эсанкирамади. Бундан фойдалансинми, ё йўқ, у иккиланарди...

– Бу совғани сендан қабул қилайми, ё йўқми, билмадим, отахон. Биласанми, ҳозиргача мен ўзимни бахтиёр ҳисоблаганман. Тўғри, мен доим тишимни тишимга қўйиб очликка чидадим, Худонинг берган куни ўлгудек ҳорирдим ва қачонлардир яхшироқ яшашдан умидимни узиб, зўриқиб, машаққат чекиб умр ўтказардим. Бироқ мен ва мен каби бундай чор-ночорларга буюргани шу, шекилли. Чамаси бундай ҳаёт бизнинг тақдиримизга битилган. Чидайвериб, бундай турмушга кўникиб кетганмиз ва ўзимизча бахтиёрмиз, негаки, энг ёмон ва бутунлай иложсиздек туюлган толеимиздан ҳам қандайдир ёруғлик топишга интиламиз. Биласанми, бугун сен билан ўзимизни меҳмон қилган ўша курка орзуларимнинг поёни эди. Ҳаётдан яна бирон-бир муҳимроқ ниманидир сўраш ҳеч қачон ҳаёлимга келмаган. Менинг фикру ёдим барча хушхўр зираворлар қўшиб тайёрланган куркани ёлғиз ўзим учун қўлга киритишу уни оч қорнимга тушаётган ҳар бир бўлагининг ҳисобини олиб турган болаларим кўздан нарида бус-бутунлигича ейиш бўлган, холос.

– Кўряпсан-ку, қўлингдан барибир ҳеч нима келмади. Куркани бус-бутун ейиш яна сенга буюрмади, негаки ярмини менга бердинг. Демак, орзуларинг яна ўша-ўша армонлигича қолаверди.

– Сен, отахон, бунда айбим йўқлигини ҳаммадан яхши биласан...

– Бу тўғри: нима бўлганда ҳам, шу бугунгача сенинг ягона орзунг ушалмади. Агар янги куркага эришиш фикридан қайтмаган бўлсанг ва яна уч йил кутиб умр ўтказмай десанг, унда орзунг рўёбга чиқиши учун одамларни даволаб пул топишдан ўзга иложинг йўқ.

– Бу ҳақда ҳеч ўйламаган эканман. Мен чиндан ҳам бус-бутун куркани қўлга киритишим зарур, у ёғига нима бўлса булар. Агар бунга муяссар бўлолмасам, унда бу дунёдан бахтсизларнинг бахтсизи бўлиб ўтаман.

– Ҳўш, энди қулоқ сол, отахон, видолашиш олди-дан мен сенга баъзи бир жуда муҳим гапларни айтишим зарур. Ҳар сафар сени бемор ёнига чақиришганда, сен унинг тепасида мен турганимни кўрасан. Мен сендан бошқа ҳеч кимга кўринмайман. Энди гапларимни қулогингга қуйиб ол. Агар сен мени беморнинг оёқ тарафида турганимни кўрсанг, бир томчи янги тоза сув – доридан қулоқли пиёлагами, ё шиша идишгами қуйгин-да, уни беморга ичир. Икки кун ўтар-ўтмай, қарабсанки, у яна оёққа туриб барини кўрмагандай бўлиб кетади. Агар мени касалнинг бош томонида турганимни кўрсанг, унда, яхшиси, даволашни бўйнингга олма. Негаки, мен ёстик томонда турган бўлсаму беморни мендан тортиб олиш учун даволашни зиммангга сен оласанми, ё атрофда елиб-югуриб юрган бошқа бир тўда шифокорлар ўз зиммасига оладими, бунинг аҳамияти йўқ, у барибир ўлади. Бундай вазиятга дуч келсанг, яхшиси мен берган дорини бекорга исроф қилма, барибир бефойда ва сен учун бунинг турган-битгани зиён. Шуни ёдда сақлагинки, бу ғамхонани ким қачон тарк этишию худди шу пайт у хоҳ ёш бўлсин, хоҳ ёши улуг, ё бир нобакор, бу ёруғ оламда ким

ўз умрини яшайвериши мумкинлиги бари Тангри томонидан белгилаб қўйилган ва бу ёлғиз менгагина аён. Хато қилишдан, ё бўлмаса йўлдан озишдан тоймайдиган одам боласига ўз ихтиёримдагиларни ишониб топширишга менга изн берилмаган. Шу боис сўнгги сўзни мен айтаман ва сен менинг хоҳиш-иродамга ҳеч бир эътирозсиз итоат этасан.

– Мен буни ёдда сақлайман, жаноб! – ваъда берди Макарио.

– Жуда соз. Энди, отахон, хайр-хўшлашиш фурсати етди. Зиёфат эса қойилмақом бўлди, агар бу сўз сенга таниш бўлганда, мен ҳатто буни ғайриодатий деган ҳам бўлардим. Очиги, сен билан улфатчилигимиз ажойиб ўтди. Мен билан баҳам кўрган таоминг кучимга яна юз йил етадиган куч қўшди. Агар мен яна бугунгидек ҳолдан тояр даражада оч қолсам, Яратган менга яна сендек меҳмоннавоз мезбон ато этсин. Бағоят миннатдорман, отахон! Минг карра ташаккур! Кўришгунча!

– Кўришгунча, отахон! – жавоб қилди Макарио, хаёлида гўё аллақандай машаққатли уйқудан уйғонгандек.

Сўнг у сира ухламаганига ўша заҳоти амин бўлди.

Ерда, қўноқ иштаҳа билан еб, обдан кемириб тозалаган яримта курканинг суяклари ётарди. У беихтиёр ерга ташланган бир неча гўшт бўлакларини йиғиштириб олди-да, увол бўлмасин дея уни оғзига солди ва бугун бошдан кечиришга муяссар бўлган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа-ҳодисаларга бой саргузаштларни ёдга олишга ва уни тушуниб етишга уриниб кўрди.

Кўп ўтмай у толиқди ва зиёфатдан кейинги қолган кунни ухлаб ўтказишни кўнглига туккан ўтинчи ерга чўзилди.

Шу кеч у уйига бир дона ҳам утин олиб келмади.

Эртага қориннинг ғамида уйга бирон нима сотиб олиш учун Макарионинг хотинида сарик чақа ҳам қолмаганди. Шунга ҳам қарамай, хотин эрининг беғамлигини ҳатто ишора билан бўлса-да, унинг юзига солмади. Аёлни шодликнинг аллақандай улкан ғайришуррий ҳисси чулғаб олганди. Негаки, аёл куннинг ярмида ўз кулбаси остонасида болаларининг кийимини юваётиб, унга келиб урилган куёшнинг олтинранг шуъласи сира куёшдан таралмагандек эди гўё ва шу заҳоти худди муъжизакор органнинг йироқ-йироқлардан эшитила бошлаган ёқимли куйи унинг юрагига келиб қуйила бошлаганди. Шу лаҳзадан бошлабоқ у кунни ўзини ер юзида парвоз қилаётгандек, кўнгли ҳузур-ҳаловатга тўлиб-тошган туйғуни ҳис этиб ўтказди. Бироқ аёл бу туйғуни гўё юрагидаги бойликдек эридан сир тутди. У кечки овқатни тортаётганида ҳам олтинранг нурнинг шуъласи унинг чехрасида ҳамон сақланиб турарди. Ҳатто хотинининг юзига кутилмаганда боққан эри ҳам ундаги аллақандай ғайриоддий ўзгаришни пайқаганди. Бироқ ўз қайғу-ташвишларидан ортмаган эри унга индамай қўя қолди.

Макарио кундузи ўрмонда мириқиб дам олгани боис бу оқшом у одатдагидан кечроқ ётишга чоғланар экан, хотини унинг қулоғига:

– Ҳўш, эржон, курка нима бўлди? – деди пичирлаб.

– Ҳа, ҳе йўқ-бе йўқ нега куркага қизиқиб қолдинг? Нима, куркангда бир нима бўлиши керакми-ди? Нима демоқчисан? Нима бўларди, қандай бўлиши керак бўлса, шундай бўлди... курка еб мазахўрак бўлмаган оғзим билан сенга айтадиган гапим шу.

Макарио меҳмони тўғрисида лом-мим демади.

Эртаси куни бутун оила оч қолди. Болаларнинг насибасидан сиқиб, Макариога бўлиб бериладиган нонушта ҳамиша ҳам анча-мунча оз бўларди, бироқ тушликка ва кечликка ҳеч бўлмаганда бирон насиба қолдириш учун ҳозирги нонушта улушидан ҳам уй бекаси янада қисқартиришига тўғри келди.

Макарио қалампир солинган хушхўр қора ловиядан бир неча қошиқ еди. Барига ўзи айбдор эканини яхши тушунгани учун ҳам шикоят қилмади. Макарио болта ва арғамчини олди-да, вазмин одимлаганча тонгги туманга пешвоз чикди. Одатдаги оғир меҳнатни давом эттириш учун йўлга отланганида, дори-дармону барча шунга ўхшаш можаролар билан боғлиқ воқеалар унинг хаёлидан бутунлай кўтарилгандек эди, гўё.

Бироқ эндигина бир неча қадамни аранг босар-босмай хотини қичқирганча уни тўхтатди:

– Азизим, сувдонни унутибсан-ку!

Бу сўзлар у бошдан кечирган саргузаштларни кўз ўнгида жонлантириб юборди ва кечаги ошна фақат нафси қонган инсон тасаввурида яратилган эртақлардаги қўланка бўлмаганини ёдига солди.

– У ҳали тўла. – Хотини сувдонни силкитди. – Ичидаги сувни тўкиб, янгилаб берайми? – сўради хотини маккажўхори сўтасидан кесиб олинган пўкакни бурай туриб.

– Ҳа, у ҳали тўла экан, – тасдиқлади Макарио, хотини шошилиб қимматбаҳо суюқликни тўкиб ташлашидан кўрқиб. – Мен кеча сувни ўрмондаги ариқдан ичгандим. Сувдонни бу ёққа бер, уни янгилашга ҳожат йўқ.

Қишлоқнинг энг чеккасида жойлашган кулбасидан анча узоқлашгач, Макарио ўрмонга кетаверишдаги чакалакзорнинг қуюқ буталари орасида чуқур қазиди-да, сувдонни ўша ерга кўмиб қўйди.

Шу куни оқшом Макарио уйига бир орқа ўтинни кўтариб кириб келди. Яқин ойлар ичида у бундай куруқ ва қаттиқ ўтин териб келмаганди. Дастлабки харидорнинг ўзиёқ бу ўтин учун тўнғич ўғилларига шартта иккита кумуш чақани чиқариб берди – бу арзимас пул эса уларнинг кўзига бир дунё бойликдек кўриниб кетди, гўё.

Эртаси куни Макарио одатдагидек ишга отланди.

Тунов куни оқшом Макарио йўл-йўлакай хотинига сувдоннинг устига катта ёғоч қулаб, унинг паचाғини чиқариб юборганини нолиб айтганди. Булар иш бўлди, хотини унинг ўрнига бошқасини олиб берса, осмон узилиб ерга тушмас, ахир бунақаси уйларида қалашиб ётибди. Бу сувдон улар учун ҳеч гап эмасди: тўнғич ўғиллари чангалзордан яна ёввойи ошқовоқни топиб келаверишади.

Кечқурун у яна ўшанча ўтинни судраб келди, бироқ бу сафар Макарио оиласи бошига оғир мусибат тушгани устидан чиқди. Йиғидан кўзлари қизариб кетган хотини унга пешвоз чиқди ва ўзини эрининг бағрига отганча:

– Регино ўлим тўшагида ётибди! Шўрпешона бизнинг кичкинтой Региномизнинг умридан санокли дақиқалар қолди! – деди жон ҳолатда қичқириб.

Юракни ўртовчи бу нолалардан у қалт-қалт титрар, кўзларидан эса шовуллаб ёш қуйиларди.

Улар кўникиб кетган маъюс оилавий муҳитда агар бирон нима издан чиққудек бўлса, Макарио хотинига ҳамиша шундай маъносиз тикилиб тураверарди. Хотини бир чеккага ўтганди, Макарио кулбасига қўшнилар тўпланганини кўрди. Улар оёқ-қўлларини кериб ётган боланинг тўшаги атрофида бирлари тик турар, бошқалари эса чўкка тушиб ўтирарди.

Макарионинг оиласи қишлоқдаги энг ночор оила саналса-да, ўзининг мулойим табиати, ҳалоллиги

ва камтар-камсуқумлиги билан қишлоқ аҳлининг меҳрини қозонганди. Маълумки, камбағаллик – фойда келтирувчи бирдан-бир мурувват: бадавлатларга қараганда, камбағалларни ҳамма ерда кўпроқ ардоқлашади.

Қўшничилик меҳр-оқибати жўш уриб, Макарионинг фарзанди бетоблигидан хабар топган аёллар топган-тутган ҳар турли ўтлару томирлар борми, дарахт пўстлоғи борми, хуллас, бундай кезларда америка ҳиндулари одатига кўра қандай муолажа маъқул кўрилса, барини ташиб келтиришди. Бу қишлоқда на шифокор ва на дорихона бор эди ва шу важдан бу ерларда гўрковнинг ҳам йўқ бўлиши эҳтимолдан холи эмасди.

Болани кутқариб қолиш учун ҳар бир аёл ўз шифобахш дори-дармони билан ҳозир бўлди ва ҳар бири ўз шахсий даволаш усулини таклиф этди. Мана бир неча соат бўлибдики, болани ҳар турли мураккаб даволаш ҳаракатлари билан қийнашарди ва гоҳ илдизлардан, гоҳ гиёҳлардан, гоҳ чўл бақасининг куйдирилган кули билан қориштирилиб толқон қилинган илон пўстидан тайёрланган суюқликни ичишга уни мажбурлашарди.

– У кўп овқат еб қўйибди, – дея ишонтирмоқчи бўлди аёллардан бири бола ётган ерга келган отасига.

– Боланинг ичаклари буралиб қолган, бундай пайтда унга ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмайди, – деди узил-кесил яна бошқаси.

– Бўлмаган гап, онажониси, жуда бўлмаган гапда! – онт ичди учинчиси. – Ҳамма гап шундаки, унинг ошқозони заҳарланган, кичкинтойнинг қуни битган.

– Биз қўлимиздан келганини қилдик, – гапга аралашди яна бир аёл, – бола бир соатга ё етади, ё етмайди. Менинг болам ҳам шу аҳволда жон берган.

Бу менинг бошимдан ўтган. Жажжигина фариштанинг, боёқиш миттигина фариштанинг кўкларга парвоз қилиш учун қанот чиқараётганини унинг юзлари айтиб турибди.

Бир гала чурвақаларининг ичида, ўзининг маъсума кулишларию увоққина кўриниши билан отасининг кўнглини ийитиб юборувчи бу кичкинтойни Макарио ҳаммасидан кўра кўпроқ яхши кўрарди ва қўшни хотинларнинг бўлар-бўлмас вақиллашларига парво қилмай, ўғлидан кўзини узмай ўтирарди. Баъзида заифгина кичкинтой эмаклаб тиззасига чиқиб, юзларини қўлчалари билан пайпаслаши отага ҳузур бағишларди. Ёнингда ҳар доим ўзининг беғубор кулгиларию жажжи қўлчалари билан юзларингни сийпалаётган ожиз жонни ҳис этиш Макариога яшашдан ягона бахтдек, бирдан-бир мақсаддек бўлиб туюлаверарди.

Ҳа, болакайнинг ўлим тушагида эканига энди шубҳа қолмаганди. Аёллардан бири кичкинтойнинг оғзига тутиб турган ойнача ҳам деярли хиралашмаганди ва бемор кўксига қулоғини босган қўшнилardan бири ҳам унинг юрак тепишини аранг эшитарди.

Гангиб қолган Макарио кичкинтойидан кўзини узмасди. Яқинроқ бориб унинг юзларига қўлини теккизсамикан ё аввалгидай ўз жойида тураверсинми? Хотинига ва бошқа ён-атрофидаги аёлларга бирон нима десамикан ё укасининг бошига тушган кўргиликларда ўзини гуноҳкор ҳис этиб, хурккан тўдадек бир бурчакка тикилиб ғуж бўлиб олган болалар билан гурунглашсамикан? Болалар ҳалигача кечкиликни ейишмаган, томоқларидан овқат ҳам ўтмаётганди, чунки оналарининг аҳволи оғир эди.

Макарио аста ўтирилди-да, дадил эшик томонга юрди ва тун қоронғисига ташқарига чиқди.

Кун бўйи оғир меҳнатдан тинкаси қуриб, дармонсизликдан қалтираб бораётган Макарио уйдаги қий-чув, тўполондан ўзини қўярга жой тополмай битта-битта қадам босди-да, ўрмон томонга йўл олди. Ахир ўрмон Макарионинг кўнгли тусаган ва шу ердан топишига ишонган айнан ўша осойишталикни унга беминнат тақдим этувчи ўз ерига, ўз паноҳига айланиб қолганди. Сувдонни кўмиб қўйган ерига етиб келгач, бирдан таққа тўхтади ва буталарни икки тарафга суриб орасини очди-да, сувдонни қўлига олганча мисли кўрилмаган илдамлик билан яна орқага шамолдай елиб кетди.

– Қани, менга идишдаги тоза сувдан бер-чи, – эшикни ланг очиб буюрди у хотинига баланд, таъсирли овозда.

Ҳали умидлари сўнмаган аёл ўша заҳоти шоша-пиша сопол идишда эрига сув узатди.

– Энди, аёллар, ҳаммангиз бу ердан чиқинг ва мени ўғлим билан ёлғиз қолдиринг! Ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун яна қандай тадбир қўллаш лозимлигини ўйлаб кўришим керак.

– Бари бефойда, Макарио. Унинг санокли дақиқалари қолганини ўзинг кўриб турибсан-ку! Яхшиси, тиз чўк-да, биз билан Яратгандан ўғлингни жойи жаннатда бўлишини сўра. У сўнгги нафасини оляпти! – дея эътироз қилди аёллардан бири.

– Мен нима дедим сизларга ё эшитмадингизми? Айтганимни қилинг! Кетинглар бу ердан! – ўшқирди у гап талашаётган хотинларни чўрт кесиб.

Эрининг бундай ҳукмфармо авзойини сира кўрмаган хотини кўрқиб кетганидан қўшниларни қувиб солди.

Аёллар чиқиб кетди. Макарио кўзини ердан уздию рўпарасида ўзининг устухон зиёфатдош ул-

фатини кўрди. Жон бераётган болакайнинг тушаги уларни ажратиб турарди. Меҳмон кўз ўрнини босувчи чуқур қора туйнукларини уй эгасига қаратди-да, гўё ҳали ўз қарорини чамалаётгандек, пайсалга солиб, ўрнидан қўзғалди ва ўтинчи янги сув солинган идишга доридан дурустгина қуйгунга қадар тушакнинг оёқ томонига келиб жилмайиб туриб олди. Қўноқнинг таъна аралаш бош чайқаётганини кўрган Макарионинг бирдан ёдига тушди: шартга кўра бир томчиси шифо учун етарли. Бироқ у қилган хатосини жуда кеч англади – қимматбаҳо суюқлик шаффоф сув билан аралашиб бўлганди, энди уни тукиб юборишнинг иложи йўқ эди.

Макарио боланинг бошини салгина кўтарди-да, оғзини очди ва суюқликни тўкмай, эҳтиётлаб қуя бошлади. Лаблари суюқликка аранг теккан кичкинтой уни сўнгги томчиси қолгунча жон деб симираётганини кўрган Макарио ўзида йўқ хурсанд эди. Болакай энди қийналмай эркин нафас ола бошлади, рангпар юзларига ҳам аста-секин қон югуриб, ўнгайроқ ётиб олиш учун бошини қимирлатиб ҳам қўйди.

Отаси унинг қошида яна бир неча дақиқа турди-да, ўғилчасининг мўъжизакор тезликда соғаяётганига ишонч ҳосил қилгач, онасини чақирди.

Она боласига атиги бир маротаба назар ташлади ва ёнига тиз чўкиб йиқилди-да, овози борича:

– Яратганга ва Биби Марямга ҳамду санолар бўлсин! Парвардигор, ўзингга шукр, энди болам яшайди! – деди қичқариб.

Ташқарида кутиб турган аёллар бу нидони эшитишлари билан тўдалашиб уйга ёприлишди. Ота билан ўғилни юзма-юз кўришдию нима рўй берганини англашиб, гўё уни биринчи бор кўриб тургандек, худди у аллақандай ажнабийдек анграйганча Макариодан кўз узолмай тикилиб қолишди.

Кейинроқ бутун қишлоқ Макарионинг кулбасига тўпланди. Аёллар тинмай жавраётган гапларнинг бари ҳақиқат эканини одамлар ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилишни истардилар.

Болакай муштчаларини иягига босганча маза қилиб қаттиқ уйкуга кетганди, унинг юзларига қизилик югуриб, энди ҳар қандай хавф-хатарнинг ортида қолганига шубҳа йўқ эди.

Эртасига эрталаб Макарио ҳар доимгидек тонг саҳарда уйғонди ва апил-тапил ночор нонуштасини жиғилдонига урди-да, болта билан арғамчисини олганча, одатдагидек, кўп гапирмайгина ўтин кесгани жўнади.

Сехрли дармондори солинган бандли идишни у ўзи билан олиб чиқди ва кечагина кечқурун олган ерига қайтадан кўмиб қўйди.

Сўнгги олти ҳафта ичида Макарио ҳар куни ишлади ва бир куни уйга қайтаётганида қишлоқ йўлидаги энг катта дўконнинг эгаси, шу теварак-атрофдаги энг давлатманд одам Рамирони кўриб қолди. Имкон қадар одоб-ахлоқ билан дўкондор ўзининг муҳим илтимосини баён этди. Маълум бўлишича, хотини кўпдан бери бетоб бўлиб, энди кун сайин унинг кўз ўнгида сўлиб бораётган экан. Макарио уни кўриб қўя олмасмикан? Рамиро ундаги шифобахш куч тўғрисида эшитганларини айтиб ишонтирди-да, бор маҳоратини ишга солиб, ёш аёлининг ҳаётини сақлаб қолишини илтимос қилди.

– Сен менга дўконингдан бирорта шиша идишчани олиб келиб бер! Жуда кичкина бўлсин, аммо. Келгунингга қадар шу ерда хотинингга қандай ёрдам бериш тўғрисида бош қотириб тураман.

Рамиро бир унция суюқлик кетадиган кичкина шиша идишча топиб келтирди.

– Бундай кичкина шиша идишни нима қиласан? – қизиксиниб сўради дўкондор.

– Бу ёғини энди менга қўйиб бер, Рамиро. Уйингга бор-да, ўша ерда мени кут. Мен аввал хотинингни кўришим керак, уни даволашни зиммамга оламанми ё йўқ, жавобини фақат шундан сўнггина айтаман. Бундан олдин ўрмонга бориб, баъзи бир доривор ўт-ўланларни қидириб топишим керак... Хавотирланма, мен келгунимча хотининг ўлмайди.

У шишачани ярмигача бебаҳо малҳам билан тўлдирди-да, сувдонни яна жойига кўмди ва қишлоқнинг ифтихори саналмиш бир қаватли дангиллама гиштли уйда яшовчи Рамиронинг хонадонига йўл олди.

Макарио келиб кўрган аёлнинг умри ҳам, яқиндагина ўлим ёқасига келиб қолган гўдаги сингари поёнига етай деб қолганди.

Рамиро савол назари билан Макариога боқди. У жавобан елка қисди. Бир оз ўтгач деди:

– Ҳозирча бу ердан чиқ ва мени хотининг билан ёлғиз қолдир!

Рамиро унинг гапини икки қилолмади. Бироқ у ҳали уйланганига бир йилдан ошмаган чиройли ва ёш хотинини ҳаммадан ўлгудек рашк қиларди. Аёл, ҳатто гўр ёқасида турган бўлса-да, ўша-ўша ҳуснини йўқотмаганди. У Макарио нима қилмоқчи бўлганини билиш ниятида яширинча қулф тирқишидан қарашга қарор қилди.

Макариога идишда сув зарур бўлиб қолди ва у эшикни зарб билан очганди, титраб-қақшаб эшик тирқишига ёпишиб олган Рамиро қочишга улгуролмай, ерга йиқилиб тушди.

– Бу ишинг инсофдан эмас, Рамиро, – деди Макарио савдогарнинг рашк қилаётганини пайқаб. –

Умуман олганда мен хотинингни даволашдан бош тортишим керак эди. Сен унга номуносибсан, нима учунлигини ўзинг яхши биласан...

Ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ у ҳақда бундай фикрга келганига ақли етмай, бениҳоят хижолат тортганча бехосдан қоқилиб тушди у. Рамирони бундай оҳангда койишга ҳатто округ судьясининг ҳам ҳадди сиғмайди-ку, қишлоқнинг бориб турган бир камбағал дарахт кесувчисининг қандай журъати етди экан? Такаббур, ўзига бино қўйган Рамиро Макарионинг даволашдан бош тортишидан қўрқиб, унинг рўпарасида тиланчидек бўйнини қисиб турарди! Макарионинг миясига бир фикр келди: у энди улкан салтанатга эга бўлди, манман Рамиро эса уни мўъжиза яратишга қодир шифокор деб билади.

Рамиро ундан кечирим сўраб, ялиниб-ёлворди ва тез кунда тўнгич фарзанд ҳадя қилиш оstonасида турган хотинини сақлаб қолишни сўраб, кўз ёши ҳам тўкди.

– Аёлим яна аввалгидай гулдай очилиб, тани-жони соғ ҳолига қайтиши учун қанча сўрайсан?

– Мен ўзимнинг табиблик санъатимни сотмайман ва шунча берасан деб айтишга ҳам одатланмаганман. Бу ёғи сенинг ўзингга ҳавола, Рамиро. Негаки, сен учун хотининг қанчалик қадр-қимматга эга эканини ёлғиз ўзинг биласан. Шундай бўлгач, нархини ҳам ўзинг билиб айт.

– Ўнта тилло пул етарли бўладими, азиз ва шавкатли Макариом?

– Нима, сенингча хотинингнинг баҳоси шуми? Атиги ўнта тилла пул турадими?

– Менинг сўзларимни сен бундай тушунмаслигинг керак, Макарио! Хотинимни сўзсиз бор бойлигимдан ортиқ кўраман. Агар Худо умр берса, мен ҳар

куни керагича пул топишим мумкин. Ундан ажраб қолсам, бундай аёлни яна қаердан ҳам топардим? Бутун дунёни ахтарсам ҳам бунақасини тополмайман! Мен мукофотни яна юзта тиллога ошираман, фақат ёлвораман, уни сақлаб қолишга сўз бер!

Макарио Рамирони яхши биларди, ҳатто ҳаддан ташқари яхши биларди деса ҳам бўлади. Иккови ҳам бир қишлоқда ўсиб-улғайган. Рамиро – савдогар ва давлатманд дўкандорнинг боласи, Макарио эса мардикорнинг ўгли ва бор-йўғи қашшоқ бир ўтинчи, устига-устак қўл учиди кун кўрувчи кўп кишилик оиладан чиққан. Қув савдогар хотини соғайиши биланок ҳар хил баҳоналарни ўйлаб топиб, юз тилло пулни тўлашдан бош тортишга уриниб кўришию башарти Макарио пулдан воз кечмайдиган бўлса, умрининг кўп йилини сарсонликда ўтказишга тўғри келадиган поёни йўқ суд ишлари билан оёқ-қўлини кишанлаб қўйишдан ҳам тоймайдиган Рамирони қанчалик яхши билса, уни бошқалардан кўра шунчалик яхшироқ тушунарди ҳам. Шу боис Макарио унга:

– Менга аввал-бошда ваъда қилганинг ўша ўн тилло пул етади, – деди.

– Миннатдорман сендан, Макарио, чин юракдан миннатдорман – нархни пасайтирганинг учун эмас, хотинимни даволашга рози бўлганинг учун. Менга нимаики қилган бўлсанг, ҳеч қачон унутмайман, ишонавер. Туғилажак боламизга ҳам зиён-заҳмат етмайди деб умид қиламан...

– Хавотирланма, унга ҳеч нима қилмайди, – деди беморнинг оёқ томонида турган ҳамтовоғини кўрган Макарио яхши натижага узил-кесил ишонч ҳосил қилгач. – Менга зудлик билан бир пиёла сув олиб келиб бер.

Сув келтирилди ва Макарио савдогарга маслаҳат бериб деди:

– Яна яширинча қарашни хаёлингга ҳам келтира кўрма! Ёдингда тут, агар бирон нимани чалкаштириб юборадиган бўлсам, бунга сен айбдор бўласан. Яхшиси, мени тергама ва қулфнинг тирқишидан ҳам кузата кўрма! Энди мени хотининг билан ёлғиз қолдир!

Бу сафар Макарио қимматбаҳо суюқликнинг нафақат бир томчисидан ортиғини сарфламасликка эътибор берди, у ҳатто бу томчини қоқ иккига бўлишга ҳам уриниб кўрди. Дукондор билан бўлган суҳбатдан сўнг у бу дорининг қандай мўъжизакор эканига амин бўлди, негаки, бу дори ҳатто Рамиродек бадавлат ва такаббур одамни ҳам қашшоқ бир ўтинчига бўйин эгишга мажбур қилганди. Чиндан ҳам кутилмаганда унга истиқбол эшиклари ланг очилганди: энди у бурунги оғир меҳнатидан воз кечади ва умрини бутунлай одамларни даволашга бағишлайди. Уни кутаётган бу келажақдаги энг ёқимлиси ва жозибадори шубҳасиз, қовурилган курка гўштининг кети узилмас силсиласи унинг кўз олдига келди...

Беморнинг оёқ томонида турган унинг қоқсуяк ҳамтовоғи Макарио томчини қандай қилиб иккига бўлаётганини пайқаб қолди ва ўзига савол назари билан боққанини кўргач, маъқуллаб бош ирғади.

Уч кундан сўнг хотини Рамирога ўзини соғлом ҳис этаётганини ва бўлажак фарзандларига энди ҳеч қандай хавф йўқлигини маълум қилди.

Қувончи ичига сиғмаган Рамиро савдолашиб ҳам ўтирмай Макариога наинки ўн тилло пул берди, қўшимчасига минг карра ўз миннатдорчилигини ҳам изҳор этди-да, ўтинчи, хотини ва болалари кўтариб кетишга қанча қурбилари етса, ўшанча нарса олиб кетишларига изн бериб, оиласини ўз дуконига таклиф ҳам этди.

Макарио ўзига дурустгина уй қурди, ер сотиб олди ва ерларга ишлов беришга ҳам киришиб кетди – Рамиро унга ўртача фоизда юз тилла пул берди.

Рамиро бу ишни беғараз миннатдорчиликдан эриб кетганидан қилгани йўқ. Ишбилармон савдогар эмасми, мўмай фойдани кўзламай туриб у бировга бир тийин ҳам қарз бермасди. Ҳозир Макариони буюк келажак кутаётганини ва бу ажойиб ҳакимнинг ёнига ҳадемай одамлар ёпирилиб келиб, унга бош эгишларини олдиндан кўра билгани учун ҳам ўз сармоясидан оқилона фойдаланишни кўзлаб, пулларини Макариога қарзга беришга қарор қилди ва шу йўл билан уни қишлоқда олиб қолишни мўлжаллади. Ва аксинча, Макарио шаҳарга жунайдиган бўлса, у каттагина фойдадан қуруқ қолиши мумкин эди. Уни йўқлаб қишлоққа одамлар қанча кўп келса, Рамиронинг савдо-сотиғи шунча гуллаб-яшнайдди. Келгусида қўлга киритиладиган мана шундай фаровон ҳаёт орзусида савдогар ҳозирча судхўрлик билан шуғулланиб туришни маъқул кўрди.

У Макариони таъминлаб турди ва фойда кўрди, кўрганда ҳам қутилганидан ортигини кўрди.

Макарионинг бундай фавқулодда истеъдодига одамлар эътиборини қаратиш учун савдогар ҳамма ерда уни оғиз кўпиртириб мақтар эди. Шаҳардаги ишбилармон ошна-оғайниларига мактуб йўллаш билан эса шифокор-олимлар давоси йўқ дея маълум қилган беморлар тўда-тўда бўлиб қишлоққа шитоб билан оқиб кела бошлашди.

Кўп ўтмай Макарио ўзига ҳашаматли уй қуриб олиш имконига эга бўлди. У ён-атрофдаги барча ерларни сотиб олди ва уни гулу гулзорга, хиёбонга айлантириб юборди. Фарзандларини ҳатто Париж ва Саламанкадаги мактабу университетларга ўқиш-

га юборди. Қачонлардир чақирилмаган ҳамтовоғи берган ваъдалар чиндан ҳам рўёбга чиққанди: Қотма жиғилдонига урган яримта курка гуштининг ўрни эса аллақачон миллион каррага қопланганди.

Шунча бойликларга ва “энг мўъжизакор даволовчи” деган номга эга бўлишига қарамай, Макарио ҳалол ва пулга сотилмайдиган инсонлигича қолди. Ким бўлишидан қатъи назар, қўлида даволанишни истаган ҳар қандай одамдан у, соғлигингизни қанчага баҳолайсиз, деб сўрарди. Ва у илк маротаба қандай йўл тутган бўлса, кейин ҳам шу одатига содиқ қоларди: беморга ёки унинг қариндошларига қандай хоҳласангиз шундай баҳолайверинг деб изн берарди. Қурби кумуш пулу чўчка боласи ёки хўроздан бошқасига етмайдиган бир бечора мўйсифид бўладими, ё мунглиқ бир аёлми, ўзларини баъзан йигирма мингта нархлайдиган бадавлатларни даволагандек инсоф билан астойдил даволарди. У баъзилари касалманд жисмларига даво истаб ягона тилак билан океан оша Испания, Италия, Португалия, Франция ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрадиган асилзода жаноблару хонимларни ҳам даволарди.

Мукофотни белгилашда у қанчалик ҳалол бўлса, ўз санъатини татбиқ этишда ҳам шунчалик виждон билан иш кўрарди. Борди-ю бемор билан ёлғиз қолгудек бўлса, беморнинг бош томонида Қотма турганини кўрса, у азоб чекаётган беморни қутқариб қололмаслигига рўйирост иқрор бўларди. Бундай пайтларда у ҳар қандай хизмат ҳақидан ҳам воз кечарди. У ким бўлишидан қатъи назар, Макарионинг узил-кесил қарори билан, албатта, ҳисоблашарди. Даво истаб келганлар у билан баҳслашишга уринмасдилар. Макарио ҳузурига келган беморларнинг

деярли ярмини қутқариб қололганди, қолганлари эса шеригига тегарди. У кўпинча ҳафталаб бирон-та ҳам касални тузата олмасди, негаки унинг собиқ ҳамтовоги ўзгача йўл тутарди.

Агар у амалиётининг бошланишида томчини тенг иккига бўлишга эриша олган бўлса, кўп ўтмай у томчини тўрт бўлакка бўлишнинг уддасида чиқа олганди. У қанчалик маҳорат ва зийраклик билан томчини парчаламасин, барибир ҳар бир миқдорни меъёрига етказиб қисқартиришнинг иложи бўлмади, дори даҳшатли тарзда камайиб борарди.

Малҳамни ошқовоқдан ясалган сувдонда сақлаб бўлмаслигини Макарио янги иш фаолиятининг илк кунларидаёқ англаб етганди: бу сувдонлар ичидагисининг нафақат анча-мунчасини шимиб олади, балки, энг ёмони – унинг деворлари орасидан суюқлик буғланиб чиқиб ҳам кетарди. Шу сабаб ҳиндулар истеъмол қиладиган бундай сувдонларда сақланадиган сув ҳатто иссиқ кунларда ҳам муздайлигича тураверарди.

Макарио дорини қора рангли махсус шишачаларга қўйди ва огзини маҳкамлаб, муҳрлаб қўйди. Мана, у сўнги шишачани ҳам очди ва қай кўз билан кўрсинки, унда атиги икки томчигина дори қолганди. У ўз амалиётини тугатишга ва бошқа ҳеч кимни даволамасликка аҳд қилди.

Бу вақтга келиб Макарио кексайди ва ўзига-ўзи энди қолган умрини беташвиш ўтказишга ҳаққи борлигини айтди. Қолган икки томчи дорини у фақат оила аъзоларига, айниқса, охирги беш йил ичида икки марта даволанишга улгурган севикли хотинига асраб қўйди. Чунки аёлини йўқотиш унинг учун энг оғир мусибат эди.

Нима ҳам бўлди-ю, айти шу кезларда бутун Янги Испаниянинг олий мартабали шахси бўлмиш қирол

муовини дон Хуан Марквес де Казафуэртенинг саккиз яшарлик ўғли бетоб бўлиб қолди. Болани даволаш учун энг малакали шифокорлар жалб этилди, бироқ уларнинг биронтаси боланинг жонига оро киролмади. Шифокорлар бола ҳали тиббиётда учрамаган дард билан оғриганини тан олишди.

Қирол муовини Макарио ҳақида эшитиб қолди, бироқ ундаги фахрий ном, маълумот ва олий мартаба Макариони фирибгар деб ҳисоблашга мажбур қиларди, устига-устак университет илмий унвонига сазовор бўлган аллақандай докторлик дипломига эга бўлган бир инсон уни худди шундай деб атаганди.

Фарзандининг ҳаёти қил устида турган онанинг кўзига ҳеч бир унвону мартаба кўринмас, у фақат қирол муовинидан ён бериб Макариога одам жўнатишини тинмай гоҳ талаб қиларди, гоҳ ёлворарди.

Сайру саёҳат ишқибози бўлмаган Макарио қишлоғини камдан-кам ҳолларда тарк этарди, тарк этганда ҳам бу муддат жуда қисқа бўларди. Бироқ қирол муовинининг амрини ҳам ўлим жазоси хавфи остида бажаришга тўғри келарди. Шу боис у йўлга отланди.

Қирол муовини ҳузурида ҳозир бўлган Макарио ундан нима исташаётганини билди.

Макарио кўрсатаётган муъжизаларга ишонмаган қирол муовини, оддий одамга мурожаат этгандай деди:

– Шуни билиб қўйки, қимматли дўстим, бу ерга сени мен ўз хоҳишим билан чақиртирганим йўқ. Сени бу ерга фарзандимизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун рафиқамнинг қистови билан олиб келишди, негаки, уни даволашга билимдон шифокорларимизнинг, чамаси, қурби етмади. Демак, гап бундай! Агар сен чиндан ҳам меросхўримизнинг ҳа-

ётини сақлаб қололсанг – давлатимнинг тўртдан бир қисми сеники. Қўшимчасига яна бу ердагими ё саройдагими, ё менга тегишли мол-мулк ичидан сенга ёқиб қолган бирон нарсами, истаганингни талаб қилиб олиб кетишинг мумкин. У қанчалик қимматбаҳо бўлмасин, бемалол ўзингники деб ҳисоблашга ҳақлисан. Яна сенга шифокор-олим учун тақдим этиладиган барча ҳуқуқ ва имтиёзларга эга, тиббиёт билан шуғулланиш учун Янги Испаниянинг истаган ерида фойдаланишинг мумкин бўлган барча талабларга мувофиқ равишда тайёрланган диплом ҳам берилади. Яна ҳимоя остида бўлишинг учун менинг муҳрим босилган ёрлиққа ҳам эга бўласан. Бу эса полиция ва аскарлар уюштирадиган мол-мулк мусодарасию қамоққа тушишдан, шунингдек, ҳар хил суд ҳаракатларидан сени мудофаа қилади. Қани, айт-чи, қимматли дўстим, қилган хизматларинг эвазига буни шоҳона мукофот деса бўладими?

Макарио чурқ этмай бош ирғаб қўйди.

Қирол муовини сўзида давом этди:

– Умр йўлдошим, ҳурматли зоти олиялари иккимизнинг ҳам истагимиз шуки, агар ўғлимизнинг ҳаётини сақлаб қололсанггина буларнинг барини бажаришга ваъда беришим мумкин, мен эса айтган сўзида турадиган одамман. Бироқ, мен, қирол муовини, яна сенга қуйидагиларни билдириб қўймоқчиман, қулоқ сол: агар башарти ўғлимни тузата олмасанг, сени афсунгарликда ва иблис билан ҳамкорликда айблайман-да, одил ҳарбий судга топшираман, улар сени қозикқа ўтқазишади ва халойиқнинг кўз ўнгида тириклайин ёқиб юборишади.

Қирол муовини дўқ-пўписалари Макариога қандай таъсир қилишини текшириб кўриш учун сўзлашдан тўхтади.

Макарионинг ранги учди, бироқ яна ҳеч нима демади.

– Айтган гапларимнинг бари сенга тушунарлими? – сўради қирол муовини.

– Ҳа, аъло ҳазрат, – жавоб қилди Макарио титраб-қақшаб, беўхшов таъзим қилганча.

– Энди бемор ўғлимнинг ёнига борамиз. Орқамдан юр!

Улар шаҳзоданинг бўлмасига киришди. Болага иккита энага парвона эди. Бироқ уларнинг қўлидан боланинг аҳволини енгиллаштириш эмас, шаҳзоданинг аста-секин суниб бораётганини кузатишгина келарди, холос. Боланинг онаси бу ерда йўқ эди. У ўз хонасида қолганди.

Бола иситмада ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташларди. Унинг каравотчаси асил ёғочдан ясалган бўлиб, жимжимадор безаклардан холи эди.

Макарио, гўё ўша бурунги зиёфатдаги меҳмони бўлмиш анавиндан дарак берувчи бирон-бир белгини излагандек, атрофга безовта аланглади. Шунингдек, у шишачадаги сўнгги икки томчи дорининг бус-бутун, жойида эканига амин бўлиш умидида яширинча чўнтагига қўл теккизиб қўйди. Сўнг:

– Аъло ҳазратлари, марҳамат кўрсатиб, мени бемор билан ёлғиз қолдирсангиз, шунингдек, бошқалар ҳам бу ердан чиқиб кетишсин, – деди.

Қирол муовини иккиланиб қолди. Афтидан, ота агар бу нодон ҳинду подшоҳзода билан ёлғиз қолгудек бўлса, болага бирон-бир зиён-заҳмат етказишидан хавотирланарди.

Қирол муовинининг юз-кўзидаги безовталиқ ифодасини пайқаган Макарионинг ёдига беихтиёр бегона одамни даволашни зиммасига олган илк дамлари тушди. Ушанда бу бемор Рамиронинг хотини,

унинг ҳамқишлоғи эди. Макарио бемор билан ёлғиз қолиш кераклигини айтганида, Рамиро ҳам худди шундай шубҳага борганди. У ўзининг узоқ йиллик иш тажрибасида бемор қариндошларининг шунга ўхшаш шубҳали юз-кўз ифодаларига фақат мана шу икки ҳолдагина дуч келганди, холос. Энди келиб-келиб, атиги икки томчи дори қолганда, жиддий ёрдамга муҳтож кимсанинг мендан шубҳаланишию айнан шу ёрдамни беришга қодир бўлган бирдан-бир одамга ишонмаслик, нима бу, қисматдан даракми, деб сўради у ўзидан.

Ва ниҳоят, у болакай билан ёлғиз қолди. Шу заҳоти ўзининг қоқ суяк шеригига кўзи тушди: у хобгоҳнинг бош томонида турарди.

Ҳар иккиси, Макарио ҳам, Қотма ҳам қовурилган курка гўшти билан ўзларини меҳмон қилган ўша кундан бери ҳали бир огиз ҳам гаплашмагандилар. Улар касалнинг хонасида кўришишганда бир-бирларига кўз ташлаб, сукут сақлаш билан чекланиб қўя қолишарди. Макарио Қотма ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган одамлардан биронтасини тирик қолдиришни ундан ҳали сира илтимос қилмаганди. Ҳатто у собиқ қўноққа икки набирани ҳам зорланмай-нетмай қўшқўллаб топширганди.

Бироқ ҳозир вазият бошқача эди. Уни шайтон билан ҳамкорликда айблаб, халқнинг кўз ўнгида ёқиб юборишлари мумкин. Агар, ҳозир оталари суд-полиция ташкилотининг ҳукмига биноан насроний эътиқодидагилар учун ҳақорат саналмиш ўлим жазосига маҳкум этиладиган бўлса, юқори лавозимларни эгаллаб турган фарзандлари бу шармандалик ва исноддан хароб бўлишлари ҳеч гап эмасди. Фарзандларига мерос қилиб қолдиришни ният қилган унинг бор мол-мулки, ер-суви мусодара этилиб, чер-

ков ихтиёрига топширилади. Бор бойликдан мосуво бўлиш уни кўпам ташвишга солмасди, буларнинг бари унинг учун ҳеч қачон муҳим ҳам бўлмаган. Бироқ фарзандларининг тинчлиги, соғ-омонлиги ота учун муҳим эди. Бу алғов-далғов замонда у кўпроқ қимматли хотини ҳақида қайғурарди. Ўз уйидан олис, мусофир бу азим ўлкаларда эрининг бошига тушган кўргиликлардан хотини хабар топгудек бўлса, эзилиб адойи тамом бўлиши турган гап эди. Эрига сўнгги дамларида бирон-бир ёрдам кўрсатиш хотинининг қўлидан келмаса-да, лоақал сўзи билан далда бўлишга ҳам унда имконият йўқ эди. Шундай бўлдики, у ўз жонини эмас, балки хотинини ўйлаб собиқ ҳамтовоги билан баҳсга киришишга аҳд қилди.

– Болага тегма, – ўтиниб сўради у, – эски дўстлигимиз ҳақи ҳурмати ундан воз кеч! Ўша сен ҳузур қилиб еган яримта курка учун мен сендан ҳеч нима сўрамаганман, барини менга ўз хоҳишинг билан инъом этдинг. Болани менга қолдир ва мен дорингнинг сўнгги томчисини ҳам тўкиб юбораман ва унда ҳеч бир томчи қолмаслиги учун шишачани ҳам синдириб ташлайман. Менга раҳминг келсин, болани менга бер! Мен ўзим учун эмас, балки, чин юракдан севган, мен учун қимматли, вафодор, фидойи аёлим учун ялиниб-ёлворяпман. Насроний учун унинг уруг-аймоқларидан биронтаси қўзиққа ўтқазилиб, халқнинг кўз ўнгида тириклайин ёқиб юборилиши қандай маъно англатишини сен яхши биласан, ё жилла бўлмаса кўз олдинга келтира оласан. Сендан ўтиниб сўрайман, болани менга бер! Тирик қолган гўдак учун менга инъом этиладиган барча бойликларга қўлимни ҳам теккизмайман. Сен мени ўрмондан топганингда, мен ялангоёқ бир ўтинчи эдим. Аввал қандай қашшоқ яшаган бўлсам, яна ўша аввалги

ҳаётимга қайтишга ва сени илк бор учратганимда қандай ўтин сотиб кун кўрган бўлсам, яна ўшандай ўз ишимни давом эттиришга тайёрман. Дунёдаги бор мўъжизалар ҳақи сенга ялиниб-ёлвораман – шу болани менга қолдир!

Қотма қоп-қора, ичига чуқур ботган кўзлари билан Макариога узоқ тикилди. Гўё одамларнинг юрак нидосига қулоқ тутгандек. Сўнг тўғри қарорга келиш учун бу ҳолни ҳар жиҳатдан чуқур мулоҳаза қилаётгандек атрофга аланглади. Болани олиб кетиш, афтидан, унга буюрилганди. Унда ўз фикр-ўйлари-ни юзида ёки кўзларида ифода этиш одати йўқ эди, бироқ унинг маъноли ҳаракатлари балогоа гирифтор бўлган дўстига ҳамдард эканини, туйғу ва бурчни эса мурсосага келтиришнинг сира имкони йўқлигини аниқ-равшан айтиб турарди.

Тутилганда пешонасига муқаррар бевақт ўлим битилган бу болани тирик қолдиришнинг иложи бормикан дея боши қотган Қазо, гўё Макарионинг ёлворишларини яна ва яна чамалаб кўраётгандек, боладан узоқ вақт кўзини узмади.

Сўнг Макариога энди раҳми келиб ва ачиниб, яна бир бор назар ташлади. Ва ниҳоят гўё чуқур қайғуга ботган одамдек аста бош чайқади.

У этсиз жағларини очди ва йўғон тўқмоқнинг тахтага урилгандаги оҳангида деди:

– Сенга жуда раҳмим келяпти, бироқ бу сафар сени фалокатдан қутқаришга ожизман. Ишон, бурчим тақозоси билан бугунгидек қаттиқ ранжитишга мен аҳён-аҳёндагина жазм этганман. Мен ўзга йўл тутолмайман, болани ўзим билан олиб кетишим шарт.

– Йўқ, сен бундай қилолмайсан, билдингми, бу мумкин эмас! Эшитяпсанми, сен бу болани олиб кетишинг мумкин эмас! – изтироб ичида қичқир-

ди Макарио.— Уни олиб кетмайсан, олиб кетмайсан!
Мен бунга йўл қўймайман!

Қазойи муаллақ яна бошини чайқади, бироқ шундан сўнг ҳеч нима демади.

Шунда Макарио дадил ҳаракатлар билан гўдакнинг каравотчасини ушлаб олди-да, ҳамсуҳбат боланинг оёқ томонида бўлиб қолиши учун уни бир силтаб айлантириб қўйди.

Бироқ Қотма, ҳавога парвоз қилди-да, яшин тезлигида яна болакайнинг бош томонида пайдо бўлди.

Қотмани оёқ томонга қўйиш учун Макарио каравотни яна айлантирди ва у яна кўз очиб-юмгунча бош томонда пайдо бўлиб қолаверди.

Беморнинг ўрнини чархдек айлантиришга шиддат билан киришиб кетган Макарио, ҳар сафар арвоҳни кўчира туриб нафас ростлагани тўхтаркан, собиқ ҳамтовоғини яна шахзоданинг бош томонида турганини кўраверди. Шундай бўлса-да, ажалга фириб бериб, ундан ўлжани тортиб олиш илинжида аҳмоқона ўйинни давом эттиришдан қолмади.

Мангуликдан зўрлик билан тортиб олмоқчи бўлган икки сониялик охири кўринмас бу каравот ўйини қарияни бутунлай ҳолдан тойдирди. Ҳолдан тойгани шунчаликки, каравотни бошқа айлантиришга чоғи келмади. У киши билмас ихчамгина киссасига беихтиёр қўлини олиб борди ва чил-чил бўлган шишачадаги қимматбаҳо сўнгги икки томчи доридан ҳам ажраганини билди.

Бу йўқотишнинг маъносини у тезда илғаб олди. Ҳаётга бўлган сўнгги интилиш учқунлари сўниб, бўшлиқ тобора яқинлашиб келаётганини у изтироб ичида ҳис этиб турарди.

Макарио хаёлида, гўё бениҳоя узоқ, роса юз йилга чўзилган даҳшатли уйқудан уйғонгандек, эсан-

кираб қирол бўлмасига назар ташлади. Шунда у бу ёруғ дунёдаги насибаси тугаганини, қисматга қарши чиқиш энди бефойда эканини англаб етди.

У бежо кўзлари билан атрофга аланглади ва нигоҳи бирдан боланинг юзига тушди. Болакай аллақачон ёруғ дунёни тарк этиб бўлганди.

Макарио иддизи билан қўпорилган дарахтдек, ерга ҳорғин қулади.

Ерда беҳол чўзилиб ётаркан, қачонлардир бирга еб-ичишган улфатининг овозини эшитди. Энди бу овоз қулоғига ёқимли чалинади:

– Куркангнинг ярмисини менга илиниб, кўрсатган мурувватинг учун сендан миннатдорман. Машаққатли вазифамни бажариш учун яна юз йилга етадиган қувватимни тиклаб олишга муяссар бўлдим. Агар бу сўз сенга тушунарли бўлса, айтмоқчи эдимки, курканг чиндан ҳам ғайриоддий эди. Бироқ, ҳозирги вазиятда, майдонда, бутун халқнинг кўз ўнгида бўлиб ўтадиган қатлдан қутулиб қололмайсан. Сени бундан халос этишнинг фақат битта тадбири менга аён. Мен сени ҳар қандай таҳқиру бадномликдан ҳимоя қиламан. Буни сен билан эски ошначилигимиз ҳаққи ва яна ўзингни доим мардона тутганинг, мени алдашга, менга фириб беришга уринмаганинг учун бажараман бу юмушни! Сен қирол мукофотига сазоворсан ва мукофот ҳам ўзини улуғлашга муяссар бўлгай. Чин инсон бу дунёда қандай яшаши керак бўлса, сен худди ўшандай яшадинг! Бахт сенга ёр бўлгай, отахон!

Макарио кўзини очиб, бошини орқага ташлади-да, бир вақтлар у билан кайф-сафо қилган ҳамтовоғи унинг бош томонида турганини кўрди.

Макарионинг хотини эридан хавотир оларди: эри оқшом уйга қайтмаганди. Эртасига хотини уни

излаб топиш учун бутун қишлоқ аҳлини ёрдамга чақирди. Аёл эри ўрмонда бир фалокатга йўлиққанидан ва ўзгаларнинг қумагисиз уйга етиб келолмаслигидан қўрқарди.

Ҳамқишлоқлар Макариони ҳўп қидиришди ва ахийри, ҳозиргача юрак ютиб биронта одам боласининг оёғи етмаган, қишлоқдан анча олис бўлган овлоқ бир ер – ўрмондаги чакалакзордан топишди.

Макарио ерда, серковак танаси бақувват дарахтга қулай суяниб ўтирарди. У жонсиз эди. Юзида ним табассум қотиб қолганди.

Ерда, унинг ёнида дастурхон қилиб тўшалган банан барглари, устида эса ҳафсала билан ғажиб тозаланган яримта курканинг қолган-қутган суяклари ётарди.

Рўпарада, тахминан уч фут оралиқда, яна худди шундай банан барглари ёзилганди ва унда курка гўштининг иккинчи ярмидан қолган суяклар тартиб билан тахлаб қўйилганди, бу эса фақат зўр иштаҳаю чуқур мамнуният билан еб-ичган кишининггина қўлидан келиши мумкин.

Қайғуга ботган хотинининг кўзларидан аччиқ аламли кўз ёшлар тўкилди. Қоқ иккига бўлиниб, кемириб ташланган курка гўштини кўрган аёл шивирлаб деди:

– Турмуш ўртоғим билан базму жамшид қилган одамнинг ким эканини жуда-жуда билишни истардим, ҳа, жуда ҳам... Унинг яхши, олийжаноб ва дилкаш меҳмон бўлгани шубҳасиз, йўқса, эрим дунёдан бу қадар бахтиёр ва бу қадар мамнун кўз юммаган бўларди.

ҲОРАТГАР МАКТУБЛАР

Картер ниҳоят қирқ икки ёшида қонуний никоҳ билан бошини боғлашга жазм этди ва бу оилавий ҳаёт унга мисли кўрилмаган даражада осойишта, беташвишдек туюлди. У Жулияни меҳроб олдидан олиб кетмасидан, Жозефина кўз ёшларини қандай артаётганини кўрмасидан илгарироқ никоҳ маросимининг ўзи ҳам унга беҳад завқ бағишлаганди. Жозефинанинг тўйга ташрифи ва улар ўртасидаги самимий муносабатнинг сақланиб қолгани янги одамлар учун ғалати кўринарди. Картер Жулиядан ҳеч нимани яширмасди, Жозефина билан ўтказган ўн йиллик машаққатли ҳаёти борми, аёлнинг ғайриоддий қизғанишларию энг нозик дақиқаларда кўтарадиган жанжаллари борми, бари ҳақида у Жулияга оқизмай-томизмай сўзлаб берганди.

– Ҳамма гап уни ўз турмушининг мустаҳкамлигига ишонмаслигида эди, – деди Жулия ачинганча уни ҳимоя қилиб. Жулия орадан бирор фурсат ўтгач, Жозефина билан дўстлашиб кетишига ишонарди.

– Билмадим, азизим, бунга ишониш қийин!

– Нега энди? Наҳотки, мен сени севган одамга меҳр қўя олмасам?

– Унинг муҳаббати шафқатсиз эди.

– Балки сени йўқотаётганига имони комил эканидан шундай кўйга тушгандир? Азизим, тонмай қўяқол, наҳот у билан шунча яшаб, бирон марта ҳам бахтли лаҳзаларни бошингдан кечирмаган бўлсанг?

– Кечирганмиз.

Бироқ унинг ўзи Жулиягача бирон аёлни севганига ишонишни истамасди.

Аёлнинг тантилиги уни ҳайратга соларди. Асал ойининг еттинчи куни улар Сунион бурни денгиз соҳилининг чоққина ошхонасида шароб ичиб ўтиришганида, у беихтиёр киссасидан Жозефинанинг хатини топиб олди. У хатни кеча олганди ва Жулияни ранжитмаслик учун буни сир тутганди. Бу Жозефина бўлмай яна ким ҳам бўларди: ҳатто қисқагина асал ойида ҳам уни тинч қўйи демайди! Бир текисда, майда қилиб, сочидек қоп-қора сиёҳда ёзилган аёлнинг дастхати ҳам унинг ғазабини қўзгарди. Жулиянинг сочлари оқ олтин сингари очиқ рангда эди. Наҳотки унга қачонлардир қора сочли аёллар ёққан бўлса? Ва яна сабрсизлик билан ўшандай қора сиёҳда битилган мактубда нима ёзилганини билиш учун уни очиш керакми?

– Азизим, хат кимдан келибди? Мен жўнатмани аллақачон олганимиздан беҳабар эканман.

– Жозефинадан. Кеча келганди.

– Ҳали сен уни очмадинг ҳамми? – деди аёл, жўнатма тўғрисида унга оғиз ҳам очмаганини юзига солиб ўтирмай.

– Мен у ҳақда эшитишни ҳам истамайман.

– Азизим, балки у бетобдир?

– Унга бало ҳам урмайди!

– Ёки пулсиз қолгандир...

– У, менинг ҳикояларимга қараганда, ўзининг моделларидан кўпроқ пул топади!

– Азизим, кел, кўнглимизни кенг қилайлик. Бу, бизнинг қўлимиздан келади. Биз қандай бахтлимиз, шу ҳақда бир мулоҳаза қилиб кўр.

У хатни очди – мулойим, гина-кудуратлардан холи – ва уни ижирғанибгина ўқиди:

“Азизим Филипп, шундай бахтли кунда йиғлоқи аёлдек кўринишни истамасдим ва шу боис сизлар билан хайрлашолмадим, икковингизга бахт ҳам тилолмадим. Менимча, Жулия ғоятда гўзал, устига-устак жуда ёш кўринади. Сен унга илтифотли бўлишинг керак. Биламан, бу сенинг кўлингдан келади. Уни кўрганимдан сўнг мени нега узоқ вақт ташлаб кетолмаганинга ҳайрон бўлдим. Тентаккинам! Жарроҳлик муолажаси қанча тез бажарилса, у шунча огриксиз кечади...

Менинг нима билан шуғулланаётганим энди сени қизиқтиради деб ўйламайман, агар кутилмаганда зиғирча бўлса-да, мен ҳақимда қайғураётган бўлсанг, айта қолай – ўзингдан қолар гап йўқ, мен ўзимга ташвиш орттириш борасида баҳона ўйлаб топишга доим ҳам уста бўлганман, – сенга шуни айтмоқчийдимки, мен жуда кўп ишляпман, нима билан банд экан деб ўйлайсан? Француз “Vogue” учун расмлар туркуми устида ишляпман. Улар француз франкида менга бир дунё пул тўлашяпти ва ўз бахтсизликларим ҳақида ўйлаб ўтиришга менда вақт йўқ. Мен уйимизга кирдим ва бу сени ранжитмас деб умид қиламан (кечирасан, собиқ уйимизга!), қораламаларим қаергадир ғойиб бўлибди. Эсингдами, иккимизга тегишли кути бўларди – биз уни орзу умидлар ғаладони дердик, қораламамни ўша ердан топдим. У ердан ҳамма нарсамни олгандек эдим, бироқ у, Напулнинг ажиб ёзида ёза бошлаб, чала қолган ўша кўлёманг ичига тушиб қолган экан. Эзмалик қилиб юбордим, аслида сизларга бахт тиламоқчи эдим, холос.

Сени ардоқловчи Жозефина”.

Картер хатни Жулияга узатди.

– Бундан бешбаттар бўлиши ҳам мумкин эди.

– Хатини ўқиганимни наҳотки у маъқуллаган бўларди?

– Ахир хат иккимизнинг ўқишимизни ҳисобга олиб ёзилган.

Энди ҳеч нимани яширишнинг ҳожати йўқлиги қандай яхши, дея хаёлдан ўтказди у. Охирги ўн йил давомида у жанжалдан, Жозефинанинг аразлашларидан ва унинг гаплашмай қўйишидан қўрқиб, озмунча нарсаларни ундан пинҳон тутдими, ҳатто гуноҳи бўлмаганда ҳам. Энди ҳеч нимадан қўрқмайди, энди у жиддий хатога йўл қўйган тақдирда ҳам ақлли ва меҳрибон Жулиядан узр сўраши мумкин.

– Сенга мактубни кеча кўрсатмай аҳмоқлик қилдим, – деди у. – Бошқа бундай қилмайман.

Спенсернинг шеъридаги мисра ёдига тушди: “Довулли денгиздан кейинги сокин бандаргоҳ”.

Хатни ўқиб бўлгач, Жулия деди :

– Менимча у ажойиб аёл. Сенга шундай мактуб ёзгани қандай ёқимли. Биласанми, мени ҳамиша ҳам кўнглим хотиржам бўлмаган... Агар мен сен билан ўн йил яшаганимда, сени йўқотишни асло истаман бўлардим.

Улар таксида Афинага қайтганларида аёл ундан сўради:

– У билан Напулда бўлиш сенга ёққанмиди?

– Бўлса бордир. Ҳозир ёдимда йўқ. Сен барибир бошқачасан.

Гарчанд у аёлнинг елкаларини сезиб турган бўлса-да, хотирада қолган ҳиссиётлар уни безовта қила бошлаганини сезгандек, аёл ундан ўзини нари олди. Қуёш йўлни ёритиб турарди, олдинда уларни тушлиқдан кейинги эринчоқлик ва ёқимли мудроқ кутиб турарди, мана марҳамат...

– Азизам, сен мендан хафа эмасмисан?

– Йўғ-э... Фақат... Назаримда сен қачондир Афина тўғрисида ҳам Напул ҳақида: “Эсимда йўқ. Сен барибир бошқачасан”, – деб айтган гапларингни такрорлайсан, гўё.

– Эҳ менинг тентаккинам! – деди у аёлни ўпиб қўяркан.

Улар таксида кетаётиб, бир оз ҳазил-ҳузул қилишди-да, шаҳар уйлари кўзга ташлана бошлагач, Жулия жойлашиб ўтириб олиб, сочларини тартибга келтира бошлади.

– Йўқ, сени унчалик ҳам бемехр дея олмайман, – иккунча бўлиб деди аёл ва ўз ҳаётига яна ўша-ўша беташвиш нигоҳ ила боқа бошлади. Уларнинг орасидан оламушук ўтганига Жозефина айбдор.

– Эр-хотин ўринларидан туриб, кечки овқат тараддудига тушдилар, шунда аёл:

– Жозефинага жавоб ёзиш керак, – деб қолди.

– Бекорчи гапни қўйсанг-чи.

– Азизим, мен сени тушунаман, бироқ у ҳақиқатан ҳам сенга ажойиб мактуб йўллабди, буни тан ол!

– Бўпти, биз унга биронта сувратли откриткалардан жўнатармиз.

Шу билан муаммо ўз ечимини топди-қўйди.

Улар Лондонга қайтганларида, агар шундай совуқ ҳавони қиш деб бўлмаса, унда уларни куз қарши олди дейиш мумкин эди: аэродромнинг учиш йўлагига қор аралаш ёмғир армонсиз қуярди ва пиво, соқололгич ва сули емишлари осилган реклама лавҳаси ёнидан ўтиб кетаётиб, уйни ҳар сафаргидан ҳам эрта иситишга тўғри келишини ташвиш билан ўйлай кетишди ва ўша лаҳзанинг ўзида ёрқин, ёруғ Парфенон устунларининг қадри ўтаётганини ҳис этишди. Авиакомпаниянинг: “Британия ҳаво ком-

панияси сизларни олиб кетади ва яна олиб келиб қўяди”, – деган шиор ҳар қачонгидан ҳам ваҳимали эшитиларди.

– Етиб боришимиз билан барча иситиш воситаларини ишга туширамыз, – деди Картер, – ҳадемай иссиққина уйда ўтирамыз.

Бироқ улар уйга келиб, ичкариги эшикни очганларида иситиш воситалари ёқилганининг гувоҳи бўлишди. Ғира-шира меҳмонхона ва ётоқхонада олов милтиллаб, ёқимли ёниб турарди.

– Қандайдир сеҳргар пари бизнинг ғамимизни еган кўринади! – деди Жулия.

– Э, қанақа сеҳргар пари! – деди Картер. Камин тахтаси устидаги: “Картерхоним” деб ёзилган хат-жилдга аллақачон унинг кўзи тушганди.

Жулия хатни овоз чиқариб ўқиди:

“Азизим Жулия, сизни оддийгина Жулия десам эътироз билдирмассиз деб умид қиламан. Ахир сиз билан ўхшаш жиҳатларимиз етарли: биз иккимиз бир одамни севамыз. Бугун ҳаво шу қадар совуқ бўлдики, шунда мен дарров сизларни серқуёш юртлардан қандай қилиб музлаб ётган уйга келишларингизни кўз олдимга келтирдим. Мен бу уйнинг қанақа совуқ бўлишини биламан. (Биз Филипп икковимиз жанубдан қайтганимизда мен ҳар йили бежизга шамолламасдим.) Шуларни ўйлаб, ўзимга эркинлик беришга жазм этдим: уйга берухсат кириб, иситиш қурилмаларини ёқдим, бироқ бу юмушларни биринчи ва сўнгги бор бажараётганимни исботлаш учун менга тегишли калитни ташқаридаги пойандоз тагига қўйдим. Эҳтимол, сизнинг самолётингиз тўсатдан Римдами, ё бошқа ердами ушланиб қолар. Шунда мен тайёрагоҳга қўнғироқ қиламан, агар, Худо кўрсатмасин, учиб келолмасангиз, унда уйга

қайтиб келиб, иситиш қурилмасини ўчириб қўйишимга тўғри келади (яна ким билади дейсиз, бу ёқда электр ҳақи ошгандан ошиб ётган бўлса!). Оқшомни кенг жойда, ҳузур-ҳаловатда ва осойишталикда ўтказасиз деган умиддаман.

Сизларни севувчи Жозефина.

Айтганча, уйда қаҳва йўқ экан, мен бир кути “Мовий тоғлар” дан ошхонада қолдирдим”.

– Худо ҳақи, у ҳеч нимани назардан қочирмай, роса гамимизни ебди! – дея кулди Жулия.

– Яхшиси, бизни ўз ҳолимизга қўйса бўларди, – деди тўнғиллаб Картер.

– Унда биз совуқда қолган бўлардик, эрталаб қаҳва ҳам ичолмасдик.

– Назаримда, у барисининг эвазига қаергадир биқиниб олгану сендан бўса олиш пайида тўсатдан отилиб чиқиб келадигандек. — У Жулияни ўпди ва хавотир билан эшикка қараб қўйди.

– Бунча адолатсиз бўлмасанг. Ахир у калитни шолча тагида қолдирдим деди-ку.

– Бошқа ясатиб олган бўлиши ҳам мумкин-ку.

Аёл бўсалари билан унинг оғзини ёпди.

Самолёт элитди, шекилли, одамнинг тезроқ ётгиси келяпти, сезяпсанми?

– Ҳа.

– Афтидан, бу тебранишнинг таъсири бўлса керак?

– Кел, шундай роҳатдан ўзимизни бебаҳра қилмайлик.

– Аввал анави пойандоз тагига бир қараб қўяй. Барибир текшириб кўриш керак, балки у бизни лақиллатаётгандир.

У оилавий ҳаётдан маст эди. Ҳатто аввалроқ оила қурмагани учун ўзини койирди ҳам, гарчи бундай

бўлган тақдирда хотини Жозефина бўлиши мумкинлиги унинг хаёлидан кутарилган бўлса-да. Жулиянинг бирон-бир юмуш билан банд бўлмагани қандай муъжиза, у ҳамиша эрининг ёнида! Улар хизматкор ёлламадилар ва шу боис ҳаётларини кимнингдир тартиб-қондасига мослаштиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Улар ҳамма ерга, ресторану базмларга, махсус зиёфатларга бирга борганлари учун нигоҳлар учрашувининг ўзи улар учун кифоя эди... Жулиянинг заиф соғлиғи ҳақида тез кунда миш-мишлар тарқала бошлади – у тезда толиқарди, базмларда кўпинча ун беш дақиқа бўлиб, ё бўлмай: “Оҳ, азизим, мени афу эт, бошим оғриб қолди. Эсиз... Филипп, мени кузатиб қўйишни хаёлингга ҳам келтира кўрма... – дерди. Филипп: – “Йўқ, мен, албатта, сен билан кетаман!” – дерди-да, қаҳва тортилиши билан махсус зиёфатдан жуфтакни ростлаб қоларди”.

Нимадир бўлди-ю, бир марта улар далил-исбот устида қўлга тушиб қолдилар – уй эгаси қандайдир хатни ташлашни илтимос қилиш учун орқаларидан изма-из чиққанида, улар зинада туриб ичаклари узилгудек кулаётгандилар. Ушанда Жулия ўзини асаби зўриққан кишидек кўрсатишни бир амаллаб уддалаганди...

Орадан бир неча ҳафта ўтди. Бу никоҳни чиндан ҳам толеи баланд дейиш мумкин эди. Йўл-йўлакай ўз бахтларини муҳокама қилишу бунинг учун бир-бирларидан миннатдор бўлишдек ҳолатлар уларга хузур бағишларди.

– Баъзан мен, сен Жозефинага уйланишинг ҳам мумкин эди-ку, дея ўйлаб қоламан... Тугрисини айт, нега унга уйланмагансан?

– Менимча, иккимиз ҳам юрагимизнинг туб-тубида муносабатларимизнинг омонат эканини сезганмиз?

– Бизники-чи, бизники омонат эмасми?

– Бизники мустаҳкам бўлмай, яна кимники мустаҳкам бўлсин.

Секин-аста ҳаракатга келувчи бомба ноябрнинг бошида ўз кучини кўрсатди. Турган гапки, бу портлаш анча аввалроқ содир бўлиши мумкин эди, бироқ Жозефина унинг ҳаётида юз берган ўзгаришларни фаҳмлай олмади. Филипп улар яқинлашиш кунлари унга “орзу-умидлар ғаладони” дея ном қўйиб, у ерга хомаки ҳикояларию билдирмай ёзиб олинган суҳбатлардан парчаларни ва шунга ўхшаш нарсаларни, аёл эса хомаки, наридан-бери чизилган расмларни сақлайдиган қутига назар ташлашидан аввал орадан бир неча ҳафта ўтиб кетди.

Қутини очиши билан унинг кўзи аёлнинг мактубига тушди. Унинг устига хитоб аломати билан ёғли қора сиёҳда: “Мутлақо махфий”, – деб ёзилганди ва ҳазил тариқасида кўзи катта қиз бола шаклидаги (Жозефина ташқи кўриниши унчалик ҳам бузилмаган ҳолда буқоқ беги функциясининг ўзгариши дардига чалинганди) шиша идишдан ўрмалаб чиқаётган жин сурати чизилганди. Картер мактубни кучли нафрат ила ўқиб чиқди.

“Азизим! Ҳар замон, ҳар замонда бўлса-да, мен, ўн йиллик турмушимиз ҳаққи ҳурмати “яхши ётиб тур”, ёки “яхши ётиб турдингми?” ё бўлмаса “азизим, соғлиқларинг яхшими?” деган сўзлар билан сени сийлашга ҳаддим сигар деб ўйлайман. Саломат юришингни Яратгандан сўраб қоламан. Сени (чин дилдан) севиб қолувчи

Сенинг Жозефинанг.

Аёлнинг сўзларида “аҳён-аҳёнда бўлса-да” ошқора дўқ-пўписа янграб турарди. Эркак қутини қар-

силлатиб ёпиб, азбаройи овозининг борича сўкина кетди, буни эшитиб, Жулия эшикдан мўралади.

– Сенга нима бўлди, азизим?

– Яна ўша Жозефина-да!

– Биласанми, ҳозир унга осон эмаслигини мен яхши тушунаман. Боёқиш. Наҳотки сен унинг хатини йиртиб ташламоқчи бўлсанг?

– Сенингча, нима қилишим керак? Бутун бир китоб ҳолига келгунча сақлашим керакми?

– Менимча бу шафқатсизлик.

– Ҳали мен унга шафқатсиз бўлиб қолибманми? Жулия, у охирги йиллари менга қандай нағмалар кўрсатганини сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан. Унинг кўрсатган кароматлари орқасидан орттирган чандиқларимни кўрсатайми сенга: агар унинг бир жавабаси тутиб кетса борми, сигаретни тўғри келган жойимга босишдан ҳам тоймасди.

– Сени йўқотаётганини билиб, ақлдан айрилаётган бўлса керак-да. Аслини олганда, бу чандиқларнинг барига мен сабабчиман.

У, аёлни кўзлари аллақандай довяракликдан нафис ва хурсанд чақнаб кетганини кўрди.

Орадан атиги икки кун ўтиб, иккинчи бомба ҳам портлади.

Жулия эрталаб уйғонганларида кўриб қолди:

– Тўшакни ағдариш керак. Иккимиз аллақандай чуқурликнинг қоқ ўртасига думалаб кетаётгандекмиз, гўё.

– Наҳотки?

– Тартибга ўрганган одамлар тўшакни ҳар ҳафтада ағдариб туришади.

– Ҳа, Жозефина ҳар доим шундай қиларди.

Улар чойшаб, ёстикжилдларни олиб ташладилар-да, тўшакни юмалоқдай бошладилар. Тўшак ўр-

нида Жулия номига йўлланган мактуб ётарди. Картер хатни сездирмай қоқиб ташламоқчи бўлди-ю, бироқ уни Жулия кўриб қолди.

– Яна хатми?

– Нима бўларди, Жозефинадан хат-да. Бу хатлар ҳадемай бир жилдга ҳам сигмай қолади, шекилли. Жорж Элиотнинг хатлари сингари академик нашр тарзида босишга тўғри келади.

– Азизим, бу мактуб менга ёзилган. Уни сен нима қилмоқчи эдинг?

– Билдирмай, йиртиб ташламоқчи эдим.

– Бизнинг бир-биримиздан яширадиган сиримиз йўқ деб уйлагандим.

– Мен ҳам. Бироқ мен бу дунёда Жозефинадек аёл борлигини унутибман.

Бу сафар аёл хатжилдни истар-истамайгина очди.

– Хатнинг бу ерда ётиши чиндан ҳам ғалати... Сен нима деб уйлайсан, мактуб бу ерга тасодифан тушиб қолдимикин?

– Мен бундай деб уйламайман. Тасодифан қаердан келиб қолиши мумкин?

Аёл хатни ўқиб бўлгач, уни Картерга узатди ва ўзини енгил ҳис этганча деди:

– Хат бу ерга қандай тушиб қолганини, мана, Жозефина тушунтириб беради. Худога шукр, бунинг ҳеч бир ғалати ери йўқ.

У хатни ўқий бошлади:

“Азизим Жулия!

Ишонаманки, сиз қуёшнинг юнон еридаги ҳақиқий тафтидан баҳраманд бўляпсиз. Бунни Филиппга айтиб ўтирмангу, (гарчанд сизлар, шубҳасиз, бир-бирингиздан сир яширмасангиз-да), бироқ мен Франция жанубини сира ёқтирмаганман. У ерларда ҳамиша изгирин мистраль шамоли эсади ва терини

қовжиратади. Грецияда сизларни бундай нохушликлар безовта қилмагани қандай яхши. Биз ҳамма вақт у ерларга борамиз дея отланганмиз, бироқ ҳеч имкон тополмаганмиз, энди Филипп қандай мамнун эканини кўз олдимга келтиряпман. Мен бугун хомаки асарларимни олиб кетмоқчи бўлиб келгандим ва бирдан тушакнинг, агар ундан кўпроқ бўлмаса, икки ҳафтадан бери ағдарилмай ётгани ёдимга тушиб қолди. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Филипп иккимиз ҳаётимизнинг сўнгги кунларини қувончдан бебаҳра ўтказдик. Шундай бўлса-да, унутиш оролидан қайтган илк тунингизни тушагингиздаги дўнг, паст-баланд ноқулайликларни ҳис этиб ўтказишингизни ҳаёлимга сиғдиrolмадим, шу боис мен уни ағдариб қўйдим. Уни ҳар ҳафтада қайта-қайта солиб туришингизни маслаҳат берардим, бўлмаса, ўртасида доим чуқурча пайдо бўлаверади. Айтгандек, қишки пардаларни ҳам осиб қўйдим, ёзгиларини эса тозалашга топширдим. Манзили: Бром-стрит, 153.

Салом билан Жозефина”.

– Ёдингдами, Напулнинг турган-битгани жаннат деб ёзганди менга, – деди Картер. – Бу хатнинг муҳаррири унга тузатиш киритишига тўғри келади.

– Йўқ, сен барибир тошбағир одамсан, – деди Жулия. – Азизим, у ахир бизга ёрдам бермоқчи. Бўлмаса парда ва тушак ҳақида мен қаёқдан билардим?

– Сен ҳали унга узундан-узун самимий хат йўллаб, ҳўжалик ишлари бўйича ҳам бир-бирингиз билан тажриба алмашмоқчимисиз дейман?

– Ахир у бир неча ҳафтадан буён илҳақ бўлиб жавоб кутяпти. Мактуб бу ерда отам замонидан бери ётган бўлса.

– Қизик, бу уйда қадимдан бери яна қанчаси сақланаётган экан-а? Қасам ичиб айтаманки, мен ҳозир уйнинг ҳамма ерини остин-устун қилиб чиқаман. Ертўласидан то чортоғигача.

– Бизда униси ҳам, буниси ҳам йўқ.

– Мен нима ҳақда гапираётганимни сен жуда яхши тушуниб турибсан!

– Менга фақат пашшадан фил ясаётганинг тушунарли, холос. Мен сени, Худо ҳақи, Жозефинадан кўрқяпсан деб ўйлаяпман.

– Жин урсин ўша Жозефинани!

Жулия кескин бурилди ва чиқиб кетди, у эса ўз юмушлари билан машғул бўлди. Ўша куни улар яна жиғиллашиб қолишди. Айтарли жиддий бирон нима содир бўлмаган эса-да, барибир Филлиппнинг кайфияти бузилди. Халқаро телеграмма жўнатиш мақсадида телефон рақамни излай туриб, маълумотнома китобининг биринчи жилди ичидан “қийшайиб кетган “о” ҳарфи билан Жозефинанинг машинкасида алифбо тартибида ёзилган телефон рақамларининг узундан-уzun рўйхатини топиб олди. Бу ерда унга зарур бўладиган барча рақамлар бор эди. Эски дўсти Жон Хьюзнинг телефон рақами Хэррдос универмаги билан ёнма-ён қайд этилганди; бу ерда яна яқин атрофдаги такси тўхташ жойининг, дорихоналарнинг, гўшт, сабзавот, балиқ дўконларининг, банкнинг, тозалаш буюртмасининг, унинг ношири ва агентининг, Элизабет Арден косметик кабинетининг, маҳаллий сартарошхонанинг (қавс ичида: “Ж. учун: назарда тутинг, бари бинойидек ва мутлақо арзон,” деб ёзилганди) ҳам рақамлари бор эди. Икки аёлнинг ҳам исми ва шарифи бир хил эканини Картер илк бора пайқаб қолганди.

– Йўқ, у аёл фариштанинг ўзгинаси, – деди Жулия. – Биз бу рўйхатни телефон турган ернинг тепа-

сига илиб қўямиз. Бу ерда чиндан ҳам зарур бўлган барча рақамлар муҳайё экан.

– Аввалги хатларида у нимага ишора қилганини ёдга олсак, қизиқ, нега бу ерда заргар йўқ?

– Азизим, тагин нималарни валдираяпсан? У бор ҳақиқатни ёзган. Агар мен озгина пул жамғариб қўймаганимда, биз ҳам Франциянинг жанубида дам олган бўлардик.

– Сенингча, мен Грецияга бориш учун сенга уйландимми?

– Бунақа бемаъни гапларни қўй. Нега Жозефинага бунчалик адолатсиз муносабатда бўляпсан?.. Унинг бизга кўрсатаётган ҳар қандай ёрдамани ёмонликка йўйганинг-йўйган.

– Ҳали сен буни ёрдам деб ўйлайсанми?

– Йўқ, сени пушаймон бўлаётганинг аниқ.

Шунда у ҳақиқий тинтувни бошлаб юборди. У сигарет қутисидан тортиб, галадонгача, картотекадан тортиб, Грецияга ўзи билан олиб кетмаган костюмнинг киссасигача титкилаб чиқди, телевизорнинг орқа томонини очиб, ҳожатхонадаги бакча қопқоғини кўтариб ташлади, ҳатто у ердаги қоғоз ўрамини ҳам янгилади (буниси ортиқча айлантириб ўтирадиган эскисидан дурустроқ эди) Жулия ундан хабар олиш учун ҳожатхонага борди, бироқ унинг нигоҳларида одатдаги нафисликдан асар ҳам қолмаганди. У пардаларнинг устки қисмларини обдан қоқиб-силкитди (керак бўлганда пардалар яна тозалашга топширилса, ким билади, у ердан тагин нималар чиқмайди), тагига бирон нима беркитилганми, ё йўқми дея сават ичидаги кир чойшабларни чиқариб олди. У ошхонада эмаклаб юриб, плита тағларини кўздан кечирди: қувурга бир парча қоғоз ўраб қўйилганини кўрди-ю, севинганча уни шартта юлиб

олди, бироқ – афсус! – қоғоз парчасини сув узатиш мутахассиси эсдалик учун қолдирганди. Тушликдан сўнг почта қутисига тарақлаганча рўзномалар келиб тушди ва Жулия даҳлиздан туриб қичқирди:

– Қандай ажойиб! “Vogue”га обуна бўлганингни нега менга айтмагандинг?

– Мен унга обуна бўлмаганман.

– Кечирасан, бу ерда қандайдир тўйхатга ўхшаш яна нимадир бордай кўринаяпти. Бизни “Vogue”га мисс Жозефина Хекстол-Жонс обуна қилибди. Бу унинг бизга кўрсатган илтифоти эмасми?

– У журналда туркум расмлари билан қатнашибди. Уларни кўраман деб кўзим учиб тургани йўқ.

– Азизим, болалик қилишни бас қил! Балки унга китобларингни ўқишни ҳам ман этарсан?

– Менинг ягона талабим: у бизни тинч қўйсин, вассалом. Ҳеч бўлмаганда бир неча ҳафтага. Мен қўп нарсa сўраётганим йўқ шекилли.

– Азизим, сени барибир худбин деса бўлади.

Ўша куни оқшом у ўзини ҳорғин ҳис этса-да, руҳи анча енгил тортганди. У тинтувни пухта, синчковлик билан ўтказди. Тушлик ўртасида унинг ёдига дафъатан уйнинг торлиги сабаб шу пайтгача очилмай ётган девор жавонидаги тўёналар тушди ва у, биринчи ва иккинчи таомлар орасида қути михланганига ишонч ҳосил қилиш учун гизиллаб бориб келди; Жозефина қўлини яралашдан қўрқиб, бурагични қўлга олишга юраги дов бермаслигини у биларди, болгадан эса ўлгудек қўрқарди.

Эр-хотинлар истаган пайтлари салгина қўл теккизишлари билан уни бузишлари мумкин бўлган туннинг хуш ёқувчи ҳаловатидан, ҳайриятки, Картерлар ҳам баҳраманд бўлишди. Вақтни бой бериш

жазманларга ярашмайди, эр-хотинларники эса бари олдинда.

– “Мен бугун кексаликдек ювошиб қолдим”, – ёдаки ўқиш маҳорати билан ирод қилди.

– Буни ким айтган?

– Броунинг.

– Мен Броунингни яхши билмайман. Билсанг, унинг шеърларидан ўқиб бер.

– У Броунингни овоз чиқариб ўқишни яхши кўрарди – Картернинг овози дурустгина бўлиб, беғубор мағрурлигини намойиш қилишга у тайёр эди.

– Чиндан ҳам эшитгинг келяптими?

– Ҳа.

– Мен буларни Жозефинага тез-тез ўқиб берардим – эҳтиёт шарт деди у.

– Нима бўпти? Баъзан биз истаймизми, йўқми, аввал кимлар биландир қилган ишларимизни яна такрорлашимизга тўғри келади, шундай эмасми, азизим?

– Мана ҳали бирон марта ҳам Жозефинага ўқиб бермаган шеърлар. Мен ҳатто у одобсизлик бўлиб кўринганда ҳам, унга ошиқ бўлганман. Бизнинг муносабатларимиз хийла мўрт эди.

Ўқиганларидан унинг ўзи ҳам таъсирланиб кетди. Гуё у Жулияни шу топда севганчалик ҳеч қачон севмаганди. Мана ва ниҳоят энди унинг ўз уйи бор – шу пайтгача у ит ётиш, мирза туриш билан яшаб келди.

Унга қолса шеърни Жулия ўқигани маъқул эдию, унда аёли уни бу қадар болаларча берилиб тингламаган бўларди.

У навбатдаги саҳифани очди ва у ерга сўлоқмондай-сўлоқмондай қилиб, қора ҳарфлар билан ёзиб тўлдирилган бир варақ қоғоз қўйилганини кўрди (агар Жозефина мактубни хатжилдга солишни

фаҳмлаганида, Картер уни ўқишидан аввал пайқанган бўларди):

“Қадрдоним Филипп! Мен сен ёқтирган, шунингдек мен ҳам, китоб саҳифаларидан туриб, сенга фақат хайрли тун тиламоқчи эдим, холос. Сен билан муросаю мадорада ажралишганимиз қандай бахт. Иккимизга тааллуқли хотиралар ҳамиша бизни боғлаб туради.

Сени севувчи Жозефина.

У китобни мактубга қўшиб улоқтирди-да:

– Ярамас! Ярамас иблис! – деди тишларини ғижирлатиб.

– У аёлни бекордан-бекорга ҳақоратлашингга йўл қўймайман! – бирдан ўшқира кетди Жулия. Аёл ва рақни ердан олди-да, у ерда ёзилганларни ўқиб чиқди. Сенга буни нимаси ёқмади? – сўради аёл. – Нима, сенга хотиралар ёқмайдими? Унақада бизнинг хотиралар нима бўлади?

– У бизни қўғирчоқ қилиб ўйнатяпти, нима ё буни кўрмайапсанми? Бу билан нимага эришмоқчи бўлганини-чи, нима тушунмайапсанми? Наҳотки сен шу қадар эсини еган аёл бўлсанг?

Ўша кеча улар бир-бирларига ҳатто оёқларининг учини ҳам теккизмай, ўриннинг бошқа-бошқа тарафида ётишди. Бу улар уйга қайтишгандан сўнг шу тариқа ўтказган илк тунлари эди. Тунни икковлари ҳам беҳузур ўтказишди. Тонгда эса Картер нимагадир мутлақо унинг хаёлига келмаган, шундай кўзга ташланадиган ердан у доим ўз ҳикояларини ёзадиган чизиқли қоғоз саҳифалари тагидан хат топиб олди. Мактуб шундай сўзлар билан бошланганди:

“Севгилим! Мен сени ҳамиша атаганимдек, шундай сўзлар билан алқасам, ишонаманки, бундан сира жаҳлинг чиқмайди...”

Иван Бунин

ИЛТИФОТЛИ ИШТИРОК

Москвада, дейлик, Молчановкада “императорлар театрининг собиқ артисти” истиқомат қилади. Сўққабош, ёши ўтган, юзи япасқи, қотмадан келган. Ашуладан сабоқ беради. Ҳеч бир йил йўққи, айна декабрь ойида бу аёлнинг бошига битта иш тушиб турмаган бўлсин.

Бир куни якшанбада, яъники, жуда совуқ, қуёшли тонгда, даҳлиз томондаги қўнғироқ жиринглади.

– Анна! Эшикка қара! – ҳадиксирабгина қичқирди у ошпаз аёлга, ётоқхонадан туриб.

Ошпаз аёл эшикка шошилди, бориб очди ва ўзини бироз орқага олди – рўпарасида башанг кийинган, ясан-тусанни ўрнига қўйган меҳмонлар – мўйнага бурканган, оқ қўлқопли иккита ойимтилла, эгнига ялангқават шинель илган, оёғида ич-ичигача муз ўтиб кетган юпқа пойабзал пўрим талаба турарди. Талаба меҳмонларга шунчаки ҳамроҳлик қилгани ўз-ўзидан аён эди.

Ойнадаги муз нақшлар орасидан ўтиб, ичкарига ғира-шира ёғду таралиб турган қаҳраборанг совуқ меҳмонхонада меҳмонлар узоқ кутиб қолишди, сўнг уй бекасининг илдам қадам товушлари эшитилди ва улар пешвоз чиқиш учун шоша-пиша ўринларидан қўзғалишди. Нима гаплигидан хабардор аёл жуда ҳаяжонда – юзига қуюқ қилиб упа суртиб, йирик, қоқ суяк қўлларига атир пуркаб олганди...

– Сизларни куттириб қўйганим учун, Худо ҳақи, мени афв этинглар, – деди у, шошиб чиққанидан юрак уришига зўрға бардош берганча жозибали табассум ва оқсуякларга хос хотиржамлик билан.

– Ташвишга қўйганимиз учун бизни афу этинг, – деди талаба унинг сўзини бўлиб ва ўзгача иззат-икром ила ялтоқланганча унинг қўлини ўпа туриб. – Ҳузурингизга биздан мурувватингизни дариг тутмассиз деган умидда ташриф буюргандик. Анъанавий адабий-вокал-мусиқа оқшомини уюштирувчи қўмита бизга илтифот кўрсатиб, бешинчи Москва гимназияси тарбияланувчиларининг фойдасига, рождество байрамининг учинчи куни ўз илтифотли иштирокингиз билан ушбу оқшомда қатнашишингизни сиздан илтимос қилишни топширди.

– Жаноблар, мумкин бўлса, мени шундан халос этсангиз! – мафтункорлик билан гап бошлади аёл. – Гап шундаки...

Бироқ ойимтиллалар аёлни шунақанги мулоҳимлик ва одоб билан, шунақанги ҳамжиҳатлик ила ўртага олишдики, шугина бир уринишдаёқ у ҳатто бош тортишни қўяверинг, бир оғиз йўқ дейишга ҳам ботинолмаётганди...

Шу воқеадан сўнг орадан роппа-роса уч ҳафта ўтди.

Шу уч ҳафта ичи Москва ишлайди, савдо-сотик билан шуғулланади, вақтичоғлик қилади, бироқ ўзининг энг ранг-баранг барча юмушларию қизиқишлари ва ўйин-кулгилари орасида у фақат биргина муҳим 27 декабрь кечасини пинҳона кутиб яшарди. Шаҳарнинг ҳар бир чорраҳасида барча ранг ва ўлчамдаги сон-саноксиз афишалар кўзга ташланарди: “Тубанликда”, “Кўк қуш”, “Уч опа-сингиллар”, “Сув париси” даги Шаляпин, “Қор қиз” даги Соби-

нов, Шор, Крейн ва Эрлих, Зимин операси, Игорь Северянин кечаси... Бироқ энди бешинчи Москва гимназиясининг тарбияси қониқарсиз ўқувчилари фойдасига ўтказиладиган адабий-вокал-музыка оқшомининг илтифотли иштирокчиси исми шарифи катта-катта ҳарфлар билан ёзилган мўъжазгина афишадан кўз узиб бўлмасди. Бу вақт ичида иштирокчининг ўзи унга кўз тутиб турган Москванинг ишончини оқлаш учун тинмай, астойдил ишларди – гоҳ уни, гоҳ буни, яна бошқасини ёдга солар, куйлайдиган қўшиғини сараларди, овозини синовдан ўтказарди... Энди кунлар фавқулодда тез ўтиб борар ва бу тезлик уни ваҳимага соларди: бу даҳшатли кеча кўз очиб-юмгунча келиб қолади!

Аёл дарс беришни тўхтатди ва ҳеч кимни қабул қилмади, кўксовдан, тумовдан юқтириб олмаслик учун ўзи ҳам уйдан ташқарига чиқмади. Томошабинларга нимани тақдим этса экан? Бу саволга жавоб топиш ҳатто ўз ишининг устаси бўлган артист учун ҳам қандай мушкул эканини одамлар қайдан билсин! Бу ерда нечоғлик сезгирлигу нечоғлик дид, тажриба ва уддабуронликни кўрсата билиш керак. Узоқ ва машаққатли шубҳа-гумонлардан, иккиланишлардан сўнг аёл эски, ўзининг ажралмас репертуарида тўхтади ва муаммо ҳар ҳолда ўз ечимини топгандек бўлди – тасдиқдан яна ўша учта нарса ўтди: бири – ҳаддан зиёд бахтга ташна ва бахтдан тақводорларча юз ўгирган меҳрибон аёл қалбининг кучи ва дарди, ундаги пинҳона эҳтирос, алладек ёқимли, маъюс французча мафтункор қўшиқ; бошқаси – товушдаги оҳангдорликнинг бор гўзаллигини ва руснинг жасоратини намоён этувчи қўшиқ; ва ниҳоят – ҳар доимгидек алоҳида ҳайратга солиши мумкин бўлган ва “шавқ билан”, ёшлардек, шўх-ўйноқи ижро этилиб, яна худди шундай

шиддат билан қарсақлар зарбидан бутун танобий-ни ларзага келтиргудек энг юқори, ингичка овозда кескин тугалланувчи унинг: “Мен сендан бўса олган бўлардим, бироқ ойни кўриб қолишдан кўрқаман” шоҳ қўшиғи! Бундан ташқари аёл, томошабинлар талабига биноан, ун иккита нарсага тайёргарликни бошлаб юборганди... Кунлар кўз ўнгида бир-бирини қушлаб лип-лип ўтиб борар ва унинг қалбида ўзининг кун-соати яқинлашиб қолганини сездирувчи туйғу етилиб келаётганди. Бироқ у тиним билмай ишларди. Мана, охири ўша сўнгги, ҳал қилувчи кун ҳам етиб келди.

27 декабрь куни эрта тонгдан у жонини жабборга бериб ишлади. Эрталаб яна битта, энг сўнгги тайёргарлик кўрилади. У энди эстрадада куйлагандек, овозни баралла қўйиб, бор санъаткорона таъсирчанлик билан куйлар, дастурнинг бошидан-охиригача чолғувчи унга ҳамроҳлик қиларди – ва у меҳнатлари зое кетмаганини ҳис этди! Бироқ оқшом уни нима кутаяпти – Худо билади. Ғалабами ёхуд ҳалокат? Унинг юзи ўтдай ёнар, қўллари эса муз эди... Машқлардан сўнг у ўз ётоқхонасига йўл олди, ечинди ва ўринга ётди. Аннушка унга одатдан ташқари қандайдир балиқнинг донатор икрасини, совуқ жўжа ва ўткир шароб олиб келди: барча катта артистлар саҳнага чиқиш олдидан мана шу тарзда нонушта қилишарди. Тамадди қилиб бўлгач, у пардаларни беркитиб чиқиб кетишни ва уйда мутлақо тинчлик сақлашни тайинлади-да, кўзини юмди, қоронгида, бирон-бир ҳаракатсиз кечқурунги олтигача бир, икки, уч соат ҳеч нимани ўйламай, ҳеч нимадан ҳаяжонланмай ётди. Олтида сапчиб турди; даҳлиз кўнғирогининг ёқимсиз овози эшитилди – рўпарада сартарош турарди!

Аёл гуп-гуп ураётган юрагию ловуллаб ёнаётган кулоқлари, ёноқлари ва муздек қўллари билан ўзига роса қирқ томчи тинчлантирувчи ифорли валериана суюқлигидан томизди-да, ясан-тусан қилиб, қурбон бўлиш учун ҳозирланишга келган қариқиздек, халатда, сочлари ёйиқ ҳолича ойна олдига келиб ўтирди. Ошхонадаги плита устида қўлини олдиндан илтиб олган сартарош кириб келди-да, далда бергандек:

– Бугун ҳаво бўлакча! Совуқ яхшигина бўлса-да, барибир кишига ёқяпти! – деди.

У ҳам артистлардек феъл-атворга эга бўлгани боис уни етарли даражада тушуниб, аёлдаги артистларга хос ҳаяжонга ҳамдарад бўлган кўйи ўзини олдинда турган воқеаларнинг иштирокчиси дея ҳис этиб, нафислик билан шошилмай ишларди. У ўзининг енгил-елпи, бепарво гаплари, ҳазил-ҳузули ва умуман, бундай ишларда бор пишиқ-пухталиги, шунингдек, аёлнинг бўлажак муваффақиятига қатъий ишонган ҳолда уни аста-секин юпатиб, унга бор куч-қувватини, журъатини, умидини қайтариб бераётганди... У ўз ишини яқунлаб, унга ҳар томондан туриб назар ташлар экан, бир жингалак соч ва бир турмак бундан ортиқ бўлмаслигига ишонч ҳосил қилгач, кетди, ошхонадаги соат эса жимгина еттини кўрсатиб турарди, унинг юраги яна така-пука бўла бошлади: саккиз яримда аёлни олиб кетишга келишади!

Соат саккиз бўлди, бироқ у ҳали ҳам тайёр эмасди. У яна томчили доридан ичди, бу сафар гофманикидан, аёл ўзининг энг яхши ичкўйлагини кийди, ёногини қизилга бўяб, юзига упа суртди... Ўзининг гумбурлаган овози билан уни ҳайратда қолдириб, соат саккизу ўттизда яна қўнғироқ янгради: келишди! Анна алпон-талпон даҳлиз томонга югурди, ҳая-

жон босгандан, у ҳам ўзини йўқотганди – эшикни дарров очишга қурби етмаётганди...

Улар – бу сафар икки талаба – ижарага олинган, жуда бақувват қирчанғи от қўшилган, алмисоқдан қолган улкан енгил аравада келишганди. Улар сарпойчан бўлиб, оёқлари ҳам совуқдан тош қотганди. Меҳмонхона ҳар доимгидек совуқ ва керосин ҳиди анқиб турган чироқ ёниб турарди. Улар меҳмонхонада худди куёвжўра каби ялтираган силлиқ бошларидан мойнинг хушбўй исини таратиб, кўкракка катта-катта оқ селондан капалакнусха бандни қўндириб олганча, битта мундирнинг ўзида сабр-тоқат билан кутиб ўтиришарди. Улар мулойимлик ва чидам билан, индамай, ҳар томондан беркитиб ташланган эшик, кўк ва қизил чироқлар шуълалари милтилаган музли ойналарга, роялга, девордаги машҳур қўшиқчиларнинг суратларига қараб ўтиришар, дераза ортидан трамвайнинг босиқ жиринглаган, гилдираklarининг гумбурлаган овози, эшик ортидаги Аннушканинг ва артистнинг хавотирли қадам товушлари қулоққа чалинади... Шу зайлда ўн беш, ўттиз, қирқ дақиқа вақт ўтди... Ниҳоят қўққисдан эшиклардан бири ланг очилди. Улар баб-баравар ирғиб ўрниларидан туришди, артистка эса мафтункор ва бепарво табассум билан уларга пешвоз чиқиб келди:

– Худо ҳақи, жаноблар, мени кечиринглар, сизларни кутдириб қўйдим... Нима, вақт бўлдими? Ундай бўлса, мен тайёрман, қани, кетдик бўлмаса...

Ҳатто ёноқларидаги қизил бўёқ ва упанинг орасидан ҳам тўқ қизил доғ ловуллаб турарди, оғзидан эса марваридгул томчи дорисининг, қўлидан ёғ упанинг, ҳаворанг ҳарир кўйлагидан хушбўй атир ҳиди димоққа урарди. Аёл рақс кечасига отланган Азро-

илга ўхшарди. Аёлнинг ҳамма томони жингалакланиб, шиширилган кулранг, мураккаб ва баланд қилиб турмакланган сочларига қандайдир испанча-ми-ей, қора тур ташланган, кукраклари олдинга туртиб чиққан, яланғоч елкаларига оқ қўнғироқ юнгли калта эчки пўстини солиғлиқ эди... Талабалар ҳам шоша-пиша аёлнинг орқасидан даҳлизга отилишди. Улардан баланд бўйли, ориққинаси аёлнинг калиш-этигини қўлига олди-да, чаққонлик билан чўккалаб, унинг олмос туқа қадалган атлас қора пойабзалини кийдира бошлаганди, аёл ёрдамлашиш учун ич кийимининг жимжимали туридан ушлаб этагини тортмоқчи бўлиб энгашганида, қўлтиғидан аччиқ бадбўй ҳид анқиб кетганини сезди...

Аёл яшин чақнаб турган булут ва аллақандай мусофирхона тўғрисида куйларди – “бизни бу мусофирхонага Парвардигорнинг ўзи юборди” – ва яна ўзгача бир дабдаба билан “Мен сендан буса олган бўлардим-у...”. Биринчи қаторда ўтирган танқидбоз мўйсафид киноя билан қиқирлаб кула бошладди-да, бошини бурди – ниҳоятда очик-ошкора: ҳар нарса қилсанг қил-у, фақат ўпмагил... Барибир аҳмоқ бўлгани қолди: артистка улкан муваффақият қозонди, уни тинмай сахнага таклиф қилишарди ва томошабинларнинг талабига биноан такрорлашни сўрашарди – булар айниқса оёқ остида туриб олиб, ваҳима билан қичқираётган ва чўмич каби букилган кафтларини бир-бирига уриб қарсак чалаётган ҳушёр ёшлар эди.

Марсель Арлан

АЁЛ – УЙНИНГ ЧИРОҒИ

– Қалайсан, Гастон?

— Яхши, ота!

Гастоннинг овози қўнғироқдай жаранглаб чиқди. Айниқса, “ота” деганда янада жаранглаб кетарди. Ўзининг ҳам истараси иссиққина эди. Кўринишдан бир оз олифтароқ бўлса-да, бироқ фарзандни ўз отасидан бошқа яна ким ҳам яхшироқ биларди? Илгарилари зим-зиё киш оқшомларида Гастон мактабдан қайтаётиб, ўзига далда бериш учун баралла хуштак чалиб келаётгани узоқдан эшитилиб турарди. Уйига яқинлашгач, хуштак овози ҳам ўз-ўзидан тинарди. Эшиги тагига етиб келганида қоронғилигу ваҳимадан қутулганидан хурсанд бўлиб, юзлари ёришиб кетарди. У ҳали ҳам ўша-ўша Гастон эди. Гастоннинг ёши ўттизга яқинлашиб қолганди. Қирқинчи йилларда унинг акаси ҳалок бўлди, бу ғамни кўтаролмай, онаси ҳам оламдан ўтди, у ўз яқинларидан жудо бўлишдек оғир дардни бошидан ўтказди. Бироқ бу айрилиқлар ҳам, Германиядаги узоқ йиллар чўзилган тутқунлик ҳам унинг қаддини бука олмади. Қани, ота ўғил Гастон Лоррен, қаддингни кўтар ва отингни қамчила! От ҳам отасига ўхшаб уйқу нималигини билмасди. Отдан қўнгли тўқ: унинг қулоқлари динг, енгилгина қалтироқ унинг тимқора юнглари устидан тўлқин-тўлқин бўлиб югуриб ўтарди. Мана шу жарликка оёқ босдингми, тамом, ҳамиша ўша-ўша бир хил машмашага дуч келасан.

Нега бундай бўларкин? Балки бу салқиндандир, балки жимжитликдан, балки қалампирмунчоқнинг ёки яна алланималарнинг униққан ҳидидандир. Бу ер бутунлай ўзга олам. Ҳа, бу ердан энди Дампьер ҳам, унинг текис далаларию, ёнғоқзорлари ҳам анча олисда.

— Бу ерда қушларнинг сайраши ҳам эшитилмайди... Ота, сиз буни пайқадингизми?

Ўғли анойи эмас. Лекин Вивье Лоррен буни ўғлидан аввалроқ сезиб улгурганди. Бу дегани, қишлоқда қушларнинг сайрашига эътибор беришади дегани эмас. Чиндан ҳам на отнинг дупури ва на қўш отли араванинг тарақ-туруғи эшитиладиган бундай тор жарликка қадам босишинг билан бу ерларда нимадир етишмаётганини дарров сезасан.

— Қани, Тюрко, чаққонроқ қимирла. Ҳали байрам қилишга сенга эрта.

— Ҳа, майли, — деди отаси уни менсимамай, — ўша ерга бугун бўлмаса, эртага етиб борар. У ерга фақат угина эмас, бошқалар ҳам етиб олар.

Ота-бола кулишди. Бу ерларга қушларнинг сайраши ярашмаганидек, қулги ҳам ғалати туюларди. Атрофи қалин ўрмон билан қопланган тепаликлар қуршовидаги эгри-бугри бу сернам жойларда уларнинг кўнгиллари беҳузур бўлаётганди. Ота-бола бу етти ёт бегона оламда оз муддатгагина бўлишлари керак эди, холос. Ҳозир бу деворлар очилади-да, бепоён текисликка чиқиб оламиз, деб ўйлашларидан фойда йўқ эди: овозлар бўғилиб, ҳаракатлар чеклана бошлади, гўё бирор кори ҳол юз берадигандек, юрак ҳовучлаб борардилар.

“Бу хатарли ишга ўхшаяпти, — деб ўйлади чол, — ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да! Бу ёлғиз Яратгангаю Шайтоннинг ўзига аён”. Улар бу ғалвани аз-

баройи беташвиш қолганларидан ўйлаб топганлари йўқ. Нима қилиш керак? Ахир умр деганлари сувдек оқиб ўтаётган бўлса: онасининг вафотига ҳам, мана, ҳаш-паш дегунча саккиз йил бўлиб қолибди. Оёғини зўрға судраб босаётган кайвони Фаннини ҳисобга олмаганда, рўзғорга қарайдиган ҳеч ким йўқ, Гастон ҳам улғайиб, қорин қўя бошлади... Унга қолса, ҳали-бери уйланай демасди. “Ота, ташвишланманг, уйланиш бўлса қочиб кетмайди”. — “Қочиб кетмайди, дейсанми? Шартта отангдан айрилиб қолсанг-чи, ахир унинг юраги чатоқ-ку! Майли, айтганингдек, уйланиш қочиб кетмас ҳам дейлик, бироқ биринчи учратган аёлинг сени алдаб кетса-чи, унда нима бўлади, буни юрагинг кўтара олармикан?” У йигит эмас, нақ олтиннинг ўзи, қалби пок, меҳнаткаш, қолган бошқа масалаларда бўлса, худди ун икки яшар боладек гўл. Отаси: “Етар, Гастон, энди ҳадеб пайсалга солаверма, деб у билан жиддий гаплашиб қўйишига тўғри келади. Мен бугун борман, эртага йўқ, Фаннининг-ку аҳволи ўзингга маълум. Хонадонга бека, аёл зарур!”

Июнь ойининг шанба куни эрта тонгда ота-бола аравага ёнма-ён жойлашиб ўтириб олишди-да, ўз кулбаларига бека излаб йўлга тушишди. Отасининг эғнида кулранг кўйлак, ўғли эса тўқ кўк рангли янги костюм кийиб, қизил галстук таққан. Қўшниларга, Клермонга кетяпмиз, бир айланиб келамиз, деб қўя қолишди. Уларни кузатаётган Фанни буришиқ оғзи билан мийиғида кулди-да: “Йўл бўлсин, нима, қариндошларни йўқлагани кетяпсизларми?” – деди. – “Ҳа, Фанни, байрамга, Клермондаги байрамга кетяпмиз, энди тушундингми?” – “Тушунганда қандоқ, уларнинг қизларига мендан

салом айтиб қўйинглар!”

— Нимани орзу қияпсан, ўғлим?

— Менми? Йўқ, шунчаки ўйлаяпман, холос.

Ҳа, ўйлашга арзирли ишлар тўлиб ётибди; бундай муаммоларни ҳал қилиш, отасига бутунлай суяниб қолган боласидан кўра, кекса отасининг зиммасида кўпроқ эди.

— Биласанми, Гастон, улар меҳр-оқибатли қариндошлар. Бизни ҳеч унутишмаган. Сен асирдалик пайтингда, онанг вафот этганида, онангни сўнгги йўлга кузатишда иккала холаваччанг ҳам шу ерда бўлишган.

— Улар оқибатли, меҳрибон қариндошлар, буни биламан, ота.

Бунинг устига, барака топкурлар диёнатли, меҳнатнинг қадрига етадиган одамлар, улар ҳаётда озмунча заҳмат чекишган дейсанми! Сабр-бардошларининг эвазига ҳозир еганлари олдинда, емаганлари кетида, улар бунга муносиб. Лекин, шундай бўлса-да, бу одамлар гердайишни ўзларига эп билмадилар, ўша-ўша оддий инсон бўлиб қолавердилар.

— Қизнинг ота-онаси унга доим ўрнатқан бўлишган.

— Бўлмасам-чи, ота.

— Ҳа, у чиндан ҳам боши ғам-ташвишу меҳнатдан чиқмаган ота-онаси каби ўсиб-улғаймади. Ҳозир замон ҳам бошқа.

— Ҳа, бутунлай бошқа.

— Шунга қарамай, бу қиз рўзгор ишларига пишиқ-пухта, уйни бошқаришни ҳам бемалол эплайди. Бунинг устига, соғлом, яна хушбичимлигини айтмайсанми, а, нима дединг?

— Ҳақиқатан кўз юмиб бўлмайди. Эсимда, урушдан қайтганимда, бошда уни дарров танимадим. Ойимқиз деб чақирдим. У ҳам менга холавачча деб

мурожаат қилди. Сўнг мен ҳам уни холавачча деб чақира бошладим. Шундай бўлса-да, сенсирашга ўтмадик.

Унгур тобора торайиб борарди. Йўл қирғоқ ёқа-лаб давом этарди. Қиёқ ва қамишларга бурканиб ётган сой деярли кўринмасди: уни фақат ёнингдан оқаётганинигина сезардинг, холос. Вивье Лоррен ўғлини зимдан кузатарди: Гастоннинг кўзлари дум-думалоқ, оч-ҳаворанг, бўшашганроқ юзлари лўппигина, лаблари беғубор табассум қилиб турарди, бурни эса болалигида арғимчоқдан йиқилиб расвоси чиққанча, ўша-ўша пачоқ ва беўхшовлигича қолиб кетганди. Бу покланиш маросимининг илк кунда содир бўлганди: бундай қўполдан-қўпол бурун Гастоннинг юзини устомон ва савлатли қилиб кўрсатарди. Бу эса унинг юз ифодасига мутлақо мос тушмаганидан унинг ёқимтойгина чехраси кулгили кўринарди... Бундай куёвга кўзи тушган қиз нима деркин? Қизнинг ота-онаси қизларининг ҳали бирор қарорга келмаганини, лекин йўқ ҳам демаганини ва розилик ҳам бермаганини ёзишиб, келаверинглар-чи, бу ёғи бир гап бўлар, деб қўйишганди.

— Мана кўрасан, Гастон, ҳаммаси яхши бўлади.

— Ота, сиз шундай деб уйлайсизми?

— Жин урсин, бўлмасам-чи, ўғлим. Сенинг бошқалардан қаеринг кам?

— Буни биламан. Лекин Роза...

— Нима — Роза! Жуда маликамиди у? Лорренларнинг Гийомлардан кам жойи борми?.. Бунча оғзингни очмасанг, Гастон!

— Бурним битиб қолган, нима қилай! Қаёқдаги гапларни гапирасиз-да, ота...

“Яна жаҳл қилади-я бу тирранча! Хотин эмас, энага керак унга, она сути оғзидан кетмаган гўдак. Мен

ҳам қачонлардир аравада эмас, велосипедда совчи-
ликка борганман, — хотирлайди Вивье. — Ўзимга
ишонмасам-да, аммо кўринишимга гап йўқ эди”.

Ҳа чиндан ҳам унинг кўриниши чакки эмасди.
Қишлоқда уни бекорга Вивье-Бақироқ дейишмас-
ди. Ҳали ғўр йигитлик чоғлари урмон кесиш тўғри-
сида ўғринча тил бириктиришаётганда, у ҳокимга
бутун халқ олдида ҳамма гапни очиқ-ойдин айтиб,
ўзига шундай лақаб орттириб олганди. (Бунинг эсла-
и туриб Вивье жилмайиб қўйди.) Ўшанда келаси йил-
нинг ўзидаёқ Вивьени кенгашига аъзо қилишганди.
Бир йил ўтиб, бари жонига тегди ва ҳокимиятдан
жунаворди. Ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтди!
Ўз яқинларидан айрилиб, юзлари тўла ажини хаста
юррак билан қолган бу собиқ Бақироқ энди анча
ювош тортиб қолганди.

— Орзуларга берилаётган мен эмас, ота, ўзингиз!

“Гастон кек сақлашни билмайди. У ажойиб ин-
сон. Насабдан қолган ягона ёдгорлик”.

— Онангга қандай совчи бўлиб борганим эсимга
тушиб кетди.

Гастон ўтирилди-да, отасига тикилди (“Оғзингни
ёпсанг-чи!”) ва бирдан қаҳ-қаҳ уриб юборди:

— Ҳа, тўғри, ота! Ахир сиз ҳам қачонлардир уй-
лангансиз-ку!

— Намунча оғзингнинг таноби қочмаса! Бунинг
нимаси кулгили? Сенинг онанг бамисоли фаришта
эди.

Гастон бирдан лабларини бир-бирига босганди,
оғзининг икки чети осилиб тушди; Гастон фаришта-
лар у ёқда турсин, ҳатто хушрўйгина оддий қизга
ҳам ўзини нолойиқ ҳисоблашини унинг хижолат
тортган юз ифодаси айтиб туради.

— Мен холаваччангни ерга урмоқчи эмасман, —

дея сўзида давом этди отаси. — Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша яхши томонлари бўлади. Роза ҳам бундан мустасно эмас, буни ҳали ўзинг кўрасан...

— Бўлмасам-чи, — хўрсинди Гастон. — Бироқ...

— Яна қанақа “биноқ”? Тагин нима ёқмай қолди?

— Ҳар хил миш-миш гаплар тарқаганидан хабарингиз бор-ку, ахир. Айтишларича, унга аллақандай клермонлик йигит ёқар эмиш.

— Миш-миш тарқаганмиш! Одамларга қўйиб берсанг, улар нималар демайди. Бу гаплар аллақачон эскириб бўлган. Бунинг устига ота-онасининг ҳам у йигитга кўнгли бўлмаган. Кейин қиз ҳам ўз шаънига доғ туширадиган бирон ноҳўя иш қилмаган. Наҳотки мен ўз жигаргўшамга қандайдир бир суюқоёқни раво кўрсам.

“Мана, Гастон ҳам енгил тортди. Намунча тез енгил тортмаса. Бу ёшларнинг қўйдан нима фарқи бор: сал туртиб қўйсанг борми, тамом, тўрттала оёғи билан олдинга ташланади, яна озгина ипини тортиб қўйсанг, бутунлай бошқа томонга йўрғалаб қолади. Бундай беозор одамларни ҳаминиша Яратганнинг ўзи қўллайди”.

Яна юз қадам — сўнг йўл ҳам, дарё ва жарлик ҳам ортда қолади. Мана, текислик намоён бўла бошлади, устига тунука қопланган черепица заводи ҳам кўзга ташланди. У ёғи — Манса вокзали. Ундан сал нарида, Дампьер ва Клермон оралиғининг қоқ ўртасидаги йўлнинг ёқасида эркалар ва отлар нафас ростлашлари мумкин бўлган битта уй бор эди, у ҳам бўлса қаҳвахона. Манса водийсида қушлар кўринмайди деб ким айтди? Оқшом тушишига ҳали эрта бўлса-да, бир гала чуғурчуқлар баҳорги ёмғирдек шовқин-сурон кўтариб, арава устидан учиб ўтди ва яна қаергадир узоқларга ғойиб бўлди.

“Черепица заводи” — бу қуруқ номгина холос, гап у ердан на фақат черепицанинг ўзини, балки тахтани ҳам, цементни ҳам, оҳақу гишт ва ҳатто қабр тошини ҳам сотиб олиш мумкин бўлган завод ҳақида кетяпти. “Ҳаммаси — бинокорлик ишлари учун, тирикларга ҳам, ўликларга ҳам асқатади”, — жилмайиб деди Шантом. У ўзи камдан-кам куларди, лекин буни аслида табассум деб ҳам бўлмасди: унинг бугдойранг озгин башараси шунчаки бир оз бурушиб кетарди, холос.

— Бу қанақа одам ўзи, сира билиб бўлмайди, улай агар, — пичирлади Гастон. — Ваҳиманинг ўзи-я. Кесса қон чиқмайди.

— Лекин унинг калласи жойида. Уйланганидан сўнг вокзалдаги қаҳвахонани сотиб олганида ҳамма уни тентакка чиқарганди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, вокзалда қаҳвахона! Поездга чиқиш олдидан бир шишагина пивони ютиб оласан, устига-устак, поезд ҳам қошки серқатнов бўлса. Унинг ишлари аллақандай бошқача юришарди. Бошда, поезд келишидан олдин одамлар бирров кириб чиқишарди, сўнг шунчаки кўнгилхушлик учун кирадиган бўлишди, бориб-бориб бу одатга айланди. Ҳатто бу ҳам Шантомга камлик қилаётганди. У яна омборхона ҳам очиб олди. Дастлаб харидорлар кўп бўлмади, энди бўлса, учталаб-тўртталаб вилоятлардан атайлаб келишарди, бу айтишга осон, холос. Унда бошқаларга қараганда унча арзон бўлмаса-да, ишончли мол бўлиши ҳақиқат эди.

Шантом уларнинг ёнига худди одимини ўлчаётгандай, тез ҳам эмас, секин ҳам эмас, катта-катта қадам босиб келарди.

— Сизда ҳамиша тоза мол бўлади, — деб гап бошлади Вивье Лоррен, — шуни ўғлимга айтиб тургандим.

— Бари ўз манфаатим учун.

Шантомнинг овози узуқ-юлуқ чиқар, кўзи хиёл уйнаб турарди, ўзини огир-вазмин тутса-да, бир дақиқа бекор ўтириш унга азоб эди гўё.

— Анави тахталарни нима қиламиз, ўзингиз билан ола кетасизми, ё ўзим жўнатиб юборайми?

— Шантом, яхшиси жўнатиб юборақолинг, бизга шуниси маъқул. Арава кичиклик қилади. Бунинг устига, биз тунда қайтамиз.

— Биз Клермондаги байрамга кетяпмиз, — туншунтирди Гастон. — Жаноб Шантом, нима, сиз у ерга бормайсизми?

Гастоннинг ақли балло! Ўн беш йиллик турмушлари мобайнида на Шантом ва на хотини бирон марта Клермонда бўлмагандилар.

Бошда одамлар бу тўғрида нималар дейишмади: “У хотинини уйдан эшикка чиқармайди, ҳатто қариндошларини кўргани юбормайди...” ва ҳоказо. Агар ўзида хоҳиш бўлмаса, ким ўн беш йил мобайнида қаҳвахона кассасида бир аёлни ушлаб тура оларди? Чиндан ҳам унинг бундай бандиликка ўз ихтиёри билан рози бўлиши бемаъниликдан бошқа гап эмасди. Нафақат рози бўлганди, балки шунга эришиш учун ҳатто ўзи ҳам ҳаракат қилганми дейман, ким билсин? Дунёда зап ишлар бўлаяпти-да! Бу одамга бир қаранг-а – ундан ниманидир сўрашди, майли, гарчанд бемаврид бўлса-да, барибир сўрашди, у бўлса ўзини эшитмаганга солаяпти. Бутун бошли кўриниши билан унинг қимматли вақтини олаётганини намоиш этиб, ярим ўгирилганча омборхона эшигидан кўзини узмасди.

Вивье Лоррен ўзини қўлга олди-да:

— Реннинг аҳволи яхшими? – деб сўради.

— Дуруст.

Эҳтимол Шантомнинг овози одатдагидан дағал-роқ чиққандир.

— Ҳалиям ўша-ўша кассадами?

Кутилмаганда Шантом ошкора, деярли ёвқараш билан суҳбатдошига тикилди-да:

— Бошқа қаерда ҳам бўларди! – деди.

Йўқ, бунақаси кетмайди!

— Шантом, мен Ренни деярли гудаклигидан яхши билганим учун унинг ҳол-аҳволини сўраяпман.

Унинг лаблари ҳатто қилт этмади ҳам, чинакам табассумнинг қўланкаси Шантомнинг бир нафасгагина ачиниш зоҳир бўлган озгин юзлари устидан соя ташлаб ўтди, холос.

— Лоррен амаки, уни сиз чиндан анчадан буён биласиз-ку, у ахир сизнинг Клермондаги қариндошларингизникида ҳам бўлган, уларнинг қизалоқларини яхши кўради...

— Қизалоқ! – бақириб юборди Гастон. – Яна қанақа қизалоқ, у ҳадемай йигирма учга тўлади! Роза бўйи етиб қолган кап-катта қиз.

Шантом ўзининг маъносиз кўриниши билан:

— Бўйи етиб қолгани албатта тушунарли, биро-дар, — деди уни камситиб.

Айёрлигини қаранг бунинг! Сизни пайқамагандай бўлиб туюлса-да, лекин дарров фаҳмлади. Гастон унинг юзига қизиллик югурганини сезди. Бахтига бу ёқдан отаси ҳам кўмакка етиб келди:

— Ўғлингиз-чи, ҳалиям коллежда ўқияптими?

— Ҳа, бу йил иккинчи йили. Қолганларини айтмаганда, латиш ва грек тилларини, яна немис тилини ҳам ўрганияпти.

— Қисқаси, ишлар бошдан ошиб ётибди!

Айиқ ҳам чамамда охири қўлга ўрганди. Шантом худди нотага қараб гапираётгандек деди:

— Бугун тонгда келди. Троица байрамига душанбагача жавоб беришибди.

— Унча узоқ қолмас экан.

— Бироқ ҳали ақл-идроқдан кўп сабоқ олиши керак.

— Буни ўзи хоҳлайдими?

— Хоҳлайди...

Бирдан сергак тортган (бу овозмиди ёки шохнинг қарсиллашими) Шантом сарой ичкарисига йўл ола туриб, сўз қотди:

— Дангасалик қилмаса, эплайди.

У қабр тошлари уйиб ташланган чоғроққина ёндош бинога олиб чиқувчи эшикни ланг очиб юборганди, эшик бир қизалоқ ва ўғил болага урилиб кетди:

— Жан, бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

— Ҳеч нима, дада. Биз станциянинг ёнидан ўтиб кетаётгандик, Жанни менга...

Қизча шоша-пиша унинг сўзини бўлди:

— Мен ҳеч нима демадим. Бу сен ўзинг...

Йигитча аввал унга, сўнг отасига қаради-да, бошини қуйи солди.

— Дарсинг нима бўляпти? – сўради Шантом. — Латиш тилидан уйга нима вазифа беришди?..

— Дада, мен ахир...

— Қани, жўна бу ердан. Ўзингни оқламай қўяқол. Бу ерда лақиллаб юришга бало борми.

— Энди нима дейсан? – айёрлик қилди Жанни. — Мен сенга нима дегандим?

Гастон хўрсинди-да, ўзича минғирлаб:

— Ҳа, бундай феъли тор одам билан яшашнинг ўзи бўлмайди.

— Бундай ҳаёт ўзига ёқармикан? — тўнғиллади отаси, — буни жуда билишни истардим. Унга бир қарагин-а.

Болалар жуфтакни ростлаб қолишганди, Шантом эса тарвузи қўлтигидан тушган одамдек ҳамон эшик олдида қабртошлардан кўзини узмай тик турарди.

— Қизиқ, — давом этди Вивье Лоррен, — у ўзи нимадан бунча кўзини узолмай қолди?

Улар Шантом билан хайр-хўшлашиб, ўзларини анча енгил ҳис қилишди.

— Энди бир тамадди қилиб оламиз ва бирийўла Рен билан ҳам ҳол-аҳвол сўрашиб чиқамиз. Шантом, сиз билан яна қаҳвахонада кўришиб қолармиз-а?

— Балки. Яна ким билади.

Омбордан қаҳвахонагача дала бўйлаб чўзилиб кетган ёлғизоёқ йўлдан қизча олдинда, йигитча орқада юриб борардилар.

— Жанни!

— Нима дейсан?

— Мени омборхонага боришни хоҳлаяпти, дедингми?

— Нима, хоҳламаганмидинг?

— Бўлмасам-чи. Бу гап мендан чиқмаганини ўзинг яхши биласан-ку.

— Балки, сендан эмасдир...

— Унда нега бундай дединг?

— Шундай дейиш менга ёққан бўлса-чи? Айтгим келганди, айтдим!

Ана, холос! Демак, коллежда йиллаб орзу қилганларингнинг бари – самимийлик, хушмуомалалик, бир-бирингни тушуниш, юрагингнинг туб-тубида бир-бирингга талпинган, лекин буни тан олишга ботинолмаган ўша ажойиб лаҳзаларингнинг бари сароб экан. Устига-устак, мана шундай зориқиб кутишлардан сўнг эснашдан ўзингни аранг тийиб тура олишинг мумкин бўлган инжиқликлару таҳқирлашдан бўлак ҳеч нимага эришолмас экансан.

— Жанни!

— Нима дейсан!

— Яхшиси, сен гапира қол...

У ўтирилмади-да, елкаси оша сўз қотиб қўя қолди:

— Нима, фақат қизлар гапирсин-у, йигитлар эшитсин экан-да?

У ҳақ. Қачонки, ўзининг сукут сақлашию суҳбат ва ҳатто лоқайдлигидан тортиб, эмин-эркин қадам ташлашигача ўз парвойи фалаклигини барчага кўз-кўз қилиб турган бир пайтда унга бирон нима деб кўринг. Жанни, ўтган йилнинг таътил давридаги кизчадан энди юзлари нақш олмадек қип-қизил, болдирлари тўлишиб, (эҳтимол бир оз семизроқ ҳамдир), кўйлагини бир оз кўтарган кўкраклари дўппайиб қолган, аллақандай хушбўй ис таралганидан ёнида туришга юрак дов бермайдиган ойимчага, бежирим қадди-бастли ҳақиқий жувонга айланиб улгурганини қани айтиб боқинг-чи.

— Нима, қиз бола тағин олдинда юриши ҳам керакми? – сўради Жанни.

Бу сафар ҳам у ҳақ. Бунинг иложи осон: икки қадам сакраса кифоя, қарабсанки, йигитча олдинда-да. Қайтанга шуниси қулай — бемалол ўтирилаверасан, гапирганингда ҳам суҳбатдошининг юзи сенга яхши кўринади.

— Қарагин, — деди у.

— Қаёққа?

У жуда яқин келиб қолганди, деярли унга тегиб турарди. Бола ўзини орқага олди.

— Намунча ўзингни олиб қочмасанг?

Ярамас қиз!

Нима қилсанг ҳам ёки қилмоқчи бўлсанг ҳам ҳафсалангни пир қилиб, оғзингга уради-қўяди-я. Мана, марҳамат, худди айтганимдек:

— Отангдан хўп кўрқдинг-да!

Бундай гаплар елка қисишдан бошқасига ярамаса-да, одамга барибир қаттиқ тегар экан. У отасидан кўрққан тақдирда ҳам, бироқ, отаси станция бошлиғи бўлган, ҳозирда бир неча йиллардан бери бева Жаннидек қизни мазах қилишга унинг нима ҳаққи бор?

— Менга эса сенинг отанг ёқади, — давом этди Жанни. — У ҳақиқий эркак.

Инсон қалби мўъжизанинг ўзи: биласанми, унга озор етказишса ҳам, барибир, қалб деганлари сени хурсанд қилаверади — яқинларинг ҳақида мақтов эшитиш эса янада ёқимли.

Жан яна олдинга ўтиб олди ва у орқасидан келаятган оёқлари ингичка қизнинг нигоҳини пайқаб қолди. Майса узаман деб энгашган эди, қиз қикирлаб кулди.

— Жанни!

— Ҳа!

Қиз қовоқлари остидан муғомбирона қараш қилди-да, масхараомуз товушда:

— Намунча оёқларингни кермасанг? — деди.

Ўн уч яшар қизга шундай дейиш ярашадими!

Йигитча қизаринқиради, унинг сабр косаси тўлганди.

— Ҳей... сен қулоқ сол! Жонга тегдинг-ку, бас қил деяпман сенга!

— Нима жонингга тегди?

— Нима бўларди, гоҳ олдинда, гоҳ орқада юриш-да!

— Майли, унда ёнма-ён юрақол!

Ҳа, бу энди бошқа гап! Чиндан ҳам сўқмоқ жуда тор, майса устидан юрсанг оёғинг сирпаниб кетиб, ҳамроҳингнинг гоҳ елкасига, гоҳ тиззасига тегиб кетишингга тўғри келарди.

Ҳамроҳи жим эди, лекин, афтидан, худди ҳозир бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборадигандек, ҳиқилдоғи бориб-келиб турарди.

— Коллежда ишлар қалай кетяпти? — сўради Жанни. — Сенга ёқяптими?

Хайрият, бунақа ақлли гапларни қачон эшитар эканман деб тоқати тоқ бўлди-ку, ахир, мана энди дилдан суҳбатлашса бўлади.

— Сенга семинария тўғри келишини, — давом этди қиз, — ҳеч ўйлаб кўрганмисан?

Жан қоққан қозикдек туриб қолди, у эса хотиржам йўлида давом этарди. Жан олдинга қараб отилди-да, Жаннига етиб олиб, унинг тирсагидан ушлади ва қўлини қаттиқ қисди. Мана, ниҳоят орзу ҳам ушалди! Энди улар худди катталардек қўл ушлашиб боришарди.

— Ва ниҳоят, — аста гапирди Жанни. — Бунча қўпол бўлмасанг!

— Сен шунга муносибсан! Шунақа. Энди қочиб қутулиб бўпсан.

— Шу алпозда мен билан дунёнинг нариги чеккасига боришга ҳам тайёرمисан?

— Ундан ҳам нарига деявер, Жанни!

Агар Шантомнинг боғи дунёнинг нариги чеккасида эди десак, унда Жан ўз сўзининг устидан чиққанди. Жан уйнинг эшигини оча туриб ҳам ҳамроҳининг қўлини қўйиб юбормади. Ҳатто хира ёруғ даҳлизда ҳам у ҳамон Жаннининг қўлидан тутиб турарди. Жан аста-секин унинг қўлини янада қаттиқроқ қиса бошлади. Қиз жимгина ниманидир кутарди. У ҳатто қиз нимани кутаётганини ўйлашга ҳам юраги дов бермасди. Боланинг қўллари бежиримгина кўкракнинг тафтини ҳис эта бошлади. Гуё бари хотимасига етаётгандек, юрак қинидан чиққудек урарди! Жанни орқага тисарилди.

— Йўқ, мен бу тахлит қоронғуликни орзу қилмаганман! — деди қиз.

Қизча яна олдинга ўтиб олди-да, эшиклари ойнаванд қаҳвахона танобийсидан наридаги омборгача улар шу алпозда етиб олдилар. Ромб шаклида ишланган туқ-қизил рангдаги ойнадан ташқари, эшикдаги бошқа ойна нурсиз ва хира эди. Жанни ана шу ойнали эшикка яқин борди.

— Кетдикми?

— Шошма, кўриб олай, — деди қиз. — Вой-бў, худди оловдек ёнишини... йўқ... худди анор сувига чайиб олгандек. Шунчалик ҳам гўзал бўладими!

Ҳақиқатан ҳам танобий олов ичига жойлашгандек эди. Унинг деворлари ҳам, ундаги мрамор столчалар ҳам, дераза олдидаги мижозу пештахтани артиб-суртаётган официант бола ва кассада савлат тўкиб ўтирган Жаннинг онаси — Рен Шантом ҳам бамисоли ёқутдай товланиб кўринадилар.

— Бунчаям сулув бўлмаса! — шивирлади Жанни. — Биласанми, уни ҳар сафар кассада ўтирганини кўрганимда, мени шундай мафтун этади, шундай мафтун этадики, гўё ундан гўзал аёлни умримда учратмагандекман.

Онангга маҳлиё бўлишса, бу қанчалар кишига хуш ёқади, бироқ нега энди Жанни онасини сулув дейди ахир!

— Кетдик! Бўлмаса бу ерда эканимизни билиб қолишади!

— Шошмасанг-чи. Онанг бизни кўрмаяпти. У ҳеч кимга қараётгани ҳам йўқ.

Тимқора сочларини силлиқ қилиб тараб, йиғиб олган, ҳайратомуз даражада келишган Рен Шантом қимирламай, қаддини тик тутиб, атрофга бепарво назар ташлаб, бамайлихотир касса олдида ўтирарди.

— Нақ маликанинг ўзи дейсан! Худди боғдаги от уйинга келган гузал аёлнинг суратига ўхшаб ўтирарди ўзиям.

— Бу ёққа юр, Жанни. Юр, жой топиб ўтирайлик, мен сенга коллеждаги китобларни, альбомдаги маркаларни кўрсатаман.

Қиз истамайгина кўзини ойнадан узди-да, хўрсиниб:

— Қани энди, мен ҳам унга ўхшасам. Фақат, шубҳасиз, — Жанни ўша заҳоти тўғрилади-да, — ундан ёшроқ ва қувноқроқ, нега деганда, у жуда бахтсиз кўринади.

— Юр!

— Менга қара, Жан, нима, отанг тез-тез жанжал чиқариб турадими, дейман? Кундузи эмас, кундузи улар кўришишмайди, мен кечаси деяпман? Бундан сенинг хабаринг бўлиши керак-ку! Отанг уни урадими?

— Бўлмаган гап! Ҳеч қачон, эшитяпсанми, ҳеч қачон, у ҳатто онамга қўлининг учини ҳам теккизмаган!

— Бақирма менга! Отанг қўл кўтариш тугул, унга ҳатто овозини ҳам баланд кўтариб гапирмаслигини ҳамма билади... Бу билан мушкул осон бўлиб қолмайди-ку!

Йигитчанинг сепкил босган ажуба юзи бирдан оқариб, ўқувчилар либосидаги жуссаси шундай ачинарли аҳволга тушдики, буни кўрган Жанни гапирганига пушаймон еб, унга азбаройи раҳми келганидан лабининг бир чеккасидан чўлпиллатиб ўпиб қўйди. Энди қизнинг ўзи Жанни танобийга олиб борувчи эшик томон итарди.

— Юрсанг-чи, тентаквой.

Шантомнинг қаҳвахонасига нафақат ошна-оғайнилар билан еб-ичиб гурунглашиш учун киришарди: қаҳвахонанинг ўзи одамларни жалб этарди. Вокзалдан юз қадам ва шу яқин ўртадаги қишлоқдан икки чақирим нарида жойлашган бу қаҳвахонани унчалик ҳам шином деб бўлмасди. Баланд танобийси ҳам унчалик қулай ва файзли эмасди. Киришингиз ҳамоноқ ўзингизни ноқулай ҳис эта бошлардингиз. Қаҳвахонанинг силлиқ деворларига асалари уясининг расми бор гулқоғоз ёпиштирилганди, мрамор курсилар эса жойини топиб мослаб қўйилганди. Мағрур ва ўта расмий қўринувчи кассанинг сайқалланган пештахтаси кумушдек ярқирарди. Намунали саранжом-саришталик гўё ўз устунлигини намоиш қилаётгандек алоҳида ажралиб турарди. Хуш келибсиз, бироқ ўз уйингизда эмаслигингиз ёдингиздан чиқмасин. Бошда бу сўзлар сизга қаттиқ ботади, кейин эса бунга ўзингиз ҳам қўниқиб қоласиз. Уйимда эмаслигим – нур устига аъло нур. Сиз бу ерда ўзингизни яккаланиб қолган оламга киргандек ҳис этасиз ва қаҳвахонадаги совуқдан-совуқ иззат-икром, энди сизнинг ҳам бунга алоқангиз бўлган ўзгача бир вазминликнинг белгиси эканидан дарак бериб турарди.

— Бизнинг томонларда жуда камнамо эдингиз, отахон Лоррен...

Вивье Лоррен ва унинг ўғли худди енгил аравага ўтиргандек, чарм қопланган ўриндиққа энди ёнма-ён жойлашиб ўтирган ҳам эдиларки, анча наридаги столдан бир одам даст ўрнидан турди-да, улар томонга кела бошлади.

— Мени танияпсизми?

— Сизни танимай бўладими?

Пюмелдек нухани ёддан чиқариб бўлармиди. Бирин-кетин икки хотинни аллақачон бошига етиб, гўрга тикқан, чуриларини эса бой хотиндек эркалатиб, янги хотинини оқсочдан баттар хўрланиб яшашга маҳкум этган саллох ва кўнчилик хунарининг устаси бу одамни, хотинбоз Пюмелни ким танитайди, дейсиз. Ҳатто яшаб турган уйигача сингиб, ҳар қадамда унга ҳамроҳ бўлувчи бадбўй, ўлакса ҳид Пюмелнинг ўзи кўринмай турганда ҳам юз қадам наридан унинг келаётганидан дарак бериб турарди. У ҳозир тери шилувчилик хунарини ташлаган. Уруш, мурдалар, ҳарбий асирлар, айниқса, немислар унинг жонига ора кирганди. Ҳозир ҳам унинг мислсиз бойлиги — данғиллама уйию қўша-қўша машинаси, олтин узуги бўлишига ва афт-ангорини покизалаб, сочларини худди йигитлардек калталатганига қарамай, кўзни юмиб бўлса-да, унинг Пюмель эканини билиб олиш қийин эмасди.

— Мен сизни дарров танидим. Эсимда, бу ерга хотинингиз билан киргандингиз.

— У вафот этган.

— Ўгилларингиз-чи...

— Битта ўғлим қолган, холос.

— Ҳа, бундан хабарим бор, тушунаман, сизга осон эмас.

— Нима ҳам қилардик, шунисига ҳам шукр.

Пюмель буни тушуна олармикан?

— Ҳалиям ўша-ўша икки отли аравада юрибсизми, отахон Лоррен? Сизга шуниси қулай, шекилли?

— Ҳаммаям машина ололмайди-ку.

Наҳотки қоп-қора, қалин қошлар остида ўйнаб турган бу ёвуз кўзларни ундан узиш шунчалик мушкул бўлса?

— Ўзинг бу ерларда тез-тез санқиб турасанми? Бурунлари немисларга мол сотиб юрардинг, ҳозир бу ҳунарингни ташлагандирсан-а?

— Ҳа... Энди қўлимиз чиқиб кетмасин деб оз-моз эрмак қилиб турамиз...

У буқаникидек бесўнақай бўйнини бурди-да, ияги билан касса томонга ишора қилди ва қалин лабини бўжмайтириб:

— Бекани бу ерга Худонинг ўзи етказди, лекин бундан баттарига ҳам жон-жон дегувчилар топиларди.

Пюмелнинг йўғон ва истехзоли овози Рен Шантом эшитадиган даражада баланд эмасди. Рен Шантомнинг ҳам унинг овозини кўнгли тусаб турган жойи йўқ эди.

У етимхона тарбиясининг сўнгги ютуғи бўлмиш қўлда альбоми билан танобийнинг ичкарисига жойлашиб олган ўспиринга, пештахтани ялаб-юлқаб тозалаётган нимжонгина йигитчага, азбаройи зерикканидан барини — қаҳвахона хизматини ҳам, отхонани бошқаришни ҳам уддалаётган йигитчадан кўзини узмай қараб турарди. Рен Пюмелга кўз югуртирди ва хиёл табассум билан Лорренга нигоҳ ташлади.

— Лекин ҳозир, — давом этди Пюмель, — гап бунда эмас. Гап шундаки, мен эълон орқали излаб топиб, ёллаган қизчам соат бешдаги поездда Бельфорддан келиши керак. Нафақат эълоннинг ўзи билан, — айёрона кўз қисди у Гастонга, — расмини ҳам кўриб, сўнг ёлладим. Бўлмасам-чи! Барининг тагига етиш керак-да!

Худди бир ниманинг фаҳмига етгандек Гастон хингирлаб кулди. “Бу шарти кетиб парти қолган бетамизнинг баланд дорга осилганига ўласанми”, — уйлади отаси... У Шантомларникига келиб бекор

қилди. Бу саллохга йўлиқиш-йўлиқмасидан қатъи назар, барибир бекор қилди. Гап Рен Шантом уларни қандай кутиб олганида эмас, аёлнинг кўнгли нимани тусайди ва унинг калласидан қандай уйлар кечяпти, буни қандай аниқлаш мумкин? Авваллари у яхшигина димоғдор эди: бой оиланинг эрка, сулув қизи бўлганди. Нима ҳам дердик, бир сафаргини инобатга олмаганда, чиндан ҳам у димоғдор бўлганди, лекин, тўғриси айтганда, бари аллақачонлар унутилиб кетганди. Ҳозир кибру ҳаводан асар ҳам қолмаган; лекин барибир ўша-ўша гўзал ва оғир-босиқ, уни кўрган одам қовоғидан қор ёғяпти деб ўйлайди, қиёфасидаги жиддийлик ҳам ўта жумбоқли эди.

— Йигитча троица байрамини сиз билан бирга нишонлашидан хурсанддирсиз? — сўради Вивье.

— Бўлмасам-чи.

— У ёқимтой бола.

— Ҳа, чакки эмас.

Бошқа бирон оғиз ҳам сўз бўлмади.

— Мана, ҳозир Бельфорники ҳам келиб қолиши керак, — маълум қилди Пюмель. — Мен қизчани кутиб олишга кетдим.

Э, менга деса ундан нарига йўқолиб кетмайсанми! Енгил нафас оладиган пайт ҳам келар экан-ку. Йўқ, Гастон ҳали ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, кўнглини бўшатмаса бўлмайди.

— Ҳа, бу Пюмель деганлари уччига чиққан фирибгарнинг ўзгинаси!

— Сен эса, Гастон, утакетган аҳмоқсан.

— Қаердаги гапларни гапирасиз-да, ота...

— Нега энди бор гапни айтмаслигим керак? Сен фвозингни ўчир-да, мана бу қовоқ миянгни ишлат... Одамлар лагерларда, яна аллақаерларда бир пайтлар очликдан тирракдай қотиб ўлиб қолаётганлари-

да, бу аблах бойлик кетидан қувган, энди бўлса думини ликиллатиб, кишнаб, бизни калака қияпти, сенга ўхшаган меровлар оғзини очиб, анграйиб уни эшитиб ўтирибди.

— Ҳали менми унинг гапларини анграйиб эшитган?

— Ҳа, нима, эшитмадингми?

— Эшитган бўлсам бордир, лекин ҳамма гап нима деб ўйлаганимда...

— Ҳали эшитганинг етмагандек, яна ўйлаб ҳам кўрмоқчимисан, етар Гастон, валдирашни бас қил. Пивонг илиб, алланиманинг пешобига айланмасидан бурун, яхшиси тезроқ ичиб ол!

— Тортмаётган бўлса-чи?

— Э, тортмаяптинг нимаси, бурнингдан чиққунча ичиб олавермайсанми!

Бурунги Вивье-Бақироқ тилга кирди... Нимани ҳам ўзгартира олардинг? Асли дунё шундай яралган бўлса. Сен, Вивье, ёшлигингдан ҳеч кимга ёмонлик қилмай, меҳнатда эзилиб ўсдинг. Бамисоли фариштадек аёлингдан ҳам ажрадинг. Уни бекорга авлиё аёл Жаннанинг исми билан аташмасди; хотинингнинг кетидан ҳамманинг ҳаваси келадиган тўнғич ўғлинг ҳам сени ташлаб кетди. Ўзинг бўлса, кўзлари қизариб, юзлари сўлиган олмадек буришиб, заҳил тортиб кетган, юраги хаста дардисар бир чолга айландинг-қолдинг. Эндиги бирдан-бир тилагим бегуноҳ фарзандим бу ёруғ дунёда якка-ёлғиз қолмасин дейман. Мана шу боис биз ўғлимнинг бошини икки қилиш илинжида йўлга отландик. Лекин, нимагадир, туппа-тузук аёлларнинг ҳам, бўлмағурларининг ҳам кўнгиллари айнан Пюмель қурғурдек кимсаларни тусайди.

Сукунат. Фақат пештахта устида сирғалаётган латтанинг бир текис ҳаракати ва баъзан болалар

жойлашиб олган бурчакдан келаётган шивир-шивир овозлар ёки Жанни varaқлаётган саҳифанинг шитирлашигина кулоққа чалинарди, холос. Рен Шантом гўё ҳисоб-китобга муккасидан кетгандек, қаламни лабига босиб утирарди. Рен эса ўша-ўша дамдўз ва сирли.

Чиндан ҳам ундаги баъзи фикрларини уқиб олиш унчалик қийин эмасди, бироқ бу аёлнинг ор-номусли эканига тан бермай илож йўқ эди.

Вивье ўрнидан турди-да, касса томонга кета бошлади, Гастон боёқиш бўлса, стаканни қайта-қайта тўлдириб, бугунги ва эртанги кун учун бурнидан чиққунча отиб ётарди.

— Рен, анави аблахнинг нима деганини эшитдингизми?

— Булар-бўлмас гаплардан бизни Худонинг ўзи сақласин ... – хотиржам жавоб қайтарди Рен.

— Ҳа, сақласин... Бироқ кўнглинг тусаганини эшитиш ҳар доим насиб бўлавермас экан.

У гўё бу сўзларда очикдан-очик ишора борлигини фаҳмлагандек ёки буни фаҳмлашга чўчигандек Вивьега журъатсиз тикиларди. Вивье томоғини қириб қўйди-да, хижолат тортиб тескари ўтирилди: дорга тортилган одамнинг уйида арғамчи тўғрисида гапиришга не ҳожат! Барча кўргиликларга рўбарў келган бу аёл дунёнинг қанчалик бешафқат яратилганини бошқалардан кўра яхшироқ ҳис ётарди. Эри билан ўтказган ўн беш йиллик турмуш ҳам, бой қаҳвахонасию омбор ҳам, ҳатто ўғлининг коллеждаги ўқиши ҳам унинг ҳаётига мазмун киритолмади...

Ўн беш йил муддат, Рен, бу озмунча туну озмунча кун эмасди.

Рен, сен Клермонда ўтадиган байрамнинг энг гўзал қизи эдинг, энди бўлса мағлуб эканингни сезмас-

ликлари учун у ерларда қорангни ҳам кўрсатишни истамайсан. (Вивье эса унда мағрурликдан асар ҳам қолмаган, деб нотўғри хулосага келганди.) Рен, сен умрингни кун бўйи касса ёнида ўтказасан ва зинапоядан унинг ёнига кўтарилаётганингда кўринишинг гўё ҳаётдан қочиб, бу ерга беркиниб олгандек таассурот қолдиради кишида. Сен барибир гузал чехрангу сийнанг, келишган оёқларинг қадрига етасан. Балки бу сенинг чиройингга сира тўймайдиган, беўхшов бичимли одамга шафқат юзасидандир, балки шунчаки кўникишга айланиб қолган ўз-ўзингга садоқатинг важдандир, ёки бўлмаса бунинг бошқа бир пинҳона сабаби бордир. Диний байрам бўлмиш троицанинг рамзи бўлган оқ атиргуллар касса ёнида турарди, сен эса қимир этмасдинг, атрофни эса ўзгача бир шиддат, ўзгача бир жаранг-журунг билан тўсатдан, гўмбурлаб жўнаб кетган поезднинг ўрнига бостириб келган ва бир лаҳзагина давом этиб, жон-жонингдан ўтиб, деярли тишингни-тишингга босиб чидашга мажбур этадиган сукунат буткул эгаллаб олганди! Энди сенинг давринг келди, Рен: ҳаётдан барибир қочиб қутулолмайсан.

Оёқ товушига биринчи бўлиб Жанни бош кўтарди, унинг кетидан ё эзмалигидан, ё кам гапирганидан хижолат бўлган Вивье Лоррен шунчаки, номига бош кўтарди. Эшик очилиб, Пюмель кўринди. Лекин ёнидаги ким бўлди экан?.. Нима бало, нариги дунёдан келган арвоҳми? Остонада турибоқ Пюмель бақира кетди:

— Қизча келмади. Қуруқ келмай, ўзим билан биттасини етаклаб келавердим. Қани, Рен хоним, топинг-чи, бу ким экан?

— Бундай бўлиши мумкин эмас... – минғирлади Вивье.

Саллох елкасидан тутиб турган бу одам аввалгидан анча чўккан, оёғини ҳам аранг судраб босарди (ўша, эски жароҳат!), башараси улғаймай қолган гўдакниқига ўхшарди, тарсиллаб ёрилиб, заҳил тортиб кетган териси эса унинг бедаво жигар дардига мубтало бўлганидан дарак бериб турарди. У қанчалик ўзгармасин, сен уни таний олдингми, тамом, демак бу ўша.

У кириб келди-да, икки қадам босар-босмай, пештахтага суянди (оёғи панд бердими ё шунчаки мастмиди?) сўнг уни ё итараётган, ёки унга қумаклашаётган Пюмель ёрдамида Рен Шантом утирган касса ёнига етиб борди.

— Рен хоним, уни сира кутмовдингиз-а? Мана буни совға деса бўлади!

Реннинг жим туришидан у кириб келган кимсанинг кимлигини танимади деган хаёлга ҳам бориш мумкин эди. Лекин унинг юзлари докадек оқариб, томогига бир нима тикилгандек бўйни қотиб, тирсаклари стул суянчиғига тиралиб қолди, ичига ботиб кетган кўзлари эса келгиндини кузатарди.

Яқинлашган кимса эгилди-да, зўр-базўр ғарибона жилмайди. Шапкасини (итоатсиз қоп-қора жингалак сочли бу собиқ барно йигитнинг, маълум бўлишича, энди боши деярлик тозаланиб бўлганди) олди-да:

— Салом, Рен! — деди.

Унинг чўзилиб, атиргулга тегиб, қотиб қолган қўллари қалтирарди. Аёл бу кутилмаган учрашувдан саросимада унга тикилди, унинг ҳам қўллари ўзига бўйсунмай қолганди.

— Ҳа, майли, — мингирлади келгинди, — бўпти.

Унинг қўллари ўрмалабгина яна орқага қайтди. У атрофда ҳозир бўлганларнинг барини, ўзича ал-

ланималарни мингирлаб юрган, уни танийдигандек кўринган кенг кўйлакдаги мўйсафидни, оғзини очиб яқинлашаётган бақалоқ меҳмонни, пештахтани артиб-суртаётган официант болани, ва ҳатто танобийнинг энг чеккасига бориб жойлашиб олган ўсмирлар – бир бурчакка тиқилиб олиб, бекордан-бекорга саросимага тушган болакайни ва совға илинжида кўзлари чақнаб турган қизчани гуё гувоҳликка чақираётгандек эди.

— Рен, сенга нима бўлди? — такрорлади у. — Ахир бу менман... Бу ёруғ оламда нималар бўлмайди дейсан...

У ўрни бўлмаган жойда ҳазил қилаётганди. Реннинг лаблари атрофидаги ажинлар тобора чуқурлашиб бораётганди. Ҳазил чўзилган сайин иш қалтис тус олиб борарди. Пюмель барини сезиб турарди. Муросали, лекин ҳамон ўшандай истехзоли оҳангда:

— Рен хоним, бу нимаси? — дея саволга тутди у яна. — Наҳотки, менга айтадиган биронта гапингиз бўлмаса?.. Наҳотки, Денини, мўйсафид Генинг ўғли Клермондаги ўша Денини танимаётган бўлсангиз? Авваллари ахир сиз ундан бошқасини билишни ҳам истамасдингиз-ку.

“Ҳа, бу ўша зиёфатга келган Дени эди, — ўйлади Вивье, — лекин, Рен, сен ўшанда ўзга бир тақдирни танламоқчи бўлгандинг, бироқ сенга бошқаси насиб этди. Дени деганлари қалби тоза, кўркем йигит эди. Ҳозир неча ёшда экан? Ўттиз олтидами? Шу туришида унга қирқ, ҳатто ундан ҳам каттароқ ёш бериш мумкин. Дарвоқе, энди у ёшини ҳам билиб бўлмайдиган, ёши номаълум кимсага айланиб улгурганди. Парвоналар ўзларини чироққа қандай урсалар, қизлар ҳам унга шундай интилишарди, Денининг эса бундан парвойи палак эди. Қаерда бўлмасин, ўзини

эркин тутарди, барчанинг эркатойи бўлиш унга ҳузур бағишларди, одамларни эса ўз табассуми билан сеҳрлаб қўярди, у шундай, эсанкираш нима билмайдиган, тили бурро йигит эди. Буларнинг барига яна қўшимча қиладиган бўлсак, у бир ҳавойи, такасалтанг, маишатпараст ҳам эди. Ҳамёни доим ошналари хизматига шай турарди (ахир пулни у топмасдида) – гапнинг қисқаси, Дени Реннинг бутунлай акси бўлган бачкана, юзаки бир йигит бўлганди, шунга қарамай, Рен уни, айнан уни танлаган бўлса, нега энди бунга ҳайрон бўлиш керак”.

— Дадилрок, Шантом хоним! (Буни ҳамон Пюмель айтарди.) Ге билан сўрашсангиз-чи. Ахир у озмунча йўл босиб, бу ерларга келдими. Қани, Дени билан саломлашинг, сизлар аввал...

Лекин Дени Ге:

— Бўлди бас, шунча вайсадинг, етар. Мен сенга аллақандай масхарабоз эмасман, — деди-да, уни силтаб ташлади.

У яна ёш жувонга юзланганди, аёл энди ундан кўзини олиб қочди. Унда нимага тикилиб утирарди? Балки атиргулгадир, балки ёнидаги бир варақ қоғозгадир, балки уларнинг Клермондаги уйида бўлган зиёфатда йигитлар борми, қизлар борми, барчага, шу жумладан унинг ўзига ҳам очиқ чеҳра билан кўнглини хушлаётган йигирма ёшли навқирон, эҳтимол, унинг хотирасида жонлангандир... Рендаги журъатнинг ҳам боиси балки шундадир... Буни ҳақиқий эсдан оғиш деса буларди.

У ҳозир ҳам ўша жилмайишни тиклашга уринарди (ёқиб қолишга бўлган истак ҳамон уни тарк этмаганди). Бу жилмайишга бўлган уринишда тишлари сарғайиб кетган огиздан тортиб, ёқимсиз бўртиб чиққан ёноқлару, ажиндор қовоқ остидаги гилай

кўзлар ва бутун бошли қари башара гўдак зўр бериб иштирок этарди ("Каламушнинг ўзи-я", — ичида таъриф берди унга Вивье).

— Пюмель ҳақ, Рен. Қайси маънода бўлмасин, мен чиндан ҳам жуда олислардан қайтдим. Биринчидан, узоқ юртлар бўлмиш Африканинг киндиги Дакардан, иккинчидан эса...

— Турмадан, — хўрсинди Гастон бош чайқаб...

— Занжи қизлар, — гап қистирди Пюмель.

Нимжон бу одам бирдан қутуриб кетди (ичиб олса, аввал ҳам у худди шу кўйга тушарди):

— Мени ўз ҳолимга қўясанларми-йўқми, ярамаслар!

Ундаги бундай Ғазаб жунбиши авваллари тез ўтиб кетарди. Бу ҳам ҳадемай ўтиб кетади: мана, саросимага тушганини юзи ҳам айтиб турибди.

— Қораялоқ қизлар билан овунсанг-да, турма барибир сенга ёлғизликни раво кўради, Пюмель. Ҳа, бу бор гап. Чунки бундай балога мен ҳам учраганман.

Барибир ширакайфлиги билиниб турарди: елкаси билан кассага суянди, овози йиғламсирагандек чиқарди.

— Менга қара, Рен, ахир мен сени унутганим йўқ. Балки хато қилиб, дилингни оғритгандирман? Нега бундай бўлди, Рен, билишни истайсанми? Мен гўр ва уқувсиз бўлсам-да, сени ҳам, ўзимни ҳам яхши билардим. Сендек қиз менга увол эди. Шу боис барини ичимга ютдим-да, кетдим. Лекин эртаси куни, эшитяпсанми, эртаси куниёқ...

Рен энди буни эшитмадим дея олмасди. Аёлнинг бор вужуди — ҳолсизликдан ўзини ташлаб юборганидан тортиб, қўлларининг қалтирашию жонсарақнигоҳи — бари ундаги изтиробдан дарак эди, у ваҳима билан ниманидир кутарди.

Шу ерга келганда Вивье орага тушди. (“Вой ма-раз, вой шум-ей, — хаёлидан ўтказди Вивье. — Бундай беҳаё, суллоҳ нусхаларни яхши биламан, ҳаётда бундайлар ландовурликдан бир қадам ҳам нарига ўтолмайдилар”.)

— Қани, Ге, овозингни ўчир-да, бу машмашани йиғиштир!

— Мен наҳотки... наҳотки, мен сен билан гаплашаётган бўлсам, қария?

— Сен гаплашмасанг, мен гаплашяпман сен билан. Гарчанд ёшим олтмишда бўлса-да, майли, қарилимни пешлаб мени ҳақорат қилавер, лекин билиб қўй, танобингни тортиб қўйишга ҳали кучим етади.

Танобийнинг ичкарисидан илтижоли товуш эшитилди:

— У ерга борма, Жанни. Шу ерда қол.

— Нега бундай деяпсан?

— Ахир сенинг бу билан ишинг йўқ-ку.

— Сенинг ҳам, йиглоқи.

Жаннининг кўнглидаги мудраб ётган савқи табиий исён кўтариб, бу машмашалар уларга ҳам тегишли эканини ёдга солди. Жанни боланинг қўлидан қутулиб кетишга уринарди.

— Мана бу бегуноҳларга бир қара, Дени, сен уларни эшитяпсанми? — ўшқирди Вивье Лоррен. — Болалардан уялмайсанми?... Сен-чи, Пюмель, намунча тишингнинг оқини кўрсатиб тиржаясан? Наҳотки виждонинг қийналмаётган бўлса?

— Шовқин солманг, отахон, ҳа, энди жойи келганда куламиз-да! Бўпти, кулмасак-кулмабмиз, унда отиб қўя қоламиз, нима дединг, Дени? Қани, кетдик, ошна!

— Эртаси куниёқ! — такрорлади Дени. У ҳамон Ренининг ёнида эди, аёл эса унинг жилмайиб, маъюс боқаётган йиғлоқ башарасини кўриб турарди.

— Ҳа, ҳа, эртаси кунӣёқ, буни ҳамма эшитган, аллақачон айтгансан. Энди утир, сенинг хотираларинг шарафига озгинадан оламин.

— Унинг шусиз ҳам кайфи тароқ-ку? — деди Вивье.

— Кайфи тароқ? Шундай йигит-а? Дени, нима, сен мастмисан?

— Йўқ...

— Эшитдингизми? Ҳой официант, латтангни супрадек ёйиб олиб, намунча бақраймасанг? Қани, тезда бу ёққа шишадан олиб кел-чи!

— Йўқ, — аралашди Вивье, — у сизларга ҳеч нима олиб келмайди.

— Нима, меҳмонлар ҳали ичишдан маҳрум қилинганми, Шантом хоним? Бу ерда меҳмонларга ичиш ман этилганми?

Официант гоҳ Пюмелга, гоҳ Вивье Лорренга, сўнг касса ёнида ғужанак бўлиб утирган бекага қаради.

— Ҳўш, бизга хизмат кўрсатиладими, йўқми? Мен ўзим тулайман. Ёки пулларимдан ҳазар қил-япсизларми? Ахир буюртма ўзим учун-ку.

— Сизга хизмат кўрсатилмайди.

Одатда ўзини тута билган (қув, доғули!) Пюмель бирдан эсанкираб қолди-да, ғазабдан қизариб-бўзариб отахон Лоррен томон ташланди.

Шу заҳоти танобийнинг ичкарисидан кимнингидир аниқ-равшан қилиб:

— Сизга хизмат кўрсатилмайди, — деган хотиржам овози эшитилди.

Леон Шантом танобийга кириб келганди. Жаннинг бўғиқ овози Жаннининг ўксик йиғиси билан қоришиб кетганди. Катталар ҳаётига илк бора дуч келган бу болалар ўпкаларини босолмай юм-юм йиғлардилар.

Афтидан, Шантом танобийдан кириб келаётганида ўзини босиб олишга улгурганди: у ҳеч қачон

анқовлардек бундай аста қадам ташламаганди. Кейинчалик Гастон: “У гўё ёғочоёқда юргандек эди,” деб хотирлайди буни. Ҳозир эса Гастон яқинлашаётган ва тўхтаб, ўша-ўша хотиржам ва совуқ оҳангда, бундан ҳам паст оҳангда:

— Қани, Пюмель, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи. Бу ерларда бошқа қорангни ҳам кўрмайин, — деяётган Шантомга эсини йўқотиб тикилиб турарди.

— Мени ҳайдашга нима ҳаққингиз бор?

— Йўқол дедим! Ҳатто уруш тугаганига беш йил бўлса ҳам сени панжара ортига тиқиш учун менда далиллар етарли, шуни ёдингдан чиқарма!

Афтидан, бу саллох гап нима ҳақда кетаётганини жуда яхши тушунди; у қўлларини мушт қилди-да, олдинга энгашди, лекин бу туришда унинг мағлублиги баттар сезилиб турарди.

— Бўпти. Кетганим бўлсин. Қўрқманглар, энди бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин! – Бироқ у эшик тутқичини ушлаган ерида орқасига ўтирилди-да: — Сен ҳам қолишмайсан, Шантом! Турмага тикаман деб одамларга дағдаға қиласан-у, лекин қаҳвахонангнинг ўша ердан нима фарқи бор?

Дени Гега нима бўлди, нима, у шарпа-парпага айланиб қолдими? У юз бераётган воқеаларни хо-муш кузатиб турарди. Реннинг эри унинг ёнига келганида, мақтанибми ё одоб юзасиданми:

— Сиз мени эслаяпсизми? – деб сўради.

— Бўлмасам-чи, сенинг турқингдақасини унутиб бўлармиди?

— Жин урсин! Сизларга нима ёмонлик қилдим, мендан нима истайсизлар ўзи?

Бу дард-алам фарёди эди: бақувват қўллар Денининг елкасидан олди-да, уни маҳкам қисди.

— Мен узил-кесил нимани исташимни сенга айтман. Агар яна бир марта мана шу жирканч сиёҳингни бу ерларда кўрсам, уни уриб ёришим турган гап! Сен мени тушундингми, Ге!

— Елкамдан қўлингизни олинг! Оғритиб юбордингиз!

— Мени тушундингми? “Тушундим”, деб кетимдан такрорла. Такрорла деяпман сенга!

— Худо шоҳид, мени бундай силтайверманг, оёғимгача зирқираб кетаяпти.

Можаро юракни эзадиган тусга кириб борарди. Ҳатто иродасиз, ожиз кимса бўлганда ҳам бундай пайтда кўра-била туриб одамни қандай ҳимоя қилмай ташлаб қўйиш мумкин?

— Бас қилинг, Шантом! Қўйиб юборсангиз-чи уни! Эсингизни йиғиб олинг!

— Қўйиб юборинг уни, жаноб Шантом! – отасининг гапини маъқуллади Гастон.

Шантомнинг вазоҳати кўрқинчли тус олганди: унинг жаглари қисилиб, кўзлари бақрайиб қотиб қолганди, у бақувват қўллари билан ҳамон ўлжасини силтаб, ларзага солишдан тийиложмасди. Қўққисдан қандайдир бегона қўл уни ушлади-да, ўлжадан маҳрум қилди-қўйди. Энди бошқа ҳеч ким парво қилмай қўйган Рен, шу пайтгача қоққан қозикдек жойидан қимир этмай ўтирган ўша Ренга қаердандир жон кирди-ю, кассани ҳам ташлабоқ ўша гунг Рен:

— Эсингизни еганмисиз? – дея овозининг борича бақира кетди.

Денининг гавдаси салгина қўлдан чиққанди, тебрана-тебрана стулга қулади. Боёқиш найрангбоз. Латтачайнар. Бечора энтикиб йиглаганча йиғлоқ қари башара гўдак афтини Ренга ўтирди ва оҳ-воҳ қилганча қайт қилиб юборди.

Рен юзини бурди. Шантом эса ҳам адоват, ҳам се-
винч, ҳам алам аралаш товушда:

— Нима, яна ўша нусхами? – деди-да, огрикнинг
зуридан тиришиб-буришиб, типирчилаб, ҳикичоқ-
дан сапчиб-сапчиб тушаётган одамга кўзи билан
ишора қилди.

Реннинг шундай кўркем чехраси бу даражада
қаҳрли тус олиши одамнинг ақлини шоширарди;
овози ҳам худди шундай қаҳрдан холи эмасди; у дар-
ра зарбидек қарсилдоқ товушда:

— Ҳа, бошқа ким ҳам бўларди? – дея жавоб қай-
тарди.

Ҳаётда ҳамиша ўзини тута билган, эллик ёшга
борган бир одамнинг бундай можароларни келти-
риб чиқаришига сира ақл бовар қилмасди. Косовдек
қўллари билан аёлнинг гўзал юзига узлуксиз тарса-
ки туширарди. Тарсаки туширар экан, унинг қон
бўлган юрагидан отилиб чиқаётган аламли нидолар
қулоққа чалинади.

— Мана сенга, суюқоёқ, мана! Ўн беш йил чида-
дим – етар!

Уларнинг сой ёқалаб кетаётганларига чорак соат
бўлиб қолганди – уйқудан уйғонган Гастон атрофга
ажабланиб аланглади... Кутилмаган соф ҳаво, хуш-
бўй ялпиз иси, қияликдан пастга қараб тушиб бо-
раётган йўл, ҳар икки томондан кўзга ташланаётган
тепаликлар...

— Ота, бу яна нимаси...

— Уйқуга тўйдингми, ўғлим?

— Мен ухламадим, чиндан ҳам кўзим илинмади.
Бу нимаси? Наҳотки биз... қайтиб кетаётган бўлсак?

— Кўриб турибсан-ку.

— Дампьергами? Нима, Клермонга бормаймизми?

— Нима, сенинг у ерга боргинг келаётганмиди?

— Демак, шундай...

— Сен бунга қаршимисан? Тўхта, Тюрко, тир-р...р...

Вивье Лоррен аравани тўхтатиб, жиловни боғлади ва Гастонга қаради-да:

— Қани, гапир-чи, нима, бунга қаршимисан? — деди.

Отасининг кўзлари шодликдан чақнаб кетди ва энди бир оз мулойим, дўстона оҳангда:

— Нима дейсан, Гастон, қаршимисан? — деди.

— Нима десам экан, умуман олганда... Ростини айтсам, қарши эмасман.

Бу ҳам етмагандек Гастон қаддини ростлади-да, бемалол оёқларини узатиб, ўзини орқага ташлади ва тирсаклари билан ўриндиққа суянганча:

— Эсингиздами, ота, урушдан аввал байрамлар ҳам бинойидек бўларди.

— Мен, ўғлим, байрамни назарда тутмагандим, — деди Вивье.

— Бошқаси бўлганда-чи, ота, энди мен ҳаётда уни-буни бошимдан кечирдим ва ўзим учун хулосалар чиқардим.

Гастон уйдан жўнашларидан аввал орқага қайтишни орзу қилганди. Энди хавф-хатар ортда қолди. У ҳозир деярлик шод кўринади.

— Қани айт-чи, ўғлим, бундай фикр сенда қачон пайдо бўлди ўзи? — сўради отаси.

— Буларнинг маъносига дарров етолмаганим менга анчадан бери азоб берарди. Мен ўшанда қаҳвахонада ўз эрига бегонадан ҳам беш баттар муносабатда бўлган аёлни кўриб ҳайратдан ёқа ушлагандим. Тўғри, эри ҳам ўзига етгунча ўжар одам эди, лекин аёл ўғлига бир қайрилиб қарай демасди, ахир у она-ку. Шунда мен хонадонимиз чироғи бўлмиш аёл деганлари ҳали шунақа бўладими! — деб хаёлдан

ўтказгандим. Кейин анави ташриф буюриб, ўртала-
ридаги тўполон авжига чиққанда, жоним шундай
ҳиқилдоғимга келдики, асти қўяверинг. Яна бари
бир пайтнинг ўзида, тушуняпсизми? Мана сиз-
га, кўнгли бошқада бўлган хонадон бекаси қандай
бўлади, балки бу аёл ҳозир ҳам севар...

— Ҳа...

— Орқага қайтиш хаёлимга ҳам келмаганди. Бу-
ларнинг бари мени гангитиб қўйди. Яхши, бунга
ўзингизнинг ақлингиз етибди.

— Буни аввалроқ фаҳмлашим лозим эди...

Арава қўзгалди. Эртароқ... Вивье Лоррен ҳеч ни-
мадан камчилиги йўқ – хотини, ўғли, мол-дунёси
бўла туриб, ўзини бахтсиз сезадиган кимсадек боқар-
кан, энди у “Черепицали завод” тўғрисида ўйла-
масди ҳам. Башарти обдан, пухта ўйлаб, қандайдир
режани каллангда пишитиб, сўнг уни бажаришга
киришиш учун йўлга отландингми, ундан осонгина
воз кечиб кетолмайсан. От қўшилиб, Гастон аравага
жойлашиб олиб, ҳаммаси шай бўлгунча ҳам Вивье
шубҳадан ўзини тиёлмаётганди. Ҳаётда тинмай ўзга-
риб турадиган фикрларимиз нимага боғлиқ бўлиши
мумкин? Тақдирдан сўраганлари, ҳатто тан олишга
ҳам ноқулай бўлган жиндек, арзимаган нарса эди...

Воқеа бундай бўлганди: Вивье орани очиқ қилиб
олиш мақсадида қаҳвахонага қайтди. Танобий бўм-
бўш бўлиб, касса ёнида официант, йиғлаётган ўғил
бола ва унга астойдил:

— Бунақа йиғлайвермасанг-чи, сени ёмон кўриб
кетяпман. Уввос солаверсанг, кетиб қоламан, — деб
пиңирлаётган қиз бола бор эди, холос.

— Ҳеч ўзимни тўхтата олмаяпман. Ўтинаман сен-
дан, мени ташлаб кетма! Аҳволим жуда оғир.

— Эҳ, ҳеч отангга тортмабсан-да. Отанг ўзини қандай тутганини кўрдингми, нималар деганини эшитдингми?

— Жим бўл...

— Онангни-чи, кўрдингми? Тарсаки еганда ҳам ийғаладими? Ҳатто оғиз ҳам очмади. Тўғри, у кассанинг, атиргулнинг ёнига қайтиб бормади, ўз хонасига кетди, лекин шундай бўлса-да, унинг на бир оёқ товуши ва на нафас олгани эшитиларди... Эҳ, Жан, у тирикми, йўқми, ҳатто билиб ҳам бўлмасди.

— Ўтинаман сендан, бас қил...

Касса, атиргуллар... Шундай деб туриб, Жанни уларга меҳр билан назар ташлади. Сўнг кассага яқинлашди-да, ҳазиллашгандек, зинапоянинг биринчи поғонасига оёғини қўйди, оёғини у ердан олиб, иккинчисига қўйди ва мана қарабсизки, у гердайиб яна ўз кассаси олдида пайдо бўлди. Жойида ўтирганча энгашди-да:

— Айт-чи, Жан, сен аёл кишига қўл кўтара олармидинг? — деди қиз.

Боланинг сепкил босган юзи маъюс тортди. Жанни айёрона меҳрибонлик билан янаям кўпроқ энгашди-да:

— Бўлди, азизим, ҳиқиллайверма, бурнингни арт... Барибир, қани, айт-чи: агар иккимиз эр-хотин бўлганимизда, мен бошқани севсам ва у менинг ёнимга қайтиб келса, сен менга қўл кўтарармидинг?

... Бўлди, тамом. Шунинг ўзиёқ ҳамма масалани бир ёқлик қилади. Гап нима ҳақда экани шундоқ ҳам равшан бўлса-да, бу ерда кўрганларимизнинг бари-га қарамай, Рен Шантом, майли, ҳисобга кирмасин, лекин бу зиёнкор кичик хонимча... "Етар! Қани Тюрко, юр уйга, ўзингнинг отхонангга..."

— Менга қаранг, ота!

— Нима дейсан?

— Э, нима бўлганда ҳам ўзимизнинг Дампьердаги эски уйимиздан қўямасин... Нима дедингиз?

— Бу ҳам ҳолва.

— Фаннининг ҳали бизга овқат пишириб беришга қуввати етади-а, тўғрими?

— Худо хоҳласа.

Яна, вақт-соати келиб, ўглига ақл киргунча, отанинг хаста юраги ҳали уриб туради деб ҳам умид қиламиз, ўшанда Оллоҳнинг марҳамати билан қовурилган тайёр какликни осмондан ташласа, ажабмас.

— Гастон, сенга нима бўлди, намунча тюленга ўхшаб пишилламасанг?

— Қаҳвахона ёдимга тушиб кетди. Элликка борган шундай бообру, бамаъни одам нима жин уриб... ҳеч ақлимга сиғдиролмаيمان.

— Ахир ўз қулоқларинг билан эшитдинг-ку: бўлиб ўтган воқеалар унга ўн беш йил тинчлик бермаган. Бошқага кўнгил қўйган аёл билан у ўн беш йилдан бери яшаб келган. Ўша бошқани хотинининг ёдидан ўчириб ташлаш учун у нималар қилмади: тер тўқди, пул жамғарди, аёлини кўз-кўз қилиб бўлса-да, кассага ўтқазиб қўйди ва ўгли улғайгач эсанави даф бўлиб кетган безбетдек ўқишини орзу қилиб, айнан ўша саводини чиқарган коллежга ўқишга берди. Фаҳмлашимча, Шантом нимага қўл урган бўлса, ўша, ўзганинг алаmidан қилган. Бу пайтда ўша, "ўзга"си тўкин-сочин ҳаёт гаштини сураётганди. Еб-ичиб, вақтини чоғ қилиб бутун меросни кўкка совуриш билан машғул эди. Шунақа гаплар. Сўнг уруш бошланди ва у гўёки бехосдан ўз оёғини ўзи яралаб қўйди; ўзидан сўрасанг – у сира қўрқоқ бўлмаган, уруш эса шунчаки аҳмоқлар учун, холос. Кейин эса Париж, бир тасаввур қилиб кўр-а. Сарик

чақасиз у ерда яшаб бўладими. Шу боис ҳам у колони-
яга йўл олади. Йўлнинг ўзи етаклайди, дейишади-ку.

— Баҳарҳол Шантом уни шу аҳволда кўрганида,
ўзига шундай деган бўларди...

— У ўзига нима ҳам дерди? Фақат айтадигани,
тўйдан то ҳозиргача кўзидан нари бўлган ва хоти-
ни икковининг ўртасида турган, тушуняпсанми, ҳа-
ли-хануз ораларидан кетмаган бошқасини қарши-
сида кўраётгани. Балки хотини уни ҳозир севмас.
Шундай бўлса-да, барибир у туну кун уларнинг ор-
аларидан кетмаган. Худди кўшиқдан сўзни чиқариб
бўлмагандек. Етар, шунча валақлаганимиз.

— Ҳа... Ота, сиз шундай ўхшатиб гапирдингизки.

Ҳа, Вивье-Бақироқ бундай ўхшатиб гапиришда
ном чиқарганди...

— Мен чиндан ҳам ҳаётда кўп савдоларни бо-
шимдан кечирдим, ҳозир ҳам кўздан қолганимча
йўқ. Намунча типирчиламасанг? Менга ишонма-
япсанми?

— Йўқ, ота, ундай эмас. Ҳалиги, шунчаки қистаб
қолди, холос.

— Э, шундай демайсанми! Бор, бора қол. Бу ер-
лар одамлар назаридан нари.

— Мана, ёлғиз қолишнинг каромати. Ҳатто аёл-
нинг энг олийжаноби бўлганда ҳам унинг ёнида бун-
дай бемалол, тап тортмай сўзлашиб бўлармиди?

Оқшом ажойиб, салқин, аммо совуқ қотмайсан.
Шабада ҳам йўқ. Афтидан, Клермонда ҳаво булут,
ундан узоқлашган сари осмон тиниқлашиб бора-
веради. Кексалар: "Клермонда ҳавонинг авзойи бу-
зилса, Дампьерда албатта очик бўлади" деб бежиз
айтишмаган. Ҳозир эса улар қоқ ўртада турибдилар.
Яна пастқамлик, кескин бурилишларсиз равон йўл
эса икки қатор тизилиб турган тепаликлар ораси-

дан ўрмоннинг қоп-қора соябони остида олисларга жадал кетиб борарди; анави ерда ялпиз, мана бу эса майса, оқишроғи – қиёқ, сойнинг олдида кичкинагина осмон парчаси...

— Қаранг-а, — деди Гастон. — Анави ерда кимдир борга ўхшайди. У ерда биронта одам бўлишини энди кўришим.

Маълум бўлишича, у ерда юкини ўриндиққа қўйиб, яқинлашаётган аравани кутиб бир аёл, аниқроғи, бир қиз ўтирарди. “Тўхта, Тюрко, тир-р!” Нима? У нима деяпти?

— Айтинг-чи, Манса станциясигача ҳали узоқми?

— Манса? Яна уч километрча бор, — жавоб берди Вивье. — Ҳали анча юриш керак, тагин шунча оғир юк билан!

— Вой худойим-ей, — хўрсинди қиз. — Назаримда, у ерга сира етиб боролмайман, шекилли.

Унинг лаблари буришиб, хўнграб йиғлаб юборишдан ўзини аранг тийиб турарди.

— Ҳали вақтингиз борми? — деди Гастон. — Лекин соат тўққизгача поезд бўлмайди.

Қиз маъюс бош чайқади.

— Менга поезд керак эмас.

— Сиз поездга тушмайсизми?

— Йўқ, мени вокзалда кутишади... Аниқроғи, у ерда мени кутишлари керак. Энди бўлса, билмадим...

— Фахмлаяпман, — деди Вивье Лоррен. (“Тушунарли, демак, анавинга оқсоч бўлиб энди мана бу қиз ёлланапти”). — Айтинг-чи, мабодо сизни Пюмель кутмаяптими?

— Сиз уни кўрдингизми? У сизга айтганмиди?

У Жюссенинг ўзидаёқ Мансани сўраб-суришти-ра бошлаганини, унга учинчи бекатда тушишини ва у айнан учинчи бекатда тушиб қолганини, лекин

перрондан чиқаверишда, поезд жойидан қўзғалиб улгурганда, бу ер Манса эмаслигини, Манса кейинги бекатлигини билиб қолгани ҳақида зорланибми, жаҳли чиқибми, тўлиб-тошиб сўзлай кетди.

— Қанақасига? Нимага?

Нимага десангиз, у бекатларни жуда тиришқоқлик билан эътибор бериб санаганди. Поезд чиндан ҳам роппа-роса уч маротаба тўхтаган, лекин йўл ёпиқ бўлгани боис поезд иккинчи марта тўхташига тўғри келган ва қиз избурувчининг уйини бекат деб ўйлаган. Шундан сўнг оқшомгача поезд бўлмаган ва қиз жаноб Пюмель уни ҳалигача кутиб турганига унча ишонмаса-да, юки билан яёв кетаверишга мажбур бўлган. Яна тагин ким билибди?

— Сиз жаноб Пюмельни кўрдингизми ўзи? У кетиб қолмадимикан?

— Пюмель, Пюмель! Қимматли хоним, ўйлайманки, сиз бекатни адаштириб панд емадингиз, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

— Ахир жаноб Пюмель мени ёллади-ку!

— Ким бўлиб ёлландингиз?

— Оқсоч бўлиб...

— Иш танлаб ўтирмайдиган оқсоч! Тушакдаги иш – энг асосийси, шундайми. Сизгача бўлган оқсочлар бажаргандек.

— Ота, — гапга қўшилди Гастон, — ошириб юбордингиз. Ойимқиз кўринишдан бундай... ишларга қўл урадиган қизларга ўхшамайди!

— Ҳамма қизларга ўхшаган қиз, лекин Пюмелдек нусхаларнинг хайвондан фарқи йўқ ва шундай бўлиб қолади. Нима, гапим нотўғрими ё?

Гастоннинг таъби хира бўлди, чунки отаси бор гапни лўнда қилиб айтиб қўя қолганди; у йўловчи қизга қаради-да, хўрсинди: боёқиш қиз тузукроқ иш

топиш илинжида олислардан келса-ю, бошини қа-
ерга уришни билмай, кечқурун йўлнинг ўртасида
бир ўзи ёлғиз қолиб кетса, бу ерларда юкига қўши-
либ йўқолиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

— Ота-онангиз қандай рухсат беришди?

— Менинг фақат холам бор, холос.

— А-а... Биринчи марта ёлланишингизми?

— Ҳа. Мен аввал оз-моз тикиб-чатиб турардим,
бирок қуруқ тикиш-чатишнинг ўзи билан кун ўтка-
зиб бўлмайди-ку.

— Тушунари.

Сукунат. От багоят хотиржамлик билан боши-
ни кўтарди-да, тумшуги билан салқин ҳавони тўйиб
симирди... Нима ҳам дея оларди? Ўзингники бо-
шингдан ошиб ётганда, бировга нима деб маслаҳат
бера олардинг?

— Қулоқ сол, қизим. Нимани истасанг, шуни қила-
вер, бу сенинг ишинг. Агар шу иш сенга маъқул бўлса,
унда станция ёнида сени Пюмелнинг олдига элтиб қўя-
диган машиналарни тополасан. Йўқ десанг, мен сени
бир оз айланиш бўлса-да, келган жойинг, яна ўша бе-
катга элтиб қўяман ва чиптангни ҳам олиб бераман,
тинчгина холангнинг бағрига жўнайвер. Тагин бир
гап: агар менинг қизимми, жиянимми бўлиб, қўл-
ма-қўл бўлиб кетадиган бўлса, уларни ўз қўлларим би-
лан ўлдирардим. Бу ёғи ўзингга ҳавола.

У нимани кутяпти? Қиз кўзларини ерга қадади,
юкига қаради, сўнг йўлга ва эркакка назар ташлади.

— Қани, кетдикми? – сўради Гастон.

Қолган ишлар ўз-ўзидан бўлиб кетаверди. Энди,
назаримда, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Манса бўйлаб ярим соатлик йўлни шошилмай
босиб ўтгунларига қадар, қизнинг уларнинг ўртала-

рида ўтириб кетишининг ўзи кифоя эди. Бир-бирларининг гапларини эшитиб, суҳбатлашиб боришди. Уларга, ҳатто жимжитлик ҳам малол келмасди. Вақти-вақти билан албатта гоҳ Вивье, гоҳ Гастон ўта мулойим қилиб саволдан қистириб ўтишганда қиз буни хушмуомалаликка йўйиб қўя қолди. Унинг ўзи ҳам уларни тез-тез савол беришга ундарди. Энди қиз шубҳа-гумонлардан халос эди, чунки у мутлақо инсофли одамларга рўпара бўлганди. Ишининг юришмаганидан ҳатто хурсанддек эди. Шундай қилиб, гапга гап уланиб, қизнинг ота-онасининг ўлимидан тортиб (отаси дурадгор эди), бошланғич мактаб, қулоқлари том битган тўнкадек холаси, қўшнилари, қиз уйига бориб, ямоқ-яскоғини қилиб берадиган амалдорнинг хотини ва ўзи экиб, ўзи парваришлаётган гуллар ва бир неча хил сабзавотлари бор чоққина боғи борлиги тўғрисида — болалигидан то ҳозиргача унинг барча ўтмишидан бохабар бўлиб бўлишганди. Чиндан ҳам у хушфёъл, ёқимтой, бунинг устига ақлли, серғайрат ва маҳмадона ҳам эди. Унинг биргина хатоси — Пюмелга ўз расмини жўнатгани бўлганди. Бунинг тузоқ экани унинг хаёлига ҳам келмаганди. Майли, кейинги сафар хушёрроқ бўлади! Кейинги сафар? Ҳа, тўғри, буни кейинги сафардан қолдириб бўлмайди, бу жуда зарур, қачонгача холасига орқа қилиб яшайди, ўзи ҳам бирон ишнинг бошини тутиши керак-ку, ахир... Гастон отасига қараганди, у дарров тушунди. Кекса Фанни оёғини зўрға судраб босса, бу ёқда келин ҳам топилмаётган бўлса...

— Қулоқ сол, қизим. Сенга иш керакми?

... Шу зайлда улар станцияга олиб борувчи йўлдан Дампьерга олиб борувчи йўлга бурилдилар.

— Мени афв этасан-у, қизим, ўзи исми-писминг борми сенинг?

— Менинг отим Луиза.

— Луиза? Солиқ йиғувчимизнинг қизининг ҳам исми худди шунақа.

— Холам мени Луизон деб чақирадилар.

— Луизон? Қулоққа ёқимли эшитилар экан, “Луизон” ҳам ажойиб!

Кўзлари ўйнаб турган, сочлари тим қора, иккита кулдиргичи қизил юзларига ярашиб тушган бу кичкинагина бақалоқ қизнинг исми жисмига монанд эди.

— Луиза?.. Луизон?.. Луиза?.. Нима дейсиз, ота?

“Билишимча, — фикр қилди отаси, — ишлар жуда жадал силжияпти. Мана бу ишбилармон, ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган анқовга бир қаранг-а, ўзини ботир қилиб кўрсатиб, теварак-атрофдагиларнинг барини бир пулга олмай қўйганди. Аслида бундай эмас, атрофдагиларнинг бари қадрдон ва азиз, бизга асло бегона эмас. Бироқ ана шу одатдаги олам кўз ўнгига қайта намоён бўлганди. Бунинг барини улар нега энди аввалроқ пайқамадилар экан?

Мана бедазор, у гўё чириб борарди, илк узумзорлар, илк ёнғоқ дарахтлари ва ҳайдалган ердан тараляётган ёқимли ис (қишлоқ яқин қолгани шундай билиниб турарди, хув ана, тойча ўйноқлаб юрибди)”, майсазордаги сигирлар бирам силлиқ, маллаки; яланглик уюм-уюм шох-шаббаларга тўла. Ферма дарвозаси ёнида ит хурарди, буларнинг бари қуёш уни тарк этиб улгурган улкан осмон остида рўй бераётган бўлса-да, гўё ҳаммаси нима билан ниҳоя топишини кўрмоқчидек, у ҳамон ёп-ёруғ эди...

— Нима дейсиз, Луизахоним?

— Оддийгина қилиб Луиза дея оласизми? Бунга, жаноб Гастон, кўникишингиз керак!

Отаси: “Хотиржам бўлавер, азизам! Жаноб Гастон кўникади. Унга озгина вақт бер, бундан ортиғи унга керак эмас”, — дея минғирлади!

— Мени айтяпсизми?

— Йўқ, мен шунчаки... кўзим илиняпти.

— Сизга бир стакан қаҳва бўлганда эди. Сиз қаҳва дамлашни биласизми... хоним?

— Бўлмасам-чи.

— Мен мазали қаҳвани назарда тутаяпман.

— Сиз менга ҳақиқий қаҳвадан топиб берсангиз, мен ўзингиз истагандек яхши қаҳва тайёрлаб бераман.

— Нима дедингиз: “топиб беринг...” Ота, эшитяпсизми? “Яхшисини топиб беринг...”, йўқ – “ҳақиқийсини топиб беринг...”

Оббо беўхшов-ей! Тасқара бурнинггу дарвешнамо кўринишинг билан мана сен кимсан – Лоррен-фотан. Яна озгина вақтдан сўнг унинг деразасидан ҳам чироқ нури кўрина бошлайди. Қиз мен ўйлаганимдан кўра муғомбирроққа ўхшайди... Балки шайтонга дарс берар? Қиз у ерда нимани қолдирди-ю, нимани ўзи билан олиб кетяпти, нимани ташлаб юборди-ю, кўнглида пинҳон тутган нималар бор, масалан, худди Рен Шантомдек... Эй Худойим! Ишқилиб, болам ота-онасининг дастидан қордан қутулиб, ёмғирга тугтилмасмикан?

— Нима гап, ота?

— Ҳеч гап йўқ.

Юзида кулдиргичи бор, кўзлари порлаб турган, бадани таранг, дўхти иссиқ мана бу мавжудот ора-ларига лоп этиб суқилиб кириб олгандан кейин яна нима ҳам дейиш мумкин? Қариянинг ҳам хотинининг қабри ва мусофир юртларга дафн этилган ўглининг хотирасига ўрнатилган хочнинг ёнидан жой эгаллаш вақти этиб келганди...

— Гастон!

Баланд овозда чақирса-да, у эшитмасди.

— Сенга айтаяпман, Гастон!

— Ҳа, ота, нима дейсиз?

— Бу бошқа гап. Шантом ўшанда қаҳвахонада нима деганини эслайсанми? У: “Аввалгидек, яна барибир уми?” — деб сўраганди Рендан. Рен бўлса: “Ундан бўлак ҳеч ким”, — дея жавоб берганди.

— Бўлмасам-чи, эсимда. Фақат... Гастон кўзи билан қизга ишора қилди-да, — ҳозир эмас, — деди.

— Э, қўйсанг-чи. У ҳам эшитсин, балки бу борада бирон-бир фикри бордир. Сен ўзи саволни ва жавобни тушундингмикан деб ўзимдан сўрадим; билишимча, тушунмагансан. Ўша лаҳза сен улар билан бирга эмасдинг-ку. Мен ўша ерда эдим. Энди диққат билан эшит. Ростини айтсам, буни сенга айтиш ниятим йўқ эди. Шундай нарсалар борки, унутишни истайсан-у, лекин мутлақо эсингдан чиқаролмайсан. Яна шундай гаплар борки, сенга айтилмаса-да, бир умр хотирангда муҳрланиб қолади.

— Қайси сўзларни назарда тутяпсиз, ота?

— Ўша тўртта сўзни. Йўқ, бешта сўзни. Ҳаммаси бўлиб бешта! Сен эшит! Бу худди бугунгидек байрам арафасида бундан ўн беш йил бурун Клермонда бўлиб ўтганди. Эсингда борми, биз – ойинг, аканг қариндошларникига келгандик? Ёдингдан қўтарилмаган бўлса, ўша йили армияга кетаётган йигитлар байрам арафаси ўз тенгқур қизларига атайлаб дастурхон тузаб, кеча уюштиришарди.

— Бўлмасам-чи, эсимда! Биз йигитчалар бир қадам ҳам уларнинг кетларидан қолмасдик!

— Ҳа, бироқ кеча охирлагач, улар уйма-уй киришни бошлашарди. Кимдир мусаллас билан, кимдир арпабодиёнли мусаллас билан ва яна кимдир

уларга егулик тортиқ қиларди. Шу тахлит бу олди-бердилар алламаҳалгача чўзиларди. Сўнг улар ўшанда ёши энди йигирмада бўлган Реннинг уйига киришди. Ўшанда уй ўн-ўн икки одам билан лик тўлди. Ёшлар бемалол ўйнаб-кулсинлар деб ота-оналар уларни холи қолдиришарди. Мени эса йигитлар қолишга кўндиришди, чунки уларга оғирлигим тушмаслигини билишарди. Ўша пайтлар менда ҳар нима қилиб бўлса-да, одамларни кулдириш иқтидори бор эди.

— Ҳозир ҳам буни эпларсан.

— У пайтлари барибир бошқача бўларди. Ҳозир юрак кўтармайди. У вақтлар гарчанд ёшим йигирмадан ошган бўлса-да, улфатлар даврасида ҳеч кимнинг кўнглига урмаганман. Қани, давом этамиз унда. Мендан ташқари у ерда яна биттаси бор эди, гарчанд ёши мендан ўн ёш кичик бўлса-да, у ҳам чақириқ ёшидан анча-мунча ўтиб кетганди. Мен каби у ҳам клермонлик эмасди.

— Бу Шантоммиди?

— Ҳа, бу ўша Леон Шантом эди. У Реннинг ёнига тез-тез келиб турарди. Ҳар якшанба велосипедда пайдо бўлиб қоларди. У ҳатто оила қуриш учун қизга оғиз ҳам солганди. Ота-оналар ҳам рози бўлишганди, чунки у меҳнаткаш, олийжаноб одам эди. Қиздан эса садо чикмаганди. Ахир йигирма ёшли қизга ўттиз беш ёшли эркак кекса туюларди-да. Бунинг устига Дени Ге ҳам ўша пайт ёқимтой, кўзга яқин йигитлардан эди.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим.

— Ўтибор бергин-а, Рен бирон марта тилидан илинмаган. Мутлақо! Оғир, вазмин, мағрур қиз бўлган. Бунақаси яна қаерда бор? Унга ҳамма тан берарди. Бу кейин юзага чиқди. Айнан ўша куни, лекин,

ушангача, аминманки, ҳатто Шантом ҳам бундан беҳабар бўлган. Рен билан ёнма-ён ўтиришини бир кўрганингда эди: гоҳ уни шароб билан сийларди, гоҳ қуймоқ нон билан. “Қорнингиз оч эмасми, Рен? Балки бирон нима ичарсиз?” У эса егуликларга қўл ҳам урмасди. Рўпарага – столнинг нариги бошига тикилиб ўтирарди. У ерда кичик Ге тин олмай, чин сўзим, ичарди ва фақат гоҳ униси, гоҳ буниси билан ҳазиллашиб қўйгандагина бир оз ичишдан тийиларди, холос. Балки мана шу унга айил ботгандир. У йигитдан кўзини узмасди, худди тушдагидек, гўё хонада ҳеч ким йўқдек эди. Бу азбаройи ғалати ҳолат бўлганидан ҳамма сезиб қолгандир. Шивир-шивирлар бошланиб кетди. Тинчиди. Ҳаттоки Денининг ўзи ҳам эсанкираб қолди. Ва ниҳоят ҳамма узил-кесил жим бўлди. Ренга қарашди, у эса – Денига. Шу топда нимадир содир бўлишини одамлар сезиб туришарди. Ёлғиз Шантомгина бундан беҳабарлиги жуда ҳайратланарли ҳол эди. У фақат ажабланди, холос. Шантом: “Рен!”, — деди. Рен гўё уни эшитмасди. Унинг кўзлари бегонага тикилганча қотиб қолганди, бироқ унинг жилмаяётганини ҳам ё... ҳам англаб бўлмасди. Мана буни чурқ этмаслик деса бўлади! Шантом яна бир бор чақирди, лекин бу сафаргиси журъатсизроқ эди: “Рен!” Шунда у аста, ўша-ўша Денидан кўз узмай, ҳамманинг олдиди, гўё ўзига-ўзи гапиргандек, атрофдагиларга бепарво: “Менинг севганим анави! Энди сен баридан хабардорсан”, деди.

— Жин урсин! Буни қара-я...

— Атиги битта сўз, бошқа биронта ортиқчаси йўқ. Иштаҳани бўғишгаю уйқуни қочиришга етиб ортади.

— Шантом нима деди?

— Бас, етар. Уни яна кўришдан Худонинг ўзи сақласин. Бунчалик жирканч башарани умримда кўрмагандим.

— Барибир, у қандай йўл тутди?

— Қандай йўл тутди? Қандай йўл тутарди, роп-па-роса бир ойдан бир кун ҳам кечиктирмай, Ренга уйланди-қўйди.

— У яхши-ёмоннинг фарқига бормас экан! — баланд овозда деди Луиза. — Шунақанги қизга уйланиб бўладими! Қулоқларим алдамаяптими ишқилиб! Ўзини ҳурмат қилганида бу ишни қилмаган бўларди!

Гастон:

— Ёки уни жуда севарди, Луиза хоним, — дея кўрка-писа қўшиб қўйди.

Отаси хулоса қилди-да:

— Ўз қадрини билмайди ёки қизга ҳаддан зиёд кўнгли қўйган?.. Шундай бўлиши ҳам мумкин. Ё бўлмаса уч олмасдан қўймайдиганлардан. Тўғрида, қиз ахир унинг дилини оғритди. У қизни икки йилдан бери севарди, қиз унинг борлиғи эди. Ўйлашимча, улар кейинчалик севгининг йўриғига юрмай қўйдилар. Қизнинг хаёли ҳамон уни тарк этмаганди. Мана, бирйўла у қизнинг висолига ҳам, ғалабага ҳам эришган бўлса-да, бироқ барибир у бундан таскин топмади: биз бунга ҳозир гувоҳ бўлдик-ку.

— Реннинг ўзи бунга қандай рози бўлди, ота? Ахир у бошқани севарди-ку!

— Бу аёлларнинг, айниқса, қизларнинг кўнглида нима гап бор, ким билади дейсан. Балки ўша бошқаси бор умидини пучга чиқаргандир, ўша бошқасини шу йўл билан жазоламоқчи бўлгандир. Қўшиб ўзини ҳам. Яна ота-оналар айбдор, яна уриш-жанжал! Яна нима бўлиши мумкин? Бунинг устига Шантом уни севарди ва Шантомнинг бошқасидан кам жойи

йўқ эди, қиз эса унга роса азоб берди... Яна Худо билади! Балки, унга раҳми келгандир? Рен аҳмоқ эмасдир, ўғлим.

— Мен битта тарсаки тортиш учун ўн беш йил ўтишини кутиб ўтирмайдиган бир одамни биламан, ҳа, биламан.

Вивье четга қараб олиб нукул куларди. Қўзичокни таниб бўлмай қоляпти! Нима ҳам дердик, майли, қўзичок мугузини кўз-кўз қилишга шошилаверсин, бўри ҳам шу яқин атрофда-ку. Ўлмасак кўрармиз. Балки Худонинг марҳамати билан бари яхши бўлар. Мана, Рен ва Шантомларни олайлик. Майли, эри уни севаверсин, у эса бошқасини. Барибир улар эр-хотин, биргалар. У қанчалик ишқ ўтида ёниб-куймасин, аёл ёлғизликдан қанчалик музламасин, юраклари ғариб бўлса-да, барибир иккови бирга, ахир ёлғизликнинг бундан баттари ҳам бор-ку. Ёддан чиқмаслиги зарур бўлган мана нима бор... Вивье Лоррен, ёнидаги ҳамроҳига таклиф этиш мақсадида, орқадан кўрпани олди-да, уни ёйди.

— Қани, тасаддуқ, буни олгин-да, оёқларингни тонгги шудрингдан асраш учун яхшилаб ўраб ол.

— Жаноб Гастон, бир учини олинг, — ўша заҳоти таклиф қилди қиз. — Сиз жуда юпун кийинибсиз, костюмингизнинг матоси чиройли экан-у, лекин жуда юпқа экан-да.

— Бу костюмни, — ҳикоя қила кетди Гастон, — мен ўтган ҳафтада Везулдан сотиб олгандим. — Сўнг отаси томонга ўгирилди-да: — Қаранг, ота, мен уни атайлаб сотиб олгандим... Афсуски, у менга асқатгани ҳам йўқ.

— Тўхтаб тур, ҳали кунингга яраб қолар, ўғлим. Ҳамма нарсa бўлиши мумкин!

— Отаси унинг устидан кулмаяптимикиан? Унақага ўхшамаяпти: овози босиқ, чеҳраси самимий. Гастон:

— Нималар бўлмайди дейсан! — деди хўрсиниб.

Сўнг, аввал Луизонга, кейин отасига қаради.

— Бўлмасам-чи, ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Иккала эркак хандон ташлаб кулишди. Уларга қўшилиб қиз ҳам кулиб юборди. Қиз нимага кулаётгани сабабини билмаса-да, бироқ бу табассум баҳона уларни янада яхшироқ билиб олаётганди.

Агар ўғил ва ота ўртасида аёл киши бўлса, уларнинг ихтиёрлари қўлдан кетади деган гап кимдан чиққан ўзи! Қайтанга ўз инон-ихтиёрингга икки карра ортиқроқ эга бўласан.

Энди унинг кўнгли тўқ, чунки аёл бор. Отам бунга нима дерди? Хонадонга аёл керак, бека уйнинг чироғи. Мана, шу боис ҳам қуруқ қўл билан қайтмаяпмиз: ўша аёл деганлари ёнимизда, у миқ этмаяпти, лекин аёлнинг сукут сақлаши унинг гапиришидан ҳам қўрқинчлироқ бўлади. Тўғри, биз шу қиз учун йўлга чиқмагандик, инсоннинг барча тузган режаси, унинг ниятлари ва ўжарлиги ҳеч гап эмаслигини ўзимиз бошимиздан ўтказдик. Тақдир бизга шуни раво кўрган бўлса, яхшиси унинг измига бўйсунганимиз маъқул эмасмикан? Бундай имкониятни ким бой беради? Қоронғи тушаяпти, чамаси яна ўн беш дақиқалардан сўнг ўз уйимизда бўламиз. Уйда бизни кутадиган одамнинг ўзи йўқ — бўлмаса бўлмас. Луизага нима қаерда эканини ўзимиз кўрсатамиз: омборчани ҳам, ертўлани ҳам, кийим жавонини ҳам. Сўнг кийиниб олиши учун қизни ўз хонасига кузатиб қўямиз. Пастга тушса, тузалган дастурхон ва ўчоқдаги оловни кўради. Бизнинг омадимиз чопди.

Буткул қоронғи тушиб, атроф янада саринлашяпти. (“Луиза хоним, тузукроқ ёпиниб олинг!”) Гастон иссиқдан ўзини қўярга жой тополмаётганди, оғзи ҳам худди зогорабалиқнинг оғзидек катта очил-

ган; гүё атрофдаги тоза ҳавони битта қолдирмай ютаман дерди. Улар яқинлашиб қолишди, мана, ва ниҳоят, қоронгида илк шуъла кўзга ташланди. Қишлоққа олиб чиқадиган кечувни ҳам аранг пайкаш мумкин эди, уни кўпроқ чириб ётган толнинг ҳиди билдириб кўярди. Кучадан кетаверишда ҳар бир ҳовлининг ёнидаги ўрмон ёнғоғининг сернам иси димоққа уриларди. Унинг ҳиди кечга бориб янада кучаярди... Кўзларим қоронғилашиб, томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди. Ўзингга қадрдон бўлган ерларга келиб қолганинг қандай яхши, бунинг устига бундай хурсандчиликни баҳам кўрадиган фаришта ёнингда бўлса. Менга кўрсатган марҳаматинг учун, Худо, ўзингга минг бор шукр!

— Луиза хоним, бир қаранг-а! Биз уйимизга етиб келдик, кўраяпсизми?

Дафъатан карнайдек варанглаб чиққан унинг овози аста-секин босилди-да, охири шивирлаб деди:

— Луиза хоним! Луиза хоним!

Луизон аллақачон ухлаб қолганди.



Марям Зиёда

АБУ ҲАВЛ¹ ПОЙИДА

Тубсиз кенг осмон, ҳадсиз теран тун. Шитоб билан учаётган юлдузлар ва ярақлаб кўринаётган деразалар зулмат жисмидаги куйиклардан қолган яраизларига ўхшарди гўё. Шаҳарлар шовқини фақат ундаги дарддан дарак берарди, холос, шундан бошқасини билмасди улар. Урф-одатлардан қўл-оёқлари боглиқ, сершовқин одамлар тамаддунидан ажралиб турган тепалик ортидаги ҳадсиз сукунатга бош қўйган сенинг ўзига хос мустақил тамаддунинг ёлғизлигини мадҳ этмоққа мана мен ҳузурингга келдим, ҳой сфинкс! Ер юзида мамлакатлар ўзгаради, халқлар ўзгаради, уларга қўшилиб динлар ҳам, қонунлар ҳам, тиллару урф-одатлар ҳам ўзгариб бораверади. Неча-неча авлодларнинг ҳаракату амалларини йўққа чиқариб, зилзилалару вулқонлар, момақалдироғу ўлатлар, ғалаёнлару бўронлар ва тошқинлар ким ўзарга беллашади. Сен бўлсанг, коинот чиройига қараб интилаётган эҳромлар панасига яшириниб олиб, омонат дунёнинг ҳалокатга элтувчи қонунларини рад этасан. Ибодатхоналар ҳам сенга ўзларининг тошу шағаллари саси ила туганмас қиссаларини ҳикоя қиладилар-да, сўзларини худолар, шоҳлар ва жангчилар тасвири билан асослаб берадилар. Бу ибодатхоналар бошига тушган кўрги-

¹ Абу Ҳавл (араб. кўрқитувчилар отаси) – Мисрдаги Сфинкснинг арабча номи.

ликлар эса уларнинг ҳикояларини янада маъноли ва жозибадор қилиб юборади.

Мана, бу ерда сен, юмшоққина қумлоққа жойлашиб олиб, улутворлик ва рамзлар давлатида, ўзингнинг сирли ва улкан салтанатингда яккаю ёлғизсан. Сендаги софлик ва олийжаноблик олдида ҳозирги ҳукмдорларнинг буюклиги нуқул ахлоқсизликдан ўзга нарса эмас. Сенинг бор сир-асрорингни тагига етмоқ иштиёқи билан тўлиб-тошган густох инсон мағрур танҳолик қасри ичра бош суқиб қарамоқчи бўлади. Бироқ сен яшириб ётган сир-асрорлар бу фоний дунё шарпаларига кўриниш бермайди, шунчаки қизиқишми ёки томоша қилиш иштиёқи сабабми, сенинг бақувват панжаларингу уларнинг елкаларинг сари талпинаётган ҳашаротнамо панжалари билан буларнинг барини ҳис этишнинг иложи йўқ.

Бироқ одамзод нафақат завқланишни билади ва нафақат билиш учун интилади, у оғир дардга чалинган ва у қаттиқ азобда. Унинг бошига фалокатлар ва бахтсизликлар қуюндек ёпирилмоқда ва у ҳақиқатан ҳам умумий мувозанатнинг ваҳимаю саросимадан тўқилиб, барқарор кўринувчи бу оламнинг эврилишлардангина таркиб топганига ҳам амин бўлди. У эркин танлаш имкони ва муқаррар қисмат ўртасидаги аёвсиз курашнинг барча фожиаларини ўнг-терсига қарамай бошидан кечирди ва Маъбудлару жангчиларни, қонун чиқарувчилару авлиёларни, пайғамбару қотилларни, бари ўлдирилганларни учуриб кетаётган шаршаранинг яқинлашиб келаётган авлоди ундаги тўлиб-тошган куч-қувватни ҳам бекорга нест-нобуд қилаётганини тушуниб етди. Тахтга олиб борувчи йўлда у қашшоқликни, кишанланган жинойтчилар ёнида эса салтанат ҳассасини ва подшоҳлик тожини кўрарди, у тўй тантанасию

дафн маросимини, туғилмоқлик ва ўлмоқликни, улар билан бақамти бораётган йўқчилигу бойликни, касаллигу саломатликни, хоинлигу садоқатни, тўғрилигу хатоликларни кўрарди. Шунга қарамай, инсон қанча азоб-уқубат тортмасин, жони қанчалик озор чекмасин, у барибир бу оламни ўзгартиришга ожиз ва дунё қандай қурилган бўлса, шундайлигича қолаверади.

Тирик жон ва ўлик модда пайдо бўлади-да, мавж уриб қутурган, ўз шаклини абадий бошқасига алмаштириб, янгилашиб турувчи тўлқин дунёга келади. Ҳар сафар улардаги ўзгариш ҳадемай поёнига етай-етай деб турганида, майда-майда бўлиб парчаланиб кетаётган қатраларнинг устидан чирмашиб юқорига ўрлаётган яна янги-янги тўлқинлар вужудга келаверади.

Агар инсон дўппини ерга қўйиб, бу ҳодисаларнинг қаердан келиб чиқишини билмоқчи бўлса, унга: буни ҳаёт деб қўйибдилар; ҳаётнинг эса бўлган-тургани шу, шундан бошқача бўлиши мумкин эмас, – дейдилар.

Шунақа, эй парвойи фалак сфинкс! Инъом этмоқ ва маҳрум бўлмоқнинг, вафо ва хиёнатнинг, оқлик ва қораликнинг, ғурур ва камситилишнинг, ғалаба ва мағлубиятнинг, ҳар қандай шодлик ва ҳар бир ғам-ғусса, барининг сабаби фақат битта. Биз, ҳаётга ҳаётнинг ўзи исбот, деймиз. У бизни рўпара этган дардларга ҳам унинг ўзидан даво топамиз. Ҳаёт билан яна юзма-юз келиш учун ундан йироқлашамиз.

Мен ҳам ҳаётнинг миллионлаб моҳиятлари қатори, барча ҳақ-хуқудан маҳрум этилганлар каби ҳаётни англашга интиламан. Ва, бир вақтлар сен ҳам Фивага кетаверишдаги йўлда йўловчиларни саволга тутганингдек, мен ҳам йўлда тўхтаб, ҳаётда яшашдан мақсад нима экани ҳақида ўткинчилардан сўрадим.

Улардан бири: “Ҳаёт – бу она сийнаси”, деб жавоб берди менга.

Шунда мен она кўкрагига ёпишдим узимни хифзу ҳимояда, иссиққина уйда пайдо бўлиб қолгандек ҳис этдим. Юқоридан юборилаётган на бир шиддаткор шамол, на бир момақалдиरोқнинг гумбури, на чақмоқнинг чарақлашию на сув тошқини мени ваҳимага сола олди. Орадан бир кун ўтди. Она бағри энди менга торлик қилиб қолди ва мен: “Бу ҳаёт деганлари нима ўзи?” – дедим аввалги маконимга қайта туриб, ўзимга-ўзим.

Кимдир менга: “Бу эътиқод ва диёнат”, – дея жавоб берди. Ва шунда мен пешонамни зоҳидлик ва содиқлик нишонаси остига яшириб, уни заррин чойшаб тўшалган меҳроб остонасидаги чангга булғашга шошилдим. Мен содир этмаган гуноҳларимни кечиришини, ҳаёлим кўчасига келмаган ножўя ишларимни авф этишини сўраб илтижо қилдим.

Индамас бутлар ўзларининг зарҳал либосларида мен билан суҳбатлашар эдилар, хочлар эса шивирлаб мих ва найзалар билан каминани кўрқитиб жазоламоқчи бўлардилар. Орадан бир кун ўтди. Меҳробнинг бағри дастлаб мулойим ва меҳр-муҳаббатга лиммо-лим эди, энди мармар тошдек совуқ ва қаттиқ бўлиб қолганди. Диний расм-русумлар бежама хатти-ҳаракатлардан иборат бўлиб қолганди. Қутилмаган янгиликлар ва илоҳий илҳом бахш этувчи ширанинг муаттар иси, таъби ёқимсиз аёлларнинг димоқни ёрадиган ўткир ҳидли атри сингари энди мени гижинтирадиган бўлиб қолганди. Шунда мен яна йўл бўйидаги аввалги жойимга қайтдим-да: “Ҳаёт дегани нима ўзи?” дея сўрадим.

Шунда шуҳратпарастнинг: “Ҳаёт деганлари наҳот қизлар учун – бу такаббурлик, ишва ва барнолик бўлмаса?” – деган нидоси янгради.

Кўзгу билан суҳбатлашгани унинг ёнига бордим, бордиму ўз аксимни кўриб, уни севиб қолдим, унга шундай қаттиқ кўнгил қўйдимки, у билан фақат янада жозибалироқ бўлиш учун юзимга яна қандай оро беришни излаш мақсадидагина ажраша олардим холос. Бироқ кўп ўтмай, чуқур қайғуга ботган севишганларни кузата туриб, ўкириб-ўкириб йиғлашга мажбур бўлдим ва шунда мен, ўзгалар юрагидаги дарднинг устидан кулиб, қувониб, ҳузур қилаётганимни англадим. Бир кун ўтди ва кўзларим яна қайғуга ботди. Худди аввалгидек мен яна: “Ҳаёт ўзи нима?” дея йўловчилардан сўраш учун йўл бўйига қайтдим.

Шунда бир жуфт хуштак ва машиналарнинг ғув-ғуви аралаш тамаддуннинг: “Ҳаёт – бу тўкин-сочинлик, ҳашамат ва дунёдаги энг юқори ҳолат, замонавий маданиятнинг барқ уриши”, деган овози эшитилди.

Шунда мен уни изма-из қувиб кетдим, бироқ бир соат ўтар-ўтмай, у ёнига қимирлашга мажолим етмай, тўхтадим. Ғам-ғуссадан нафасим бўғилди ва орқага қайтишимга тўғри келди.

Мен яна: “Бу ҳаёт дегани нима ўзи?” деб сўрадим узил-кесил умидимни узиб. Аммо ўлимни хоҳламай анчагача шу саволни такрорлайвердим ва тинимсиз кўз ёш тўқдим. Шунда қийноқларим қаъридан товушсиз бир шарпа пайдо бўлди-ю, бу сирли ҳаётни у ўз қўлида тутиб турганини фаҳмладим.

Ҳой Сфинкс! Сен бирон марта бўлса ҳам рақсга тушаётган юлдузларни кўрганмисан? Қонунлардаги ўзгармас турғунлик бир лаҳза иккиланиб қолди, барча юлдузлар эса атрофимда ўйинга туша бошладилар, қолган махлуқлар ҳар нарсага қодирнинг қаршисида бўйсуниб, бош эгдилар. Ва уларнинг

бари ягона ораз кўринишини бир-бирларига узата кетдилар ва у билан ўхшаш бўлганликларидан фахрлана бошладилар. Барча шафақ ва оппоқ тонглар ўз нурларини унинг кўзидаги шуълага ботириб олар эдилар.

Зангори осмон, мафтункор баҳор ва гузал денгиз тўлқинлари ундаги ўша ажойиб, ёқимли ва муқаррар табассумнинг фақат кучсиз, равшан бўлмаган акси эди, холос. Яратувчи мени ўз тахтига таклиф қилди ва биз иккимиз кафтларимизни тирикчиликнинг бурама симлари устига қўйдик-да, оламлар ҳаракатини идора қила бошладик. Орадан бир кун ўтди. Юлдузлар ғалаёни бостирилди, улар оламнинг ягона тартиби олдида таслим бўлдилар. Ҳар бир жонивор дунё тартиботидаги ўзининг илгариги аҳамиятини қайтадан қўлга киритди. Мен бўлсам: “Ҳаёт нима ўзи?” дея ўткинчилардан сўрашда давом этавердим.

Шунда: “Ҳаёт – бу мен, шу боис уни мен тушунтириб бераман”, деган маърифатнинг хотиржам овози янгради.

Шунда мен бориб турган моддий дунёни, фалсафани ўрганмоқ учун беҳисоб Илм тўлиб-тошган серобликка ўзимни отдим.

О, ҳукмдор! Билиб бўлмайдиганларни ўрганиш учун озмунча фан ихтиро қилдикми; тушунтириб бўлмайдиганларни тушунтириш учун озмунча тилларни ўйлаб топдикми! Осмон жисмлари ва коинот унинг ёрдамида бир-бирларига таъсир ўтказувчи, унинг бағридан эса қуёш тугул, гард ҳам қутулиб кетолмайдиган куч – ўзига тортиш кучини олимлар менга кўрсатиб бердилар. Мен: “Тортиш кучи дегани бу нима ўзи, уни ким кўриб, ким эшитгану ким қўл тегизиб кўрган? Балки у ҳавода тўлқин тахлит ҳаракатланувчи руҳдир. Ёки у – табиатан мустақил,

ўзига хон бўлган қутурувчи оқимдир. Ва бунга йўловчилар: “Буни ҳаёт тилсими дейдилар, уни эса сира тушунишнинг иложи йўқ,” – деб жавоб бердилар.

Ҳаёт! Сирлар маскани! Бир вақтнинг ўзида ҳам бирлашмоқни, ҳам жудоликни ифодаловчи калималар.

О, тўрт минг йиллик узлат посбони, бу гиламдек юмшоқ қумликлар, мана, тўрт минг йилдирки, сенинг мулкингни қоплаб олган. Фан аввалгидай фақат биргина қум заррасининг у ёғию бу ёғини ағдариб, чилпарчин қилиб, қолган бўлақларни ҳам яна майдалаб, тадқиқ этиб ётибди. Фан текшириб, ўрганиб уни ҳаётдан маҳрум этмоқда, тажрибадан ўтказиб, изоҳлаб йўққа чиқармоқда, унинг тузилиши моҳиятини очишга ва унда яширинган сир-асрорнинг тагига етишга уриняпти. Фаннинг зўр бериб жон куйдиришлари ўша-ўша номаълумликдан номаълумликка, саволдан саволга етакламоқда, холос. Ва мен энди уни: “Ҳаёт нима у? Ҳаёт дегани нима ўзи?” – дея саволга тутаётган гўл гўдакка ўхшатардим.

Камина илҳақ йўловчилардан жавоб кутардим. Кўплар юзимга қараб, кулиб ўтиб кетаверардилар. Негаки, улар мени тушунишга қодир эмасдилар. Тўхтаб, саволимга жавоб берган баъзи бировлар янада қатъиятли бўлишга, мендаги оташнинг аланга олишига сабабчи бўлардилар ва бундан бир ташвишимга ўн ташвиш қўшиларди. Ерости йўлига етакловчи сенинг панжаларинг орасидаги тарашлаб ясалган яширин зинапоя эҳромларнинг сирли чуқурлигигача чўзилиб бориб-бориб, охири ғойиб бўлганми? Оллоҳнинг сирли овозига мушток авлиёлар уни диққат билан кузатиб турган бир вақтда, нега энди сенинг юрагингга охират дарвозасининг калити ишониб топширилган? Асрлар давомида маҳкам қимтилиб турган лабларингдан ташқари, нега энди

қалбингдаги сирлардан ҳеч кимни воқиф этмайсан. Балки лабингдаги афсус – меҳроб учун барча қабихликларга чек қўйиб, ўзини қурбон қилганларнинг қонидир; ёки у келажак олдида барча мавжудлик ҳеч нарсага арзимас демоқчи бўлаётгандир?

Мана табиатнинг ҳаётбахш суви – сенинг Нилинг; ҳамиша бирдай тулиб-тошиб оқишию сахийлиги учун унинг бошланишидан то қўйилиш еригача ҳамма унга сажда қилади.

Ёз мавсумида унинг нега қизил тусга киришини биласанми? Сувларидаги бу серҳосилликнинг боиси не?

Анави ҳандасавий шаклга эга эҳромлар не маъно англатишини биласанми? Халдейлар бурж аломатларини тасвирлашларидан аввалроқ уларнинг тошдан йўнган осори атиқаси сен эмасмидинг?

Ўзи бу эҳромларнинг вазифаси нимадан иборат эканини биласанми? Улар дашту биёбонга машғала бўлганмидилар ёки фиръавнларга қабрмиди, мудофаа қўргонимиди ёки қимматбаҳо буюмлар сақловчисими, севишганлар учрашадиган ермиди у ер ёки Осирис марҳумлар устидан тантанали суд йиғилишини бошқарадиган жой бўлганмиди?

Уларни мўмиёлаганда нега ичига папирус ўсимлиги билан қадимий ёзув белгиларини жойлаб, тош-тобут ва мақбараларга қўйишларини биласанми?

Нилуфарнинг ва нилгулининг муқаддас дарёда сузиб юришида қандай ҳикмат бор, бу сенга аёнми? Биздек нодонлар учун булар фақат бизни идора этаётган ҳаётнинг белгиларигина, холос.

Ўзинг-чи? Наҳот бу ердаги бирон нима сени ўзига тортмаса ва чексиз сукунатингнинг боиси наҳот шу бўлса?

Ёки буларнинг барида биз нимани кўраётган бўлсак, сен ҳам шуни кўраётгандирсан? Балки сен

ўз кетидан қуёш тизимию юлдузлар туркумини эргаштириб олиб кетаётган оҳанрабо милини шимолга йўналтираётган Тангри бармоқларининг ҳаракатини кузатаётибсанми? Ёки, ёруғлик ва зулмат лашкарларини, турғун юлдузларнинг улкан гуруҳини ва ўз меҳвари бўйлаб ҳаракатланаётган фазо ва вақтнинг қўшинлари бўлмиш сайёраларни ўз қўригиндан ўтказаётгандирсан? Балки сен ғуж юлдузлар тўпи ва галактика оламига, дунё қонунларининг дас-ти билан битилган “ҳаёт” сўзини ўқишга уринаётгандирсан? Ёки бир бутунликдаги ҳаво, олов, сув, моддани ҳосил қилувчи, борлиқ чегарасидан ташқарида оқаётган илоҳий оқим сени ҳайратингга сабабдир? Сен каби биз ҳам кузатаяпмиз, умидвор бўлаяпмиз, умидвормиз ва кузатаяпмиз. Бизлар нимани кузатаяпмизу, тепамиздаги буқаламун осмон нимадан умидвор экани сенга маълумми? Нур ўз шуъласи билан ора-сира ёриб кириб бизни баҳраманд этгувчи азалий ва абадий зулматнинг бандиларимиз. Биз уларни умидларимиз рўёбининг хабарчилари дейишга тайёرمىз. Бироқ улар алдовчи ҳаёлотдан ўзга нарса эмас. Зулмат янада қуюқлашмоқда, биз эса ўша-ўша ҳамон кутишда давом этмоқдамиз; бўшашганча кутмоқдамиз.

Сен устингга қўйилиб келаётган қумларга ярим-ёрти қўмилиб бўлган эсанг-да, барибир, ҳамон ўша кунчиқар томонга боққанча жилмайиб тураверасан. Биз эса офат қиличи остида фалокатдан ҳалок бўлаётган эсак-да, умид билан ҳамон кутмоқдамиз.

Сендаги сирли сукут ўтган ва ўтаётган давру давронларнинг сири эканлиги ростми? Одамзод маъбудларни худди ўзига ўхшатиб яратганидек, сени ҳам ўзининг рамзи этиб яратгани ростми?

У, индамаслик рамзи бўлмиш савқи табиий майлнинг бошланишини бузоқнинг биқинидан; довюраклик рамзи бўлмиш оташин феъл-атворни шернинг панжаларидан; ҳадсиз йироқларга парвоз этувчи – илм рамзи бўлмиш қанотни бургутдан олди; ўзининг инсоний қиёфасидан эса савқи табиий майлнинг, нафсининг ва пуч хаёлларнинг устидан ғолиб келиш, ақл-идроққа, онгли истак-хоҳишга йўл кўрсатиш учун бошини олиб сенга ато этди.

Нега у ўзигагина хос сифатларни сенга раво кўрди-ю, бошқа қолганларидан сени баҳраманд этишни истамади? Нега энди сенинг табассуминг ҳеч қачон унинг доимий янгилашиб турувчи умидларининг акси бўлмайди? Осмону фалакка мангу боқиб турган Сфинкс балки унинг қаеригадир ич-ичига яшириниб олгандир ва ҳар сафар шафақни ва ҳар сафар кун чиқишини кузатаётиб, янги юлдузлар пайдо бўлишидан ва янада ёруғроқ қуёшнинг, янги куннинг чиқишидан умидвор бўлаётгандир?..



ОЛТИН БАЛИҚЧА

1

Турмушга чиқиш ҳақидаги қароридан Мугино ота-онасини куздаёқ воқиф қилиб қўйганди. Токиога жўнаш олдидан бўладиган тайёргарликлар ҳам тезда бошланиб кетганди. Бу, қизнинг бўлажак турмуш ўртоғи иллюстратор-рассомнинг хизмати билан боғлиқ эди.

Эр-хотин Адзумаларнинг кенжа қизлари Мугинодан ташқари, яна иккита катта фарзандлари бор эди. Ўғиллари Сэндае шаҳридаги университетда дарс берарди, катта қизлари драма актрисаси бўлиб, Синэки театрида ишларди ва Токиода яшарди. Мугино жўнаб кетганидан сўнг умрларининг қолганини Хокурикининг совуқ осмони остида яшаб ўтказиш чол-кампишларнинг пешонасига ёзилганди. Ёхэйнинг ёши етмишдан ўтган, хотини Мияконики эса олтмиш бешлар атрофида эди. Улар ҳали ҳам ишлашарди, лекин охириги пайтлар гоҳ қулоқнинг шанғиллашидан, гоҳ белдаги оғриқдан бир-бирларига арзи дод қилмаган кунлари йўқ эди. Бир сўз билан айтганда, қариялар ўз касалларидан иложи борича эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилишарди.

Мугино эрталаблари ота-онасининг ёнига чиққанда кўзлари гоҳ қизариб, шишиб кетган бўларди.

– Яна кечаси билан йиғлаб чиқдим... Ҳеч ўйлаб ўйимга етолмаяпман, менсиз ҳолингиз не кечади...–

деди у қўли-қўлига тегмай ҳар жой-ҳар жойга қўйиб ташланган қоғоз қутилару туқима йўл саватларга нарсаларни чаққонлик билан жойларкан, гуноҳкор одамдай жилмайиб.

Ота-онаси билан бўладиган айрилиққа қизнинг қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, қарияларнинг уни дуо қилишдан ўзга чоралари қолмаганди.

Мугино биринчи никоҳидан бўлган фарзанди Рюкити билан ота-онасининг уйида яшарди. У тиш шифокори хонасининг қабул ишларини олиб боришда онасига кўмаклашарди ва маҳаллий аёллар ҳаракатининг фаолларидан эди. Барча уй-рузгор юмушлари ҳам унинг зиммасига юкланганди. Мугинонинг ёши ўттиздан ўтганида, шахсий ҳаётини энди янгитдан тиклаш учун имконият туғилганди.

Мугинонинг уйдан кетиши она учун қаттиқ зарба бўлганди. Ҳар сафар Токио ҳақида сўз очилганда, ўз туйғуларини яширишга азбаройи мадори етмаганидан ичидаги дардини тўкиб-сочишга тайёр турарди. Ёхэй эса, аксинча, қизининг қарорини маъқуллаб, унинг жўнаб кетишини тезлаштиришга ҳаракат қиларди.

– Наҳотки бундан хафа эмассиз? – деди пичирлаб хотини Ёхэйга, кечқурун ўринга ётишганда.

– Жуда қизиқсан-да, хотин. Бу ахир қачон бўлмасин, бошга тушиши керак бўлган табиий ҳол-ку. Қизимизнинг бахти чопди, нега энди биз бундан хафа бўлишимиз керак?

– Ростини айтсам, мени Мугино эмас, кўпроқ Рю хавотирга соляпти. Биз уни қанча койимайлик, у бирон марта ҳам умидсизликка тушмади, ўша-ўша мулойим ва соддалигича қолаверди... Энди янги жойда унинг аҳволи не кечаркин?..

– Бу гапингда жон бор. Лекин яна шуниси ҳам борки, мендек мижгов бобонинг гамхўрлигидан қутулгани балки болага яхшидир! – деди Ёхэй ишонч билан, худди невараси томонидан қандай муносабатга лойиқ эканини аниқ билгандек.

– Лекин кексайганимда менга шундай толе “кулиб” боқишини хаёлимга ҳам келтирмагандим, энди тақдирга тан беришдан ўзга илож йўқ.

– Илтимос, кулгимни қистатма. Атрофга диққат билан бир назар ташласанг, бизнинг хаётимизда қандай оддий воқеа рўй берганини ўшанда биласан.

– Э, сабр-тоқатингизга балли-эй! – деди киноя билан Мияко.

– Бунга сабр-тоқатнинг нима дахли бор? Бизнинг ёшда фарзандларга халақит бермаслик учун ўзимизни сал четга олганимиз маъқулми деяпман, холос. Сенга айтсам, бу бизнинг бурчимиз! Бунга эса ўз имкониятимиздан келиб чиқиб амал қилишимиз керак.

– Сиз ўша-ўша ҳар доимгидек ажойибсиз. Тутган йўлингиз ҳам аниқ, равшан, бироқ...

– Аниқ, дейсанми?

Мияко индамади.

Бундан ўттиз йил бурун дунёдан ўтган онасининг ўлими билан боғлиқ хотиралар бирдан Ёхэйнинг ёдига тушиб кетди.

Ёхэйнинг онаси нақ тўқсон уч йил умр кўрган-ди. Онаси унга қанчалик меҳр қўйганини Ёхэй яхши биларди. Ёхэй хизмат тақозоси билан шаҳарда қолиб яшашга мажбур, онасининг ёнида қолиб, унга гамхўрлик кўрсатишга имкони кўтармасди. Онасининг кексалик даври даҳшатли уруш пайтларига тўғри келганди, Ёхэй эса Худонинг бермиш куни уни армияга чақиришларини ёки қатағон қилишла-

рини кутиб яшарди. У вақтлар онаси билан дийдор кўришишни ўйламаса ҳам бўларди. Онасига бўлган хурмати, меҳри янада жўшиб турган ўша пайтларда мажбурий айрилиқдан у баттар эзиларди.

Онасининг ўлими ҳақидаги телеграмма келганда, у қаттиқ қайғуга ботганди, бироқ шу билан бирга ўзида аллақандай енгиллик ҳам ҳис этганди. Ўзидан бундай бағритошликни кутмаган Ёхэй виждон азобидан ўзини йўқотиш даражасига тушганди. Бу туйғу, узоқ йиллар давомида унга азоб бериб келадиган, гўё онасидан қутулганига шукр қилган одамда кечадиган, бироқ ўзи ҳам ҳали англаб етолмаган туйғуга ўхшаб кетарди. Бу туйғу ўшанда унинг юрагига ёриб кирганча, ҳали-ҳануз уни тарк этмай келарди.

Болалар, энг аввало, Мугино билан бўлган ўзаро муносабатда Ёхэй кўпроқ ўзининг аччиқ ҳаётий тажрибаларига таяниб иш кўришга ҳаракат қиларди. Ўтган йили катта ўғли билан боғлиқ бўлган бир воқеа унинг ёдига тушиб кетди. Ота-онасини хурсанд қилиш ниятида янги йилни Тоямада кутиб олгани икки фарзанди ва хотинини олиб, Сэндаядан машинада йўлга чиққан Ётаро қалин қор ёққани сабаб йўлда қолиб кетишганди. Улар икки кечаю икки кундуз Огуни довонидан ўтиб олиш учун роса уринишди, бироқ бундан бирон наф чиқмагач, яна орқаларига қайтиб кетишга мажбур бўлишганди. Омади чопмаган ўғлига ҳамдардлик билдирган Ёхэй хотини иккови Токиога ўзлари келишди ва у ерга Ётарони ҳам оиласи билан таклиф этишди.

Ёхэй тўнғич қизи Тадзумига ҳам кўп ташвиш келтирганди. Беш йил бурун у буйрагини операция қилдирганди. Айнан шу пайтларда Тадзуми анчадан буён ўзи орзу қилиб юрган жиддий роль устида ишлаётганди. Тадзуми отасининг аҳволини

ва унинг ёшида бундай операция хатарли эканини эшитди-ю, пьесада иштирок этишдан бош тортди. Онасининг қўнгироғидан сўнг у Тоямадаги клиникага зудлик билан етиб борди ва деярли йигирма кун бемор отасининг ёнида бўлди.

Кенжа қизи Мугинонинг шу пайтгача ота-онасининг бағрида яшаб, уларнинг оғирини енгил қилиб келаётгани, бу – ўзини қурбон қилгани эмасми? Ёхэй энди ўзи фарзанд ўстираётган фарзандларига эр-хотин қанчалик ташвиш туғдиришаётгани ҳақида ўйлаб, ўтган кунларни беихтиёр қайта-қайта ёдга оларди. О, айниқса, онаси оламдан ўтганида ўзини қанчалик енгил ҳис этгани бир умр ёдидан чиқмас керак. Ёхэй ҳатто хотинининг оналик туйғусини таҳқирлашдан хавфсираб, бу гапни унга айтолмаганди. Ахир фарзандлар ҳам уларга чин юракдан боғланиб қолишганди-да.

Мугино ва неварасининг Токиога жўнаб кетишидан аввал Ёхэй унча хафа бўлмади. Уйдаги доимий шовқин-суроннинг сабабчиси бўлган Рюкитисиз унга дастлабки кунлар, балки, анча зерикарли бўлишини, албатта, тан олса-да, лекин яна бир томондан энди тинч-осойишталикда ўзини ишига бағишлашига яширинча бўласа-да, умид қиларди.

Мана, ўша кун ҳам етиб келди. Ёхэй хотини иккови қизи ва неварасини кузатиш учун вокзалга йўл олишди. Жўнаб кетаётган поезднинг орқасидан қараб қолган қария бирдан хотини икковининг ҳаётлари мазмунига айланиб қолган ва шу бугунгача уларга суянчиқ бўлиб келаётганларнинг бари мана шу сўнгги вагоннинг қизил сигналли чироқлари билан бирга энди қўлдан чиқиб, қоронғилик томон ғойиб бўлиб бораётганини ҳис этарди.

Улар тунги осойишталикка чўмган шаҳар кўчаларидан тақ-туқ қилиб одимлаганча чурқ этмай

уйга қайтишарди. Энди уларни кутиб оладиган ҳеч кими йўқ зим-зиё уйга киришлари заҳоти Ёхэй ўзини мутлақо бўшлиққа тушиб қолганини ҳис этди. У одимларини жадаллатиб уйга аввал кирди-да, деворни пайпаслаб, чироқни ёқди. Улар уйчи оёқ кийимларини кийишди. Ёхэй саранжом-саришта остонага тартиб билан териб қўйилган икки жуфт резина этикдан шошибгина кўзини олиб қочди. Қариялар рутубатли даҳлиздан уйга ўтишди. Уй сув қуйгандек жимжит эди. Уйнинг ҳувиллаб ётганини била туриб унга қадам боссанг, бедаво қайғу юрагингни абгор қиларди.

Айтадиган гапнинг ўзи йўқлигини тушунган эр-хотинлар бир-бирларига ўқтин-ўқтин кўз ташлаб кўярдилар, холос.

– Балки сакэ ичарсиз? – таклиф этди Мияко, юракни сиқадаган жимликни кўтаролмагач. Унинг талаффузида кутилмаганда Ибарака префектурасида туғилганини билдириб турувчи оҳанг сезилиб турарди.

– Ҳа... сакэми? Қачондан бери бизнинг уйдан сакэ топиладиган бўлиб қолди?

– Ҳа, яқинда менга Гокаямадан бир шиша мата-табидзакэ олиб келишди.

– Мататабидзакэ? Актинидин солинган сакэданми?¹ Нима, мен сенга мушукмидимки...

– Мен шунчаки ҳар замонда бўлса ҳам ақлли, “тўғри сўз” эргинамнинг кайфи тарақ бўлганини завқ билан томоша қилмоқчи эдим.

Ёхэй зўрга жилмайди.

Кўп ўтмай қиш ҳам кириб келди, бу фаслнинг нақадар қаҳри қаттиқ экани қарияларга энди-энди

¹ Японияда ўсадиган бу ўсимлик бод касалига шифо. Актинидин хосилининг ҳиди ва таъмини мушуклар хуш кўради.

билинаётганди. Шаҳар денгиз бўйида жойлашганди ва ҳаво булутли кунлар уларда тез-тез қор ёғиб турарди. Ёхэй ўзининг нимқоронғи иш хонасида ўтираркан, баджаҳл қор бўронининг гувуллашига диққат билан кулоқ тутди. Ёзмоқчи эди, ёзолмади. Кун ҳам шу тахлит ўтиб кетиши мумкин эди. Беморлар қабули тугаб, уйига қайтган Мияко баъзан эридан хабар оларди-да, сўнг икковлари манқал олдида чўққайиб ўтириб олишарди. Бир ёстиққа бош қўйган куп йиллик эр-хотинлар сингари улар ҳам бир-бирларини бир қарашдаёқ тушунардилар ва шу билан суҳбат мавзуи тугаб, жимжит, яна ўша-ўша бирга ҳайкалдек қотиб ўтираверишарди.

– Менимча, биз қиш элтиб қўядиган ҳаракатсизликка тушиб қолаётгандекмиз... – деди буни сезиб қолгандек, Мияко.

Ёхэй индамай кулиб қўйди.

Янги йил олдидан у қўтлов номасини ёзди:

“Бизнинг фарзандларимиз тарқаб кетишди. Биз қариялар энди Янги йилни икки киши бўлиб кутиб олишимизга тўғри келади. Ҳеч нимага ярамай икки-та чириб қолган дарахт... Фақатгина бизнинг эскириб, эгилиб қолган суякларимизгина баъзан бизнинг ҳали тирик эканимизни эслатиб туради, холос. Лекин, биз қариялар, бор кучимиз, сабр-тоқатимизни тўплаб, қолган умримизни муносиб ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз.”

Ҳамиша севиб қолувчи.”

Ёхэй ўзининг маъюс ва таъсирчан қилиб ёзганларидан уялди-да, почта қутисига етмаёқ, ярим йўлда мактубни бу аҳволда жўнатишга иккиланиб қолди. Қанчалик ғалати туюлмасин, кўнгилчан қўни-қўш-

ниларга икки қариянинг ҳаётида кечаётган бу ўзгаришлар қайғули кўринарди. Уларнинг шаҳрида сир ётмасди. Эрдан ажраган ёш аёлнинг тақдири хангомоталаб қўшниларга ўлгудек қизиқ туюлишига ҳайрон қолмаса ҳам бўларди. Шаҳар кучаларининг гоҳ у ер-гоҳ бу ерида эгнига қизил свитер ва жинси кийиб олган, ўзининг тили билан айтганда “ҳилпираган байроқ” қа ўхшаш Муғинонинг қомати ора-чора кўзга ташланиб қолишига ҳамма кўникиб қолганди. Муғинонинг тўсатдан ғойиб бўлиши эса фиску фасод гапларга мавзу бўлмаганида ҳам бу жуда ғалати туюлган бўларди.

Муғино ва Рюкитининг жўнаб кетиши барчанинг диққатини нафақат ялписига жалб қилди. Кейинги воқеалар силсиласи давом этиб, уларни яширишнинг сира иложи қолмади. Рюкити жўнаб кетиши билан мактабдош дўстларидан унинг номига йигирмадан ортиқ рангли янги йил откриткалари келди. Орадан бир оз вақт ўтиб, қандайдир учинчи синф ўқувчилари қарияга “Рюкити қолдириб кетган буюмлар”: пианкони¹ ва Рюкитининг синфдошлари чизган эсдалик расми солинган бўғчани олиб келишди. Буларнинг бари Миякони изтиробга солганди.

Муғино жўнаб кетгандан сўнг тиш шифокори Мияконинг иш хонасига ёш эркеклар бошқа кирмай қўйдилар, энди қабулхонада фақат кексаларнинггина учратиш мумкин эди. Ёхэй кун бўйи иш столи ёнида хўмрайиб ўтирарди. Вақти-вақти билан хотинидан хавотирланиб қўярди: ёрдамчисиз ишини қандай эплайпти экан?.. Сўнг Ёхэй оқсаб-тўқсаб қор босган сўқмоқдан Мияконинг ёнига шошиларди. Янги келган беморлар эса Миякони “бош мутахассис” деб ўйлаб, уни саволга кўмиб ташлашарди:

¹ П и а н к о – пуфлаб чалинадиган клавишли болалар асбоби.

– Духтир, қаранг, менга тиш қўйишганди, бироқ... – ва ҳоказо.

Ёхэй тезгина жуфтакни ростлаб қоларди. Бироқ яна қайтиб келиб, иш столига утирарди, лекин энди икки, уч қатордан ортиқ ёзолмасди. Кимсасиз уйдаги сукунат уни тобора ўз домига тортиб борар, қария эса оқ оралаб қолган бошини оромкурси суянчиғига қўярди-да, пинакка кетарди.

Мияко рўпарадаги уйда турадиган қўшниси билан баъзан учрашиб қолгудек бўлса, жўнаб кетган қизи тўғрисида унга алланималарни гапириб берарди. Шаҳардаги мишмишлар мана шу тахлит тарқалаверарди. Ёлғиз кексаларга бўлган ҳамдардлик ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар кун сайин кўпайиб, Ёхэй ва хотинини ҳайрон қолдириш билан бирга яна хижолатга ҳам қўяётганди.

Қиш кунларидан бирида шундай воқеа рўй берди. Февралнинг бошларида бирдан кун совиди-да, бир неча кун тинмай қор ёғди. Бундай об-ҳавода кўрпа тагидан чиққинг келмасди. Қариялар эрталабки бу ҳолатни Мияко энди беморлар қабулига кетмаса бўлмайдиган пайтгача иложи борица чўзишга ҳаракат қилишарди. Дераза ёнига бориб, Ёхэй уларнинг уйларида то Мияконинг қабулхонасигача чувалган сўқмоқ худди супурилгандай қордан яхшилаб тозаланганини кўриб ҳайрон бўлди. Ёхэй буни қўшнilarидан бири – ўрта мактаб ўқитувчиси қилганини билди. Хижолат тортган қария қўшнисига миннатдорчилик билдириш учун кирганида, қўшниси бошидаги чанғи шапкасини юлқиб ечиб, оғзидан бурқситиб буғ чиқариб нафас олаётган қўйи қарияни очик чехра билан кутиб олди-да:

– Қанақа миннатдорчилик? Қор курашга ҳам анча-мунча куч керак. Сизга қор кураш оғирлик қи-

лади. Менга эса иш эмас. Аёлим ҳам ҳали ёш. Кўп безовта бўлмай, бу ёғини бизга қўйиб бераверинг, ҳаммаси яхши бўлади... – дея эътироз билдирди.

Ўқитувчи хотини иккови Ёхэй билан Миякога ғамхўрлик қилиб туришга қарор қилишди. Бир кун эрта тонгда Ёхэй газета тарқатгани йўл олди. Новвойхонадан унга пешвоз чиққан новвой ўзида йўқ хурсанд:

– Адзума-сан, дунёда ягона одамсиз-а! – деди уни чақириб.

– Ягоналигимни қаердан била қолдингиз? – Ёхэй қайтарма қалпоғи тагидан ҳайрон қараб деди.

– Нима нотўғрими! Ахир қизингиз Муги-тан уйдан кетиб қолиб, қариган чоғингизда аёлингиз билан ёлғиз қолдингиз... Лекин сиз шундай қорбуронда ҳам ҳеч нимага ва ҳеч кимга парво қилмай, ўзингиз билган ўша йўлдан одатдагидек қадам ташлаб кетяпсиз. Нима, сизнингча, бу таҳсинга лойиқ эмасми?!

– Ҳа, мана сиз нимага шама қияпсиз.

– Фақат бу эмас! Сиз даъват этаётган ижтимоий тузумга ишониб бўлганида эди, уни бугун эмас, эртага ўрнатиш мумкин эди. Лекин, бу қачон содир бўлади, Худо билади. Сиз бўлсангиз етмишни уриб қўйган қариясиз... Йўқ, нима десангиз денг-у, лекин, барибир сиз Адзуми-сан, ҳарқалай, ноёб одамсиз.

– Менинг ҳеч бир ноёблик жойим йўқ. Менга шу иш ёқади ва ёққани учун ҳам шуғулланияпман, бор гап шу.

– Йўқ, асло эътироз билдирманг! Барибир ягонасиз...

Ёхэйга новвойнинг гаплари тагида бошқача маъно бордек туюлди, бироқ нонушта вақти яқинлашгани боис у суҳбатни чўзиб ўтирмади-да, эшик томон йўл олди.

– Нима, Муги-тан ва Рю-кун бу ерларга бошқа қайтишмайдими? – сўради новвой, ютоқиб.

– Ҳар ҳолда, доимий яшаш жойлари Токиода бўлади.

– Балки, ортиқча алжираётгандирман... Лекин сиз ва аёлингизга юз йил умр берилмаган-ку... Хуллас, ўзингизни асранг! Эҳтиёт қилинг...

Мана шундай хайр-хушдан сўнг новвой эндигина печдан узилган француз нонларидан иккитасини қоғозга ўради-да, уни Ёхэйга узатди. Ноннинг тафти совқотган қўлларни ҳам илитди. Бу учрашувдан сўнг новвой печдан олинган янги нонлардан орасира қизи орқали Ёхэйнинг уйига жўнатиб турадиган бўлди.

2

“Азизларим менинг, қандайсизлар?”

Ота-она уйидан учиб чиққач, истайманми буни, йўқми, энди ўзимнинг фақирона ёнчиғимга яраша илож қидириб яшашга мажбурман. Агар қаердир сайра балиғи сотилаётганидан хабар топсам, велосипедда ўша ерга учиб бораман. Агар йўлда арзон баргли карам учраб қолса, совқотиб бўлса-да, алламаҳалгача навбат кутиб туравераман. Ҳамма гап шундаки, бундай югур-югур ташвишлар менга фақат роҳат бағишлайди. Майли, мен камбағалдирман, лекин энг муҳими, ихтиёрим ўзимда, ҳеч кимга тобе эмасман. Онам мени тушунади, деб умид қиламан.”

Мугинодан энди мана шундай мактублар кела бошлаганди. Узоқ кутишлар, меҳнатлар эвазига қизлари ўз бахтини топганидан ота-она хурсанд эдилар, унинг меҳнатсеварлиги, сабр-бардоши уларни

қойил қолдирарди. Ҳозирча Мугинодан кўнгиллари тўқ эди. Эндиги барча диққат-эътибор Рюкитига қаратилганди. Уйдаги нималардир қарияларга набираларини ёдга соларди, бундан меҳрлари баттар жўшиб, болага бўлган соғинч юраklarини ўртаб юборарди. Рюкитининг бирон-бир эски ўйинчоқларидан роботчаними, аскарчаними ёки бумеранг ё қайишли тўппончаними кўриб қолсалар, ўша заҳоти хотираларига муҳрланиб қолган бадиққат, кўзлари катта-катта, лабларини маҳкам қисиб олган дундиққина болакай қалқиб чиқарди.

Баъзан Ёхэй мактаб ёнидан ўтиб қоларди. Уни пайқаб қолган Рюкитининг синфдошлари Ёхэйни ҳар кўрганларида хурсанд сакрашарди-да, унга қўлларини силкитишиб:

– Ана, бизнинг Рюкитининг буvasи келяпти! – деб ҳаммага эшиттириб бақиришарди.

“Ўўқ, барибир, нима қилиб бўлса-да, боланинг биз билан қолишига кўндириш керак эди!” – афсусланиб ўйларди Ёхэй.

Охирги пайтларда Рюкити дарс тайёрлаётганида кўпинча Ёхайдан ёрдам сўрарди, бу ҳамжихатлик эса уларни борган сари яқинлаштирарди. Уй дафтариини кўтариб олган Рюкити бобосининг хонасига кулиб кириб келарди. Ёхэй унчалик банд бўлмаса-да, унинг тинчини бузишга ботинганга норози боққанда ҳам барибир одатдагидек кутиб олишини биларди. Рюкити бунга эътибор ҳам бермай, тинчгина бориб Ёхэйнинг рўпарасидаги стулга ўтириб оларди.

– Буважон, “қўшиқ” белгиси қандай ёзилишини билмаяпман. Ўша чизиклар тартиби қандай бўлади, кўрсатиб беринг.

– Яна қанақа “чизиклар тартиби?!”

– Ҳм... “чизиклар тартиби” – бу ёзиш пайтида
риоя этиш зарур бўлган тартиб. Қайси чизик аввал
келади, қайсиниси кейин...

– Ҳа, шундай демайсанми. Яна ўша ҳеч кимга ке-
раги йўқ саволлар.

– Ҳечам унақа эмас. Ўқитувчимиз, бу она тилини
ўрганишимиз учун зарур дедилар!– оёқ тираб туриб
олди Рюкити.

– Биласанми, Рю, балки мактаб болаларига ие-
роглиф ёзишнинг энг оддий тартибини ўргатиш ке-
ракдир. Лекин мен ҳаддан ошадиган инжиқликлар-
га қаршиман.

– Ҳа, рост, мен она тилидан яхши ўзлаштирувчи-
лар қаторида тураман, лекин ҳуснихат борасида қо-
лоқлардан сал юқорироқдаман.

Ёхэй таслим бўлди.

– Қулоқ сол, Рю, мен бундай тартибга қаршиман.
Қани, сенинг ўша “қўшиғинг” қандай ёзилар экан,
бир эслаб кўрай-чи?... Йўқ, ҳеч калламга келмаяпти...

– Буважон, нима, шуни ҳам билмайсизми?

– Биласанми, болам, мен ҳушимга келганини
ёзиб ўрганганман.

– Ўху! – ҳайратланди Рюкити ва: “Яхши, яхши...
кутубхоначидан сўрай қоламан...” – деди-да, хона-
дан отилиб чиқиб кетди.

“Эҳ, боласи тушмагур-ей!...” – кўнглидан ўтказди
набираси изидан аччиқланиб қараб қолган Ёхэй.

Бундай воқеалар тез-тез содир бўлиб турарди.

Мияко қаердандир Рюкитининг фотосуратини
ахтариб топди-да, телевизор экранининг ёнгинасига
туғнаб қўйди. Расм ўтган йил баҳорда Рюкитининг
учинчи синфга ўтиши арафасида олинганди.

Суратчи Рюкитининг янги велосипед педали-
га оёғини қўйиб, ўзида йўқ хурсанд турган бахтли

лаҳзаларини расмга муҳрлаганди. Рюкитининг юз тузилиши, гавдаси қуйиб қўйгандек онасининг ўзи эди. Пиликдай қошларига, одамни мафтун этувчи катта-катта қора кўзларига, қайрилган узун киприкларига қараб, рўпарангизда ўғил бола турганига ишонмайсиз. Боланинг ҳайратдан ёниб турган кўзлари ҳаммага бирдай самимият билан боқарди. Ҳали Рюкити эмизикли бола пайтида ҳам Ёхэй уни “оққўнгил катта кўзлимиз” деб эркаларди. Рюкитининг нафақат кўзлари, ҳатто мулойимлиги ва юмшоқлиги, нозик ҳаракатлари ҳам қиз болани эслатарди.

Ташқи кўриниши билан одамларни ўзига жалб қилувчи бу болакай, умуман олганда, бошқа болалар сингари ўсиб-улғайди. Тўғри, баъзан у бемаъни ишларга ҳам қўл уриб турарди. Уни “одоб қоидасини бузиб”, гўё аёллар ҳожатхонасига кирганликда айблаб, озмунча шовқин-сурон кўтаришмаганмиди... Ўшанда Рюкити ўз айбини бўйнига олмай, роса йиғлаганди. Синф раҳбари ва Мугино эса аслида нима бўлганини охиригача билишга уринган ҳам эдилар. Маълум бўлишича, бешинчи синф ўқувчиларидан бири аёллар пардозхонасига Рюкитини итариб киргазиб, устидан қулфлаб қўйган экан.

– Қамаб қўйиб: “Ҳали ҳўрозчанг ҳам йўқдир!” – деб мени яна роса калака ҳам қилишди, – деди ҳиқиллаб йиғларкан, Рюкити.

– Унинг мана бу калта сочигаю олди думалок қилиб ўйилган қип-қизил майкасига бир қарасанг, шунга ўхшаш воқеани кутиш мумкинлигини ана ўшанда тушунасан! – деди Ёхэй қизига.

Сўнг у хотини билан ғалати бир мавзу ҳақида гаплашишди.

– Аёллар учун бундай нарсалар одатий ҳол, лекин ҳақиқий япон йигити учун-чи?.. Ўзи эркак кишини

бундай кўзлар билан ҳаётда бирон-бир жиддий ни-
магадир эришишига умид қилса бўлармикан?!

– Нима, бу френологларнинг хулосасими? – сўра-
ди таъна билан Мияко.

– Йўқ, мен ўз шахсий тажрибаларимдан келиб
чиқиб айтяпман, холос. Бунинг устига Рюкитининг
шунақанги нафис чизик тортилгандек оғзи ҳам кич-
кинагина... Бу мени ташвишга соляпти. Эркакнинг
оғзи катта, кўзлари қийиқ, қараш и ўткир бўлиши
керак.

– Бундай ярамас фикрларни қаердан оласан ўзи,
билмадим! Менга Рюдаги ҳамма нарса ёқади! – ач-
чиқланиб деди Мияко ва бир оз тин олгач, яна давом
этди: – Бекорга ташвишланма! Ўзингнинг оғзингга
бир қара, эски ўрадай бўлиб ётибди. Сен билан та-
нишган пайтимиз менга ҳақиқий яматолик¹ бўлиб
кўрингансан.

Ёхэй хотини иккови ораларида бўлиб ўтган пи-
чинг гапларни эслади-да, аччиқ алам ила кулимси-
раб қўйди. Шун и ҳам айтиш керакки, Рюнинг боши
одатдагидан анча-мунча катта бўлгани боис Ёхэй-
нинг бор умиди шу набирасидан эди. Охирги йил-
лар Рюкитининг бўйи хийла ўсган бўлса-да, бу ун-
чалик кўзга ташланмасди. Ёши тўртларга кирганида
боши ўзига оғирлик қилиб, тез-тез йиқилиб ҳам ту-
шарди. Йиқилгандан кейин ҳам у туришга ҳаракат
қилмасди, ётган жойида ўйнаб ётаверарди, афтидан,
унга шу қулай бўлган бўлса керак. Бундан хавотир-
га тушган Мугино ўглини тезда шифокорга олиб
борди. Шифокор ҳеч бир касаллик топмади ва буни
бош суякнинг жадал шаклланиш ҳолати дея таъхис
қўйиб қўя қолди. Ёхэйнинг чанги шапкаси ростдан
ҳам Рюкитига лоп-лойиқ келарди.

¹ Я м а т о – Япониянинг қадимги номи.

Боши катта одамларнинг афзаллик томонлари кўпроқ эканига у, ўзи айтганидек, “ўз тажрибасидан” келиб чиқибгина ишонч ҳосил қилганди. Идиш қанча катта бўлса, унга шунча кўп нарса кетади. Рюкити ростдан ҳам биринчи синфдан бошлабоқ жисмоний тарбия дарсидан ташқари бошқа барча фанларни яхши ўзлаштириб келарди. Келажакда унинг ким бўлишини фақат кутишгина қолганди, холос. “Менинг каллам эса туғилганимдан бери худди бақлажондек чўзиқлигича қолган. Шундай бўлса-да, мендан ҳеч нима чиқмади”, – файласуфона фикр юритди Ёхэй.

Бошланғич мактабда ўз қобилияти билан бошқалардан ажралиб турувчи кўшни қишлоқда яшайдиган Кикумацу деган бола у билан бирга ўқирди. Унинг боши гавдасига қараганда анча катта бўлганидан болалар уни масхаралаб Қовоқ деб чақиришарди. Ўрта мактабда уларнинг Каритани деган синфбоши эса хумкалла болани тасвирловчи омад келтирувчи Фукусукэ кўғирчоғига ўхшарди. Япония тарихида даврнинг премьер-министри Мэйдзи – Таро Кацура ҳам бошининг катталиги билан машҳур бўлганди... Гёте, Гегелдек машҳур сиймоларнинг номлари ҳам бирма-бир Ёхэйнинг ёдига туша бошлади... Буларнинг бари қарияда умид уйғотарди.

Ёхэй Токиога кўнғироқ қилиш учун баҳона изларди. У қизи билан гаплашиб бўлгач, ундан набирасини чақириб беришини сўради.

– Бу мен, Рюман! – оҳиста, тортинмай жавоб берди Рюкити.

– Нима қияпсан?

– Телевизор кўряпман.

– Ўртоқларинг борми?

– Бор!

Суҳбат ҳар доимгидек набирасининг:

– Бошқа гапим йўқ, гўшакни онамга бераман, – деган гапи билан тугади.

Баҳорги тенг кунлик ҳафталари ҳам яқинлашиб қолганди. Жануб шамоли ёпирилиб келди-да, чўзилиб кетган қишни бир лаҳзада қувиб солди. Уй олдидаги қор уюмлари эриб, қуёш тафтидан баҳраманд ердан оч бинафшаранг туман атрофга ёйила бошлади.

Ўша куни эрталабдан чиқиндиларни олиб кетиш учун шаҳардан махсус машина утиши керак эди. Ҳовлидаги ахлатларни машина келгунча йиғиб-те-риб, ҳамма ёқни саранжом-саришта қилиб қўйиш Ёхэйнинг зиммасида эди. Қор эриб кетганидан сунг сарой ёнидаги уйнинг орқасидан бирталай ахлату ва яна кераксиз алланималар топиларди.

Ёхэй яна жон-жон деб манқал ёнида исингиси келарди-ю, бироқ, шу тобда резина этигини кийиб, уйдан чиқиш керак эди. Эрталабки қуёшнинг майин нуридан кўзлари қисилди-да, орқа ҳовлининг эшигига тушди. “Жонланиш вақти келди” дея қадимдан баҳорга берилган жонли таъриф қанчалик тўғри эканини у энди бутун вужуди билан ҳис этганди.

Сарой ёнида бирталай эски-туски, лаш-лушлар хирмон бўлиб кетганини Ёхэй биларди. У ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди: айвондан қолган тахтадан тортиб, тарнов, бўш шишалар, ҳар хил катталиқдаги банкалар, ва ниҳоят, намдан бўккан картону Рюкитининг ўйинчоқлари солинган қутилар бор эди. Бари шу даражада ифлосланиб, тураверганидан босилиб кетган қор бўлаклари билан қоришиб кетгандики, ҳатто Ёхэйнинг ўзи ҳам буларнинг қай бирини ёқиб ташлаш кераклигини ажратолмай қолганди.

Ёхэйнинг кўзи қутилмаганда қачонлардир ташлаб юборилган сарой ёнидаги беўхшов полиэтилен ван-

насига тушди-ю, кайфияти бузилди. Полиэтилендан ишланган буюмларни унинг жини суймасди. У материалнинг ўзига тоқат қилолмасди. Бундай ўйлаб кўринг, металлни не кўйга солманг, у ҳамиша бирдай ўз жилвасини йўқотмай тураверади, шундай экан, уни полиэтилен билан ёнма-ён қўйиб бўлармиди. Бир вақтлар бу болалар ваннасида жажжи Рюкитини чўмилтиришарди, сўнг у бир неча вақт ахлат қутиси сифатида ўз хизматиини ўтади. Ортиқча буюмга айланишдан аранг қутулган бу “нафис” тоғора кўринишдан бундан магрурдек ўзининг зангори тубига мустаҳкам ўрнашиб олганди.

Ёхэй ачинганидан тилини танглайига босиб чакилатди-да, бир тўда лаш-лушлар ёнига борди. Йўқ, бу қақир-қукурлардан бугуноқ қутулмаса бўлмайди. Аслини олганда, бу шўринг қурғур ванна сарой тоmidан оқиб тушаётган эриган қор ва ёмғир сувлари қирғоғигача тўлиб-тошиб ётадиган тоғора ўрнида ишлатиларди, холос. Унинг усти тунги совуқдан худди целлофан ёпилгандек юпқа муз билан қопланиб қоларди.

Демак, энг аввал сувни тўкиб ташлаш керак. Ёхэй иш қўлқопини кийди-да, тоғора четидан ушлаб уни ағдармоқчи бўлганди, кучи етмади: суви тўла тоғора унга оғирлик қилди. Аччиғи чиққан Ёхэй бор кучи билан ваннани ёнбошлатди-да, бирдан серрайганча туриб қолди – ванна ичида тирноқдан сал каттароқ қандайдир ялтироқ қора бир нарса жилдираб ерга оқаётган лойқа сувда қимирлаб турарди. Ёхэй тоғорани бир оз ушлаб турганди, ҳалиги нарса ғойиб бўлди-қолди. Оғдирганда ерга тушмай қолган ифлос бўлса керак деб ўйлаб, Ёхэй ишини давом эттираверди. Бу сафар ялтироқ нарса сув юзига яқинроқ кела бошлади. Энди унинг ўзи ҳеч иккиланмай,

мустақил юқорига қараб силжиб борарди. Ёхэй кўзларига ишонмасди. Мана, ўша номаълум қора нарса юқорига сузиб чиқди. Энди унинг ташқи кўринишини Ёхэй бемалол кўrsa бўлади.

– Вой-й! Бу ахир ўзимизнинг Қора олтинимиз-ку! – тонг қолиб хитоб қилди қария.

У тоғорани шошиб ерга қўйди-да, ушоққина жониворга еб қўйгудек тикилди. Кўнглидан беихтиёр, қанийди, Рюкитини учратиб қолсайдим, деган ўй кечди.

Қора олтин ўтган йилнинг баҳорида Рюкити тиш дўхтири хонасидан унча узоқ бўлмаган оқова ариқдан тутиб олган ўша тилла балиқча эди. Болалар ўша заҳоти унга Курокин – яъни қора олтин деб ном қўйишганди. Рюкитининг бошмалдоғи тирноғидек келадиган увоққина, худди қора бўёқ билан чап-лангандек қоп-қора балиқчага қўйилган бу лақаб доимий бўлиб қолганди. Бошининг ўнг ва чап томонида ғуддага ўхшаш кўзлар дўмпайиб турарди. “Сув кўзлар” дея олтин балиқчага ҳар хил номлар берилиши балки шундан келиб чиққандир. Кичкинтойнинг думидаги сузғичи очилган елпиғичдек диккайиб турарди. Балиқнинг боши билан думидан бошқа худди қўлга илинадиган ҳеч нарсаси йўқдек гўё. Думини ликонглатиб, номутаносиб қаппайиб турган бошини қийналиб буришию, сувнинг ичида худди ишбилармонлардек у ёқдан-бу ёққа зир югуришини кузатиб меҳринг товланиб кетарди. Рюкити уни сувдан оппа-осон тутиб оларди.

Беш кун давомида Рюкити Қора олтиндан сира ажралмади. У балиқчани оғзи кенгроқ катта шиша идишга солди-да, бу қўлбола аквариумни ўзининг ёзув столига қўйиб қўйди. Овқатланиш вақтида аквариум столга олиб келинарди. Кейин у бумеранг

ва тўппончага қизиқиб қолиб, балиқчани бутунлай унутди. Ҳар ҳолда Ёхэй кундалик югур-югур ташвишлар билан овора бўлиб, шу бугуннинг тонгигача уни эсига ҳам келтирмаганди. Набираси бир пайтлар ўзи севиб ўйнаган ўйинчоқларини безътибор ташлаб қўйгани учун қария катталарга қўндоқда теккан инжиқлик билан уни роса қойий кетди.

“Қишни бундай ерда ўтказишнинг ўзи бир мўъжиза!” – Ёхэй уйга отилди.

– Гапимга қулоқ сол, Мияко! Қора олтин ахир тирик экан-ку, – деди у хотинига хурсанд бўлиб, ошхона эшигини очаркан.

Мияко ўчоқ ёнида уймалашиб, нонушта тайёрлашни тугатай деб қолганди.

– А-а, сиз уни полиэтилен халтачадан топиб олдингиз, шекилли? – деди хотини эрига ўтирилиб. Лекин хотинининг овозида нимагадир ҳеч бир ҳайрат сезилмади. – Бу Рюнинг иши.

– Буни билармидинг?!

– Жуда соз, омон қолибди, бўпти-да.

Демак, биргина Ёхэйнинг ўзи балиқчани унутган-да, баридан беҳабар қолган.

Мияко эрининг кетидан орқа ҳовлига шошилди.

Улар тоғора ёнига боришди-да, ёнига ўтиришди ва Ёхэй:

– Хаёлот дунёсида яшовчи бу ёзувчилар, ким билади, балки беихтиёр бағритошга айланиб қоларлар?.. – деди бирдан хафа бўлиб.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Қора олтинни топиб олганимда ҳаяжонга тушгандим, сенинг гапларинг ҳам менга таъсир қилди.

– Демак, мендан ранжибсиз-да?

– Йўқ, ранжимадим. Ҳамма бало ўзимда.

Мияко бу гал тилини тиёлмади.

– Бунинг ёзувчиларга алоқаси йўқ. Сиз доим раҳмсизлигингиз билан ажралиб тургансиз. Мен шамоллаб, тобим қочиб қолганда ўзингизни қандай тутганингизни бир эслаб кўринг. Ўшандай вақтда мени эркалатиб, бағрингизга босишингизни истаяддим. Бунинг ўрнига сиз: “Кўчага пальтосиз чиқмаслик керак, яхши қизимаган ҳаммомда ювиниб бўлмайди...” деб насиҳатдан нарига ўтмасдингиз.

– Бўлди, етар. Минг марта айтгансан... гапиравериб безор қилдинг.

– Аҳиллигимизга кўз тегди. Ҳамонки иккимиз қолган эканмиз, энди тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашимиз керак.

Мияко қўлини тоғорага тикди-да, тагидаги сувдан эҳтиётлик билан ҳовучлаб олди. Унинг кафтида енгилгина чайқалаётган балиқча пайдо бўлди. Мияко қўлини деярли сувнинг бетига олиб чиққан ҳам эдики, балиқча чаққонлик билан бармоқлари орасидан сирғалиб чиқиб кетди.

– Бунчаям ажойиб бўлмаса! – завқ билан хитоб қилди Мияко. – Шундай жажжики, қўлингга олганингни ҳам айтарли сезмайсан. Бўлмаса унинг ҳам жони бор.

– Мўъжиза! Бундай мўъжизалар бу оламда тўлиб ётибди! Одамлар эътиборидан четда, қаровсиз бир аҳволга ташлаб қўйилган бўлса-да, қаҳратон қишда ҳам музнинг остида жимгина, беозор умр кечираверишади...

– Ҳа-а... Рю Қора олтинни тосга солиб қўйгандан сўнг мен уни бир неча маротаба кўришга келдим, лекин, нимадир бўлиб, ундан хабар олиш бутунлай ёдимдан кўтарилибди. Демак, унда мен ҳам бағри-тош эканман-да... – дея қошини чимирди Мияко.

Қора олтин бир шўнғиб кетганча, сув тубида қоп-қора гувалача бўлиб қўзғалмай ётаверди.

– Келинг, тезроқ сувини алмаштира қолайлик, – таклиф қилди Мияко.

Бироқ Ёхэй унинг сўзини бўлди-да:

– Йўқ, бўлмайди. Уни сенинг иш хонангнинг ёнидаги ҳовузчага қўйиб юборамиз, – деди.

– Ҳовузга? У ерга асло қўйиб юбориб бўлмайди!

– Нима учун? У модомики омон қолган экан, майли, қўявер, ҳовузда катта бўлаверсин. У ерда кислород ҳам сероб.

– Бу мумкин эмас! Биласиз-ку, у ерни зоғорабалиқ эгаллаб олган. У бир лаҳзада балиқчамизни ютади-қўяди. Акс ҳолда Рю уни полиэтилен халтачада сақламаган бўларди.

– Шошма, нима қилишни топдим. Мен Қора олтиннинг барибир ҳовузда катта бўлишини истайман.

– Буни қандай уддалашни биласизми?

– Ҳа, биладан.

– Унда сизга ишондим. Қаранг, яна миттичамизни нобуд қилиб қўйманг.

– Бўлмағур гапни қўй!

Хотини кетгандан сўнг Ёхэй Қора олтинни кузатишда давом этди. Ишбилармондек сувда у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турган балиқчанинг кўнгилни ийдирувчи кўриниши беихтиёр Ёхэйнинг хотирасида набирасининг қиёфасини жонлантириб юборди. У тирик жон деб қабул қила бошлаган бу ушоққина жониворнинг кўкиштоб-қора ранги Ёхэйнинг хаёлида сирли хавотир уйғота бошлаганди. Балиқчага кўрсатаётган меҳри набирасига албатта қувонч келтиришига қария ишонарди.

Миякони́нг тиш даволаш хонаси уларнинг уйларидан юз метрча нарида жойлашган бўлиб, ҳудуди жиҳатидан бошқа даҳага қарашли эди. Мияко у ерда эрталаб соат тўққиздан кечки соат олтигача беморларни қабул қиларди. Уйлари атрофидаги боғда орасидан шўппайиб бир нечта қарагаю қайинлар юксалиб турган супурги ўтлар ўсиб ётарди. Қабулхона олдидаги бўш ётган ерга уч йил бурун боғ дарахтларидан экишиб, манзарали тошлардан ҳар тарафга сочиб-сочиб ташланганди. Боғбон бўш ётган ерларнинг деярли ярмини ҳовуз учун ажратиб олганди-да, унга гўё чўткада бир зумда шатир-шутир чизиб ташланган, “юрак”ни эслатувчи иероглифда ғалати қилиб букилган тухумсимон шакл берганди. Сўнг ҳовузни сувга тўлдириб, унга оқ, қизил, тилланг зоғорабалиқларни қўйиб юборишганди. Уларнинг орасида эса энди Миякони хавотирга солаётган катта қора зоғорабалиқ ҳам бор эди.

Ёхэй деярли куннинг ярмини универмагда ўтказди. “Ҳаммаси қуш ишқибозлари учун” бўлимида бирталай катта-кичик қафаслар териб ташланганди. Бироқ Ёхэй ўзига керакли ўлчамдаги қафасни тополмаётганди.

– Бундай катта қафасни қандай қушга сотиб олмақчисиз? – ҳайрон бўлиб сўради сотувчи.

– Менга, гапнинг очиғи... қуш қафаси керак эмас.

Сотувчи ғалати харидордан ажабланиб нарига кетди.

Таваккал деди-да, Ёхэй одатда унда қизғиш-кўкимтир ара тўтиқушини ёки парқулоқ чуғурчуқни сақлайдиган учта катта қафас сотиб олишга қарор қилди. Унинг нияти ғалати ва шу билан бирга

оддий бўлиб, ҳар бир қафаснинг бир томонини олиб ташлаб, сўнг учта қафасни бирлаштириш эди.

– Мен ҳовуз атрофида ўзига хос боғ барпо қилмоқчиман, – деб тушунтирди қафасларни кўтариб келган Ёхэй хотинига.

– Ўшанда балиқчамиздан хавотир олмасак ҳам бўлади... – дея бош ирғади Мияко табассумини яшириб, – унга эрининг ниятлари телбанамо туюларди.

– Мен Қораолтиннинг янги бошпанаси нафақат ишончли, балки кенг ҳам бўлишини истайман. Ўшанда мечкай зоғорабалиқ унга кўз олайтиришдан нарига ўтолмайди.

Ёхэй на тажрибаси, на маҳорати бўлмаган бу ишга ғайрат билан киришиб кетди. У сим ва омбурни олди-да, тўппа-тўғри боғнинг ўтган йилги майсалари устига бориб жойлашди ва деярли роппа-роса икки кун қафас билан овора бўлди. Аввал новдаларни бир-биридан ажратиб, сўнг уларни сим билан бирлаштиришга тўғри келди. Бу жуда сердиққат машғулот эди. Қора олтин ўзининг майин танғачаларига зиён етказмаслиги учун симнинг ичкаридаги ўткир учларини яшириб, уни янада пухтароқ қилиб боғлаб ташлаш зарур эди. Ёхэй ишга муккасидан кетганди: у ҳатто телефонга ҳам жавоб бермади ва ҳеч кимни қабул ҳам қилмади.

Каталакни ҳовузга тантанали тушириш маросимида Мияко ҳам иштирок этди. Кумуш панжарали кенг қафаснинг деворларидан бири ҳовузнинг бир бурчагига ўрнатилди. Қора олтинни халтачадаги сувдан тутиб олган Ёхэй, тор эшик орқали балиқча билан қўлини аста охурга суқди. Ёхэйнинг кенг кафтида ётган Қора олтин аввал норози бўлиб, бошини ва сузгичларини ўйната бошлади. Сўнг афтидан кўникди, шекилли, қўлдан сирғалиб тушди-да, силкиниб, ўзининг янги улкан оламига сузиб кетди.

– Қизик, бизнинг зоғорабалиқлар бу бегонани қандай кутиб олишаркин, – деди ташвишланиб Мияко.

– Хавотир олмасак ҳам бўлади, ҳозирча тинчликка ўхшайди.

Ёхэй каталакни сувга тушириши замонқ зоғорабалиқлар – улар йигирма бештача эди – безовталаниб, каталак атрофида гир-гир айлана бошладилар. Энди улар ялтироқ тангачаларини кўз-кўз қилиб вазмин жилдираган оқар сувда тантана билан турнақатор ўтиб борардилар. Қора олтиннинг ўзи катакнинг ўртасигача сузиб борди-да, гангиб қолганиданми ё ҳузур қилибми, бир жойда туриб қолди. Мабодо балиқ сувда тўсатдан таққа тўхтаб қолса, демак, у ҳузур қияпти, деб ўйлаш одатга айланиб қолган.

Мияконинг беморларни қабул қилиш вақти тугагунча, фахр туйғусига лиммо-лим Ёхэй ҳовуз бўйида қолди. Ёхэй, шу тобда бажарган “савоб иш”лари эвазига нафақат аллақачонлар унут бўлиб кетган, балки умуман ҳаётида жуда кам дуч келган қониқиш ҳиссини туяётганди. Уйга кетишда йўл-йўлакай:

– Бугун кечқурун Рюга кўнғироқ қилиш керак, – дея маълум қилди Ёхэй хотинига.

Эртаси кун эрталаб Ёхэй одатдагидан хийла барвақт уйгонди. Қораолтин унинг ҳаёлини тарк этмаётганди. Ёхэй енгил пальтосини эгнига илди-да, боғ томон ошиқди.

Зоғорабалиқларга эрталаб хўрак ташлаш Ёхэйнинг зиммасида эди. Бироқ ўша кун Ёхэй улар тўғрисида ўйламаётганди. Қораолтин ҳашаматли янги маконида илк тунини қандай ўтказганини билиш Ёхэйга тинчлик бермасди. Қария балиқчани мамнун ва бахтиёр кўришни истарди. Ахир, балиқча тор халтадаги сувдан кислородга тўйинган ва ор-

ганизмлар дунёсига бой бўлган кенг ҳовузга келиб тушганди-да.

Ёхэйнинг қадам товушини эшитган зоғорабалиқлар шовқин-сурон кўтариб, шитоб билан ҳовузнинг лабига ёпирилишди. Ёхэй даставвал катак ўрнатилган ерга йўл олди. Эрталаб ҳаво очиқ эди. Ёхэй сув ёнидаги тошга утирди-да, қора духоба қийқими-га ўхшаш шарпани излаб топмоқчи бўлиб сув бетига шаффоф сокинликка диққат билан разм солди.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа юз берди. Қора олтин бир кечада катакдан ғойиб бўлганди. Бу яна қандай бемаънилик! Ёхэй шоша-пиша шолвори почасини шимарди-да, сувга қадам қўйди. У катакка қанча разм солмасин, у бўм-бўш эди. Фақат ҳовуздаги нозик панжаранинг ялтирашигина кўзни жимирлатарди, холос. Ваҳоланки, охурнинг эшикчаси зич ёпилган, катакка эса ҳеч бир зиён етмаганди. Демак, Қора олтин беш миллиметрли – зиғирдек – панжаранинг ёриғи орасидан лип этиб чиқиб кетибди-да. Шундай бўлиши мумкинми?

Йиғламоқдан бери бўлган Ёхэй, ғаров ходани олиб келди-да, ҳовузнинг барча чекка, пана-пастқам жойларини титкилаб кўриб чиқди. Агар балиқча қафасдан сирғалиб чиқиб кетган бўлса, у тошнинг тагига биқиниб олган ёки йўсинлар орасига яширинган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда Ёхэй шунга умид қиларди. Бироқ у қанча жон куйдириб изламасин, ҳовуз увовқина қора жониворни унга қайтариб бермади.

Энди, каллага содир бўлган воқеага иккита сабаб бўлиши мумкин деган хаёл келарди. Илк гумон бўшда Мияко хавотирланган зоғорабалиқдан эди. Наҳотки, у бизнинг Қора олтинимизни барибир ютиб юборган бўлса? Худди жирканч бир нимага

тегиб кетгандек, бундай тахминдан ҳатто Ёхэйнинг кўнгли ҳам беҳузур бўла бошлаганди.

Яна бир тахмин қолганди. Ҳовузни тозалаш ва ундаги сувни аввал ариққа, сўнг яқин орадаги анҳорга чиқариб юбориш учун унга махсус қувур олиб келиб ўрнатилди. Агар Қора олтин қувурнинг туйнугигача етиб ололса, унда, бир пайтлар Рюкити уни тутиб олган ўша ариққа қайта олиши мумкин. Ёхэй кейингисига ишонишни афзал кўрди. У яна ўша ғаров хода билан қуролланди-да, балиқчани излай кетди. Бироқ Қора олтинни топишга умид қолмаганди. Ариқ тубига қалин лой чўкканди, ундаги лойқа сув ҳам деярли қоп-қора бўлиб, унинг юзасининг баъзи-баъзи ерларида ёмғир чувалчанглари худди қизил тасма мисол иланг-биланг бўлиб сузиб юрарди.

Балки бу ифлос оқим Қора олтинни аллақачон шаҳардан ташқарига олиб чиқиб ташлагандир ва у ҳозир катта сув йўлида бамайлихотир сузиб юргандир? Ёхэйнинг калласига келган бу антиқа фикр унга нажот бағишларди.

Шунга қарамай, оғзи яна очкўзлик билан ланг очилган зоғорабалиқлар унинг хаёлини ўгирлади.

Ўзини босиб олган Ёхэй боққа қайтди. У, ачиб маромига етган соя дуккакларидан тайёрланиб қури-тилган бўтқани эслатувчи омухта ем солинган қоғоз-халтани очди-да, уни сиқимлаб олиб сувга ташлай бошлади. Ана бошланди томоша! Бир-бирини итарган, туртиб-сурган оч зоғорабалиқлар сувга улоқтирилган увоқларга ўзларини ота бошладилар. Ёхэй чўчиб тушди: оч қизил оғзи худди ғордек очилиб турган бу баднафс балиқлар бунчаям жирканч бўлмаса.

Қизил, малла ва оқ зоғорабалиқлар одатда гала-гала бўлиб тупланишарди-да, бекиниб ҳам ўтир-

май ҳовузнинг бетига қалқиб чиқиб, бамайлихотир тийғаниб боришарди. Уларнинг орасида Мияко Ҳукмдор деб ном қўйган фақат катта зогорабалиқгина кўринмасди, холос. Ўзини айнан шундай идора қилиш балки қора зогорабалиқларга хос бўлган одатдир? Ҳукмдор ҳовуз тубида бемалол чўзилиб олиб, воқеани эринибгина кузатарди. У йўлига тўғаноқ бўлган балиқларни сурбетларча туртиб-суртиб, ҳўрак илинжида вақти-вақти билан сув юзига кўтариларди-да, яна қайтиб шўнғиб кетарди. Ёхэй шу кунгача ўз балиқларини яхши кўриб, ҳатто қандайдир меҳри товланиб кузатарди. Жорий қилинган тартибга амал қилиб, даҳшатли шубҳа остида қолган Ҳукмдор бу сафар ҳам сувнинг юзида охиргилардан бири бўлиб пайдо бўлди. У чақалоқникидек нафис-пушти пўстлоқ билан қопланган оғзини ланг очди-да, ёнма-ён сузиб юрган емакни ютиб юборди. Ёхэйнинг нафаси ичига тушиб кетди. “Бунақа жигилдонга илон ҳам индамай сиғиб кетаверади-ку. – Қариянинг Ҳукмдорга бўлган меҳридан асар ҳам қолмади. Одатдаги емагини иштаҳа билан жигилдонига уриб олган бу нобакор ўзини жўрттага содда-муғомбир қилиб кўрсатарди. Мўлтонининг ўзи-я!..” Орадан бирмунча фурсат ўтди. Ҳукмдор ўзининг бақувват гавдаси билан тез чап берди-да, сув қаърига шўнғиб кетди. Ёхэй ваҳимали хаёлдан фориғ бўлишга нечоғлик уринмасин, ғойиб бўлган Қора олтин барибир унга қора зогорабалиқнинг ғўлабур қурсоғида сапчиб-сапчиб тушаётгандек туюлаверарди.

Ҳозир зогорабалиқлар чиндан ҳам ҳовузларда урчитилияпти, лекин бир вақтлар бу балиқлар йиртқич жонивор ҳисобланарди. “Йўқ, энди мени лақиллатолмайсан!” – Ёхэй уйга дили хуфтон бўлиб қайтди.

Мияко бунинг барида астойдил ҳукмдорни айбларди. Аёл зоғорабалиқларнинг мечкайлигини билгани учун ҳам агар Қора олтин унинг оғзи атрофида ўралашадиган бўлса, зоғорабалиқ ўз савқи табиийсига бўйсуниб, бундай хушхўр бўлақдан шунчаки воз кеча олмаслигини тасаввур қилиш қийин эмасди.

– Ҳовуздан халос бўлиб, жонини сақлаб қолишни Қора олтин барибир уддалаган бўлиши керак! – Ёхэй ўзини юпатиш илинжида буни бот-бот такрорларди. Ҳар ҳолда Мияконинг нохуш фарази ҳақиқатга яқин бўлса ажабмас.

Кейинги уч-тўрт кун ичида Ёхэй ҳаяжондан ўзини қўярга жой тополмай қолганди. Ҳаёт унга шундай сермазмун туюлаётгандики, ҳатто у қизи ва набираси жунаб кетгандан сўнг кўнглини вайрон қилаётган ёлғизликдан халос бўлгандек эди. У энди суна бошлаётганди. Руҳи ҳам синиб борарди. Ҳамма бало, Рюкитининг қисмати билан Қора олтиннинг кўргиликлари ўртасида қандайдир боғлиқлик бор, дея қариянинг тахмин қилаётганида эди.

Охири чидолмаган қария:

– Мен бориб Рюкитини кўриб келаман,– деди кечки овқат пайти гап бошлаб хотинига.

– Ахир баҳорги таътилда унинг ўзи келади-ку.

– Келади... Эшикка тикилавериб кўзларим тўрт бўлди.

– Ўзи жуда Токиога боргингиз келяпти, шекилли.

– Рюкитини шундай соғиндимки... Асти қўявер.

– Мен ҳам сиз билан... Ҳа, ахир менинг беморларим бор-ку.

– Ҳозир ўзинг уни таътилга келади деб айтдинг-ку. Энди бир оз сабр қил. Улар қандай яшашяпти экан, буни қачон кўраркинман деб сира сабрим чидамаяпти.

Ва ниҳоят Мияконинг розилиги ҳам олинди.

Ўқув йили охирлаб қолганди, Токиога жунай-
диган поезд ҳам одамга тула эди. Ёхэй сафарга ту-
сатдан отлангани учун ҳам чиптани фақат умумий
вагонга ололганди, холос. Бироқ Кнадзава ва Такаок-
дан сўнг ўтирадиган жойларнинг бари банд эди

Ёхэйнинг вагон-ресторандан паноҳ топишдан
ўзга чораси қолмаганди. Кутилмаганда яқин атроф-
даги столда ўтирган йўловчилардан бири унга қули-
ни силкиди. Ёхэй ҳайрон бўлиб тўхтади-да: “Наҳот-
ки бу ўзимизнинг новвой бўлса?” деб ўйлади.

Қомати салобатли дўкондор башанг либос кий-
гани боис ҳам Ёхэй уни дарров танимади. Пиво ши-
шаларига тулиб кетган столда яна икки киши ўти-
рарди.

– Марҳамат, бош устига, Адзума-сан! – Ёхэйни
таклиф этди новвой ва ҳамроҳига таништирди. – Уч-
рашган жойимизни қаранг-а! Сиз ҳам Токиогами?

– Ҳа, қизимнинг олдига.

– Демак, Муги-таннинг олдига кетаётган экан-
сиз-да. Жуда соз. Хурсандман...

– Ўзингиздан сўрасак?

– Бизми? Биз деҳқончилик ва ўрмон хўжалиги ва-
зирлигига.

– Вазирликка дейсизми? Нима масалада?

– Сиздан ибрат олиб, фойдали иш билан шуғул-
ланишга аҳд қилдик. Арзнома, йўқ, тўғрироғи, та-
лабномамиз бор.

– Гап бу ёқда денг. Бу жуда-жуда...

– Сиз нима деб ўйлайсиз, Адзума-сан, япон нов-
войлари ҳозир нимадан кўпроқ ташвишдалар?
‘Бизга ун зарур! Давлат бўлса ҳозир бизни ун би-
лан фақат тўқсон фоиз миқдоридоғина таъминлай

олиши мумкин. Биз танг аҳволдамиз. Шу важдан Бутун Япония новвойлари ассоциацияси деҳқончилик ва урмон хўжалиги вазирлигига мурожаат этишга қарор қилди. Бу масала, сўзсиз, ортиқча шоли масаласи билан боғлиқ. Бироқ биз деҳқонлар билан сан-манга бормоқчи эмасмиз. Хуллас, масала жиддий, ҳукумат буни аниқлаб, тагига етиши шарт. Новвой ҳаяжонини яширолмай баланд овозда гапирарди.

– Ҳа-а, бу осон масала эмас.

– Адзума-сан, бизни сизнинг ҳамдардлигингиз эмас, фикрингиз қизиқтиради.

– Бирон-бир фикрга келиш учун... – деб Ёхэй гап бошлаганди, новвой ўша заҳоти унинг сўзини бўлди-да:

– Яқинда журналлардан бирида сизнинг буюк назариётчингиз ҳақидаги мақолага кўзим тушиб қолди.

– Бунинг нима алоқаси бор, тушунмадим?

– Демак, маълум бўлишича, ўша назариётчи ўзи жонбозлик кўрсатган ижтимоий тузумни кўролмай дунёдан ўтган экан-да.

– Шундай экан, нима ҳам қилардик.

– Бу дегани, демак, уни алам ва умидсизлик изтироби адои тамом қилибди-да.

– У умрининг сўнгги кунларида ҳам бор куч-ғайратини илмий-назарий фаолиятга бағишлаганди.

– А, ҳали гап бу ёқда денг. Ундай бўлса, мен яна ўша сиз билан суҳбатлашган масалага қайтишни истардим. Адзума-сан, сиз қачондир яхши кунлар бўлади ва биз ёруғ кунларга албатта етамиз деганингиз эсимда. Ўша кунлар қачон келади? Қачон? Бизнинг жўн ҳисоб-китобларимиз бўйича бунинг ҳеч таги кўринмаяпти. Ҳозирча умид қилишдан ўзга чора йўққа ўхшайди.

– Ҳа, умидни узмаслик керак, аммо шуни ҳам эсдан чиқармангки, биз фақат мавҳум фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтаётганимиз йўқ буни. Бари далиллар билан тасдиқланган.

– Тасдиқланган, дейсизми. Афсус, бундай мураккаб масалаларга бизнинг тишимиз ўтмайди. Сизнинг орзуларингиз эса ҳозирча ушалаётгани йўқ.

– Ушалади! Сиздек фикрлайдиганлар қанча кўп бўлса, мақсадимиз шунчалик тез рўёбга чиқади.

– Наҳотки биздек новвойлару гуруч сотувчилардан бирон наф бўлса?

– Ўйлашимча, наф бўлади!

– Ва ниҳоят баъзи бир равшанликлар киритдингиз. Ҳамма кулиб юборди.

Наоэцдан йўл тикка ўнгга, Марказий Японияга бурилди. Мартнинг учинчи ўн кунлиги бошланган бўлса-да, ҳали у ер-бу ерларни қалин қор босиб ётганди, поезддан Мёкокогэн станциясига бир гала чанғичилар келиб тушишди.

Мана, Синано ҳам ортда қолди. Поезд Усун туннелига бир шўнғиб чиққанидан сўнг деразадан Канто водийсининг ям-яшил даласи ҳам кўрина бошлады. “Ҳа, бизнинг Тоямага нисбатан баҳор бу ерларда анча эрта бошланар экан.”

Мёкокогэн станциясидан сўнг ва ниҳоят Ёхэйга ҳам бўшаган ердан жой тегди. У ҳузур билан ўзини ўриндиқ суянчиғига ташлади-да, набирасини эслай кетди:

“...Уэно вокзалига поезд кеч соат бешда етиб бориши керак. Мен яна икки марта поезддан поездга ўтиришим керак, ўшанда Китидзёдзига соат еттиларга етиб бораман...”

Ёхэй Уэно вокзалида новвой ва унинг дўстлари билан хайрлашди – улфатлар саунага шошишарди.

Ёхэй шаҳар электрпоездининг жадвалидан беҳабарлиги сабаб Муғино билан телефонда гаплашганда келишини фақат тахминий вақтини ва уйга ўзи етиб боришини айтиб қизини огоҳлантирди. Бироқ ҳозир Китидзёдзига яқинлашиб қолганида қария қизи ва набираси уни кутиб олишларини жуда хоҳлаётганди.

Тезлиги секинлашиб бораётган электричка платформа бўйлаб жила бошлади ва ўзидаги ноёб ўхшашлик билан ҳамон уни ҳайратга солиб келаётган чехраларга Ёхэининг дарров кўзи тушди.

“Ҳартугул келишди!” Қора олтин ғойиб бўлиши билан кечагина Ёхэйга азоб бераётган хавотируғашликлар ўша заҳоти ёқимсиз тушдек ғойиб бўлди.

Қизи ва набираси унга қўлларини силкитишди-да, нимадир деб бақиришди, бироқ қария уларнинг сўзларини тузукроқ англолмади. Поезд ҳали тўхташга ҳам улгурмай, Муғино билан ўғли ўзларини Ёхэининг вагонига отишди.

– Келганингиз қандай яхши бўлди, ота!

– Сизни соғиндим, бобожон!

Ёхэй сочлари кузалган набирасининг бошига юзини босар экан, эсанкираганча:

– Қани менинг Рюкитигинам...– деб мингирлади.

– Мени Қора олтиним қалай? – чўзиб утирмай сўради набираси.

– Қора олтинингми? Биласанми... Хуллас, у сойга оқиб кетди...

– Ў-ў... демак, келган жойига яна қайтиб кетибди-да?

Илҳақ бўлиб кутганига қарамай, Рюкити бу янгиликни бамайлихотир қабул қилди ва Ёхэй тезроқ мавзунини ўзгартиришга шошилди.

– Рю, бўйинг яна ҳам чўзилибди, шекилли?

– Ҳечам! Унчалик ўсмаганман! – эътироз билдирди набираси ёниб турган кўзларида ҳайрат ила. У эғнига яп-янги йўл-йўл оқ-қора свитер ва кенг почали шим кийганди. Боланинг елкалари энг камида бир размерга ўсганди.

“Хайрият, кап-катта йигит бўлиб қолибди. Та-лаффузини айтмайсизми, ҳақиқий токиочасига!”

– Рюкити бу ерларда касал бўлиб қолмадимикан?– минғиллади Ёхэй худди ўзи билан ўзи сўзлашаётгандек.

– Мени соғинмагансиз, шекилли? – ранжибгина сўради Мугино отасига қараб.

Ёхэйнинг платформага териб қўйилган юклари бус-бутунлигига ишонч ҳосил қилгач, Мугино совға-саломга тўла қоғозхалталарни ола бошлади. Ёхэй энди қопчиғига қўлини узатганди, Рю ундан чаққонроқ чиқиб қолди.

– Бобожон, бу жуда оғир, сиз кўтарманг! – деди набираси уни аяб ва каттагина қопчиқни елкасига ортди-да, ҳайратдан эсанкираб қолган бобосига ҳам қарамай, дадил олға юриб кетаверди.

Ёхэй пальтосининг чўнтагига қўлини суқди-да, букчайганча итоаткорона оҳиста қадам босиб уларга эргашди. Мугино билан назоратдан ўта туриб, у бир сонияга тўхтади ва кўчадаги оломон ичидан набирасини излай кетди. Рюкитининг гавдаси оқшом қоронғусида гоҳ ғойиб бўлар, гоҳ неон шуълаларининг тўрсимон ёруғида гўё олис парвозга отланган қушдек яна пайдо бўлиб қолаверарди.

ЕТИМЧА

Яқинда қўшни уйнинг энг юқори қаватидаги хоналардан бирига ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги бир йигитча кўчиб келди. Мен уни биронта олий ёки ўрта билим юртида ўқиса керак, деб ўйлагандим. Камина уни кўпинча унинг хонаси рўпарасида жойлашган ўз иш хонамнинг деразасидан кўриб қолардим. Бу ориқ, рангпар, маъюс ёш йигитча, аксар бир бурчакка биқиниб олиб, чарақлаб ёниб турган чироқ тагида ўтирарди. У, гоҳ бирорта китоб мутолаа қилар, ёки дафтарга нималарнидир қоралар, ёки бўлмаса алланималарни ёддан ўқиб ўтирарди.

Совуқ қиш кунларидан бири ярим тундан сўнг уйга қайтганим ўша кунгача мен унга унча эътибор ҳам қилмагандим. Бироқ нимадир керак бўлиб, иш хонамга кирганимда нохос унга кўзим тушди. Йигитча, одатдагидек, чироқ тагида, ҳар доимги жойида столга очиб қўйилган дафтарга бошини қўйиб ўтирарди. “Балки тинимсиз машғулотлар ва уйқусиз тунлар унинг силласини қуритдимикан?” – ўйладим мен ўзимча. Уни мудроқ босаётганини тасаввур қилдим-да, хаёлан ўринга бориб ётишга ундадим ва йигитча бошини кўтармагунча жойимдан жилмадим. Шунда мен унинг қўли тагида турган дафтар саҳифаси ва кўзи ёшдан намланганини кўрдим. Сиёҳ чаплашиб кетганидан баъзи сўзларни ўқиб бўлмасди. Бир дақиқадан сўнг йигитча ўзига келди-да, ручкани қўлига олиб, ишни келган еридан давом эттирди.

Шундай жимжит зимистон тунда, хувиллаб ётган, олови йўқ, совуқ хонада ночор, шўрпешона бир йигитчанинг юпун уст-бошда мутлақо якка-ёлғиз кўрганимдан дилим вайрон бўлди. Ҳаёт заҳматлари унга ўз нишини санчиб, тақдир зарбалари бошига ёғилиб турган бир пайтда ёнида унга на бир тасалли берувчи ва на бир суянчиқ бор эди. Мен бу рангпар, бемажол қиёфа остида, соф, бироқ мажруҳ қалб яширинганига шубҳа қилмадим ва бу юрак жароҳатларидан йигитчанинг аъзои бадани заифлашиб, сулиб, адоий тамом бўлиб бормоқда эди.

Охири йигитча дафтарни ёпиб, ўрнидан турди, уйкуга ётганини кўрмагунимча мен ҳам жойимдан жилмай туравердим. Бу орада тун деярли чекиниб бўлганди, тонгнинг тили уни қувиб етиб, бутунлай мавҳ этишга шай турган зулмат нишонасидан бўлак ер юзида бошқа ҳеч нима қолмаганди.

Шундан сўнг мен қўшнимнинг гоҳ йиғлаган, гоҳ индамай бошини эгиб утирганини, ёки бўлмаса суюкли ёридан жудо бўлган телба ошиқдек бутунлай умидсизлик гирдобида тунларини бир хил оҳ-воҳ чекиб ўтказишини кўрар эдим. Йигитча силласи қуриб, то курсига йиқилиб тушмагунча, хонада зор-зор йиғлаб, ердан нигоҳини узмай нуқул у ёқдан-бу ёққа бориб келарди.

Бу толеи забун аламдийда йигитчага раҳмим келиб, мен ҳам кўз ёшларимни тия олмадим. Кошки, ҳаддим сиғиб, ўзига шафқат қилишини, дарду ҳасратини мен билан баҳам кўришини унга айтолсам эди. Тап тортмай шундай қилсам ҳам бўларди-ю, бироқ дабдурустдан кириб бориб, ўзича пинҳон тутган сиридан воқиф бўлиб, уни хижолатга қўйишдан чўчирдим. Ўз сиру асрорига якка-ёлғиз эғалик қилиш инсонга йўрғакда теккан касал, қўлимдан нима ҳам келарди?

Шу тунда яна деразадан қарагандим, йигитчанинг хонаси қоп-қоронги ва жимжит эканини кўрдим ва қаергадир чиққан бўлса керак, деб ўйладим. Бироқ шу он чўзиқ, заиф инграш овози қулогимга чалингандек бўлди. Эшитдим-у, бу товуш шўрлик йигитнинг ич-ичидан қандай чиқаётганини кўз олдимга келтирдим ва юрагимнинг туб-тубида унинг акс садосини ҳис этдим. “Йигитча хаста, – дедим ўзимга-ўзим, – унинг жонига ора кирадиган бирон кимса йўқ”.

У билан учрашув асли қисматимга ёзилган экан. Мен хизматкорларга чироқ олиб келишни буюрдим, сўнг уйдан чиқдим-да, кўшнимнинг хонадони томон йўл олдим. Остонага қадам қўйганимни биламан, гўр огзида туриб “марҳумнинг гуноҳини кечир” деб сўнгги сўзларни айтишга ботина олмаётган одам аҳволига тушдим. Менинг келганимни сезган йигитча уйгонгандек ёки ҳушига келган одамдек кўзини очди. Рўпарасида турган хира чироқ ва нотаниш одамга кўзи тушди-ю, ажабсиниб қараб қолди. Бирмунча вақт у менга чурқ этмай тикилиб турди. Мен йигитча ётган ерга бордим-да: “Мен ҳамсоян-гиз бўламан. Оғир-оғир инграётганингизни эшитиб қолдим, ёлғиз бўлсангиз керак деб ўйлаб чиқиб келавердим, – дедим унинг ёнига ўтириб. – “Сиздан хавотир олиб кирдим. Балки бирон ёрдамим керакдир. Ҳозир аҳволингиз яхшими?” Йигитча қўлини аста кўтариб, пешонасига қўйди. Мен ҳам унинг пешонасига қўлимни теккизиб кўрдим; у ўтдай ёнардди, иситмаси баландлиги аниқ эди. Сўнг мен йигитчанинг баданига назар ташладим: рўпарамда ақл бовар қилмас даражада кенг қўйлакка чирмалиб олган ва уни базўр фарқлаб олиши мумкин бўлган танасиз қўланка турарди. Мен хизматкоримга бошқа

дори-дармонлар билан бирга сақланувчи безгакка қарши дорини олиб келишни буюрдим ва бир неча томчи солиб, касалга ичирдим. Кўп ўтмай, у ўзига келди, кўзлари тиниқлашди, илтифот ила боқиб, миннатдорчилик билдирди. Ундан: “Нимадан бунчалик хафасан, биродар?” – деб сўрадим мен. – “Ҳеч нимадан”, – жавоб берди йигитча. Шунда мен унинг қачондан бери бундай азобга гирифтор бўлганига қизиқдим. У ёдида йўқлигини айтди. “Сизга шифокор зарур, – дедим мен. – Текшириб кўриш учун уни бу ерга чақиришимга рухсат берсангиз?” Йигитча қадини ростлади-да, кўз ёшдан хира тортган нигоҳини менга қадади ва: “Ўлимдан ҳаётни афзал билган одамгагина шифокор ёрдам бериши мумкин”, – деди шивирлаб. Шундан сўнг у кўзини юмди-да, яна хушдан кетди. У истайдими, йўқми беморни шифокор кўриши зарур, деган қарорга келдим. Кўп ўтмай, туннинг совуғига қарамай, иссиқ ўрнидан тортқилаб турғазиб келинган шифокор ҳам етиб келди. У қоп-қоронғи кўчалардан мажбурлаб олиб келганларидан хафа бўлиб, тинимсиз жаврар эди. Уни юпатишнинг чорасини билганим учун унинг аччиқ-тиззиқ гапларига қўл силтаб қўя қолдим. Шифокор беморнинг томирини ушлаб кўрди-да: “Беморингизнинг вақти-соати етган кўринади. Агар Аллоҳнинг ўзи раҳм қилмаса, айни пайтда бизнинг ожизлигимиз аниқ. Ўзи ҳар нарсага қодир”, – деди у қулоғимга шивирлаб. Сўнг шифокор ўтирди-да, тузалиши амримаҳол беморлар ичадиган дорилардан ёзиб берди. Одатда бундай рецепт билан шифокор ҳаёт учун банди-беморлардан ўлпон ундириш мақсадида ўзининг “вакиллари” – дорифурушларга амри фармон берарди.

Шифокорни тузуккина сийлагандим, у мамнун бўлиб чиқиб кетди. Мен эса тунни беморнинг ёнида

машаққат билан утириб ўтказдим. То кун ёришгунча унинг бошида бўлдим ва гоҳ дори ичирдим, гоҳ ўзим ҳам кўз ёш қилдим. Йигитча ўзига келди-да, у ёқ-бу ёққа аланглади ва мени кўриб: “Сиз шу ердამидингиз?” – деди. “Ҳа, – дедим мен. – Энди анча дурустмисиз?” – “Дурустман, шекилли”, – деди у. Шунда мен: “Азиз биродарим, сўраганнинг айби йўқ, бу ерларда нима қилиб адашиб юрганингизни билсам бўладими? Сиз ўзи шу ерликмисиз ё бошқа ерданмисиз? Сизни касаллик безовта қияптими, ё бировга айтиб бўлмайдиган бирон дардингиз борми?” – деб сўрадим ундан. – “Униси ҳам, буниси ҳам”, – деди йигитча. – “Нима бўлганини менга айтиб бера оласизми? – деб сўрадим ундан яна. — Дўст дўстидан сир яширмагандек, сиз ҳам ўз дардингизни мен билан баҳам кўра оласизми? Ўша сизга бош оғриги бўлаётган ишни, худди сиздек бажаришга мен ҳам киришган бўлардим”. Бемор: “Башарти Аллоҳ таоло мендан марҳаматини аямай, ҳаётимни қайтариб берса, сиримни сақлашга, ва, агар бир нима бўлиб қолсам, васиятимни бажаришга сўз берасизми?!” – деди у саволимга савол билан жавоб бериб. – “Бўлмасам-чи”, – дедим мен уни ишонтириб. Шунда йигитча: “Мен сизга ишонаман. Сиздек қалби олийжанобликка лиммо-лим одам ҳеч қачон хоинлик қилиши, ёлғон гапириши мумкин эмас”, – деди менга.

Менким, фалончи, пистончининг ўғлиман. Отам мени қашшоқликка маҳкум этиб, олти ёшимда дунёдан ўтиб кетди. Отамнинг акаси мени ўз тарбиясига олди. Қариндошларимиз ичида энг яхшиси шу амаким бўлиб, ғоят раҳмдил, олийҳиммат, кўнгли юмшоқ одам эди. Мен уникида ёлғиз қизи билан бир қаторда ҳаловатда яшардим. Қизча мен билан

тенгқур эди, балки, бир оз кичикроқ ҳамдир. Ама-
ким Аллоҳга узоқ вақт илтижо қилиб, орзуси ушал-
магач, энди ўз қизи ёнида мендек акаси борлигини
кўрганидан ўзида йўқ хурсанд эди. У қизига қандай
ғамхўрлик қилса, менга ҳам ўшандай парвона эди,
ҳатто мактабга бизни бир кунда жўнатганди.

Ака ўз синглисига қандай ғамхўрлик қилса, мен
ҳам унга шундай меҳрибон эдим ва қизчага жуда
ўрганиб қолгандим. Орамиздаги дўстлик, мени
ота-онамдан жудо қилиб, ҳар замон-ҳар замонда
ўзини эслатиб турувчи мусибат мосуво этган қувонч
ва бахтни яна менга қайтариб берганди. Амакивач-
чам то ёпинчиғини ёпиб, ўз хонасида қолиши керак
бўлган кун етиб келмагунча, биз бир-биримиздан
ажралмадик. Биз мактабга бирга борардик ва уйга
яна бирга қайтардик, бирга ҳовлида ўйнардик ёки
ўз боғимизда сайр қилардик, дарс тайёрлаш учун
синфда учрашардик ва ухлаш олдидан мириқиб суҳ-
батлашардик. Бизнинг қалбимизда аланга ола бош-
лаган муҳаббатга ҳатто бевафо тақдирнинг ўзи ҳам
чанг соломмади. Мен ҳаётнинг жозибасини унинг
ёнида бўлганимдагина ҳис этардим, холос, тонгги
шафаққа ўхшаш бахт нуруни менга унинг табассуми
ҳадя этарди. Умримнинг олтмиш дақиқасини у би-
лан кечириш учун бу дунёнинг бор ҳузур-ҳаловатла-
ридан кечган бўлардим. Ақл, меҳр-шафқат, саховат,
олийжаноблик, садоқат, яхши тарбия – буларнинг
бари унда мужассам эди ва мен, бундай фазилат-
лардан баҳраманд бошқа қизни тан олишни иста-
масдим. Гарчи ҳозир, ғам-ғусса ва ташвишнинг зим-
зиё зулмати мени кишанлаб олган бўлса-да, болалик
пайтларимиз бизга мадад бўлган ўша ҳузур-ҳало-
ватнинг энди олисларда порлаб турган оппоққина
қанотларини кўра олишга ҳамон қодирман. Асл

биллур идишда шароб қандай жилваланса, биз ҳам ўша қувончга тўла кунларимиз шарофатидан шундай нур сочиб турардик. Қувончларимизга шерик, орзу-умидларимизга паноҳ бўлган ўша гўзал бог ҳам ҳали ёдимда. Шуъладан ярақлаб турган унинг суви, сайқалланиб кетган тошлари, дарахт бутазорию анвойи гуллари ва кун ботар пайт биз ўтирган ўша ўриндиқни ҳозир ҳам ўз кўзим билан кўриб тургандекман. Биз суҳбатлашиш, гулдаста яшаш ёки биронта китобни варақлаш, расмни ким дуруст чи-зиш тўғрисида баҳслашиш учун боғда учрашардик. Машғулотдан сўнг, худди ўз онаси бағрига талпинаётган полапонлардек, ҳамиша унинг соясида бошпа-на топганимиз ўша ям-яшил бутазорни ҳам ҳали фарқлай оламан. Қачонлардир иккимиз сой ва ҳо-вуз бўйидаги ерни ковлаб, сўнг уни сувга тўлдириб, у ерга тушган балиқларни ёнма-ён ўтириб олиб қў-лимиз билан тутганимиз ўша ариқ ҳам кўз ўнгимда.

Овимиз бароридан келганида ўзимизда йўқ хур-санд бўлардик. Биз у ерда қушларни кўпайтирар-дик-да, сўнг биргалашиб узоқ вақт зарҳал катакдаги қушларнинг яшил тумшуқларидан завқ олиб кузат-ганимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Қушлар сув ичиб, донини чўкигунча, уларга ном ўйлаб топардик ва улар билан суҳбатлашардик. Жониворларнинг чирқиллаб сайрашини эшитиб, бизга жавоб қайта-ришяпти деб ўйлардик.

Амакиваччамга бўлган мендаги яширин туйғу ака-сингилларга хос ёқимли аҳил-иноқлик туйғуси-миди, ёки эҳтиросли муҳаббатми, айтишим қийин, бироқ бу иложсиз ва умид қилиш маҳол ҳиссиёт эканини аниқ билардим. Қизнинг хуркаккина қал-бига биринчи бўлиб озор етказмаслик учун ўз сев-гим ҳақида унга лом-мим демадим, чунки уни эҳтиёт

килардим, ахир у яхши кўрган амакимнинг қизи ва менинг болаликдаги қадрдон дўстим эди-да. Қисматимни у билан боғлаш ҳақида ўйламаганман ҳам. Мендек бахти кемтик, ночор-нотавон бир йигитга, ота-онасининг муносабати ҳеч қачон қизникидек бўлолмаслигини билардим. Унинг мен учун баҳоси йўқ эди, шу боис ошиқлар муштоқ кутадиган орзу-умидларни ундан кутмасдим. Шу билан кифояланишим учун у менга ўз қалбидан ака сифатида жой ажратганми, ёки бўлмаса ота-она раъйига қарши унинг туйғусидан фойдаланиб қолишим учун ошиқ йигитга деб жой ажратганми, буларни билиш учун қизнинг кўнглига қўл солиб кўришга ҳеч қачон уринмаганман ҳам. Менинг амакиваччамга бўлган муҳаббатим, дарвеш-роҳиб ўз кўз ўнгида гавдаланган бокира санамга қарашга ботинолмай, унга сажда қилаётган дарвешнинг сиғинишига ўхшарди.

Амаким, уни гўрга тикқан бедаво дардга чалинмагунча, ҳаётимиз шу тахлит ўтиб турувди. Мана унинг тўла ишонч билан хотинига айтган сўнги сўзи ва хотини бажариши лозим бўлган топшириқ: “Ажал етимчага кўрсатаётган ғамхўрлигимни кўп кўрди, мен унга отадек бўлиб қолгандим, энди сен унга оналик қил. Менинг сенга васиятим, сен шундай қилгинки, мендан кейин у ҳаётда мендан бошқа ҳеч нимасини йўқотмасин”.

Ҳали амакимнинг ўлиги совимай туриб, менга аввалгидек муносабатда бўлишмаётганини ва бошқача назар билан қарашаётганини пайқаб қолдим. Қалбимга илгарилари ҳеч бошимдан кечирмаган аллақандай гайриоддий туйғу писиб кириб олганга ўхшарди. Мен ваҳима ва умидсизлик гирдобига тушиб қолгандим ва бу уйга бегона эканимни, бу дунёдан эса бадарға қилинганимни тушуниб етдим.

Бир куни хонамда ўтиргандим, дабдурустдан меҳрибон ва кўнгли очиқ оқсоч хотин кирди-да: “Хў-жам, бекам менга яқин орада қизларини турмушга беришга қарор қилганларини сенга етказишимни буюрдилар. Сен ва амакиваччанг катта бўлиб қолибсизлар, энди амакингнинг ўлиmidан сўнг бекам сени бу ерда яшашинг куёвда шубҳа уйғотиши мумкин деб ҳисоблаяптилар, – деди қўрқа-писа ёнимга келиб.– Бекам сен яшаётган уйга ёш келин-куёвларни кўчирмоқчилар. Сен уларга қарашли уйлардан хоҳлаган биронтасига кўчиб ўтишингни хоҳлаяптилар. Ўзингни ёлғиз ҳис этмаслигинг учун эса бекам сенга барча шароитни яратиб бермоқчилар”.

Бу сўзлар менга паткамондан отилган найзадек эди гўё; у юрагимни парчалаб юборганди. Шунга қарамай мен: “Бу, гарчанд менинг хоҳиш-истагимга зид бўлса-да, Аллоҳ иродасига бўйсунмай, бандаси қаерга ҳам борарди?” – дедим жавобан, босиқлик билан.

Оқсоч хотин ўз юмушларига чиқиб кетди, мен эса тун то эшик қоққунча кўз ёшларимга эрк бердим-да, якка-ёлғиз қолавердим. Мен жомадонни олдим-да, унга кийим-бош ва китобларни жойлай туриб ўзимга: “Мен ёнма-ён яшаб, ўзим ёқтирган кишимдан, бу дунёда мени бахтиёр қилганларнинг баридан жудо бўлдим”. Шундан кейин мен сездирмай уйдан чиқиб кетдим; буни ҳеч ким билмади. Кетишдан аввал бағри уйқуга тўлиқ, ўзим севган ҳарир пардага яна бир бора боқдим. Бу бизнинг у билан сўнгги учрашувимиз бўлганди.

Онт ичаман, Бағдодим, алашим йўқ ҳеч сенда,
Кошки эди бир умрга қололсам мен ёнингда.
Ғуссаларнинг дардидан ғойиб бўлдим бағрингдан:
Дўстлар билан видога куч тополмай ўзимда.

Одам Ато жаннатни қандай тарк этган бўлса, мен ҳам узоқ вақт бахтиёр яшаган даргоҳимни худди шундай тарк этдим. Мен у ердан саросима ва аламда, бадарға қилинган қочоқдек, тақдирга тан бериб, янги учрашувлардан умидимни узиб, на бир ҳамдардлик ва на бир кўмак кутиш амримаҳол бўлган мусофир юртларга бош олиб чиқиб кетдим.

Ўтган нурафшон кунларимдан нишона сифатида ёнимда озгина пулим бор эди. Мен юқори қаватдаги мана шу бўм-бўш хонани ижарага олдим, бироқ бу ерда бир соат ҳам ўтиришга сабрим чидамай, бу ёруғ оламда қалбимдаги ғам-ғуссани аритишга қодир даво излаб жойдан-жойга кўчиб юрдим. Мен сафарга жўнадим ва бу сафарим бир неча ойгача давом этди.

Бир шаҳарга аранг етиб келганимда кўнглим қурғур бошқасини тусарди ва ҳали тепамдаги қуёш чиққанда бир жойда бўлсам, ботганида ўзимни бошқа ерда кўрардим. Истаган лаҳзада шашқатор тўкилишга шай, ҳозир тиниб қолган кўз ёшларим каби, кўнглим хотиржам тортмагунча шу алфозда овораи жаҳон бўлиб кўчиб юравердим.

Менга шунинг ўзи тасалли берарди. Бироқ мактабдаги машғулотлар бошланиб, болалик даврларим ўтган шаҳардаги амакимнинг уйига қайтдим, қайтганда ҳам, гарчанд одамлар орасида яшасам-да, гарчи улар билан ёнма-ён бўлсам-да, лекин уларга қўшилмай, ёлғиз, фақир ва сукут сақлаб кун кўришни кўнглимга маҳкам туғиб қайтдим. Мен ҳеч нимага парво қилмай, барини орқага ташлашга, ўтганларни унутиб, у қиз билан боғлиқ нимаики бўлса, ҳаммасидан воз кечишга қарор қилдим.

Уй билан мактабдан бўлак мен ҳеч ерга бормадим. Бошдан кечирганларимни деярли юрагимдан

чиқариб юборганман. Баъзан бир лаҳзалик қайгудан ҳам ярам янгиланарди ва қачонки қалбимни совуқдан-совуқ хотиржамлик эгалламагунча, аҳволимни Аллоҳдан ўзга эшитмайдиган ёлғизлик гирдобиди қолардим-да, зор-зор йиғлаб кўнглимни бўшатардим.

Бирмунча муддат куним шу тахлит ўтди ва ёнимда қанча пулим қолганига кун-кечагина қизикдим. Буни қарангки, пулим тугаб бўлган экан, йўқ, деярли тугабди, ва мен бундан кейинги тирикчилигим нима бўлиши ҳақида ўйлаб қолдим, устига-устак ўқишга ҳам пул тўлаш керак эди. Мактаб деганлари бизнинг жойларда дўкондек гап, қанча ёлворманг, насия-пасияга мол берилмайди, бизнинг миллат учун эса маълумот саховатпеша томонидан берилган сийлов эмас, балки озиқ-овқат манбаи эди— тирикчилик учун у билан қорин тўйғазишарди. Мен жар ёқасига келиб қолганимни англадим-да, бир бурда нон топишнинг биронта йўли борлигига кўзим етмай хавотирга туша бошладим. Шунда мен бор китобларимни тартибга солдим-да, энг зарурларини олиб қолдим ва қолганларини китоб бозорига олиб чиқдим. Кун бўйи бозор изғидим, бироқ уларни жилла қурса чорак нархга сотиб оладиган бирон-та кимсани тополмадим. Ҳориб, таъбим хира бўлиб уйга қайтдим ва бу ёруғ дунёда мендан-да шўрпешона, мендан-да омадсиз одам йўқ эди.

Уйнинг дарвозасига яқинлашганимда, ҳовлида қандайдир бир аёл ўша ерда яшовчилардан мен ҳақимда сўраётганини кўриб қолдим. Мен уни танидим. Бу амакимнинг уйидаги оқсоч хотин эди. “Сен фалончимисан?”—деб сўрадим. У: —“Ҳа”, — деди. Оқсочнинг нимага келганига қизиққандим, у менда иши борлигини айтди. Мен у билан хонамга чиқдим ва иккимиз ёлғиз қолганимиздан сўнг нима

гапи борлигини сўрадим. У: –“Мана, уч кундирки, сени ёки сенинг қаерда эканингдан хабардор кимсани излайман. Энди топишдан умидимни узиб ҳам бўлгандимки, ўзингни учратиб қолдим”. Шунда оқсоч бирдан ўкраб йиглаб юборди, юрагим қинидан чиқаёзди. Марҳум амакимнинг уйида бирон кор-ҳол юз бердимикан деб ундан кўз ёши сабабини сўрадим. Оқсоч: – “Амакингнинг уйида нима воқеа рўй берганини ҳали билмайсанми?” – деди ҳайрон бўлиб. – “Йўқ, – дедим мен. – У ерда нима бўлди ўзи?” – Шунда оқсоч мурсагининг қатидан сурғучланган мактубни чиқарди-да, менга узатди. Хат амакивачамдан эди. Мен хатда ўла-ўлгунимча унутмайдиган сўзларни ўқидим: “Сен мен билан хайрлашмай уйдан чиқиб кетдинг, шундай бўлса-да, сендан хафа эмасман. Бироқ айти чокда санокли кунларим қолган, агар сўнгги бор мен билан дийдорлашувга келмасанг, сени икки дунёда кечирмайман”.

Мактубни бир четга улоқтирдим-да, ўзимни эшикка отдим. Оқсоч кийимимдан тортқилаб: – “Хўжам, шу тобда қаерга борасан?” – деди. – “У бетоб, уни кўришим керак!” – дедим ҳайқириб. Оқсоч бироз индамай турди-да, сўнг титроқ овозда: – “Хўжам, бундай қилма. Қисмат аллақачон сени доғда қолдириб бўлган”, – деди.

Шунда юрагим тўхтаб, бутун олам қоронғилашди ва мен турган жойимда ҳушимдан кетдим. Шу ётгандан анча вақтгача ўрнимдан кўзғололмадим. Ниҳоят кўзимни очганимда, тун мени ўз чойшабига ўраб олган, оқсоч хотин эса ёнимда ўтириб, ҳўнг-ҳўнг йиғлар эди. “Эй оқсоч, наҳотки айтганларингнинг бари ҳақиқат бўлса?” – дедим унга. – “Ҳа,” – деб жавоб қилди у ва мен ундан бор гапни сўзлаб беришини илтимос қилдим.

Оқсоч менга мана нималарни сўзлаб берди:

“Сен жунаб кетганингдан сўнг, хўжам, амакиваччанг ўзини кўярга жой тополмай қолди. Кетган кунинг қиз мендан нега бундай йўл тутганингни сўради ва мен унга онасининг топшириғини унга етказганимни айтдим. Боёқиш фақат: – “Энди у шўрлик бахти қаронинг ҳоли не кечади! Ахир улар бир-биримизни севишимизни билишмайди-ку!” – деди алам билан. Кейинчалик, гўё азобда қолган қалб жароҳатини даволаётгандек, сени на ёмон гап ва на яхши гап билан эсга олди. Бир неча кун утар-утмас, қалб жароҳати бутун жисмини ҳам эгаллаб олди. Қиз ўзини жуда ночор ҳис эта бошлади. Ундаги чирой ҳам, авваллари доим жилваланиб турадиган лабидаги табассум ҳам сўнди. У бутунлай ётиб қолди ва касалдан фориғ бўлолмади. Қизининг аҳволини кўрган онаси унинг тўйи ҳақида тинмай гапиришдан ва эрга бериш тараддудидаги ҳар хил режаларидан воз кечди. У шифокорни ва касал боқувчи аёлни уйига таклиф этди-да, уларга қизининг ваҳимали касали тўғрисида сўзлаб берди. Бироқ на шифокор ва на боқувчи аёл унга ёрдам беришолмади. Қизнинг кун сайин умр паймонаси тўлиб борарди. Бир неча кун аввал, тунда, унинг ёнида ўтирганимда, мен бирдан касалнинг қимирлай бошлаганини сезиб қолдим. Шунда мен у томон энгашдим, қиз унинг қўлидан ушлашимга ишора қилди. Мен унга итоат этдим. У ўтириб олди-да, қаддини ростлади ва мендан соатни сўради. Мен: – “Ярим кеча”, – деб жавоб бердим. Уйда ҳамма уйқуга кетганини ва менинг бу ерда ёлғиз эканимни билган бемор: – “Ҳозир амакиваччам қаерда эканини билмайсанми?” – деб сўради. Сен ҳақингда анчадан буён сўраб-суриштирмаган қизнинг бу га-

пидан ажабландим-да: –“Ҳа, мен унинг қаерда эканини биламан”, – деб жавоб бердим унга. Аслини олганда, мен ҳеч нима билмасдим, фақат, ўша шўрлик учун унда қолган бирдан-бир нозик умид ипларини узишни истамадим. Ахир, барибир у узоққа бормайди. Қиз: – “Ҳеч кимга билдирмай, менинг мактубимни унга олиб бориб бероласанми?” – деди. Мен: –“Бекам, бу менга ёқмаяпти...” – дедим унга. Бироқ у сиёҳдон олиб келишни буюрди-да, мана шу қўлингда турган хатни ёзди. Тонг отиши билан мен уйдан чиқдим ва сени ҳамма ердан излай кетдим. Ўтган-кетганлар орасида зора сени учратиб қолсам, деб уларнинг юзларига синчиклаб қарардим, бироқ афсус омадим келмади. Бу вақт ичида қуёш ҳам ботиб, кеч кирди ва мен уйга қайтдим. Бироқ ҳали уйга етиб улгурмаган ҳам эдимки, йиғичиларнинг овози эшитилди ва шунда мен ўқ бориб нишонга текканини англадим: “Атрофни ўз ҳусну латофати билан тўлдириб турган ажойиб гул ўзининг сўнгги баргини ташлади.” Яккаю ягона фарзандидан жудо бўлган она қандай қайғурса, қиз шўрликка мен ҳам шундай аза тутдим. Қолаверса, ўша куни йиғламаган одамнинг ўзи қолмади. Умрининг сўнгги дақиқаларида сени кўришдан умидворлигини ва бу орзуси ушалмай қолганини ўйласам, юрагим эзилиб кетди. Мен хатни сир сақлашда давом этдим ва сени топмагунимча қидиришдан тўхтамадим”.

Мен оқсочга миннатдорчилик билдирдим-да, унга жавоб бериб юбордим. У кетди... Ёлғиз қолганимдан сўнг ўша заҳоти кўз олдимни қора парда қоплаб олганини ва мен ҳеч нимани кўрмаётганимни пайқадим. Сизни кўришдан аввал нималар содир бўлди, буни билмайман.

Йигит ўз ҳикоясининг шу ерига келганда, шундай оғир хўрсиндики, мен уни ҳозир юраги тарс ёрилиб кетар деб ўйладим. У томонга энгашдим-да: – “Тақсир, сизга нима бўлди?” – деб сўрадим. – “Унинг руҳини шод этиш учун бир томчи кўз ёшига зорман”, – деди-да, узоқ вақт жим қолди. Кейин у алланималар деб ғўлдираётгандек туюлди менга. Мен у томон энгашдим, бемор бирдан: “Эй Худо, биласан – бу дунёда ҳеч кимим йўқ ва мен бутунлай ёлғизман. Мен қашшоқман, на бир суянчиғим ва на бир қўллаб-қувватловчи мададкорим бор. Мен ожиз, ночору нотавонман, қандай қилиб нон топишни ҳам билмайман. Мусибат мени ўлар холга келтирди, юрагим ўзининг сўнгги зарбларини тепмоқда...” – дедим нолакор оҳангда. – Худойим, ахир сен менга жон ато этгансан ва мен қаҳр-ғазаб, гина-кудурат билан ўз жонимга қасд қилиб, уни пойингга садқа қилолмайман. Ўша менга берган тўхфангни ўзинг қайтариб ол ва уни ўзингнинг табаррук даргоҳингга элитиб қўй... Оғушингда бўлиш қандай ажойиб, соянгда бўлиш эса қандай роҳат”.

Шундан сўнг йигитча бошини қўллари билан чангаллади-да, ўлар ҳолда: – “Бошим ловуллаб ёниб, оғриқдан юрагим тўхтаб қолай деяпти. Умрим поёнига етган, шекилли... Аллоҳ ўз ҳукмини ижро этганидан сўнг мени суюклигим қабри ёнига ва унинг хатини ҳам мен билан қўшиб дафн этишга сўз беролмайсизми?” – деди. Мен: – “Бундан қўпам ташвишланманг. Руҳингизни шод этишни Аллоҳдан сўрайман”, – деб жавоб бердим унга. – “Энди оёғимни узатиб кетсам ҳам бўлади”, – деди у. Бу йигитчанинг сўнгги сўzlари бўлди.

* * *

Бу жафокаш шўрпешонанинг сўнгги васиятини адо этганимдан дардим ҳам енгиллашди. Мен йигитчанинг васиятини бажо келтириб, уни амаки-ваччасининг ёнига дафн этдим ва, видолашиш учун йигитчани сўнгги бор кўргани чақиртирган, бироқ йигитдан жавоб ололмаган қизнинг унинг вафотидан кейингина жавоб беришга муяссар бўлган ўша мактубни ҳам унга қўшиб кўмдим.

* * *

Шу тахлит икки вафодор дўст бир жойдан паноҳ топишди. Ҳаётлик пайтлари улар бу кенг оламга сиғмагандилар, улганларидан сўнг торгина қабр уларга мангулик бошпана бўлди.



АНГЛАШ ҲИКМАТИ

Сафар узоқ ва сермашаққат бўлди. Тун қўйнида елиб бораётган автофургон чанг босган, унқир-чўнқир қишлоқ йўлида қандай силкинса, қоп-қора асфальт йўлда ҳам ундан беш баттар силкиниб, сакрашда давом этарди.

Қиз пишган бананнинг бир чеккасини арчиди.

– Банан ейсизми?

– Нима? Эшитмаяпман!

– Банан ейсизми, деяпман?

– Еганда қандоқ. Фақат арчиб тозалаб берасиз-да, майлими?

Мана йўл бўйи улар ўша-ўша бир хил гапни уч маротабадан чайнаб такрорлаб келишарди.

Ҳайдовчи мойга ботган, ҳамма еридан бензин ҳиди анқиб турган оқ кўнгил одам эди. Йўловчи бўлмиш ўз ҳамроҳини ҳайдовчи Сиднейнинг узоқ чекка ўлкасидан топганди. Қиз йўлнинг четида беҳудага қўл кўтариб бир соатдан ортиқ вақт туриб қолди – машиналар эса унинг ёнидан ғизиллаганча ўтиб кетаверди. Кўп гилдиракли улкан махлуқ нафаси бўғилиб пишиллади ва қаттиқ товуш чиқариб ҳавони ютганча қизнинг ёнига келиб тўхтади – бундан қиз жуда суюниб кетди. Кабина ойнасидан ҳайдовчининг унга самимий боқиб турган юзи кўринди.

– Қаерга борасиз? Мельбурнгами?

– Ўзингиз-чи? – сергак суриштира кетди қиз.

– Мельбурнга.

– Жуда соз. Сиз билан кетақолай.

Қиз буғдойдан бушаган қопга тартиб билан жойлаштирилган лаш-лушларини кутарди. Ҳайдовчи энгашди-да, унинг қўлидан қопни олди.

– Эҳтиёт бўлинг, у ерда пластинка бор!

– Хавотир олманг, қизгина, ҳаммаси жойида бўлади.

Ҳайдовчи қопни тангу тор кабинага жойлади.

Қиз зинапоя баландлигини чамалаб кўрди-да, ирғиб унга чиқиб олди ва ўзини ўриндиққа танпа ташлаб, ҳайдовчининг ёнига ўтирди. Мана фургон ҳам босайми-босмайми деб имиллаганча, тошбақа юриш билан диққатни оширадиган бу йўлни забт этиш пайида жойидан кўзғалди... Қиз кўзига тушган ёрқин нурдан уйғониб кетди ва тез-тез кўзини пирпирата бошлади.

– Кўзлаган манзилингизга деярли етиб келдингиз, – деди мийигида кулиб ҳайдовчи.

– Соат неча бўлди ўзи?

– Бир ярим. Қаерда тунамоқчисиз?

– Дўстларимникида. Менда қаердадир уларнинг манзили ёзилганди.

У қопини ковлай кетди.

– Бу ўзи қанақа пластинка?

– Дўстимга совга.

– Совға қиламан деб шуни нақ Квинсленддан кутариб келяпсизми?

– Ҳа.

– Бундай матоҳни Мельбурндан ҳам топса бўларди, агар билсангиз.. Ўзингизга ортиқча даҳмаза ортирибсиз-да.

– Йўқ, ундай эмас, – қатъий эътироз билдирди қиз. – Мен совгани дўстимни кўрган заҳотим қўлига топширишим керак. Ҳайдовчи тушундим дегандек

бош иргади. Рўпарадан келаётган машинанинг чироклари бир лаҳза қизнинг ёнбошини ёритиб юборди.

* * *

Карлтон кўчалари зулмат ва сукунатга чўкканди, баҳайбат автофургоннинг мунгли инграши тор кўчада акс-садо қайтарди, уйларнинг парти кетиб, шарти қолган тунука мўриларини зириллатиб ўтди ва атрофдаги барча жониворларни уйғотиб юборди.

Қиз асабийлаша бошлади.

– Мумкин бўлса, мана шу муюлишда тўхтатиб юборсангиз, уйни ўзим топиб оламан.

– Биласизми, мен сизни эшигингизнинг тагига олиб бориб қўйишим мумкин, – жавоб берди ҳайдовчи.

Бундай қараганда бари силлиққина поёнига етгандек ва қандайдир камситилгандек ҳам эди. Ўз манзилига уни қоғозга ўралган қанддек қилиб элтиб қўйган фургондан ор қилаётганини қиз бирдан фаҳмлаб қолди.

– Овоз чиқариб хабар берайми, – суюкли ёри келганини у ахир билсин-да, а?

Ҳайдовчи шундай деди-да, айёрона мийиғида кулиб қўйди.

– Ҳожати йўқ, – гапни шартта бўлди қиз ва тош йўлга сакраб тушди. Сўнг бошини кўтарди-да, хавотир ила унга бошдан-оёқ разм солди. Ҳайдовчи кулиб қўйди-да, моторни юргизди ва эшикни қарсиллатиб ёпди.

– Ҳали яна кўришиб қолармиз, дўндикча.

Сўнг металл алвасти беўхшов судралганча ўрма-лаб кетди.

Қиз бир ўзи сўнпайиб қолаверди.

Энди нима бўлади? Ҳаяжондан қизнинг кафтлари нам тортди, ичига худди ҳўл лой тўлгандек меъ-

даси зилдай бўлди. Қовоқлари керкиб, бўшашди ва оёғи остидаги қоп-қора асфальт йўл бироз силжигандек туюлди.

Қизнинг қўлидаги парча қоғозга рақами ёзилган уйдан бир маромда пластинкадан замонавий куй янграрди ва хушчақчақ одамларнинг қаттиқ-қаттиқ кулгани кулоққа чалинарди. Азалдан мавжуд эски, бўёқларининг ранги ўчиб, деразалари синиб тамом бўлган, икки қаватли бу уй бир-бирига ёндош уйлар қаторидан жой олганди. Болохона айвонининг қора панжарасидан бир неча одам энгашиб қаради ва улар орасида бўйнига олма уруғидан маржон осиб, қўлида бир стакан пиво тутган, нари борса, йигирма ёшдаги йигитча ҳам бор эди.

– Қопда нима бор? – хурсанд сўради йигитча.

Қиз кўзини лўқ қилди-да:

– Менинг баджаҳл ўгай онам, – тўнггина жавоб берди қиз.

Йигитча мийиғида кулди.

– Юқорига олиб чиқ.

– Мен бир одамни излаяпман... – гап бошлади қиз, бироқ гапини тугатолмади: йигитлардан бирининг кўнгли беҳузур бўлиб, болохона айвончаси тагидаги бута ғовга қайт қилиб юборди.

– Сен яхшиси уйга кир, – бақирди унга кимдир. – Бўлмаса сувга тушган мушукдек ивиб кетасан.

Болохона айвончасида қаттиқ кулги кўтарилди. Қиз таклифни миннатдорчилик билан қабул қилди, бироқ уни кутиб олишга ҳеч ким тушмади ва ним қоронғи хонада пайдо бўлиб қолганида, бу ерга гўё берухсат кириб келгандек туюлди ўзига.

Девор ёқалаб кўм-кўк шароб шишасида шамлар ёниб турарди, йўлакнинг нариги бошидаги хонада олов рангидаги ёруғликда мусиқа оҳангига тушаётган ярқираган рўдапо кийимлар, эски жин-

силар, сарпойчанг оёқлар лип-лип утиб турарди, рақсга тушаётганларнинг билаклари ва тўпиқларига тақилган қўнғироқчаларнинг тиниқ шиқирлашлари эшитиларди. Мусиқа шовқин-сурон овозини босиб турарди, ана кимдир пластинка устига йиқилиб тушди. Ғазабли қийқириқ янгради, сўнг унга жавобан худди шунақа бошқа ғазабли қичқириқ янгради. Бир эркак билан аёл ўзаро жиғиллаша кетди ва то бир-бирининг авра-астарларини ағдариб бўлгунча хонадаги шовқин-сурон бироз босилгандек бўлди.

Олма уруғидан бўйнига маржон осиб олган ҳалиги йигитча болохона айвонидан йўлакка тушди-да, қизнинг қопини олди.

– Кирсанг-чи, – деди йигитча.

– Мен... Тўғриси, билмайман... Ҳалиги... Мен бир одамни излаётгандим...

Бироқ йигитча гапни охиригача эшитмаёқ ортига бурилди ва қиз истар-истамас унга эргашди.

Эшикда пайдо бўлган қиёфаларга йиғилганларнинг бари қаради. Бу на эътибор билан тикилиш эди ва на қизиқиш билан, бир қарашда, қаердадир узоқда, қўра устига жойлашиб олган қушчага ялқовлик ила кавшанаётган сигирнинг боқишига ўхшаш бефарқлик бор эди.

Даҳанаки жанг бир лаҳзагагина тўхтади, сўнг яна шиддат билан авжига чиқди.

– Сен ўзи қаердансан, дўндикча? – қичқирди кимдир.

– Квинсленддан, – ўта жиддий оҳангда жавоб берди қиз.

Бу сўзлар гўё туртки бўлди – кеча яна бирдан авжига минди: бирлари Квинсленд – полициячилар штати деса, бошқалари чўчқага ўхшаб хур-хур қилганча лапанглаб югура кетди, учинчи бирлари норозилик ва исён қўшиқларини вадавангига олди.

Шу орада пластинкани тузатиб, уни яна юргизиб юборишди, бир-бирини ҳақоратларга кўмиш шиддат билан тагин авжига чиқди, кечанинг ғала-ғовури янги куч билан тунги сукунатни бузмоқда эди. Кимнингдир қўли кларет шаробли шишага ёпишди ва қуйиб қизга узатди.

– Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Бир одамни излаётгандим.

– Ким экан уша одам?

– Жон деган.

– Жон – у ёғи-чи?

– Мен... Билмадим, унинг исми шарифи нима экан? У талаба. Ижтимоий фанларни, ҳуқуқни ўрганади.

Кимдир қаттиқ хўрсиниб қўйди.

– Нима, бор-йўқ билганинг шуми?

– Ўзини кўрсам дарров танийман: у доим жинси шимда ва Америка байроғининг расми туширилган кўйлақда юради...

– Иккита қулоғи ва иккита кўзи ҳам бўлса керак? – кесатиб деди бири қизга шароб узатиб.

– Лекин у шу ерда яшайди.

– Шу ерда деганингни қандай тушунса бўлади? Шу уйда туради демоқчимисан?

– Ҳа, шундай демоқчиман. У... у ҳозир шу ердами?

– Эҳтимол, шундайдир. Тўхта-чи, мен бориб Марждан билиб келаман. У хотин шу ерда яшайди.

Йигит кетгач, қиз тумшайганча деворга ёпишиб туриб олди. Шароб илиқ экан. Мана йигитча ҳам қайтиб келди ва қизнинг қўлидан ушлади-да, уни камбар ошхонага судради. Марж чаноқ олдида туриб олиб кўкат тўғраш билан овора эди. У қизни кўриб, жилмайди.

– Энди эса, Марж, барини бошидан такрорла, – деди йигит ва чиқиб кетди.

– Демак, гап бундай, Жон деганинг шу ерда яшаган, ҳозир эса у йўқ, кўчиб кетганига бир неча ой бўлди.

– Нима... Унда ҳозир... қаерда яшайди?

– Шу яқин атрофда, бу ердан икки маҳалла нарида.

– Манзилини билмайсизми?

Марж жавонни очди ва у ердан нарса ўрайдиган қоғоз парчасини олди-да, қизга узатди.

– Жоржнинг айтишича, сиз Квинсленддан эмишсиз?

– Ҳа, тўғри.

– Жон, афтидан, оламшумул ютуқларни қўлга киритган кўринади, а? Лекин ишонч билан айта оламанки, эркак қандай бўлишидан қатъи назар, мен уни излаб бундай узоқ йўлга чиқмаган бўлардим. – Шундай дея қизарган бармоқлари билан яна нарса тўғрашга тушиб кетди. – Сиз ўзи қайси университетда ўқийсиз?

– Умуман олганда, ҳеч қайсисида. Мен ҳали мактабда ўқийман.

Маржнинг қўлларига ёпишиб қолган зиравор юқи ҳавода қотиб қолди.

– Бу нимаси, қоқиндиқ, ёшинг нечада ўзи?

– Ўн олтидаман, ҳадемай ўн еттига кираман.

– Буни қара-я, қизим, қаерда эканингни ота-онанг биладими ўзи?

– Йўқ... Жуда унчалик эмас.

Марж чироғи ёниқ совиткичдаги парча-парча музларни қолипдан кўчириб оларкан, аллақандай овоз қулоғига чалинди. Сўнг тўнтарилиган қолипга иссиқ сув қуюётиб Марж ундан сўради:

– Ҳеч бўлмаса тунайдиган еринг борми?

Ўқувчи қиз ҳали бунинг ғамини емаганди ва энди, ҳақиқий ҳаёт билан юзма-юз келганда, ўзини йўқотиб, саросимага тушиб қолганди.

– Истасанг, шу ерда тунашинг мумкин, – таклиф қилди Марж. – Бу шовқин-суронлар тонг отгунча тинадиган кўринмайди, шунинг учун сен бемалол жойлашавер, яна қаердан ҳам жой топардинг.

Эртасига, душанба куни қизни қуёш уйғотди – офтоб унинг қовоқларини куйдирди, ухлашга мосланган қоп қизнинг тафтидан нам тортиб қолганди. У кўзини очди ва болохона айвонининг қовурғали қора тўсиғи орасидан бефарқлик билан турнақатор машиналарга боқди. Унинг нақ рўпарасида долчин рангидаги пиводан бўшаган шишанинг оғзи якқол кўзга ташланди, сўнг унинг ёнида кимдир ухлаётгани кўринди. Жоннинг унга жуда яқин, бу ердан бор-йўғи икки маҳалла нарида эканини уйлаб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Унинг кўз олдидан нималар ўтмади дейсиз: мана у, сарпойчан, сочлари шамолда тўзиган, қадимдан қолган гўзал уйлар ёнидан ўтиб келяпти... Қиз ўтирди-да, атрофда яна бир қанча ухлаб ётган одамларни кўрди. Болохона айвони одамлар гавдасини кўтаролмай ғичирларди, токчада эса тўнтаришган стаканлар турарди. Кимнингдир оёғи, қўли устидан эҳтиётлик билан сакраб ўтиб, қиз пастга тушди. Энди пластинка товуши пасайганди, бироқ шундай бўлса-да, у ҳали ҳам узилиб-узилиб бир маромда янграб турарди. Ошхонада ниманидир қовуришарди, бу ис очикқан қизнинг иштаҳасини қитқилаб юборди. Қиз уйдан ситилиб чиқди-да, қуёш остида чўзилиб ётган танага сўнгги бор кўз ташлади, шунда вужудини қувонч ва ҳаяжон қамраб олди. У қора чўян эшикчани оҳиста ёпди.

Жоннинг уйи каттагина экан, олдида моҳирлик билан кузалган камбар майсазор ястанган ва унда-бунда якка гуллар тиккайиб турарди.

Путури кетган эшик тўқмоғи зарби бутун уйда акс-садо берди; устига-устак тумшугини эшик та-

гига суқишга уриниб кучукча акиллай бошлади. Бироқ бу шовқин-суронга ҳеч ким чиқмади. Яна болғачанинг эшикка оҳиста урилган овози эшитилди ва кучукча энди зўр бериб гиламчани тирнай бошлади.

Бу гал йўлақдан оёқнинг шапиллаган товуши эшитилди ва эшик зарб билан очилди. Узун қўнғир сочли одам гавдаси кўринди.

– Салом, – деди қўнғир соч.

– Салом. Жон шу ерда турадимми?

Бошқа оғиз очишга ҳам қўймай, қўнғир соч ўғирилди-да, йўлақдан юриб кетди. Бориб қандайдир эшикни уст-устига такиллатди.

– Бу ердан қорангни ўчир, – ичкаридан паст овоз эшитилди.

– Сени сўраб келишибди, анқов.

– Ким?

– Мен қаердан биламан?

– Бўпти, ҳозир.

Қўнғир соч эшик тагида турган қизга ўғирилди-да, бош ирғаб киришга ишора қилди. Бу ерга кириш учун ҳатто ҳавога ҳам махсус рухсатнома керакка ўхшайди – ҳаво етишмаганидан уй ичи димиқиб кетганди. Хона эшиги очилди... ва сукунат ичида момақалдироқ гумбурлагандек бўлди. Қизни чиндан ҳам танимаган Жоннинг башараси бужмайди, хижолатдан йигит пешонасига тушган сочларини силтади-да, бир томонга суриб қўйди.

– Ҳўш, мендан нима хизмат? – деди у қизга қараб.

Қиз бирдан жунжикиб кетди. Қўзларини ерга олди. Қия очик эшикка суянганча Жон бир қўли билан пижама шимини тутиб турар, устига икки ўлчам кичик тўқима калта қора камзулни ташлаб олганди.

– Ўзи сизга нима керак, яхши қиз?

Қиз шу пайтга довуր қўлтиқлаб турган пластинкани қўлига олди-да, индамай йигитга узатди. Йигит жилдга назар солди.

– Бу нима ўзи?

– Бу сенга.

– Бриттеннинг “Мотам куйи?”

– Бу менда йўқ дегандинг.

– Ростдан-а? – У ажабланганча қошини кўтарди. – Бунни қачон айтгандим?

– Канберрадаги санъат кўриги байрамида, – жавоб берди қиз аста.

– Жин урсин! Энди эсимга тушди. Нега шуни дарров айта қолмадинг? – Йигит қўлини қизнинг елкасига қўйди-да, унинг кўзига тикилди. – Бўлмасам-чи, сени яхши эслайман. – Унинг қўлларида ҳаётий илиқлик уфуриб турарди, бироқ овози бора-сида бундай деб бўлмасди. – Кир, киравер.

Эшик очилиб, қиз ёруғ бўлмаган хонага кириб келди. Деворларга осиб ташланган машҳур сиймоларнинг улкан суратлари тўғрига тикилиб турарди; уларни ёритиб турган шам ёниб тамом бўлганди. Йигит ишора билан унга қўлбола ёстиқли пастак сават курсига ўтиришни таклиф этди-да, ўзи ерга тўшалган тўшакка ўтирди.

– Шу пайтгача нима ишлар қилдинг? – сўради йигит.

– Мактабда имтиҳонларни топширдим, ўтган йили мени синфбоши этиб тайинлашди... – дея гап бошлаганди қиз, бироқ қандайдир баджаҳл ва бўғиқ аёл овози қизнинг устидан кула кетди:

– ... “Мен барча имтиҳонларни топширдим, Жонни, энди мен мактабимизнинг эркатойиман...”

– Овозингни ўчир, Энн! – шивирлади Жон.

Бироқ овознинг ўчишидан дарак бўлмади:

– Вой худойим-ей, ана сизга тортинчоқлигу ана сизга андиша! – Шундай дея Энн, тўшакдан бирозгина кўтарилди-да, бошини эгиб таянмакурсида ўтирган қизга тикилди. Бир неча вақт улар бир-бирларидан кўз узмай ўтиришди.

– Эркатоим Жонни, сенинг дидинг тобора ўтмаслашиб боряпти, – деди Энн сохта йиғламсираб. Жон юзини Эннинг юзига яқинлаштирди-да, ғазаб билан шивирлади:

– Мен сени танлаган эканман, демак, у ёғига йўл йўқ.

Энн қикирлаб кулди-да, уни ўпиб қўйди. Шундан сўнг Жон ўқувчи қизга қаради ва бироз хижолат тортди. Қиз безовта бўлиб ўриндикда типирчилай бошлади.

– Пластинка сенга ёқади деб умид қиламан.

Унинг гапи оғзида қолди ва Энн яна қикирлай кетди.

– Аминман, менга жуда ёқади – қизнинг гапини қувватлади Жон.

– Бу ўзи қанақа пластинка? – сўради бўғиқ овоз ҳеч тагига етолмай.

– Илтимос Энн, бирпас овозингни ўчириб тур.

– Ростдан ҳам, бу пластинкада нима бор ўзи? – Энди савол ўта қатъият билан қўйилганди. – Бу пластинка ахир бизда бор-ку? Устига-устак сенинг буни эшитишга тоқатинг йўқ эди. Нима деб валдираяпсан-а? Вой Худойим-эй, Жонни, сен борган сари тубанлашиб боряпсан.

Жон ирғиб ўрнидан турди-да, югуриб хонадан чиқиб кетди. Қиз ва аёл совуқ нигоҳ билан бир-бирларига еб қўйгудек қарашди. Охири қизнинг тоқати тоқ бўлди-да, шахт билан аввал қопни, сўнг пластинкани олди.

Жон эшик олдида чўнқайиб ўтирарди, тонг ёруғида йигитнинг чўққи соқоли кўринди. Йигит чека бошлади ва у симдан ясалган, эшикка таранг тортиб боғланган тур орасидан тўғрига боққанча ҳаёлга чўмди.

– Кулоқ сол, – деди у ердан кўзини кўтармай ёнида турган қизга. – Ўшанда сенга айтган гапларимнинг бари ҳақиқат. Сен мени англаяпсанми? Бироқ вазият ва шунга ўхшаш бошқа алланималар бизнинг сўзларимиз маъносини ўзгартириб юбориши мумкин экан.

Мен тушундим.

Қизнинг овозида донишмандларга хос майинлик бор эди. Қизнинг оёқлари чўнқайиб ўтириб олган жуссанинг ёнидан ўтиб, уни кўчага олиб чиқди ва шоша-пиша бетон йўлдан, майсазордан ва шовқин-суронли кўчадан жадал одимлаб кета бошлади. Шу тарзда у йўлида давом этаркан ажиб бир енгиллик ҳисси ва қайта қўлга киритилган эркинлик наъъаси вужудини қамраб олди.

Тор кўчадан ўтиб кетаётиб, қиз оҳиста янграётган музика овозини эшитди. Тўсиқ тирқишидан мўралади ва саккиз ёшлардаги ўғил болага кўзи тушди. Болакай баланд ўтлар устида ўтириб олиб, бутун вужуди билан пластинкада янграётган куйга кулоқ соларди. Қиз эскиб зўрға турган тўсиқни қайта-қайта тақиллатди ва бола кўзини ердан узди, куй эса давом этарди. Бола ўшқириб деди:

– Ким у деворимни ураётган? – Сўнг девор оша қаради-да, чақирилмаган меҳмонга кўзи тушиб, унга синовчан тикилди.

– Салом! – деди қиз. – Қандай яхши ўйнаб ўтирибсан! Бриттен сенга ёқадими?

– Сиз бритти дедингизми? Бу анови Британиядаги бриттинми? – сўради болакай.

– Эсли бола экансан, – кулиб юборди қиз. – Менга қара, агар истасанг, шуни сенга совға қиламан?

Шундай дея қиз унга пластинкани узатди.

– Муқоваси чиройли экан, – деди болакай, пластинканинг у ёқ-бу ёгига диққат билан кўз югуртираркан.

– Сен ҳали нотани ҳам биласанми?

– Булмасам-чи! – мағрур туриб жавоб берди болакай. – Мен умуман олганда билимдон боламан. Жума куни имлодан аъло баҳо олдим. Бугун эса бектобман.

Қиз жилмайиб қўйди.

Тор кучанинг сукунати тўсатдан кўча шовқини билан урин алмашмагунча “Ҳарбий мотам куйи”-нинг тебранувчи овози қизнинг кетидан эшитилиб турди...



А Ё З

Ноябрнинг охирига бориб бирдан ҳавонинг авзойи бузилди ва қаттиқ совуқ турди. Митру улкан бульдозернинг устида серрайиб турарди. Унинг шалпанг қулоқлари, совукдан қип-қизариб кетган афт-башараси лавлагини эслатарди. Чийиллаб шамол эсарди. Митрунинг лаби азбаройи ялайверганидан, кўп жойидан ёрилиб кетганди, кўзлари эса қуруқшаганидан алланечук ғалати чақнарди. Йўл ишларининг тугашига ҳали ўн кун бор эди. Қўққисдан бостириб келган бу совуқни ҳаммалари бир бўлиб сўка кетди.

Атайлаб улар учун очилган ихчамгина емакхонада афт-ангори шамолдан қовжираган, кўпни кўрган соқолли одамлару ҳаётда ҳали муртига устара тегмаган бўз болалар тўпланиб турарди. Майхўрликдан баданига енгилгина иссиқ югургандан сўнг уларнинг барчаси ухлагани кетди. Ёғоч уй унчалик иссиқ эмасди ва исиниш учун улар бир-бирларининг пинжларига кириб ухлашларига тўғри келарди. Митру турну-северинлик Помпиликэ деган йигит билан ёнма-ён ётарди. Ундан келаётган саримсоқпиёзнинг ҳидига тоқат қилиб бўлмасди. Ўласанми, қоласанми, унинг иши йўқ, Помпиликэ саримсоқпиёздан воз кечишни сира истамасди. “Биласанми, отахон, бусиз мен шамоллаб қолишим мумкин – бу мен учун чанқоқни қондиргандек гап!” Митру ва Помпиликэ тенгқур бўлиб, икковларининг ҳам ёши ўн саккизда эди.

Емакхонадан кейин йўлнинг нариги томонида салобатли бино қад кўтариб турарди – бу иморат улар келмасидан бурун ҳам бор эди. У ерга атрофдаги қишлоқ кооперативчиларининг девонхоналари жойлаштирилганди. Бир куни баракларга навбатчи бўлиб қолган Митру кўмир олгани ўша ерга борди: печкани ёқай деса ёнида гугурт йўқ эди. У кириб борган девонхонада бор-йўғи икки нафар аёл ўтирарди. Улардан малласоч, ҳаворанг майин свитер кийган бири ўзини тутиб олган аёл эди. Ўша Митрунинг кўзига катта ва меҳрибон бўлиб кўриниб кетди. “Бу, анави қоқсуяк Помпиликэга ўхшаган эмас, бунақаси билан совқотмаслигинг турган гап”, – мутлақо беғараз ҳаёлдан ўтказди Митру. Сўнг хатосини англаб етгач, қип-қизариб кетди. Бошқаси эса думалоқ, бозиллаган печка олдида оёғини иситиб ўтирарди. Қизнинг оёқларига ҳам даставвал Митрунинг нигоҳи тушганди ва шу заҳоти Помпиликэнинг қадоқ босган қўл ва оёқларини эслади. Қиз ҳали анча ёш бўлиб, тахминан у билан тенгдош эди ва у тўсатдан, кутилмаганда шунчаки сўради:

– Яланг оёқда юриш совуқ бўлса керак?

– Ялангоёқ эмасман, пайпоғим бор. Фақат у жуда юпқа.

– Бундай юпқа пайпоқ сал-пал бўлса ҳам совуқдан сақлайдими?

– Сақлайди.

– Бу ерда, иссиқда, иситиши шубҳасиз, – деди у нимагадир маъюс тортиб.

Шундан сўнг Митру бекор қолган пайтлари бу ерга келишни одат қилди – чурқ этмай печканинг олдида ўтириб оларди-да, исинарди. Қиз машинкада чиқчиқлатиб ёзар ва бир зайлдаги овоздан уни аллақандай ғалати вазминлик чулғаб оларди: қиз гўё

унга алланечук сирли ёқимли сўзларни пичирлаётгандек бўлади. Печканинг чирсиллаши унга ўзгача завқ бағишларди ва у ўзини уйида ўтиргандек ҳис этарди. Қиз ва анави ўрта ёшдагиси унга ўрганиб, ҳаттоки тушлик пайтида уни кутиб турадиган бўлиб қолганди. Бу ерда, олов ёнида унинг шамолдан қовжираган, совқотган юзи юмшаб, яна болаларга хос маъсум кўриниш касб этганди. У полда индамай ўтирар ва саволларга қисқа-қисқа жавоб берарди – гапиришни истамаётгани унинг юз-кўзидан билиниб турарди. Митру исиниб, бироз ўзига келгач, бошини кутарди-да, қиз машинкада қандай ёзаётганига разм солди.

– Бу ҳунарни ўрганиш қийин бўлгандир, а?

– Истасанг, сенга ҳам ўргатаман.

– Бошқа қиладиган ишим йўқми? Ҳа, мана буни яшаш деса бўлади! Печка ёнида ўтириб олиб – чиқиллатсанг бўлди, пул ўзи оқиб келаверар эканда. Юзларинг нега бундай эканини энди билдим.

– Қандай экан юзим?

– Мисоли гул, – деди-ю, айтган сўзидан Митру ўзи хижолат тортди.

Қиз қип-қизариб кетди ва ғазаб билан индамай машинкасини чиқиллатишда давом этди. Йигит ҳатто қизнинг исмини ҳам билмасди, шундай бўлса-да, у ҳақда ўйларди. Бироқ у ҳар куни кундузи соат бирда девонхона эшигини ким учун тақиллатаётганини ҳам тушунмасди – қизни дебми, ё уни вақтичоғ хур-хури билан мушукдек қарши олаётган думалоқ печкани дебми. Нима бўлганда ҳам у тушқи дам олиш соатини сабрсизлик билан кутарди.

Бироқ бир сафар, одатдагидек, тушлик вақтида эшикни тақиллатиб, девонхонага кирганида, қиз одатдаги жойи – печканинг олдида кўринмади. Йи-

гит ҳеч нима сўрамади ва ўз жойига бориб ўтирди-да, исина бошлади. Янги келган қиз очиқ чехра билан унга жилмайиб қўйди. У ҳам ҳали ёшгина эди. Энди бу ерга келиш Митруга нимагадир эриш туюлаётганди.

– Анавинга нимадир бўлдимиз? – сўради у оқшом пайти Помпиликэдан.

– Қайси у, анави?

– Анави-да, печка олдида ўтиргани бор эди-ку, – зарда билан деди Митру, қиз туғрисида Помпиликэга ҳеч қачон гапириб бермаганини мутлақо унутиб.

– Қайси печка ёнидаги? – ҳайрон бўлди Помпиликэ.

– Анави-чи, машинкада ёзадиган? – такрорлади Митру.

– Э, анавими! – муғомбирлик билан деди Помпиликэ.

– Оёғини печкада иситадиган-чи?

– Ҳа, биламан, биламан, – Помпиликэ ўзини барини тушунгандек қилиб кўрсатди.

– Биласанми, мен ҳар куни у ерга борардим, – бирдан дилини ёза кетди Митру. – Аввалига мен печка учун боряпман, деб ўйлагандим. У ердаги печкадан ажойиб хуриллаган овоз чиқади-да. Биласанми, кун бўйи совуқда ишлайверганингдан кейин бироз иссиқда тургинг ҳам келиб қолар экан. Шу боис мен у ерга печка учун боряпман, қиз эса шунчаки баҳона бўлса керак деб ўйлагандим. Уни печканинг ёнига совқотмасин деб ўтқазиб қўйишганди. Сўнг қиз ғойиб бўлди, шунда мен баҳона қиз эмас, печка эканини англадим. Жин урсин, назаримда мен у билан бир хонада печкасиз ўтиришга ҳам тайёрман, шекилли! Қани, айт-чи, Помпиликэ, энди мен қандай йўл тутишим керак? Бир кечада мен исиниб ҳам

оларман, бироқ кўнгил учун бунинг ўзи озлик қилар экан.

– Унда уни ўғирлаш керак, – бидирлади Помпиликэ.

– Нима, уни ўғирлаб, ётоғимизга олиб келишим керакми? Бирйўла сенинг оёқларингни ҳам иситиб қўйиши учун? – ҳасрат қилди Митру.

– Хавотир олма, икковингиз менсиз ҳам исиниб олаверасизлар! – қаҳ-қаҳ уриб кулди Помпиликэ.

– Кулгили нима гап бўлди? Нима, мени исиниш учун унга уйланади деб ўйлайсанми? Унинг юзлари қандайлигини биласанми ўзи? Мисоли бахмал, мисоли ипак, гул, мана, қанақа.

– Кел бўлмаса, Митру, уни излаймиз.

– Кел, излаймиз, Помпиликэ, – деди Митру ва бу фикр ҳаёлига аввалроқ келмаганига ҳайрон бўлди.

У ҳатто қизнинг қаерга кетганини ҳам сўрамабди-я. Ўзини ғирт овсарлардек тутибди.

Эртасига Митру девонхонага кириб келди, бироқ у одатдаги ери – печка ёнига келиб ўтирмади. Ҳаворанг свитердаги қизга саволларни қалаштириб ташлади.

– У сенга бирон нима дейишни лозим топмади. Адел фаҳм-фаросатли қиз, сени безовта қилишни истамади. Ишинг оғир, сенга раҳми келди, – тушунтирди аёл.

– Менга раҳм қилишнинг ҳожати йўқ эди, – қовоғини уйди Митру, – кимдир йўл ётқизиши керак-ку. Усиз бўлар эканми? Мана, ҳозир ҳам агар йўл бўлмаса, мен уни қандай излаб топишим мумкин?

Бу фикр унинг ўзини ҳам ҳайратда қолдирди. Чиндан ҳам, қиз қаердадир, йўл поёнига етган ерда бўлиши керак, ва, эҳтимол, у бу йўлни атайлаб унинг учун ётқизгандир. У йўлни қизнинг оёғи таги-

га пойандоз қилиб тушади ва кунлардан-бир кун қиз сандиқчасини олдию йўл қаерда поёнига етса, ўша ерга равона бўлди. Эҳтимол, йигит бу йўлни қизни излаб топиш учун атайин ўзига ётқизгандир...

– Қулоқ сол, Помпиликэ, мен уни излагани жўнайман, – деди у ухлашга ётишганда дўстини огоҳлантириб. – Мана, кўзимни юмишим билан уни қаердадир йўл ёқасида кўряпман. Эҳ, сен нимани ҳам тушунардиг! У тик турибди ва қўлини кўтарди. Юк машиналари эса тарилаганча унинг ёнидан тўхтамай ўтиб кетяпти.

– Мабодо, тўхтаса-чи? – эътироз билдирди Помпиликэ. – Билмаган нарсанг йўғ-а!

Эртаси кун ҳаво илиб, қировлар эриб кетди. Дарахтлар эса қорайиб кўринарди. Улар шу қадар файзсиз эдики, қирғоқ ортидан уфқ сари ястаниб ётган текислик каби кўзга аранг чалинарди. Бироқ нима бўлганда ҳам кўклам кириб келгани аниқ эди. Ҳайдовчи билан ёнма-ён ўтирган Митру: “Қара-я, аёзли кунлар ҳам ортда қолди!” – дея хаёлидан ўтказди. Йўл машина пойида шундай тўшалиб ётардики, гўё уни тўппа-тўғри ҳалиги қизнинг қошига олиб борадигандек...



ЭНГ КАТТА ОРЗУ

Кузбойлогичлар гуруҳи келишини бесабрлик ила кутганча мен пешонамни дераза ойнасига тирадим-да, олисларга тикилдим.

Деразадан энсиз жарлик ичида ётган қишлоқ бор бўйича кўриниб турарди. Ундан нарида чуқур-чуқур ўйилиб кетган йўл ястанган бўлиб, у қишлоқни худди чизгичда чизилгандек тўппа-тўғри қоқ иккига бўларди-да, тоғ тизмалари оралаб, узоқ-узоқларга чўзилиб кўринмай кетарди.

Йўлнинг ҳар икки томонидан анғизнинг қорамтир дағал поялари билан қопланган далалар ястанган, кузги экинлар экилган ерлар қорайиб кўринарди. Кечки сабзавот томорқаларида экинлар энди бош кўтарган.

Дзелькв¹ таналарига маҳкам ғуж бўлиб ёпишиб олган похол билан ёпилган деҳқон уйлари худди учи юқорига қилиб тик қоқилган улкан супургига ўхшарди. Яланғоч дарахтлар тепасидан осилиб кўринган тоғ ён-бағирларида сузиб кетаётган енгил булут парчаларининг соялари қорайиб кўзга ташланарди. Чапда, қиш манзарасига зеб бериб, синточилар эҳроми дарвозаси қизариб кўринарди.

Касал оёғимни отамдан қолган, ўнгиб кетган жун ҳарбийча енгил кўрпа билан ўраб ва елкамга яна бир пахталигини ташлаб, мен тонг саҳардан буён дераза

¹ Дзелькв – қайрағочдошлар оиласига мансуб дарахт нави.

олдида ўтирардим. Шаҳардан қишлоққа фақат биргина йўл бўлиб, ундан артистлар ўтиши керак эди. Уларни мен ўлсам ҳам ўтказиб юборолмасдим.

Кўзбойлоғичларнинг келиши ҳақида мен беш кун бурун ойимдан эшитгандим. Ойим қишлоқ чеккаларига йиртиқ-ямоқ ишларни эгаларига қайтариш учун борарди ва у ёқдан қайтиб келгач, ҳамма жойда телефон симёғочларига “Кўзбойлоғичларнинг катта бир гуруҳи”нинг бўлажак сафарлари ҳақидаги эълонлар ёпиштириб ташлангани тўғрисида сўзлаб берганди. Гастроллар учун бу жуда қулай пайт эди – деҳқонлар ҳосилни ўриб олган ва қишга тайёргарлик ҳам ниҳоясига етганди – шу боис артистлар ҳозир чекка қишлоқларда айланиб юрарди.

Мен ҳеч қачон циркда бўлмаганман, шу боис цирк томошаларини жон-жон деб кўрган бўлардим-у, бироқ бундай интиқликдан заррача фойда йўқлигини шу заҳотиёқ англаб етдим, чунки мен юришдан бенасибман. Ойим эса ҳар ҳафта мени орқасига опичлаб шаҳар касалхонасидаги шифокор хузурига олиб боришига тўғри келарди. Агар битта-яримтанинг бизга кўзи тушиб қолгудек бўлса, ҳар сафар нақ ерга киргудек бўлардим. Ахир, ёшимдан келиб чиқадиган бўлсак, мен учинчи синфда ўқиётган бўлардим. Қишлоқларда эса фақат ёш болачаларни опичлаб кўтаришарди. Кўзбойлоғичлар томошасини роса кўргим келаётувди-ю, аммо бунинг иложи йўқ эди.

Деразадан боққанча мен “Кўзбойлоғичлар катта гуруҳи”нинг томошаларини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилдим. Улар, албатта, от қўшилган фургонларда, қувноқ мусиқалар остида, оркестр ҳамроҳлигида келишлари керак. Кўзбойлоғичлар ўз найрангларини тез, абжирлик билан бажаради-

лар – ҳукиз миниб юрмасалар керак, ҳар ҳолда? Улар бизга нималарни кўрсатишади? Сехрли таёқчасини бир силкитади – ва чиройлигина қиз сўйлоқ тишларини тиржайтириб турган ғазабнок йўлбарсга айланади. Бу ҳақда мен бир китобда ўқиганим бор. Балки улар томошабинларни қанақасидан қанча хоҳласанг ейиш мумкин бўлган эртакнамо Ширинликлар Мамлакатига олиб бориб қўяр? Циркнинг келиш вақти яқинлашгани сайин кўзбойлогичларнинг мўъжизакор кучларини шунча кўпроқ тасаввуримга келтирар эдим. Энди ўзимни соппа-соғдек ҳис этардим. Мана, дўстларим билан қишлоқнинг у четидан бу четига югуриб юрибман, тоғларда кезаяпман, дарёда сузаяпман, ўқиш китоби бўйича дарсларда саволларга жавоб бераяпман. Ўлган отам тирилиб келади... Ҳа-а, қанийди шулар ҳақиқатга айланиб қолса...

Томошага боролмаслигим аниқлигига кўзим етиб турса-да, муюлиш ортидан ана-мана фургонлар пайдо бўлишини ўйлаганимда, юрагим таққа тўхтаб қолгандек бўларди. Аммо йўлда ҳеч зоғ кўринмаётганди.

– Туш ҳам бўлди, нега улар бунча ҳаяллаб қолишди? – норози оҳангда ғудрандим мен, тикув машинасида ўтирган ойим томонга бурилиб қараб. Сўнгги пайтларда у жуда озиб-тузиб кетган, юзида қондан асар йўқ эди.

Тиқишдан бошини кўтармай – онам маҳаллий деҳқонлар кийимларини ямар эди, – у менга тасалли берарди:

– Ҳозир келиб қолади, болам, сабр қил. – Сўнг яна тепкини босарди. Нимқоронғи хувиллаган хонада машинанинг тақир-туқури янада кескинроқ ва баландроқ янграрди.

Бизни кўчириб олиб келишганди, отам эса ўлиб кетганди ва биз ойим, синглим ва тўрт яшар укам билан рухланган тунука томли, омонат кулбада кун кечирардик. Қишда уй ичи зимистон ва ҳувиллаган бўларди. Тирқишлардан совуқ кирар, ойим бечора уларга қоғоз ёпиштириб чиқарди. Ўша куни укам билан синглим қаёққадир гумдон бўлганди – қўшни болалар билан ўйнаб қолишган бўлса керак.

– Болажоним, иситкични алмаштирайми? – машинани тўхтатиб, сўради ойим.

Мен иситкични оёғим бармоқлари билан пайпаслаб кўрдим ва “ҳа” дегандек бош ирғадим. Кузатишга берилиб, иситкич ҳам ёдимдан чиқиб кетганди, аммо энди унинг совиб қолганини билгач эса оёғимга дарҳол оғриқ турди.

Оёғим, албатта, иситкични эсга олганимдан оғримаётганди, шунчаки совуқдан у ҳар доим оғрир эди. Қиш яқинлашиши билан оғриқлар кучаяди, оппоқ қиров кўнган далаларга ҳад-ҳисобсиз кулранг чуғурчиқлар булутдай бостириб келганида эса ўнг оёғимдаги симиллайдиган оғриқ менга доим азоб бера бошларди. Қон нотўғри айланиши туфайли иситкични ҳар қанча иссиқ қилиб босмай, оёғим муздек қотиб тураверарди. Совуқ тунларда оғриқ шунақанги жон-жонимдан ўтиб кетардики, охири ойимни чақиришга мажбур бўлардим. У менга янги иситкични олиб келар, сонимдаги йирингли докани алмаштирар ва оғриқли оёғимни анчагача авайлаб силар эди. Уни мудроқ босиб, қўли аста-секин ҳаракат қилишдан тўхтаса, мен овозимни кўтариб, уни чақирардим ва у яна оёғимни силашга тушиб кетар эди.

– Ойи, улар ростданам келишадими? – бесабрлик билан сўрадим мен, янги иситкич алмаштирилаётганда.

– Келишади, келишади. Бекорга жаҳлинг чиқмасин, болам, жиндай сабр қил.

Ойим деразага бирров кўз ташлади-да, ёнимга сопол иситкични қўйди ва кафти билан бир неча бор шاپиллатди-да, сўнг яна тикув машинасига утирди. Мени сира жаҳлим чиқмаганди, шунчаки кутавериб тоқатим тоқ бўлганди. Касал оёғимни иситкич устига қўйдим-да, яна деразага тикилдим.

Мен уззукун деразадан кўчада бўлаётган ҳамма нарсани кузатишга ўрганиб қолгандим. Туғри, қишлоқда, хусусан қишда қизиқ нарсалар кам бўлади, шу боис одам дарров зерикади. Мен кўчада қандайдир ҳаракат бўлишини ёқтираман. Бу хоҳ қоп-қора ва қаторлашиб ётган жўягу уватлардан сакраб-сакраб ўйнаб юрган болакайлар бўлсин, хоҳ бошини юзигача сочиқ билан ўраб олган, қўш ҳўкизни олди-га солиб ҳайдаб кетаётган деҳқон бўлсин, барибир... То кўздан йўқолгунча улар ортидан қараб қолардим. Мен айниқса боғимизга кириб қолган, хитой ғарови донларини хуш кўрувчи, жаранг овозли ўрдаклар ва майналарни кўрганимда завқланиб кетардим. Ҳатто офтобшувокда гўнғиллаб учиб юрган сўналар ҳам назаримдан четда қолмасди. Кўчада букчайиб, ҳас-са таяниб, йўл чеккасида узоқ айланиб юрган битта-яримта қарияга кўзим тушса ҳам суюниб кетардим. Унга қарардим-да, ўйлардим; секин юрса нима қипти, секин юрса ҳам ишқилиб ўзи юрса бўлди-да...

– Ойи, ойижон! Келишди! – қичқирдим мен деразага ёпишиб. Узоқдан усти ёпиқ от-арава кўринди. Ниҳоят-а! Бу цирк соябон араваси эканини мен дарров билдим. Ҳўкиз арава қишлоқда тўлиб ётибди, от-аравалар эса, бармоқ билан санарли. Усти ёпиқ от-аравани гапирмаса ҳам бўлади.

Арава яқинроққа келганида вой деб юбордим: бу қанақа лақашиқилдоқ бўлди?! Соябонли арава-нинг оч жигарранг тепаси қора бўёқ билан чаплаб ташланган, орқадан йиртилиб тушган брезент шамолда лоп-лоп қиларди. Кирланиб кетган ён мато қопламалар осилиб ётарди. Уларга алланималар ёзилган бўлиб, фақат “катта” ва “гуруҳ” деган икки-та миххат сўзини ўқиса бўларди. Арава ғилдираклар-и ўйдим-чуқур жойларга тушиб-чиқаверганидан фургон, гоҳ у, гоҳ бу томонга қийшайиб, қандайдир бесўнақай ҳаракат қиларди. Тақирбош аравакаш ўша заҳоти юганни ё тортар, ё қўйиб юборарди. У бошланг ўтирар, лоақал бошини сочиқ билан ўраб олмаганидан роса совқотарди ҳам. Шаҳардан келиш йўли ҳамма вақт тоққа қараб кетарди, тик баланд-ликлардан юришнинг ўзи бўлмаганидан отнинг ҳам роса силласи қуригани аниқ эди. Аравакаш дам-ба-дам қамчи устига қамчи босарди. Туёқлар остидан учқунли паға-паға булутчалар пайдо бўлар ва шамол уларни ўша заҳоти учириб кетарди.

Мен шаҳардан бир нечта от-арава чиқиб келса керак деб ўйлагандим, бу ерда бўлса бор-йўги бит-тагина арава, устига-устак унинг ҳам шалоғи чиқиб ётибди.

Ҳа-а... “Кўзбойлоғичларинг катта гуруҳи” биргина аравада-я?! Мусиқадан ҳам дарак йўқ! Бари мен кутгандек бўлиб чиқмади – шуларни ўйлаб, ҳафсалам пир бўлди.

Соябонли арава қишлоқнинг ярмига бориб қолганида болалар уни пайқаб қолди ва қий-чув қилганча уватлар бўйлаб кимўзарга чопа кетди. Бир қанча жулдурвоқи аллақачон йўлга чиқиб, арава кетидан қувишга тушди. Арава ўриндиғида ўтирган киши салгина ўрнидан қўзғалганча, галати қилиб бура-

либ-эшилиб уларга салом берар эди. Болакайлар унга жавобан қувноқ қўл силкитишди. Мен ҳам бирданига соябонли арава кетидан шундай югургим келиб-кетдики, қўяверасиз.

“Арава, кўриниб турибдики, алмисокдан қолган, бунинг устига бор-йўғи биттагина, аммо модомики эълонларда “кўзбойлогичларнинг катта гуруҳи” дейилган экан, демак, дастур ҳам шунга яраша бўлиши керак”, – мулоҳаза қилдим мен.

У томондан бу томонга силкинганча болалар қуршовидаги соябонли арава тоғ этагида кўздан ғойиб бўлди. Бошланғич мактаб биносигача у ёғоч кўприк бўйлаб дарёдан ўтиб бориши керак бўларди. Соябонли арава кўздан йўқолиши билан энсиз йўл ҳувиллаб қолди ва қишлоқ яна ўзининг зерикарли ва ғамгин ҳолига қайтди.

Эшик ланг очилиб, хонага узук-юлук нафас олганча ўйинқароқ жигарларим бостириб кирди. Укам ойимнинг этагидан тортқилаб, қистай бошлади:

– Бўлинг! Бўла қолсангиз-чи!

– Шошиб нима қиласизлар, барибир оқшом тушмай бошланмайди, – тўхтатди ойим уларни, тикишдан кўзини олмай.

– Қўшнимиз, агар тезроқ бормасаларинг, жой қолмайди, деб айтди, – норози оҳангда чўзганча деди синглим.

“Уларнинг баравар ёпирилиб келишида гап бор экан-да”, – ўйладим мен.

– Томошага бутун қишлоқ чиққандан кейин жой қолмайди-да! – ойимнинг гапига қулоқ ҳам солмай ўзиникини маъқуллай кетди синглим.

– Ёки томошадан бутунлай қуруқ қоламиз, – тумсайиб деди шамолдан иккала юзи қип-қизил бўлган тикмачогимиз.

– Болаларим, балки қўшнимиздан сизларни бир-га олиб боришини сўраганим маъқулдир? – Ойим машинани тўхтатди ва қўлларини кичкинтойларнинг елкасига қўйди.

– Нега энди? Нега биз қўшнимиз билан боришимиз керак экан? – укам ва синглим бараварига хафа бўлиб тўнғиллаб кетди.

Мен ўгирилдим-да, нигоҳимни ҳувиллаган кучага олдим. Ойимнинг кўнглидан нималар ўтаётганини билиб турардим.

– Акангизнинг бир ўзи зерикиб қолади. Бунинг устига ишларимни ҳам битирганим йўқ...

– Йўқ! Сиз билан бораман! – маҳкам туриб олди укам.

– Мен ҳам. Шу ишингизни эртага қилсангиз-чи? Акамизни эса ҳар доимгидай опичлаб олиб бориш сизга малол келмайди, – кичкинтойни қувватлаб деди синглим баланд овозда, хафа бўлиб.

– Бас қиласанларми, йўқми? Сабрингиз чидамаётган бўлса, учовларинг кетаверинглар! – дедим уларнинг кичқириқларини босишга ҳаракат қилиб. Ҳамма мен томонга бурилиб қаради. – Боринглар, мен эса уйга қоровул бўлиб қоламан! – Уларнинг жаҳл билан қараётганини кўриб, мен яна дераза томонга ўгирилиб олдим.

Қуёш уфққа ёнбошламоқда эди. Йўл ёқалаб саф тортган телеграф сим ёғочларининг сояси йўлнинг ўртасига бориб қолганди. Соялар йўлни кесиб ўтиб, даланинг ярмига бориб етганда, қуёш тоғ устига беркиниб улгурди.

– Жон болаларим, йўқ деманглар, қўшни билан боринглар, – оҳиста илтимос қилди ойим.

– Ҳа-а, унда нега дарров кичқиради? Сиз эса доим бизни алдайсиз ва фақат акамизнинг айтганини қиласиз.

Бу гапларни эшитиб, яна чидаб туrolмадим:

– Ҳой, мижғов! Йўқол бу ердан! – бўкирдим мен ўша-ўша дераза томонга қараб ётганча. Нафасимдан ойнада бир сониягина юпқа парда ҳосил бўлди ва ўша заҳоти кўздан йўқолди. Синглим ҳамон нима-лардир деб жавранарди – унинг одати шунақа, бир бошладими, тўхтатиб бўлмасди.

– Бирпас ўйнаб келинлар, – деди ойим. Укам билан синглим индамай кўчага йўл олди.

Хона ичи яна жимжит бўлиб қолди. Фақат тикув машинасининг тақир-туқуригина эшитиларди. Мен деразадан ўгирилиб, чалқанча ётиб олдим-да, қўлларимни бошим остига қўйдим ва кўзларимни юмдим.

Нафсиламрини айтганда, томошага боришни хоҳлардим. У мажлислар танобийсида бўларди, демак, мен мактабни кўрган бўлардим. Ахир, мен у ерда бир марта ҳам бўлмаганман. Менинг дўстларим ҳам йўқ. Мактаб тўғрисидаги гапларни фақат бу йил баҳорда¹ биринчи синфга борган синглимдан билиб олардим. Унинг ҳикоялари одамни завқ-шавққа тўлдириб юборарди. Аммо борди-ю, ойим мени опичлаб олиб боргудек бўлса, ҳамма бизга кўзларини чакчайтириб қарар ва ҳатто “анави чақалоқни қаранлар” деб калака қилар эди. Баридан ошиб тушадигани мен учун шу эди. Ҳолбуки бундан ҳам эртароқ уйғонсам-да, эрталаблари ойимдан мени дераза тарафга томдан шудринг томчилари чак-чак қилиб томгандан сўнггина олиб ўтишини ўтинардим. Бунгача дераза олдига йўламасдим. Тенгқурларимнинг мактабга кетаётганини кўриш мен учун азоб эди. Уларга совуқ писанд эмасди. Барчалари бардам, тетик, улар уватдан-уватга сакрар, уруғ ташланган экинзорларни

¹ Японияда ўқув йили 1 апрелда бошланади.

айланиб ўтар ва катта кўча бошида тупланишарди, бу дақиқаларда мен кўрпага бошимни буркаб ётиб олардим-да, уларнинг гапларига қулоқ солар эдим. Шаҳар касалхонасига йўл олаётганимизда биз доим кўчага каллайи саҳардан чиқиб олардик – бу пайтда кўчада ҳеч зоғ бўлмасди-да. Мени орқасига ўнгариб олган ойим ҳассага таянганча оғзидан паға-паға буг чиқариб, ичидан темир йўл ўтган шаҳар манзилгоҳи томон муз боғлаган шағалли йўлдан эҳтиёткорлик билан тушиб борарди.

Узоқ чўзилган, мудҳиш ва биз мағлубиятга учраган уруш тугаганига ҳам уч йил бўлди, касалим эса тобора оғирлашиб борарди. Шифокорлар менда тос-сон бўғимлари сили борлигини аниқлашди ва мени махсус муолажага муҳтожлигимни айтишди, бироқ уйда лоақал муолажа белбогига ҳам етарли пул йўқ эди. Қўлимиздан келадиган ягона иш – бу ҳафтада бир бор тоғдан тушиш, докторга кўриниш ва дори олиш эди, холос. Бир куни эрта ёзда, айнаи уруш поёнига етган йили мен тоғ сўкмогида сирпаниб кетиб, йиқилиб, соним лат егандан кейин оёғим оғрий бошлаганди. Аммо бунгача ҳам мен, ҳойнаҳой, отамдан силни юктириб олгандим. Жанубий денгизларда жанг қилиб юрганида отамнинг ўпкаси шу дардга мубтало бўлганди ва уни уйга қайтариб юборишганди. У қон тупуриб юрган кўйи қайтиб келди ва шу ерда, қишлоқда 1945 йилнинг кузида дунёдан ўтди. Йиқилганимдан бир неча кун ўтгач, ўнг соним шишиб кетиб, оғрий бошлади. Тиззамнинг тепа қисми айниқса қаттиқ шишиб кетганди, шишдан терим чўзилиб, тип-тиник бўлиб кўринарди. Кейин у ёрилди ва яра ичидан кўп йиринг чиқди, шундан кейин мен тўшакка росмана михланиб қолдим. Қишлоқда шифокор йўқ эди ва мени орқа-

сига опичлаб, ойим мен билан суртма дори олгани шаҳарга борди. Ойимга менинг касалимни фақат Токиодаги катта касалхонада даволаш мумкин деб айтишди. Токиодаги уйимиз бомбардимон вақтида ёниб кетганди ва бундай сафарларга отланиш учун бизда пул йўқ эди. Мен бутунлай юролмайдиган бўлиб қолгандим ва бутун ёзни рамақдажон отам билан икковимиз қоп-қоронги, ҳамма томонидан ғуриллаб елвизак уриб ётган хонада ўтириб ўтказдик.

Отам ўлганининг иккинчи йили қишда яллиғланиш тиззамдан тортиб то тос-сон бўғимларимгача қамраб олди. Битта яра битди дегунча, сал тепароқдан бошқаси пайдо бўларди. Янги бадбўй ҳидли яра очилганда олдинги яра чўзилиб, юпқарган терида худди куйгандан кейинга ўхшаш чандиқлар қоларди. Шундай чандиқлардан бештаси оёғимни жуда хунук қилиб ташлаганди, сонимнинг териси чигиртка емириб ташлаган гилос баргларига ўхшаб қолганди. Ҳар янги яра олдингисидан катталашиб, битиши қийинлашиб борарди. Яқинда очилган, ҳисоб бўйича олтинчи йирингли ярада оқ суяк бўлагичи чиқди. Йиринглаш энди суяк тўқимасига кучиб ўтганди. Ярага тиғ теккизганларида оғриқни сезмасдим, ҳолбуки, тиғнинг салкам ярмидан кўпроғи суяк ичига кириб борарди. Дард оғриқни сезадиган томирларни ҳам ишдан чиқарганди. Наҳотки қишлоқ шифокорларининг охири бориб суягимни кесишга тўғри келади деган гаплари ҳақиқат бўлиб чиқса?! Шунини ўйласам кўрқиб кетардим ва ойимдан гина қилар ва мени тезроқ Токиога олиб боришини талаб этардим. Жавобан у айбдорларча оҳангда яна бироз сабр қилишимни ўтинарди. Аммо ямоқчилик билан Токио сафарига пул ишлаб топишнинг ўзи бўладими...

Токиодан келтирилган кийим-кечак ва уй-рузгор буюмларидан деярли ҳеч нима қолмаганди: энг қимматлиларининг барини ойим гуруч ва сабзавотларга айирбош қилиб бўлганди. Кийим қутимизнинг қанчалик бўшаб қолганини ундаги ғаладонни у ёқбу ёққа сурганда чиққан ғийтиллаш овозидан билиб олардим. Илгари, у кимоно ва обиларга¹ тула бўлганида ғаладонлар худди мойлангандек унсиз ҳаракат қиларди.

... Мен кўзимни очдим ва қорайган ёгоч деворда осиглиқ отамнинг фотосуратига нечанчи марта синчиклаб қарай бошладим. Суврат сумо² бўйича шаҳар биринчилигида, айти мен туғилган йилда олинганди. Отамнинг эғнида олий тоифа курашчиси-нинг рангдор пешбанди бор эди. Шундоқ баҳайбат қад-қоматли паҳлавоннинг қон тупуришдан ўлиши мумкинлигига ҳали-ҳануз ишонгим келмайди! Барибир отам ўлди, унинг касали эса менга ўтди. Худди кўшнимизнинг ўғли каби агар отам фронтда бедарак кетганида эди, унинг қайтишига умид боғласа бўларди, лекин... Пешонамни дераза ойнасига тираганча мен отам жасади солинган тобутни қишлоқдошларимиз қандай кўтариб кетишаётганига узоқ қараб қолдим. Ана, улар қишлоқ йўлидан чиқишди-да, айнан менинг ойнамда қад кўтарган ўткир учли тоғ томон бурилишди. Бошини эгганча ойим тобут ортидан борарди. Дафн маросимида одамлар жуда кам эди. Ўликни куйдириш бошланди. Мен икки кўзимни олмай қараб турган тоғ этагидан бўй чўзган тутун устун кўтарила-кўтарила тип-тиник осмонда гойиб бўларди.

¹ Оби – кимоно устидан тақиладиган узун, эндор камар.

² Сумо – оғир вазнлиларнинг япон миллий кураши.

Эшикнинг тарақлаб очилгани эшитилди. Мен бошим остидан қўлларимни олдим. Иккала жимитвой қайтиб келганди.

– Ойижон, суюнчи беринг – топдик! Акажонимиз ҳам томошани кўра олади! – Синглимнинг кўзлари катта-катта очилганидан, дум-думалоқ бўлиб кўринарди. – Биз уни велосипед шатагига ўтқазиб оламиз, шунда тўрттовимиз ҳам циркка борсак бўлади! – гердаииб сўзини тугатди у.

– Шатакда? – такрор сўради ойим.

– Ҳа, қўшғилдиракли шатакда. Шатакни ҳам топиб қўйдик, – қўшимча қилди укам кафтининг орқаси билан бурнини артаркан.

– Топиб қўйдик? Қаердан?

– Қўшнидан сўрадик. Бўйрани ҳам. – Ойимга қараб қўйиб, синглим менга яқин келди. – Акажон, шатакда қийналмай борасиз. Ҳаммамиз бирга борамиз, – деди синглим маҳаллий оҳангда сўзларнинг охирини чўзиб-чўзиб.

Ўзининг қўшғилдиракли шатагидан қўшни чол гуруч ва картошка ташишда фойдаланарди. Шатак қора ранга бўялган бўлиб, соппа-соз кўринарди. Мени шу шатакка ўтқазиб олиб боришни уйлашган экан боёқишлар.

– Мен шатакка солиб олиб бориладиган бир қоп гуруч ҳам, картошка ҳам эмасман, – ғудрандим мен.

– Ойимиз опичлаб борсалар уяласиз-ку. Қайтанга шатакда қулай-ку. Сизни биз олиб борамиз. Тагин нима керак?! – Синглим бамисоли дилимдагини бехато ўқиб бераётганди. Аммо унинг бу гапларни ўпкалаган оҳангда, менга бошдан-оёқ қараб туриб гапирганидан синглимнинг ҳақлигига тан бермай иложим йўқ эди. Мен яна дераза томонга ўгирилдим-да, миқ этмай туравердим.

– Шу қайсарлигингиз қолмади-қолмади-да! – Синглим зарда билан шундай депсиндики, бундан ўзининг оёғи кўпроқ озор чеккан бўлиши керак.

– Айтдим-ку, бормайман деб, демак бормайман! – чўрт кесдим мен.

Агар оёғим бунақа бўлмаганида бу ипиriskи қизнинг нақ тилини суғуриб олардим, аммо мен қахру газабимни пўписали қичқириқлар билан ифодалашга мажбур эдим. Мактабга бориб, бу қиз жуда ўзидан кетиб қолибди. Энди эса мана бу мечкайвой ҳам гапимга кирмай қўйган.

– Жигарларинг сени деб атайлаб улов топиб келибди. Сен ҳам юр биз билан, – ўтинч билан деди ойим.

Хаммаси шундай жонимга тегиб кетгандики, мен енгил кўрпани бошимга тортдим-да, пиқ этмай ётавердим. Хонада чуқур сукунат ҳукм суларди. Мени жуда заҳартанг қилмоқда эди. Тошбақага ўхшаб, енгил кўрпа тагидан аста бошимни чиқаздим. Ўнг кўзимнинг қири билан мен учовини баравар кўрдим. Яқинларимнинг кўринишидан ҳайратда қолгандим. Ойим кичкинтойларни елкасидан қучиб турарди. Унинг чап ёнида йиғламоқдан бери бўлиб синглим қапишиб олганди. Мен шу заҳоти енгил кўрпани яна бошимга тортдим-да, нафасимни ичимга ютдим.

– Боринглар, ҳовлида ўйланглар, – ўтинди ойим. Синглим билан укам чиқиб кетди. Мен базўр нафас олиб ётардим. Қўшни хонадан овозлар келди, кейин ташқари эшик қарс этди – барчалари кўчага чиқиб кетди, шекилли. Мен енгил кўрпани силтаб отдим. Кўз ўнгимда ёшини ичига ютган синглим пайдо бўлди-ю, бирдан юрагим ачишиб кетди.

Қишлоқ узра шом қоронғилиги чўкмоқда эди. Деразадан уватлар ва сўкмоқлардан ўтиб цирк ўйин-

ларини томоша қилгани тўпланаётган деҳқонларнинг қораси кўриниб турарди. Улар бир-бирларига таъзим қилар ва қишлоқ йўлидан мактаб томон юриб кетар эдилар. Катталардан алоҳида ёш болалар гала-гала бўлиб чопар эдилар. Деҳқонлар қўлида егулик солинган тугунлар ва ғаров саватчалар ликиллар эди. Уларга, ҳойнаҳой, егуликлару қўлбола сакэ солинган бўлиши керак.

Ўйин-кулги – қишлоқ аҳолисининг энг яхши кўрган эрмаги. Қўшнимизнинг гапига қараганда, уруш тугагандан кейин бу цирк гуруҳининг биринчи бор келиши экан. Бизнинг қишлоқда қанақа ҳам ўйин-кулги бўлсин, – куз байрами, спорт мусобақалари ва Баҳорги маданият куни, вассалом. Шу кунларда барча хонадонларда мул-қўл ширин таомлар пиширилади. Томошабинлар тантаналар бошланишидан бир неча соат олдин жойларни эгаллашади. Мен-ку спорт ўйинларини ҳам, Маданият куни байрамини ҳам кўрмаганман. Куз байрамида ҳам деразадан фақат олисдаги далаларда муборак тахтиравонни кўтариб кетишаётганини кўриш мумкин бўларди.

Севинчдан юзлари ял-ял ёнган, мактаб томон шошиб кетаётган деҳқонларга қараб туриб цирк томошасини кўришга мен ҳам шунақанги иникиб-умсуниб кетдимки, қўяверасиз. Мен деразадан ўзимни олдим, чалқанча тушиб ётдим-да, қўзларимни юмдим. Шу заҳоти кўз ўнгимда ҳилпираган қора ёмғир-пўшдаги қўзбойлогич пайдо бўлди.

– Ака-а-жо-о-он! – боғда синглимнинг овози янгради. Мен ўзимни деразага олдим. Қаттиқ ҳаракатдан ўнг оёғим лўқиллаб оғриб кетди. Қовоғимни уйиб, деразадан қарадим. Боғдан ичига укам миниб олган қора шатакни судраб келишарди. Ойим олдинда тортиб келаётган бўлса, синглим орқадан

итариб келарди. Синглим менга қўл силкиб қўйди, кейин, худди ҳақиқий деҳқон аёлларидай, бир қўли билан аравани ушлаб, иккинчи қўли билан қўйлагининг ёнларини текислади ва манглайини артди. Қўшни девор-дармиён эди, ён қўшни – жон қўшни. Топқиргина қиз ҳеч нарса йўқотмаган ҳам, ортиқча уринмаган ҳам эди – терлаб кетиши тагида эса бошқа гап бор эди, яъни ўзини улғайган қилиб кўрсатмоқчи! Ураниб олган укам эса арава ичида питир-питир қилганча, афтини турли мақомда қийшайтириб кулар эди.

Эгилиб, ойим шатак ёйи остидан суқилиб ўтди-да, айвондан юриб бориб уйга кирди ва енгил кўрпа билан тўшакча олиб чиқди. Нарсаларни аравачага қўйиб, онам ёнимга келди.

– Ҳаммаси тайёр! Кетдик! – деди ойим, менга қўлини чўзиб. Сўнг эрталаблари касалхонага борганимиз каби, мен унга томон чўзилдим. Ойимнинг лабларида пайдо бўлган ним табассум нуқси кўзига уриб, илиқ қараб турарди. У мени чакқонлик билан қўлтиқлади-да, оёққа турғазди.

– Кўча салқинлашиб бораёпти, иссиқроқ кийиниб олишим керак.

Ойим мени касалхонага олиб борганда ёпинадиган қавиқ кўрпачага ўради. Гуллари қизларбоп майда ол ва сариқ рангли шу кўрпани кўргани кўзим йўқ. Бунинг устига шунақа кўрпага ўраб қўйишса, сени қиз бола билан адаштириб юборишлари ҳам ҳеч гап эмас. Аммо бу гал чидаб бердим ва ойим мени ўз билганича ўраб-чирмай бошлади.

Ойим мени шатаккача кўтариб борди. Аравага ўтирарканман, темир тутқичдан ушлаган эдим, у қўлимни куйдириб юборди. Ойим оёғимни енгил кўрпа билан ўраб, елкамга пахталик кўрпачани ташлаб қўйди. Мен синглимга қарамасликка ҳаракат қилар,

ўзимни ҳеч нарсани кўрмаётганга солар ва шу боис чурқ этмаётган эдим.

– Кетдикми? Тайёرمىсиз, ойи? – Ортимдан синглимнинг кўнғироқдай овози янгради.

– Бўлди! Кетдик!

“Мен ҳам қарашиб юбораман”, – дея укам ҳам шамолда қорайган кўлчалари билан шатакни итаришга тутинди. Қияликдан улар шатакни боғдан қишлоқ йўлига чиқариб олишди. Шунда укам ҳам шатакка чиқаман деб хархашалик қилиб қолса бўладими.

– Сенинг оёғинг огримайди, ўзинг етиб олаверасан, – насиҳатомуз деди синглим, аммо унинг гапига қулоқ солмай укам арава ичига ўзини ташлади. Уни ёпинчиғим остига тортган эдим, ўзимни қулайроқ хис этдим.

Йўл бошдан-оёқ уйдим-чуқур бўлиб, арава қаттиқ-қаттиқ силкинар ва оёғимга зўр келарди, бироқ тишимни тишимга босиб оғриққа чидар эдим. Осмоннинг ғарбий қисми кечки шафакдан қизариб турар эди. Ҳамма нарса деразамдагидан кўра анча таъсирчанроқ ва чиройлироқ кўринарди. Уйдан чўғдай қизил қиш қуёшига қарашни ёқтирмасдим, чунки у ғойиб бўлаётганда куннинг тугаганидан дарак берарди. Туннинг эса жуда ҳам совуқ бўлишини мен билиб турардим.

Ортимдан болалар овози эшитилиши биланок мен дарров кўзимни юмиб олардим. Аравачани қувиб ўтаётиб ҳамма буйруқ берилгандай жим бўлиб қоларди. Албатта, менга ажабсиниб қарар эдилар. Болалар олдинга ўтиб кетганига ишонч ҳосил қилганимдан кейин кўзимни очар, бироқ битта-яримтанинг менга тикилиб турганини кўрсам, яна кўзимни чирт юмиб олардим. Фақат ойимгина ҳамма билан илиқ саломлашарди.

Тош дарвозадан ўтиб, биз мактаб ҳовлисига кириб келдик. Мана, мен ҳам мактабдаман! Мен энди кўзимни чирт юмиб ололмасдим. Дарвозанинг қарши томонида қишлоқ мактабининг ёғоч биноси чўзилган. Ҳовлининг тўрида кўзим турник, арғамчи ва кумлоқ майдончасига тушди – булар ҳақида синглим гапириб берганди. Ҳамма ёқда болалар ўйнардди. Мен ҳамма нарсага бир бошдан қараб чиқмоқчи бўлгандиму аммо бунга улгурмадим. Бир гала халойиқ шатакни ўраб олганди. Менга синчиклаб қараганча улар аравача билан ёнма-ён боришарди.

Бу ерга келмасам бўларкан! Бу жой бунақа касалга тўғри келмас экан! Мен ўзимни бефарқ тутишга шунча ҳаракат қилсам-да, аммо бу қўлимдан келмаётганди.

Биз мажлислар танобийсига етиб келганимизда, ҳамма ойимнинг мени аравадан қандай олиб тушаётганидан кўзини узмасди. Одамлар девордай зич тизилиб олганди. Мен қаттиқ кўрқиб кетиб, ғужанак бўлиб олдим-да, ойимнинг озғин елкасидан қасирлаб кетгудек қаттиқ қисдим. У фақат: “Ўзингни ҳар доимгидай тут”, – деди қулоғимга. Аммо мен худди маймун боласидай юзимни унинг сийнасига яширдим.

Баланд мажлислар танобийсида қалпоқсиз чироқчалар осилиб турар, ерга бўйралар тўшалганди. Тўртбурчак ёғоч манқалдонларда яллиғланган кўмир бўлаклари қизариб кўринарди. Мусиқа янгради, ҳаммада жонланиш пайдо бўлди. Кенг танобийда болалар у ёқдан-бу ёққа юрар эди. Ёшлари бир жойга бориб қолган деҳқонлар ёш қизларга ҳазиломуз гап отиб, кемшик тишларини кўрсатиб тиржаяр эди. Энг бесабрлилар егуликли кутичаларини очиб, аллақачон сакёдан “тортиш”га тушиб кетганди.

Ойим мени биринчи қаторгача олиб келди ва олдин келганлардан кечирим сўради-да, мени ерга қўйди.

– Ўгилчангнинг аҳволи қалай? – сўради ёнма-ён ўтирган катта ёшдаги хотин.

– Нимасини айтасиз, совуқ тушди дегунча, боёқишга оғриқ азоб бераверади, – деб жавоб берди ойим, кампирга эътибори учун миннатдорчилик билдириб.

Кампир ҳамдардона бош ирғаб қўйди, кейин эса аста деди:

– Дард бошқа, ажал бошқа. Ўтганларни эса қайтариб бўлмайди...

Ойим бир куни менга шу кампирнинг кенжа ўғли бўлган ҳарбий кема чўккани ва ўғли ҳалок бўлганини гапириб берганди. Мен кўпинча деразадан қўлида бир даста гулни маҳкам тутамлаганча аёлнинг қабристон йўлидан кетиб бораётганини кўрардим. Кампиршо биз болаларга биттадан пишган картошка улашди. Томоша бошлангунча ул-бул нарса тамадди қилиб олдим.

Ниҳоят парда сурилди. Бошдан-оёқ қоп-қора кийим кийган кўзбойлоғич бошини эгиб саҳна ўртасида турарди. Дабдабали цилиндрсимон бош кийимни тўғрилаб, у ҳар иккала қўлини узун ёпинчиғи тагидан суғурди-да, томошабинлар билан саломлашганча қўлларини баланд кўтарди.

– Атракционимизни бошлаймиз! – баланд овозда эълон қилди ва чопонини силкиб қўйди. Қизил астар ялт этиб кетди ва – хоҳ ишонинг хоҳ ишонманг – кўзбойлогичнинг қўлида қанотларини қоққанча бир жуфт оппоқ каптар пайдо бўлди. Танобийда қарсақлар янгради. Мен ҳам шошиб чапак чалдим.

Саҳна ортидан ёш аёл чиқиб келди. Қандайдир бир дастшўйга ўхшаш идишни тагликка ўрнатиш-

дан аввал аёл уни ҳамма томонидан томошабинларга кўрсатиб қўллари билан айлантирди. Сўнг чаққон ҳаракатлар билан гугуртни олди, қутичага ишқаб чирт этиб ёқди-да, уни дастшўйга ташлади. Ўша заҳоти ўша ердан аланга кўтарилди:

– Вой! – деб қичқириб юборди танобийдаги бир аёл.

Мана сизга сеҳрли аланга! Ҳаммаси шундай жўн-ки, ҳатто ғаров пуфлагичнинг ҳам кераги йўқ.

Кўзбойлоғич аста тағликка яқинлашди, таъзим қилди, қандайдир овоз чиқарди ва челака ўхшаш ғилоф билан алангани ёпди. Олов ўчди.

– Ўҳ-ҳ, – енгил нафас олди биз билан ёнма-ён утирган бир хотин.

– Кўрайлик-чи, бизнинг сеҳрли алангамиз нимага айланиб қолди экан, – ҳазилнамо деди кўзбойлоғич ва ғилофни кўтарди. Тоғорада сертухум оппоқ она товук ўтирарди. – Жуда соз, энди биз сергўшт она товукли ҳам бўлдик.

Товук панжасини кўтарди, тоғоранинг тагига бир нима тарақ этиб тушганини ҳамма эшитди. Товук иккита тухум қилган эди. Ана буни кўзбойлоғич деса бўлади! Кўз очиб-юмгунча бир жуфт тухум тайёр... Ие, бу нима? Она товукнинг бошида катта кизил хўроз тожи осилиб турарди. Ахир, бу хўроз-ку! Хўрознинг тухум туққанини ким кўрган? Чапак ўрнига танобийдан кулги овози эшитилди. Кўзбойлоғич кулмас, ўзини жиддий тутарди. У ҳеч нимани пайқамасди. Мен кулавериб, биқиним оғрий бошлади. Ниҳоят, кўзбойлоғич ўз хатосини тушунди ва хи-жолатомуз йўталиб қўйиб, кечирим сўради.

– Ҳамма айб менинг сеҳрли таёқчамда: эскириб қолиб, хўроз билан товукнинг фарқига бормай қолибди.

Танобийда яна гурр кулги кутарилди. Маэстро мамнун ҳолда хуросни ёрдамчи қизга узатди ва тоғора ичидан тухумни олиб, деди:

– Давом этамиз! Илтимос, ҳамма бу ғаройиб тухумга яхшилаб қараб олсин! – У тухумни бош ва кўрсаткич бармоғи орасида қисиб ушлаганча уни томошабинларга айлантириб кўрсатди. Менга бу тухум кўшнимизнинг оқ товуги туққан тухумдан ҳеч фарқи йўқдай кўринди. Аммо бунинг ғаройиблигини эшитиб, мен ростданам ишондим. Кўзбойлоғич тухумни қайта тоғорага қўйди-да, қопқоғини ёпди ва қўлидаги қора таёқчани айлантирди, у билан қопқоқни икки марта урди. Одамлар нафасини ичига ютганди. Бирмунча вақт туриб, маэстро шодон қичқириб қопқоқни кутарди.

Пуллар! Бир тоғора лиммо-лим пул! Демак, бу ҳақиқатан ҳам оддий эмас, балки тилла тухум экан. Ёрдамчи қиз ҳар иккала ҳовучни тангаларга тўлдириб олиб, томошабинларга кўрсатди. Кўзбойлоғич тоғора ичидан бир боғлам қоғоз пулларни олди-да, баланд овозда санай кетди: бир-икки, уч – уларни бошидан ечиб олган цилиндрсимон бош кийими ичига ташлай бошлади.

Агар шу пуллар бизда бўлгандами! Биз Токиога борган, у ердаги катта касалхонада оёғимни даволатган бўлардик, деб ўйладим ва ойимга ўгирилдим. Ҳайратдан оғзини ярим очганча онам кўзбойлоғич қўлидаги даста-даста пуллардан кўзини узмасди. Мана, у сўнгги қоғоз пулни боши узра баланд кутарди-да, ташлаб юборди. Пул дарахтдан узилган япроқ каби ўралди-да, равон сузиб бориб сахнага кўнди. Ҳамма чапак чалиб юборди.

– Энди эса биз сеҳр-жодунинг таъсир кучини намойиш этамиз, – эълон қилди кўзбойлоғич, таёқ-

часини қўлтиги остига суқиб. Одамлар гувулларди. Сеҳргар нигоҳини қаторлар оралаб юргизиб ўтди. Овозлар тина бошлади. Яна бир нигоҳ – ва сув қуйгандек жимлик чўкди.

– Мана сен, марҳамат. – Таёқча тўғри мени кўрсатиб турарди. – Ҳа, ҳа, сени чақираяпман! – таклиф қилди мени кўзбойлогич. Қарсақлар янгради, ҳуштақлар чалинди. Мен нима қилишни билолмай ойимга ўгирилдим ва кўзим билан ундан нажот кута бошладим.

– Маъзур тутасиз, аммо бола юролмайди... Бошқа бировни чақириб қўя қолинг, – узрини айтди ойим.

Мен енгил нафас олиб, бошимни кўтардим. Шунда кўзбойлогич ёмгирпўшини ҳилпиратиб мен томон шахдам одимлаб келди-да, шартта қўлимдан тутди ва ёмгирпўшига ўраб, саҳнага олиб чиқди. Мени курсига ўтқазиб, сўради:

– Исминг нимайди?

Мен жавоб бердим, у навбатдаги саволини берди:

– Нечанчи синфда ўқийсан?

Мен ҳўнграб йиғлаб юборай дедим. Бундан кўра уйга қоровул бўлиб қолганим минг марта афзал эди. Танобий жавобимга мунтазир турарди. Мени эса саҳнадан қочиб кетгим келди. Лабимни тишлаб, бошимни осилтирдим.

– Жуда соз, мен тушундим, – деди кўзбойлогич, – назаримда, давоматинг аъло экан.

Кулги. Мен енгил нафас олдим. Кўзбойлогич наздимда Худога ўхшарди. У қўлини елкамга қўйиб, деди:

– Ҳозир муҳтарам томошабинлар сеҳргарлик томошаларимизни кўрадилар, бунда мана шу бола дилидаги армонини изҳор қилади. Тинчлик сақлашингизни илтимос қиламиз!

Ҳамма тинчлангач, сеҳргар кўзларини менга тик қадаганча таёқчасини мен томон яқинлаштириб, афсунгарлик дуоларини ўқий кетди.

– Сеҳр бошланмоқда, сеҳр бошланмоқда-а-а... уй-қум келаяпти, уй-қум ке-ла-яп-ти-и-и...

Мен манглайим ўртасида қандайдир карахтлики ва ансамда огирликни ҳис этдим.

“Сеҳрингга бўйсунмайман! – деб ўйлаганим заҳоти атрофимдаги барча товушлар ғойиб бўлди.

Ўнг қўлимда оғриқ сезиб, кўзимни очдим. Елкамга кўзбойлоғичнинг таёқчаси келиб тегди. Сеҳр тамом бўлди. Одамлар қийқириб чапак чалар эди. Кўзбойлоғич таъзим бажо келтирди ва жилмайиб қўлимдан тутди-да, олдинги жойимга олиб бориб қўйди.

Мен сеҳр остида эдим ва у пайт қандай тилак тилаганимни айтгунимча қанча вақт ўтганини мутлақо тасаввур қилолмасдим.

Миям ҳамон карахт бир аҳволда эди. Равшанки, сеҳр ҳали бутунлай тарқаб улгурмаганди.

Саҳнада ёрдамчи қиз навбатдаги томошага тайёргарлик кўрарди, унга тақирбош эркак қарашарди.

Томошадан кейин мени яна аравачага жойлаштиришди. Шамол тинганди. Баргини тўккан дарахтлар ортидан ой кўтарилди ва турник, ҳаракатсиз аргамчилар турган мактаб ҳовлисини сутдай ёритиб юборди.

Томошабинлар танобийдан отилиб чиқди. Улар билан ёнма-ён мактаб ҳовлиси бўйлаб уларнинг соялари сирпанар эди. Тош дарвозадан чиқиб, деҳқонлар дала орқали чўзилган сўқмоқдан қишлоққа қайтишарди.

Ҳар гал қишлоқдошларимиздан кимдир биздан илгарилаб кетар экан, у албатта бизга хайрли тун ти-

лар эди. Ойим бир лаҳза тўхтаб, таъзим билан бош эгарди. Баъзилар мен билан гаплашишга, томоша менга ёққан-ёқмаганини билишга ҳаракат қилар, ғамхўрлик билан:

– Ҳа, ўзингга эҳтиёт бўл! – дея огоҳлантирарди.

Жавобига бошимни аста ирғаб қўярдим-да, кейин эса пахталик кўрпачани бошимга тортиб олардим – мени томоша қилишларига тоб-тоқатим йўқ эди. Ўзимча фақат бир нарсага қойил қолардим: томоша ёққанда қандай! Одамлар азбаройи суюнганидан биз билан хушмуомалалик ила гаплаша бошлаганди!

Цирк томошалари дарҳақиқат қойилмақом бўлди. Мен оловдан хўроз пайдо бўлганини ёки тухумнинг пулга айланиб қолганини бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказар эдим.

Мактаб дарвозасидан чиқаверишда бир нечта уй саф тортиб турарди. Уйлар ёнидан ўтиб бўлишимиз билан кўз олдимизда қишлоғимиз намоён бўлди. Атрофини тоғлар қўршаган, тун осмонида чўққилар элас-элас кўзга чалиниб турган қишлоқ тун қўйнида уйқуга кетган эди. Ойдин ёғдусида ҳатто йўлдаги шағал доналарини ҳам фарқласа бўларди. Узоқдан ёғоч кўприк ён тўсинларининг устунчалари кўзга яққол ташланиб турарди, афтидан улар аллақачон қиров билан қопланган бўлиши керак. Кўприк остидан дарё ўтарди. Дарё тўғони олисдан кўрсичқон қазиб чиқариб ташлаган қора тупроқ уюмига ўхшаб кўринарди.

Ўйдим-чуқурларни оҳиста айланиб ўтиб, ойим билан синглим шошмасдан аравани тортиб боришарди. Ойимнинг кулгили тарзда қисқариб, оёқлари остида ўралашган соясига қараб-қараб қўярканман, бир кўзим билан мактаб дарвозасидан бошлаб

биздан ўн метрча орқада келаётган тўрт нафар ўғил боланинг шарпасини хавотир билан кузатиб келар эдим. Ўқтин-ўқтин уларнинг гўнғир-гўнғир баҳслашиши қулоғимга чалиниб қоларди:

– Сен аввал бошла!

– Йўқ, сен бошла!

Мен бир неча бор индамай бурилиб қарадим. Тўртови ҳам сочини тақир қилиб олдирган бўлиб, мен билан тенгқур эди. Улардан қайси бири билан кўзимиз тўқнаш келса, у хижолатдан кўзини дарров ерга оларди, кейин бошқаларга қарай бошларди.

Ҳозир улар сўкинишни бошлаб юборишади деган хавотирда гўжанак бўлиб олдим.

Саёзланиб қолган дарё шилдираши келиб турган кўприкка етай деганда таъқибчилар биз томонга ташланишди ва аравамизни ўраб олишди. Ойим тўхтади. Мен ёнимда ўтирган укамнинг қўлини қисиб ушлаб олдим ва бутун вужудим таранглашди.

– Хола, келинг, биз тортамиз, – деди болалардан бири.

Ойим “раҳмат” деди-ю, аммо ёрдамдан бош тортди.

“Келинг энди, келинг энди” деганча улар аравани қўлга олишди-да, “пўшт, пўшт” деганча қувноқ ғилдиратиб кетишди. Арава шамолдай елиб кетди.

Укамнинг нақ ўтакаси ёрилаёзди. Синглим югуриб келди-да, юриб кетаётиб шатакка чиқиб олди.

Болалар, сизларни уйингизгача олиб бориб қўямиз, дейишди.

Бизларни кузатиб қўйиш уларга қаёқдан зарур бўлиб қолдйкин? Мен туш-муш кўрмаяпманми, мабодо?..

– Сени ухлатиб қўйганда оёгинг оғридими, йўқми? – сўради болалардан бири.

– Ҳечам! – жавоб бердим мен хиёл гурурланиб.
– Мен сени ўлиб қолди деб ўйловдим.
– Мен ҳам. Ахир, кўзингни бир юмганча қайта очмадинг.

– Мен, рости, кўрқиб кетдим. – Болалар бири олиб, бири қўйиб таассуротларини баён қилар эди. Тўртовлари ҳам учинчи синфда ўқир эди. Уларнинг исмлари Гэнта, Цунэ, Сёта ва Минэо эди.

– Менга қара, сен ростданам ҳеч нарсани билмай қолдингми? Агар сеҳр ҳали ҳам тугамаган бўлса, бизга ўтиб қолмайдими, ишқилиб? – орқага бурилиб, хавотирли оҳангда сўради олдинда кетаётган Гэнта. Ҳамма бараварига қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Йўл муз боглаб қолганди. Ғилдираклар остидан қотиб улгурган лой парчаларининг отилган овози кулоққа чалинади. Ердан кўтарилган туман арава-ни ўраб олган бўлса-да, мен ҳеч ҳам совуқни сезмаётгандим. Биз йўлдан бурилдик ва арава уйимизга олиб борадиган дўнгликдан ғизиллаб юриб кетди. Ойим тик турганча бизни кузатиб қўйганларга қайта-қайта раҳмат айтарди.

– Агар ростдан оёғинг огриётган бўлса, эртага сен билан ўйнагани албатта келаман, – таклиф қилди Гэнта.

– Мен ҳам, – уни қувватлади Минэо.

Мен бош ирғадим, томоғимга бир нарса келиб тиқилди.

– Ма, ол, йўлдан топиб олдим. – Цунэ чўнтагидан битта ёнғоқ олиб, қўлимга тутқазди.

Сёта ҳам минг ямоқ шимининг чўнтагидан бир сиқим ёнғоқ олиб, менга узатди.

– Ҳозирча!

– Эртагача! – шундай дея улар ойдинда ёришиб турган сўқмоқдан чопиб кетишди.

Айвонда туриб чоғиб кетаётганларнинг ортидан қараганча синглим шодон деди:

– Акажон, циркка борганимиз яхши бўлди-а? Ана, сиз қўп ўртоқли бўлиб олдингиз.

Ёнғоқларни ёстиғим олдиға териб, улардан тарқаётган хушбўй тоғ ҳидини симирар эканман, сира уйқум келмасди.

Ҳойнаҳой, Сёта ва Цунэ ёнғоқларни мактаб ортидаги қир этагида териб олишган, улар у ерга машғулотлар бошланишидан олдин боришган. Ҳолбуки, ёнғоқ мавсуми аллақачон ўтиб кетганди. Ёнғоқлар тукилган япроқлар остида узоқ қолиб, пўстлоқлари қорайиб кетган, куздаги ёнғоқларга хос йилтиллашидан асар ҳам қолмаганди.

Айримлари ҳатто куртаклаб қолганди. Шунақалардан учтасини ажратиб қўйдим. Эрталаб уларни қўринарли жойга, деразам тағиға экиб қўйишларини илтимос қиламан. Менга дўстларим совға қилган ёнғоқлар, албатта, униб чиқади.

Қўзбойлогич берган саволға мен нима деб жавоб берганимни ойимдан билиб олдим. Маълум бўлишича, ҳушдан кетиб ётганимда мен: “Менинг энг катта орзум – ДЎСТЛАР ортгириш”, – деган эканман.

Гугурт чўпи учини ўткирлаб, дириллама ёнғоқчадан ғирғирак ясадим-да, учуриб юбордим. Хона ғира-ширасида нафис гириллаган овоз анчагача қулоғимга чалиниб турди.

Эртага уйимизга дўстларим келади!

Мен ётган қўйи ғирғирак овозига узоқ қулоқ тутдим.

ЁҒОЧ ТҮЙ¹

Ёғоч деворлардаги тирқишлардан кираётган қуёш нурлари омборхона биноси ичини ғира-шира ёри-тиб турарди. Қўлига юққан оқиш ёғоч чангини ишқалаб ювиб ташлаш учун пайраҳага эгилар экан, у узини жинойтчи деб ҳис қилди.

Сирасини айтганда, ишқалаб ювадиган ҳеч нарса йўқ эди. Шунчаки, аҳтимол зич ёпилган эшик ортидаги нимқоронғиликда унинг жисмоний меҳнатга урганмаган қўллари оппоқ бўлиб кўриниб кетгандир.

У оёқ остида думалаб ётган тарашаларни териб олди-да, уларни қоғоз қутига жойлади. Қути қопқоғига рандани қўйиб, ҳаммасини эшик тагига олиб борди. Сарв ёғочининг ҳиди анқирди: эшикни ҳозиргина келтирилган янги ғўлалар тўсиб қўйганди.

Эшикни очиш учун у қутини ерга қўйди ва шу паллада олис Болалик давридаги ҳид – Накагава дарёси тўғони ёнидаги гулхан ҳиди ёдига тушди. Ушанда ҳам нимқоронғилик эди, фақат бу эркинликдаги, тонг чоғи дарё бўйидаги ҳаво бўлганди. Уша кезлар у етти ёш бўлиб, отаси билан дарёга фарель овлаш учун борганди. Осмон кўм-кўк, энди тонг отиб келаётганди, ҳали юлдузлар кўриниб турарди. Тоғдан шамол эсиб, дарё мавжланарди.

“Ағрайма, – деди отаси, узун таёкни қўлига олар экан. – Қайиқ балиқдай сакрайди” . Ҳақиқатан ҳам,

¹ * Манба: Современная японская новелла. –Москва “Радуга” 1985.

олдинда, оқим йўлининг пастроғида сув узра ё ба-
лиқлар, ёки кўпикли тўлқин оқаришиб кўринар ва
қайиқ ана-мана бўшлиқ сари сузиб кетадигандек ту-
юлиб кетарди...

Эшикни очиб қуёшли ҳовлига чиқаркан, у беих-
тиёр ачимсиқ ҳаводан қутулиш учун чуқур нафас
олди ва ўшанда дарёда тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб на-
фас олганини ҳис этди.

У кенг ҳовлида қатор тизилиб турган омборхоналар
ёнидан юриб ўтди ва фирманинг автобекатида пайдо
бўлди. Ҳар икки тарафидан тоштахталар ётқизилган,
дарвозадан идорага олиб борадиган йўлакка етти-сак-
киз автобус бемалол сиғарди, аммо ҳозир фирманинг
барча машинаси, ҳатто юкчи машиналар ҳам йўлда
эди ва у ерда фақат унинг хусусий сариқ “седан”ию
мижозларнинг икки машинаси турарди.

У картон қутини машинасининг орқа ўриндиғига
қўйди. Кейин идорага йўл олди. Ўрмон маҳсулот-
лари савдоси билан шуғулланадиган фирма номи
битилган зарҳал ҳарфлар ялтираб турган автоматик
эшик ланг очик эди. У касса тўсини ортидаги икки
нафар ёш-ёш югурдак қиздан бошқа ҳеч ким йўқ-
лиғига амин бўлди. Ходимлар йўқ эди: на Сомия, на
Сэкигава. Йигирматача столи бўлган хайҳотдай хона
хувиллаб ётарди – ҳам бошқарув, ҳам ишлаб чиқа-
риш ходимлари ҳар қаёққа тарқаб кетганди. Ўтиш
йўлининг нариги томонида, унча тиниқ бўлмаган
акрил девори ортида яна иккита қабулхона бор эди.
Улардан бирида Сэкигаванинг мижоз билан гапла-
шаётгани қулоққа чалинарни.

– Сомия-сан қани? – сўради у бериги томонда
ўтирган қиздан.

– Аёлини кутиб олгани машинасида кетувди, –
жавоб берди қиз.

– Ҳа-а, – бош ирғади мижоз ва утиш йўлидан хона тўрига қараб юрди. Сомиянинг лавозими пастроқ бўлса-да, ёши каттароқ эди, шунинг учун ҳам уни ҳурматлаб “Сомия-сан” дерди. Бугун уникига таклиф этилган фирманинг барча ходимлари кетиб бўлган бўлиши керак: тараддудланиш, хотинларини олиб келишлари керак. Мижозлар билан ишни битириб олгач, Сэкигава ҳам, албатта, бу ерда қолмайди.

Утиш йўлининг охиридаги эшик иккинчи қаватдаги ишчи хоналарга олиб чиқувчи зинага очиларди, аммо, бундан ташқари, бу ерда махфий йўл ҳам бор эди. Усти ёпиқ бетон утиш йўли уни тураржойнинг даҳлизи билан уларди. Ҳар гал махфий йўлдан фойдаланганда, у бир нарсани уйларди: унинг фирмага келишидан олдин бу йўлдан кўп йиллар идорага ва идорадан бу ёққа унинг қайнотаси Нобутакэ юрган. Бу чинданам ғалати эмасми-а?

Умуман фирма бошлиғи ишхонасига яқин жойдан истиқоматгоҳ олишининг ҳеч таажжубланарли ери йўқ, – бунақа ихчам компанияларда бу одатий ҳол бўлиб қолган. Лекин у бурун нуфузли савдо фирмасида хизмат қилган. Шу боисдан ҳам дастлабки вақтларда ишдан кейин уйга қайтар экан, бир неча бор бошқа эшикка қараб юриб кетарди.

Даҳлизнинг парти кетиб, шарти қолган оғир эшиги орти ташландиқ жойдек файзсиз эди. Тўғри, қорашағалли бетондан қилинган полда хотини Кэйконинг эшик олдида ечиб қолдирган жигарранг туфлиси ётарди, бироқ эшикчаси очиқ пойабзал шкафчаси токчалари бўм-бўш бўларди. Йўлакдан кетаверишда, эшиклари ланг очиқ меҳмонхона бўлмасида битта шкаф қолган, дивандан ном-нишон йўқ, фақат гиламда жиҳоз оёқчаларининг ботик излари маъносиз акс этиб турарди, холос. Диванни

улар бошқа мебелларга қўшиб янги хонадонга олиб кетишганди, чиқиндилардан қилинган жавон эса бу ерда қайнота-қайнонаси яшаган пайтларга тааллуқли эди. Улар Кэйко билан турмуш қурганди. Хотинининг ота-онаси денгиз бўйидан ажратиб олинган ерлардан биридаги кўпқаватли уйлардан бирига кўчиб ўтганди, бу ер унча узоқ бўлмай, машинада ўн дақиқа ҳам юрилмасди. Бироқ ярим йил аввал ота-онага қўшни бир хонадон тасодифан бўшаб қолди; хотинининг онаси Ясуэ уни сотиб олди, тартибга солди ва тўйларининг беш йиллигига атаб қизи ва куёвига совга қилди. Мана шу бошпанадан Ясуэ ўз билгича фойдаланишни ният қилиб юарди.

У ётоқ бўлмага кирди. Кэйко янги хонадонга олиб ўтолмай қолган чоққина стулчада ўтирар ва телефонда гаплашарди. Афтидан у эндигина кийимларини алмаштириб олганди: ечган пуштиранг кечлик қўйлаги, камар ва уй кийимлари оёғи остида ётарди, Кэйконинг ўзи эса оёғини оёғи устига қўйганча ёлғиз сарғиш ичқўйлагида ўтирарди.

– Бу ойим, – босиқ оҳангда деди Кэйко, гўшакни кафти билан беркитиб. Мени эртароқ келгин деганди, бўлмаса ҳаммасини тайёрлашга улгурмас эканмиз. – Кейин яна гўшакка гапира кетди: – Ҳа, оркестрли болалар билан гаплашдик, уларга эртароқ келинлар деб айтдик, лекин яна бир марта текшираман. Ҳа, тушунарли...

Кэйко гўшакни қўйди-да, норозиларча, масхараомуз деди:

– Ҳар доим шунақа: олдинроқ тайёр бўлиб туринлар деб минг марта айтасан, охирида эса албатта улгурмаймиз. – У яна рақам терди ва оркестрли Болалар билан гаплаша бошлади.

Бугун кечкурун ота-оналар уларнинг Кэйко билан тўйларига атаб кечки зиёфат уюштиришганди.

Бундай қараганда, “ота-она” дейиш жудаям тўғри эмасди: фикр ҳам, ижро ҳам мутлақо қайнона зиммасида эди. Бунини шундай тушуниш керак эдики, дадажон Нобутакэ у, яъни куёв бўлмиш, унинг уйига меросхўр сифатида кирганининг беш йиллигини тантанали суръатда нишонланмоқда эди. Анъана бўйича, тўғрининг беш йиллик юбилейини “ёғоч тўй” деб аташ таомилда бўлган; бу гал тўй номида яна оилавий корхонага ишора ҳам бор эди. Оиладагилар айтганидек, иш давом этаяпти. Тўғри, куёв бу санани Кэйко иккалови нишонлашмоқчи эди, аммо бунга янги уйга кўчиб кириш тантанаси қўшилди-ю, бари чиппакка чиқди. У фақат ҳаммасини камтарона, ортиқча дабдабаю шов-шувларсиз ўтказишни илтимос қила олди.

Бироқ бу ёқда Ясуэ енг шимариб ишга киришди-ю, у ёқдан ҳам кенг режалар, ҳам меҳмонларни кўп-кўп таклиф қилиш зарурати пайдо бўлди. У қайнонасини қайтармоқчи ҳам бўлди, лекин қаёқда дейсиз! Ўрмон савдоси маҳаллий уюшмаси раҳбарияти ҳам, эски улгуржичи дўстлар ҳам, турли-туман инсофли танишлар ҳам, бунинг устига хотинлари ҳам қўшилиб – ўндан ортиқ оила бўлиб кетди. Бир вақт яна Кэйко ҳам орага суқулди ва оркестрли ошноларимни чақираман деб туриб олди – ҳолбуки ўзи ҳали фортепьяно чалишни ўрганарди. Бундан онаси суюниб кетди: магнитофонга қараганда бу яхши-да, қувноқроқ бўлади.

– Сен ҳам дарров кийимларингни алмаштира қол, – деди унга Кэйко телефон суҳбатини тугатиб, камарни олгани энгашаркан.

У ёқда кийим алмаштиришга улгурмаслигидан хавотирланиб, улар барча зарурий нарсаларни шу ернинг ўзида тайёрлаб олишди. Тантана норасмий, ортиқча ҳашамларсиз бўлиб, урфдаги пиджак би-

лан чегараланса бўлаверарди. Жавондан либосни оларкан, у эгилиб, пардоз-андоз билан овора хотинига қараб қўйди. Елкасига тушган тўлқин-тўлқин сочи ва узун оёқлари туфайли ўзининг йигирма саккиз ёшидан анча ёш кўринарди. Кўзлари отасининг кўзлари, бодом қовоқли, бурни ҳам унчалик бежирим эмасди, аммо юзи ва аъзойи бадани офтобда пишгандек ёқутдай товланиб турарди.

Университетни тугатганидан кейинги учинчи йилда у Кэйкони инглиз тили кечки ўқишларида биринчи марта кўрганида бу ойдек жамол ва сарвдай қадди қомат уни ўзига асир қилганди. Улар бир-бирларини ёқтириб қолишди, учраша бошладилар ва кўп ўтмай турмуш қуриш ҳақида гап ҳам очила қолди; аммо Кэйко яккаю ягона қиз бўлиб, ота-онаси уни бир шарт билан турмушга чиқармоқчи бўлаётганди, шарт эса шу эдики, бўлажак ишга меросхўр бўлсин. Йигит оилада учинчи ўғил бўлиб, қариндошчилик мажбуриятлари унга ўз оилавий рўйхатидан ўчиб, хотинининг хонадонига кириш (ичкуёв бўлиш)ни тақиқламаганди, аммо савдо компаниясидаги жой унга ажойиб истиқболни ваъда қилган эдики, буни йўқотиш ачинарли бўларди, албатта. У кекса отаси билан маслаҳатлашгани ватанига кетди. “Нима ҳам дердим, – деди чол минғирлаб,– олисининг буғдойидан яқиннинг сомони афзал”. Шундан сўнг йигит тўйга шартта розилик берди.

Бироқ тўйдан кейин Кэйконинг ўзига етгунча манманлиги ва бунинг устига ота-онаси уни роса эрка қилиб ўстиргани маълум бўлди. Шу боис эрига ҳам, яқин дўстларига ҳам келин алайно ошкора эҳтиёткорлик билан муомала қиларди. Айнан Кэйко туфайли улар ҳалигача бола кўришгани йўқ; келин тўлишиб кетишни ёқтирмасди. Аммо қайнота

ва қайнона куёвни ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб камситар эди. Гоҳо туриб-туриб йигитнинг хотинидан жигибийрони чиқиб кетарди. Келиндаги чатоқ феъл эса истаган одамни қонини қайнатиб юборарди. Аммо айнаи вақтда у хотинига тобора кўпроқ мойил бўлиб борарди – нега, буни ўзи ҳам билмасди. Балки турмушга чиқиб, келинда ғайриоддий ҳис уйғонгандир. Балки келин рўзгор юмушларида чинакам аёлларга хос тарзда инжиққинадир: узоқ дангасалик қилади-қилади-да, бирдан ғайратга кириб, уйдаги ҳамма ишни қойилмақом қилиб тиндиради...

Кэйко кечлик кўйлагини кия бошлаганида ичкўйлаги ўмизидан жажжигина оппоқ сийналари кўриниб кетди; йигит қўлини чўзиб, кўкрагидан секин чимчилаб олди.

Кэйко унга ҳайрат билан қаради-да, бурунчасини жийирди ва кулиб юборди.

Йигит кийинди ва хотини тилла сиргаси ва маржонини таққунча у ётоқ бўлмасидан биринчи бўлиб чиқиб келди. Даҳлиздан кейин у усти ёпиқ ўтиш йўлидан бормади, балки ҳовлига чиқди-да, ундан бекатга йўл олди. Машинага ўтирди-да, у қулайроқ чиқиб олиш учун рулни шошмайгина айлантирди. Шу аснода Кэйко ҳам етиб келди ва олдинги ўриндиққа жойлашди.

Машина анҳор ёқалаб ғизиллаб кетди. Қирғоқ бўйлаб худди ўшандай ўрмон савдоси корхоналари чўзилиб кетганди. Анҳор анчадан кейин катта ўрмон омборхонасидан чиқар, кейин эса Токио қўлтиғига бориб қуйиларди.

Бетон шоҳроҳи тўғрибурчак остида тор анҳорни кесиб ўтарди, улар чапга бурилишди ва фирмадан уч километрча наридаги ўт-ўлан босиб кетган бандаргоҳга қараб кетишди.

Баҳор куёшининг майин нури сезилмасдан камая бошлади ва ўрнини қуюқ шом қоронғилигига бўшатиб берди. Бандаргоҳда контейнерлар омборининг сим қўралари хира йилтилар ва кечки шафакдан музлаткич хоналарнинг пулат эшиклари ялтираб кўринарди.

Шу кенг шоҳроҳ чеккасида улар янги хонадон олган ўн беш қаватли уй қад кўтариб турарди.

Уйга гишт рангидаги кошин билан оро берилган, балкон тўсинлари, деразалар – ҳашамдор ғарб услубида. Бино эшиги, вестибюль ҳам, лифт ҳам шу руҳда. У тўққизинчи қаватдаги хонадонига икки марта чиқиб келди – биринчи марта улар юкларни ташиётганда чиққанди. Ҳа, албатта, деди у, ўзига-ўзи, булар ҳаммаси Ясуэ айтган даражада арзийдиган нарсалар.

Бироқ кўнглининг тубида у хонадон ёқмаётганини ҳис этиб турарди. У қишлоқда Накагава дарёси бўйида яшаган, бутун талабалик даври ва хизматининг дастлабки йилларида муҳтожликда кун кечирган ва фақат ўзига ишонган, мана бу яп-янги, артиб қўйилгандай уйда эса энди оёғини қаёққа босишни ҳам билмасди. Биринчи галда у шубҳалангандек ҳам бўлган эди: хонадон аъло даражада экан, балки идорадаги каталақдан кўра ростданам бу яхшидир? Бироқ қайнота ва қайнона шундоқ девор ортида яшайди, ва таъмир вақтида Ясуэ уларникига, қулф-калитли бўлса ҳам, кириб-чиқиб туриш учун эшик қуриб беришларини буюрганини кўрганда унинг бутунлай ҳафсаласи пир бўлди.

– Хайрият-е! Намунча ҳаялламасаларинг? – Янги бошпанада уларни чоғроқ кийимхонадан югуриб чиққан она қарши олди.

Камбар меҳмонхона бўлмаси бўсағасида ҳали қирққа ҳам кирмаган ёш бошқарувчи Нисина кў-

ринди, у иккала нотаниш эркакка кўрсатмалар берарди – афтидан ишчилар бўлса керак. Улар ёнида дароз Нобутакэ эрта келган меҳмонлар билан гап сотиб ўтирарди.

– Ҳечам кеч эмас. Нега ваҳима қиласиз, оий? – жавобан деди Кэйко. – Созлар қаерда бўлишини келишиб олдиларингми? – шундай дея иккала қўли билан кечлик кўйлагининг узун этагини сал кўтарганча йўлақдан меҳмонхона бўлмаси томон шитоб билан юриб кетди.

– Ўтин олиб келдингми? – сўради Ясуэ куёвидан унга яқинроқ келиб.

– Олиб келдим. – У машина орқа ўриндиғидан олиб келган картон қутини яна кўтарди-да, кошланган ерга қўйди.

– Анави кийимхонада Нисина олиб келган шойи бор, ўшани ўра, – деди Ясуэ, киприк қоқиш ўрнига кўзларини хиёл юмиб. Унинг узун қора кўйлагидан хушбўй гиёҳларнинг аччиқ-ширин аралаш ҳиди анқирди.

Ясуэ ўртадан сал баланд бўйли аёл бўлиб, эрининг ёнида ҳам, унинг ёнида ҳам дурустгина кўринарди. Нима бўлганда ҳам у ўзининг син-сийратига кўпроқ эътибор берар ва семириб кетмаслик учун қўлидан келганини қилар эди; оз бўлса-да, у муддаосига эришаётганди. Узоқдан унинг қадди қомати, катта-катта кўзлари, дўрдоқнамо лабларини кўрган одам бу аёлни қирқ етти ёшни уриб қўйган деб ҳеч ўйламасди; аёлга нари борса ўттиз беш ёш бериш мумкин эди. Қалин қилиб сурилган упа-эликдан юзларидаги доғлар кўзга ташланиб турарди. Аммо ҳозир, яқиндан туриб қараганда, семизликдан қовоқ ва бақбақалари қанчалик осилиб тушгани, кўзлари атрофидаги ажинлар чуқурлашгани яққол кўринарди.

Бироқ Ясуэ билан танишиб, у шу нарсани англаб етдики, ҳатто доғ ва ажинлар ҳам жозибадор кўриниши мумкин экан. Нима учунлигини айтиш қийин. Эҳтимол бу аёлда қандайдир сирли руҳий қудрат бордир. Балки ўзига бўлган ишончидан шундайдир, яъни шу ишонч туфайли у, вилоят банк бошқарувчиси муовинининг қизи дадажон Нобутэкининг этиборини қозонган ва ҳалигача эри ва фирманинг суянган тоғи бўлиб қолган.

Ясуэ буюрганидек, у қутини кийимхонага олиб борди ва Нисина олиб келган шойини қидира бошлади, аммо қоп-қоронғи мўъжаз хонага меҳмонларнинг уст кийимлари илиб ташланган, буюмлар ва совғалар қалашиб ётар эди-ю, аммо шойидан ном-нишон йўқ эди.

У меҳмонхона бўлимига қараб кетди – уни қаерга қўйган бўлса, Нисинанинг ўзи топсин. Девоқларига оқ мато қопланган ва ерига кулранг-қўкиштоб гилам тўшалган кенгбар хона ланг очилган икки тавақали эшик туфайли ота-онасининг ётоғи билан уйғунлашиб кетганди – жой дегани бемалол эди. Ҳамма жойга дид билан стол-стулар териб қўйилган, столларда газаклар ва шаробу шарбатлар солинган графинлар дастурхонга кўрк бағишлаб турарди. Таомлар тайёрлашни француз ресторани ўз зиммасига олганди, унинг доимий мижозларидан бири эса Ясуэнинг ўзи эди. Ошпаз ва ёрдамчилар ўша ёқдан таклиф қилинганди. Эшиклардан оппоқ либосдаги официант дам-бадам кўзга ташланарди.

Белгиланган вақтга яқин қолган бўлиб, меҳмонлар кўпайиб борарди. Ясуэ уларни даҳлизда қарши олаётганди. Ўзларининг баҳайбат чолғулари билан бркестрли Болалар ҳам келди. Кэйко уларни иложи борича роялга яқин қилиб жойлаштириш учун

куйиб-пишарди. Кэйко унча яхши машшоқ эмасди, аммо уни кўпроқ чолғу ва унинг соз-носозлиги ташвишга солаётганди, шу боисдан битта бурчакни тамомила америка роялининг ўзи эгаллаб олганди. Рояль олдига чорси стол қўйилган ва унга оқ дастурхон тўшалганди, унда мандарин кўринишидаги гербли катта шаклдор торт турарди.

Бироқ ҳамон Нисина қорасини кўрсатай демасди. Бирдан кимдир орқадан унинг қўлидан қоқиб қўйди.

– Қалай? Оқшом чакки эмас-а?

Бу қайнотаси Нобутакэ эди. У тепса-тебранмас бўлиб, оромкурсилардан энг йиригида талтайиб ўтириб олганча чекар эди.

Унинг одатдаги гап сотиш тарзи шунақа. Ўзи-ку қўлини совуқ сувга урмасди, аммо ўзини шундай тудардики, гўё ҳаммаси унинг орқасидан бўлаётгандай. Бунга аввало ўзи қаттиқ ишонар ва буни ҳақиқат деб биларди. Фирмада қандай бўлса, оилада ҳам шундай. Фирмада Нобутакэ энди фақат ишнинг ҳуқуқий жиҳатларига масъул эди, бироқ ҳамма ишни муовин вазифасидаги Ясуэ бажарарди, охирги пайтларда у муовинликни қисман адо этарди, холос. Аммо Ясуэ буни ҳеч қачон юзига солмас ва эрини ҳар доим ҳурматини жойига қўяр эди. Нобутакэ ҳам ўз ўрнида буни билмаганга олиб, ишнинг шундай боришига йўл қўйиб берар, ташқаридагилар у нима деса, шунга ишонар эди. Ҳатто туриб-туриб унинг ўзи ҳам бирдан хаёлга чўмиб қоларди; борди-ю, Нобутакэ ўзини ҳеч нимага қодир эмасдай қилиб кўрсатаётган, у ва Ясуэ унинг чизган чизиғидан чиқмай келаётган бўлса-чи? Бошқалар гоҳ-гоҳ ғайриоддий ҳолларни кўрғанда ҳам бунга кунда эътибор бермай, тезда унутиб юборарди.

– Жуда ичким келаяпти, туғриси. Олсак булар энди? – тоқатсизланганидан кучанган оҳангда деди Нобутакэ.

– Ҳозир олиб келаман. – У столдан официант узатган қадахлардан бирини олди-да, уни қайнотасига узатди.

Нобутакэнинг шаробни қандай қилиб касалманд рангли лаблари билан симириб ичаётганига қараб туриб у, бу чехра унинг батамом кучдан қолганлигини шундоқ айтиб турибди, деб ўйлади, ҳолбуки қайнотаси ҳали олтмишга ҳам кирмаганди. Кулранг қуруқ терисини ажин босиб, қовоқлари шишиб кетганди ва фақат қора кўзларида оз-моз учқун йилтиллерди холос. Юзида ҳеч бир маъно кўринмасди; ундан кўра текис қилиб таралган сийрак сочлару қимматбаҳо кўйлак ва кулинг ўргилсин костюм эътиборни тортарди.

Бир куни Ясуэ унинг қулогига эрининг ўтмиши ҳақида унга баъзи нарсаларни шипшитганини эслаб қолди. Бир гал ишлаб ўтириб улар ёлғиз қолишганда Ясуэ: “Барибир эртами, кечми фирма сенга мерос бўлиб қолади, мана мени айтди дерсан”, деганди. Маълум бўлишича, ўттиздан сал ошганда отаси ўлиmidан кейин ишларнинг эгаси бўлгач, Нобутакэ манаман деган мустабидга айланди. У кўп ишларди, аммо тинмай бузуқ йўлга юрарди. Ясуэ яхши обрўга эга сармоядор оиласида туғилиб ўсганди ва ҳеч қачон бундай нарсаларга дуч келмаганди. У кўрқарди, қийналарди, фирма хизматкорлари олдида уяларди, баъзида шундай туюлардики, уни ўлдириб қўя қолсаммикан, дерди ҳатто. Корхона ишларида эса унга манманлик ва тадбиркорликка хос зийракликнинг йўқлиги ҳалақит берарди. Урушдан кейин иккинчи қурилишлар авж олганда, у кўплаб америка

ва тайвань сарвини сотиб олди, аммо ўз вақтида сотилмай катта зарар кўрди. Зарарни қоплаш учун у филиппин оқ дарахти олди-сотдиси билан шуғуллана бошлади ва бу унга ундан ҳам кўпроқ зарба бўлиб тушди: сал бўлмаса фирманинг ҳам, кўчмас мулкнинг ҳам қарзларни қоплаш учун қия бўлиб кетишига сал қолганди. Уни Ясуэнинг иши қутқариб қолди: у отасининг банки билан музокараларга киришди, унинг пулларидан ва маслаҳатларидан фойдаланди, шу тариқа у фирманинг амалдаги хўжайинига айланди.

Бу гапларни эшитиб, у қайнонасининг қатъияти ва ғайратига қойил қолди, аммо айни вақтда қайнонасининг пасткашлигидан ҳайратга тушди. Тўғри, Ясуэ унинг пасткашлигини ҳар йўл билан бегона кўзлардан яширарди, Нобутакэнинг ўзи эса, ўзини билиб туриб билмаганга соларди. Ахир шунақаси ҳам бўладими – қанчалик тубанлигини бошқалар алайно ошкор кўриб турса-да, сен ўзинг бунга иқрор бўлмасанг. Бу одамни баттар жаҳолат ботқоғига ботириши турган гап. Балки, бундай ҳоллар тез-тез учраб турар, аммо айнан у ҳеч қанақасига бундай ҳолга тушишни хоҳламасди.

Бу Ясуэ деганлари қанақа аёл экан ўзи-а – эрининг аҳволи мана бунақа бўлса, яна у билан узоқ йиллар қандай умргузаронлик қилар экан, ҳайронман... Агар Нобутакэ буни билганда ҳам, эҳтимол, ўзи кўрган-билган нарсаларда кишини таҳқирловчи ҳеч балони пайқамасдир ҳам. Шунча йиллардан бери чидаб келиши севгига кирадими ёки нафратгами, аммо нима бўлганда ҳам иш жуда чуқурлашиб кетганди.

Нобутакэга қарар экан, у бемисл нафратдан чуқур ташвишга тушди – эҳтимол шунинг учундир-

ки, булар бари унинг учун у қадар бегона муаммолар эмасди.

Нисинанинг қидириб тополмаслигига кўзи етгач, у яна кийимхонага кетди. У ерда олдингидан ҳам кўпроқ кийим-кечаклар, нарсалар ва совғалар хирмон бўлиб ётарди. Битта шойи парчасини топиш амримаҳол эди Аммо у нимқоронғи хонанинг ичкарироғига кириб борди ва илгари эътиборига тушмаган бу токчани кўрди. Унда шойи мато солинган юпқа қути ётарди.

Қаранг-а. У қутини олди ва ўзининг картон қутиси ёнгинасига чўкди. Уни очди-да, тарашаларни олди. Булар катталиги мўйқаламда ёзадиган тош доводдек ёки унча катта бўлмаган, фақат уч баравар қалин ёндафтарча келадиган, бўялмаган янги тўртбурчак ёғочлар эди, ҳар бирининг орқасига тушъ билан номлар ёзиб чиқилганди; “криптомерия”, “америка сарви” ва ҳоказолар.

У қутидан бир неча бўлак шойини олди ва тарашаларни ўрай бошлади, аммо аввал уларни ҳидлаб кўрди. Янги, ҳали қуриб бўлмаган ёғоч ҳиди анқирди.

“Нобутакэнинг отаси кўзини боғлаб ёғочни ҳиддан фарқлай оларди. У буни “ёғоч ҳидлаш” деб атаганди. Улар шериклари билан ким яхши ҳидлаш уйнашганида у деярли ҳар гал ғолиб чиқар эди, – деди унга Ясуэ кеча эрталаб, бу тарашаларни устага буюртма қилишаётганда. – Нобутакэ ҳам ёшлигида, фақат уйланганидан кейин отасидан ўрганиб олди ва у ҳам бехато топа олар эди. Эртага сизларникидаги байрамда эрмак учун шундай ўйин уюштирмоқчиман. Кўп ўрмон савдогарлари бўлади, қани, эрим ўзининг ҳаммадан олдин эканини бир кўрсатиб қўйсин”.

Ясуэ жилмайиб гапирарди, аммо хотинининг сўзларидан у жиддий тортиб қолди. Қандай қилиб

Нобутакэ ҳаммадан олдин бўлар экан? Шундай катта ёшдаги қайнотаси мана бунақа тарашаларни ҳидидан ёғоч навини билиб ололса? Эрмак ўз йўлига-ю, аммо наҳотки Ясуэ бу ўйин унинг эрини шармандалиқдан етти қат ер тагига киргазиб юборишини тушунмаса? Булар барчаси унга ғалати бўлиб туюлди ва то шомгача унга тинчлик бермади. Бирдан у ўйлаб қолди: борди-ю... – ва албатта Ясуэни топиб, ундан сўрашга азму қарор қилди. Бироқ Ясуэ аллақаяёққа ғойиб бўлганди – ҳойнаҳой ёғоч тўйи тадориклари билан банд бўлса керак. Иш куни тугагач, у ўз жойига борди ва Ясуэни ўша ердан топди: у бўшаб қолган меҳмонхона бўлмадаги жавон олдида тик турганча шоша-пиша қутидан ниманидир оларди.

“Эҳ, бу ердамидингиз, – деб юборди у. У яқинроқ борди. Борди-ю, хато қилган бўлса-чи? Майли, нима бўлса булар. – Сиз эртага мусобақада отанг ютиб чиқади дедингиз. Мен ҳаммасини тушундим. Сиз бир айёрлик қилай дейсиз-да”.

Ясуэ ҳайрон бўлиб унга қараб қўйди ва бирмунча муддат жим турди. Кейин бирданига гилам устига чиқиб ўтиришга таклиф этиб, унинг қўлидан тортди.

“Тўппа-тўғри. Биз тарашаларда майда-майда ўйиқчалар ҳосил қилдик, тирноқдан катта эмас, шу боис уларни пайпаслаб санаб чиқса бўлади. Сен эса жим тур: бу ҳақда фақат мен, у ва Нисина биламиз – ўйиқларни у ясаб чиққан”.

Ҳайрон бўлиб, у қайнонасига қараб қолди.

“Нега бундай қиляпсиз? Майли, ютди эмас, ютқазди ҳам дейлик – бундан нима чиқади?”

“Йўқ. Бу жуда муҳим – ҳидига қараб дарахтни аниқлаш – тўлқинланиб деди Ясуэ, унга ёпишиброқ чўккалаб ўтираркан. – Борди-ю, киши дарахт-

ни яхши билса, демак у фирмани бошқара олади ва ишда илғор бўлади. Албатта, тезда Нобутакэ ҳамма нарсани сенга беради, аммо мен ҳозирча у юқори мавқеда туришини хоҳлайман. Эртага турли одамлар ташриф буюради, уларнинг фикрлари билан ҳисоблашишга тўғри келади. Бу жуда қулай пайт. Биз ҳаммани тонг қолдирамиз”.

Шунда у уни ўтиришга таклиф қилиш маъносида енгидан тортган суҳбатдош аёлнинг бармоқлари ҳамон унинг қўлида эканини пайқаб қолди. Дўмбоққина, ҳул қул. Хира, нимқоронғилиқда қайнонасининг упа-элик суртилгандай оқиш қўллари ва юзи унга мафтункор туюлиб кетди. Иягидаги енгил ажинлар ва тахламлар бу туйғуни фақат кучайтирарди, холос. Бу туйғу ҳеч бир қаршиликсиз, уйқу каби табиий бир ҳолда юзага келди. Яна бир-икки нафасдан кейин уни маҳкам қучиб олишга ҳам тайёр эди.

Бирдан у юзи оппоқ, бароқ қошли эркак чехрасини эсга олди. Нисина. Икки ой аввал кеч оқшомда омбордан идорага қайтиб келганди. Қоронғи эди, чироқ фақат идора хонасида ёнарди. У ерда биров борлигини англади ва эшик томон йўналди, бироқ шу лаҳзада эшик ўзи очилди ва ундан Ясуэ чиқиб келди. Нима, қайтар вақт бўладими? – жилмайди аёл. Унинг юзи қип-қизариб кетди, қўллари билан сочларини тартибга солишга ҳаракат қиларди. Эшикни ёпишга шошилди, аммо куёв хонадаги диванда Нисина ўтирганини кўриб қолди. Шунда куёв қайнонасининг шу одам билан дон олишиб юрганига амин бўлди.

Дарвоқе, Нобутакэ эркак сифатида энди ҳеч нимага ярамай қолганди, жўшқин Ясуэнинг ким биландир аҳди паймон қилишидан таажжубга тушишга ҳам ҳожат йўқ эди. Шу боис у ўшанда кўрган нарсасига ортиқ эътибор бермаганди.

Аммо энди, ўзи унинг карашмаларига мафтун бўлиб қолгач, ҳайрон бўлиб ўзидан сўрарди: Наҳотки Ясуэ дуч келган одам билан ишрат суриб кетаверса? У Нобутакэнинг отаси ҳақидаги ҳангомани эслади, у ёшликларида Ясуэга кўп яхшиликлар қилганди, балки у билан ҳам ораларида бир гап бўлганмиди? Ясуэ қандайдир кўринмас, ҳам сеҳрли, ҳам жирканч ришта билан чирмаб олаётганини сезиб, шарт ўрнидан турди-да, хонадан чиқиб кетди...

Кийимхонадаги ғира-ширада у тарашаларни яна бир қараб чиқди, ўйиқлар туширилиши кёрак бўлган биқин томонларини пайпаслаб қўйди. Ўйиқлардан ном-нишон йўқ эди: ахир ўзи сал олдин омборхонада шу жойларини рандалаб чиқмаганмиди? Тарашалар сип-силлиқ эди.

Бунга иймони комил бўлгач, у тарашаларни алоҳида-алоҳида оқ шойи матога ўраб чиқди. Яна бироздан кейин мусобақа бошланади ва ўшанда Нобутакэ уларни қўлига олади, ҳайрон бўлади ва саросимага тушади. Баттар бўлсин. Ўзининг ярамаслигига ўзи иқрор бўлсин. Ясуэ ўзининг нозик қўллари билан уни ҳамма бало-қазолардан асраб-авайлаб келаётганини билиб, виждони қийналсин.

У ўрнидан турди, тарашаларни олди. Шу пайтда меҳмонхона бўлмада фортепьяно янгради. Бунга Кэйко чалаётгани аниқ эди. Кейин тенор-Монкнинг оммабоп куйлари ижро этилаётганди. Умуман олганда, у замонавий куйларга унчалик ишқибоз эмасди, аммо Кэйко уларнинг инглиз тилини ўрганиб юрган пайтлардаёқ унинг мусиқа билан шуғулланишига эътибор берар ва аста-секин бу нарсалар унга ёқиб қола бошлаганди.

Мусиқа ҳамманинг руҳини кўтариб юборган бўлиши керак: у меҳмонхона бўлмага кириб келганида

меҳмонлар аллақачон еб-ичишга тушиб кетган, га-ла-говур қилар, тантаналар авжга минганди. У торт-ли идишни столга қўйиб улгурмасидан меҳмонлар-дан кимдир уни табриклагани келди.

Меҳмонлар билан гап сотар экан, кўзининг қири билан роялда ўтирган хотинига қараб қўйди. Қип-қизариб кетган Кэйко ноталарга қарамасдан узун сочли йигит шериги билан Монкнинг орзу-лар мавзуидаги вариацияларни чала кетди. Эсида: бир вақтлар унга қора қўйлақдаги бу саксофончини исми Яцуги деб айтганди. Аввалига Кэйко ийманиб юрди, аммо саксофон билан жўрликда куйлар ижро этишлари баробарида бармоқлари ҳам дадил ҳара-кат қила бошлаганди. Яцуги жон-жаҳди билан сак-софонга пуфлар, сочларини силкитар, озгин гавдаси эшилиб-эшилиб кетар эди. Қолган эркаклар: ўрта ёшлардаги трубачи, соқолдор контрабасчи ва зарб-чи Болакай унга монанд жўр бўлар эди.

Кэйконинг бундай жонланиб кетганини кўриб, унинг рашки аланга олди. Албатта, мусиқага бери-лиш рашкка йўл берувчи ишқибозликлардан эмас. Аммо у Ясуэда кутилмаган кучли аёллик жозиба борлигини энди биларди, Кэйко эса бор-йўғи унинг қизи эди.

Тўсатдан стол билан ёнма-ён микрофон олдида оқсоч Сэкигава пайдо бўлди. Мусиқа тинди, у сўз-лай кетди. Сэкигава ўрмон савдоси уюшмаси раиси Симамото, шунингдек улар фирмасининг доимий тадбиркор шериги Оосэ табрик сўзи айтишларини ўтинди.

Ана, бошланди, ўйлади у. Ҳам зерикарли, ҳам беҳузур. Беҳузурлиги шундаки, ҳозир табрикдан кейин Кэйкони столга чақиришади, тортни кесишга ундашади ва ҳамма бу воқеани сурагга олади.

Бу маросим тугагач, Сэкигава яна микрофон ол-
дига борди ва гапира кетди:

– Олдин айтганимдек, ҳозир эътиборингизга бу
хонадонда кўп авлодлар давомида ўтказиб келинган,
овоза қилинмаган мусобақани ҳавола этамиз, у “ёғоч
ҳидлаш” деб аталади.

Э-ҳа, демак бу ҳақда мен кийимхонада ўтирга-
нимда эълон қилишган экан-да.

– Ўз-ўзидан равшанки, бу мусобақа аслида бир
уйин. Унда ичимиздан ҳар бир киши иштирок эти-
ши мумкин. Шуниси ҳам борки, кўплаб мукофотлар
тайёрлаб қўйилган.

Сэкигава сўзлар экан, стол олдига қидириб ҳеч
жойдан топишолмаган Нисина келди. У олтига ях-
шилаб ўралган, олдиндан чийланган тарашани оқ
дастурхонга битта-битта териб қўйди.

– Мен уриниб кўрсам майлими? – сочини калта
қилиб олдирган Сомия стол томон юрди. Ҳойнаҳой
уни Ясуэ пишитиб қўйган.

Ясуэнинг жияни ёш қизалоқ чолнинг олдига бор-
ди-да, рўмолча билан унинг кўзини боғлади. Сомия
мийигида кулиб қўлини тарашаларга чўзди, кейин
бирдан кўрқиб қўлини тортиб олди. Томошабинлар
қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Шу заҳоти унга мусиқа
жўр бўлди: Кэйко роялда қайсидир енгил, тинчлан-
тирувчи куйни чала кетди. Бу Ясуэдан чиққан фикр,
ўйлади у. Жуда яхши чалаяпти.

Меҳмонлар кулгуси ва фортепьяно овози остида,
ҳамма жонланган бир пайтда Сомия ўнг чеккадаги
тарашани олиб ҳидлади-да, эълон қилди:

– Ёсинодан келтирилган криптомерия.

Меҳмонлар яна гуриллаб кулди. Тарашага “қи-
зил қарағай” деб аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйил-
ганди.

Олти тарашадан Сомия биттасини ҳам тўғри тополмади. Аммо Ясуэнинг жияни барибир унга катта, яхшилаб ўралган чиройли қутичани топширди.

Биринчи уриниш меҳмонларда айрича қизиқиш уйғотди. Стол олдида бирин-кетин хоҳловчилар кела бошлади. Бир улгуржичининг ёш хотини ҳид ажратишда уддабурон чиқди ва роса учта тарашани тўғри топди. Кейин кекса ёшли ўрмон савдоси раиси чиқди, аммо у фақат биттасини топди. Нобутакэнинг ичиб олган шериги тантанавор ва баланд овозда тарашаларни топишга киришиб кетди, аммо битта ҳам ёғочни тополмай тор-мор бўлди.

– Ҳуш, уйнинг эгаси нима дейди, ахир у катта тажрибага эга! – атайлабми ёки шунчаликми, қариндош-уруғлар ичидан бири – ёш йигит нидо солди. Нобутакэ дераза яқинида ўтирарди ва мусаллас симирарди, аммо ёнидагилар уни стол томонга итариб юборишди.

Унинг кўзини боғлашди. Оёқлари узун, мусалласдан қип-қизариб кетган Нобутакэ чайқалиб кетди. Кэйко паст овозда фортепьяно чалар эди.

Нобутакэнинг юраги дук-дук уриб кетди. Қайнота столга яқинроқ борди. Жиянлари қуршовида сал нарида турган Ясуэга қаради. Ясуэ хотиржам табасум ила эрига қараб турарди. Ҳозир нима бўлишини тасаввур қилиб у нафасини ичига ютди.

Нобутакэ столни пайпаслади, унғ томондаги четки тарашани тутди-да, уни апил-тапил юзига олиб борди.

– Кисюдан келтирилган сарв... – деди у аста ўзига-ўзи гапиргандай. Меҳмонлар шовқин солиб юборишди. Тарашада айнан шу ёзилганди.

– Америка сарви, – деди қайнота бир қадар шошиб, столдан навбатдаги тарашани оларкан. Меҳ-

монлар яна тўлқинланиб кетди, қарсақлар янгради. Нобутакэ тағин тўғри топди.

У ҳайрат билан қайнотасининг қўлларига қаради: унга Нобутакэ биқин томондаги тарашаларни пайпаслаб кўришни бамисоли эсидан чиқаргандай туюлиб кетди. Аммо у жуда узоқда ўтирарди ва у ёқдан унча яхши кўринмасди. Дарвоқе ўйиқ барибир йўқ эди ва у ҳеч нарсани тушунмаётганди.

Унинг ҳайратдан ўзига келишига имкон бермай, Нобутакэ бирин-кетин барча тарашаларни тўғри топди.

Меҳмонхона бўлмаси “қойил, қойил” деган ҳайқириқлардан ва қарсақлардан ларзага келди. Нобутакэ енгил жилмайиб қўйди, гўё бу шовқинга унинг дахли йўқдай.

Кўзбоғични ечдириб, қайнота дераза олдидаги ўз жойига қайтди.

У ҳамон тик турарди, булар бари тўғри эканига ишонмас, нима деб ўйлашни билмас ва нима дейишни ҳам фаҳмлаёлмас эди. Бу унинг ўзими ё бошқа одамми? Ёки Нобутакэ қандайдир жоду кучига эгами? Демак, у баъзилар ўйлаганидек тубан одам эмас экан-да?

У Ясуэга қаради. Ясуэ ҳамон ўша жойда жиянлари билан пинагини ҳам бузмай гап сотарди. Унинг кўнгли тўқлиги шундоқ кўриниб турарди. Балки эри тарашаларнинг сирини қандай топганини хотинидан сўраб кўргани маъқулдир.

Шу топ у Кэйконинг ўрнидан туриб, онаси томон йўл олганини кўрди. Ярим йўлга келганда қиз бамисоли унинг нигоҳини сезгандек унга қараб жилмайиб қўйди. У қўли билан уни ўзи томон чақирди, қиз келди – у терлаб кетганди, аммо ҳар доимгидай ёқут чехраси ялт-юлт қиларди.

– Ҳуш, қалай бўлди? – сўради Кэйко.

Савол хотинининг уйини устидан берилгани аниқ эди, бироқ йигит беихтиёр бутунлай бошқа нарса ҳақида гапирди:

– Отам ҳаммасини топди. Таажжуб. .

– Ҳа, – бош ирғаб деди Кэйко, гарчи ҳаммаси тўғри бўлганига гумонсирагандай оҳангда. Бу гап оҳанги унга шубҳали туюлди. Кейин аёл қўшиб қўйди: – Ҳамма шундай деб ўйлаяпти. Бунини эса мен унга хуфёна айтдим.

Йигит қулоқларига ишонмади.

– Сен-а? Бўлиши мумкин эмас. Қандай қилиб айтдинг?

– Мен унга чолғу овози билан айтиб турдим. Мен баъзи ноталарга урғу бердим, зарблар миқдори эса тараша рақамини билдирарди.

Бир лаҳзача у нима деб жавоб беришини билмади ва индамай хотинига қаради. У бошидан зарба еган-у, сира ўзига келолмаётган одам ҳолига тушганди. На Кэйкони, на Ясуэни кўришга кўзи йўқ эди. Мана бу одамларга тўла, димиқиб кетган танобий ҳам йигитнинг кўзига балодек кўриниб кетди.

У индамай даҳлизга борди, оёғига кийиб ташқарига чиқди. Лифтда биринчи қаватга тушди ва шоҳроҳ томон одимлаб кетди. Оқшом чўкиб бўлган эди.

Денгиз томондан ёқимли, салқин шабада эсарди. Шошиладиган жойи йўқ эди, аммо у тез юриб борарди ва фақат унча катта бўлмаган тош кўприкка етгандагина тўхтади. Кўприк тагидан худди фирма олдидагига ўхшаш энсиз анҳор оқарди. Сувга энгашиб, у бу ерга келиш учун нега шошгани ёдига тушди. Нафақат Ясуэ, балки қизи Кэйко ҳам уни ўзига билдирмай кўринмас ришта билан қандай ўраб-чир-

маб олишни биларкан. Улар орасидан чиқиб олиш учун келди бу ерга. Аммо бу фойдасиз эди. Тун зулмати қуршаган каби нимадир уни қуршаб олганди.

У ташналикдан қийналиб кетган одамдай қоп-қора сувга қараб қўйди. Тонг чоғи отаси билан Накагава дарёсидан пастга қараб сузганлари эсига тушди. Осмон тўқ-кўк тусда бўлиб, ҳали юлдузлар кўриниб, шамол эсиб турарди. Мавжлар узра чайқалганча қайиқ худди кумушранг форель каби юлдузли бўшлиқ томон ўқдай учиб борарди.

Энди қоп-қора осмон остида парвознинг бу туйғуси яна қайтиб келди ва ўзига ҳам ҳозир юлдуз шуъласига пешвоз сузиб бораётгандек туюлиб кетди.



ЗАЙТУН МОЙИ

Ромуальдо ўзининг бўйдоқлик тўшагида уйғонганида биринчи хўроз қичқириғи янграгани: унинг олдида ҳали шаҳарга етиб олиш учун хачир устида уч соат силкиниш, ўттиз километрдан ортиқ масофани босиб ўтишдек машаққатли йўл турарди. У ҳали бирон марта ҳам Кова-Фигейдан Сан-Фелипгача масофа вақтини қисқартиришга муяссар бўла олмагани: бу масофани баъзи отлиқлар уч соат деганда қандай босиб ўтишаркин, бунга Ромуальдонинг ҳеч ақли етмасди.

У хачирни эгарлаётган пайтда оқсочи Луиза фонус ёругида эчки соғарди: Ромуальдонинг ошқозони оғрирди ва у эрталаблари, албатта, янги соғилган сут ичиши ва обдан қовурилган кускус¹ ейиши керак эди. Хўжайинининг овқатланиш тартибини Луиза яхши биларди ва у роҳибликнинг жабр-зулмидан озод бўлиб, шундай кекса ўқитувчининг оғирини енгил қилаётганидан мамнун эди. Тўғри, ўқитувчи тинмай қих-қих қилиб йўталар, нолишдан чарчамасди.

Тизгин буткул тўзиб, эгар ёстиғидаги жун газлама ситилиб, лахтак-лахтак бўлиб кетгани, узангининг бир неча жойига ямоқ ҳам тушгани, бироқ абзал ҳали дуруст эди, қайиш ҳам. Нима ҳам қила олардик – одамлар қаригандек, буюмлар ҳам эскиради.

¹ Кускус – асоси бугдой ёрмасидан тайёрланадиган таом тури (тарж.).

Янги согилган бир стакан сутни симириб, ёғли кускусни жигилдонга уриб, Ромуальдо йўлга тушди. Унинг хашири қариган сайин ювош бўлиб борарди: шундай бўлса-да, унча-мунча йўлни кўрдим демасди, ҳалиям тетик, чаққон бўлиб, Ромуальдо ўла-ўлгунча уни хих-хихлаб юришга тайёр эди.

Хўрозлар тонг ёғдусини қутлаганча, овозларини баралла қўйиб қичқирарди. Йўл чарақлаган юлдузларнинг ёруғида аниқ-равшан кўринарди. Ҳе йўқ, бугун яна ёмғир бўлиши даргумон: буни Сомон Йўлининг нур сочиб турганидан билса бўлади. Қария ҳовлидаги дарахтлар ҳали барг чиқармаганини пайқади, ахир июнь ойи поёнига етай деб қолди, куртаклардан аллақачон барра япроқчалар ёзилиб чиқиши керак эди. Аммо бунинг учун ёмғир керак, қани ўша ёмғир!

Шуниси ҳам борки, жаноб Ромуальдони курёқчилик унча ташвишга солмасди – ёмғир ёғадими, йўқми, унинг ҳаёти бунга боғлиқ эмасди. Қария умр бўйи ўқитувчилик қилган ва вақти соати билан нафақага чиққанди. Нафақа пули ҳақиқатан ҳам кам эди: тирикчиликка аранг етарди, боз устига яна мана бу овқатланиш тартибини айтмайсизми: шифокор унга ловия ва чўчқа гўштини ва умуман чўчқа ёғидан тайёрланган ҳар қандай егуликни тақиқлаб қўйган... Яхшиямки, унга Луиза деган инсофли оқсоч учраб қолди, яхшиямки, ўша Луиза кускус деганни ейишга рози бўлди: оқсочни боқиш учун энди ортиқча сарф-харажатнинг ҳам ҳожати йўқ. Парҳез арзонга тушадиган нарсаси эмас: шифокор Баррето, ўсимлик мойи, гуруч, патир ноннинг қотгани, сут ва ора-сира қовурилган жўжа еб туришни буюрди... Ёзишга-ку, у ёзди, бироқ ҳамма гап шундаки, бу кўрсатмаларни бажариш жаноб Ромуальдонинг қўлидан келмасди:

пул етмайди. Бунинг устига ҳамма нарсани ҳам бозордан топиб бўлмайди. Масалан, бузоқ гўштини қаердан оласан?!

Фарзанд доғи уни адои тамом қилганди – у бирдан етимчага айланиб қолгандек эди, ота-онасидан айрилган кезлар ҳам у ўзини бунчалик ғариб ҳис этмаганди... Бу пайтда устоз шўрлик ўғлининг жасади ётган қабристон дарвозасининг нақ ёнгинасидан ўтиб борарди. Мануэл отасини қандай яхши кўрарди, ёшига қараганда қандай фаросатли, одамларга ишонувчан ва уларга фақат яхшилиқни раво кўрувчи бола эди у! У онасини билмасди: у туғилгандан сўнг бир ой ўтиб, онаси Дакарга жўнаб кетди ва ўша кетганча бошқа қорасини кўрсатгани йўқ.

Ромуальдо болага жуда бағир босиб қолганди, бир нафас ҳам фарзандисиз туrolмасди – ёши улгайганда Яратган унга шунақа овунчоқ ато этганди. Унинг яна бошқа фарзандлари ҳам бор эди, бироқ бари ўсиб-улғайиб, дунёнинг ҳар чеккасига қанот боғлаб учиб кетишганди, Ромуальдо уларнинг фақат биттасидан мактуб оларди. Мануэл қариянинг якка-ёлғизлигини билинтирмасди, бироқ бу ҳам узоққа чўзилмади... У олти ёшида менингит касалига чалиниб дунёдан ўтди. Бола ҳушсиз ётган кезлар қандай мунгли оҳангда инграганлари, отасининг бўйнига осилиб: “Ана у! Ана, келяпти!” дея қандай қаттиқ қичқирганлари ҳали-ҳамон устознинг қулоғи тагида жаранглаб туради. Мануэл бу дунёни абадий тарк этганида, унинг тинчиб қолган чехрасида азоб-уқубат ифодасидан ном-нишон қолмаганди, қариянинг юрагига эса аввал у сира бошдан кечирмаган соғиниш ҳисси пусиб кириб олганди.

Ҳозир эса у шаҳарга отланганди, чунки қиёматлик дўсти Жоан идишда ёғ сотилаётгани тўғрисида

хабар берганди – унинг парҳези учун зарур бўлган жуда яхши зайтун мойи. Мой ҳозирча божхонада бўлиб, пайшанба куни бир юз саксон эскудодан кимовиди савдоси орқали сотиладиган бўлганди. Ундан арзон бўлмайди. Агар олибсотар баққоллар мойни олишга улгуришмаса, ёғ бир неча ойга етади – омадни синаб кўриш керак.

Хачир йўлдаги ўнқир-чўнқирликларни одатдагидек айланиб ўтар, туёқларини тақиллатганча, илдам юриб борарди, чуқур ўйга ботган жаноб Ромуальдо эса бундай силкинишларни ҳатто сезмасди ҳам.

У Сан-Фелипда ва Кова-Физейрда деярлик қирқ йил дарс берди; унга олти юз эскудо нафақа тайинлашганди; хотини ва болалари бўлганда, шугина нафақа уларга урвоқ ҳам бўлмасди... У ҳатто халқ маорифи соҳасида ўз вазифасини ҳалол адо этгани учун мукофот ҳам олди; шахсан губернаторнинг ўзи муниципалитет танобийсида уни бағрига босиб табриклади. У бу тантананага ўғлини ҳам олиб борганди ва Лиссабондан ташриф буюрган нуфузли жаноб унинг кўкрагига қандайдир чиройли нарсани қандаб қўяётганда, боланинг юраги ғурурга тўлганди! Жаноб яна шундай деганди: “Бу мукофот болаларга яхши таълим берганинг учун...” Шўрлик, азиз ва жажжи Мануэл!

Бир неча кундан сўнг авлиё Иоанн куни байрами, бироқ кунгурадор тоғ тизмалари тепасида бир парча бўлса-да, булутдан асар йўқ ва яқинлашиб келаётган тонг ёруғида бу тизмалар янада яққолроқ кўрина бошлаганди. Ҳадемай қизиган темирдек қип-қизил ва қайноқ қуёш чўққилар орасидан қалқиб чиқади. “Яхшиям соябонни олиб олганим, – хаёлдан ўтказди қария, – осмон тип-тиник, роса куйдириши тайин”. Жаноб Ромуальдо йўлга мукамал шайланганди:

тутинган ўгли Америкадан олиб келган шўх рангда-
ги каноф сурупдан костюм, бошига панама илганди.

Денгизга олиб тушадиган теп-текис йўлни ким-
дир белкуракдами, ё кетмондами жўрттага қазиб
ташлагандек эди. Қовжираб-қақраб кетган ернинг
ёмғир кўрмаганига ҳам анча бўлганди, фақат ун-
да-бунда яшил доғдек ўт-алафлар кўзга ташланар-
ди. Саёзлашиб қолган сойлар оғзини катта очган
махлуқ жағларига ўхшарди, гўё. Эҳ, қани эди бир
шаррос ёмғир қўйиб берса! Теварак-атроф бир
зумда бошқача тусга кирган бўларди! Қақраб кет-
ган ерни буғдой қопларди, чуқурликларнинг чет-
ларидан чечаклар униб чиқарди, ҳамма ёқ барра
майса билан қопланарди, моллар ҳам мириқиб ўт-
лар эди... Ҳозир-чи, атрофга қарагинг келмайди...
ҳаммаёқ қўйиб ётибди!

Қария эски ошнаси Руфинонинг дўконидида бир оз
ушланиб қолди.

- Бугун дўконни эрта очибсанми!
- Жаноб Ромуальдо, каллаи саҳарлаб йўл бўлсин?
- Шаҳарга тушмоқчийдим, ишим бор.
- Аҳволингиз яхшими ўзи, жаноб Ромуальдо?
- Ҳа, тупроқдан ташқари дегандай...
- Судда гувоҳ бўлиб кетмаяпсизми?
- Йўғ-э, Худо сақласин.
- Олис йўл, сиз эса энди ёш эмассиз, соғлиқ ҳам...
- Нима ҳам қилардик, илож қанча... Рафиқангиз,
болалар яхшими ўзи?

– Худога шукр, ёмон эмас. Нининьянинг кеча
кўзи ёриди, биз яна биттага кўпайишдик.

– Ў, умри билан берган бўлсин! Энди фарзандлар
қанча бўлди?

– Тўққиз жон. Кеча дунёга келганини ҳам қўшиб
айтадиган бўлсак, беш нафар қизу, тўртта ўғил бола.

Балки ичкари кириб, бир пиёла қаҳва ичиб бир оз нафасни ростлаб оларсиз?

– Мехрибонлигингиз учун ташаккур. Кун қизиб кетмасдан шаҳарга тезроқ етиб олақолай. Бўлмаса жазирамага қолиб кетаман.

– Зоримиз бору зўримиз йўқ, унда қайтишингизда меҳмонимиз бўлинг. Шаҳарда унча узоқ қолмасиз, а?

– Йўғ-э. Эртагаёқ қайтаман.

– Демак, тез битадиган юмуш экан-да?..

– Арзимаган иш. Майдонга бир кўз ташласам бўлгани.

– Майдонга?

– Ҳа. Божхонада баъзи бир моллар сотилар экан.

– Ростданми?

– Бўпти, Руфино, вақт йўқ. Хотинингга салом айт, кўришгунча.

– Яхши боринг, жаноб Ромуальдо, ишингиз ўнгидан келсин!

Хачир яна қадамини тезлатди ва шу кетишда Кова-Фигейргача тўхтамади, хўжайини соябонини очди: осмондан оловли найзалар ёғила бошлади. Бир неча дақиқа ичида ҳамма ер тоғ тизмалари устидан отилиб тушаётган ёғдуга кўмилди.

Жаноб Ромуальдо ўзини улкан соябон гумбази панасига олди. Шаҳарга етиб олиш учун яна ярим соатлик йўл қолганди.

Чиндан ҳам йигирма беш дақиқадан сўнг бош черковнинг баланд кўнгироқхонаси кўзга чалинди. Денгиз худди ёғ тўкилган ердек ялтирарди. Гарчи бу пайтларда унинг чўққиларини оппоқ қор қоплаб ётган бўлса-да, айти пайтда парча булут ҳам кўринмасди. Бу яхшилик аломати эмас. Остонада авлиё Ионн куни турган бўлса-ю бир томчи ёмғир бўлмаса-я.

У тушишда давом этарди. Фелип Сантос Силви майдонида болалар копток кетидан қувиб юришарди, уларнинг баъзилари ўқувчилар халтасини елкаларига осиб олишганди. “Ўқиш ўрнига, эси пастлар копток кетидан қувиб юришади. Оҳ, бу футбол деганлари ёшлик даврининг заволи бўлди фақат”.

Жаноб Ромуальдо майдонни аранг кесиб ўтди: ҳуркиб кетган ҳачир дам-бадам жойида серрайиб қотиб қоларди. Тажриба йўқ. Одоб нима билмайдиган бу тирранчаларнинг ота-оналарида уят деган нарса қолмабди: фарзандларига тузукроқ тарбия беришни ҳам билишмайди...

Ромуальдога кўзлари тушиши билан болалар бақира кетишди:

– Ундан ясалган чувалчанг! Ундан ясалган чувалчанг!

Бу гапнинг эгаси, албатта, у эди: оқ кавуш, оқ қалпоқ, оқарган мўйловлар. Уни масхара қилишаётгани аниқ, бошқа яна кимни ҳам бўларди... Тери ҳам худди ўчакишгандек рангсиз эди...

– Ҳу-у-у, ундан ясалган чувалчанг!

Ҳачир тўёқлари билан шаҳар тош кўчаларини тақирлатиб кириб борганида, минора соати саккизга занг урганди. У уйдан сахар соат тўртда йўлга чиққанди... Ҳаммаси тўғри – йўлга нақ тўрт соат вақт кетибди.

Ўқинтирган ота Жоан ва унинг аёли Маргид устозни самимий қувонч билан кутиб олишди. Ҳачирнинг эгарини ечиб, шийпонга элтиб қўйишди, Ромуальдога буклама курсига ўтиришни таклиф этишди. Унинг оёқлари увушиб, ўқтин-ўқтин оғриётганди.

– Жаноб Ромуальдо, узангингиз ҳаддан ташқари калта экан. Уни туширмаса бўлмайди.

– Мен шундай юришга ўрганганман.

– Йўқ, йўқ, сиз уни бир узайтириб кўринг-а, қандай қулай бўлишини ана ўшанда кўрасиз. Йўл қанча олис бўлса, узанги ҳам шунча узун бўлмоғи керак, бунини мен отамдан ўрганганман.

Жаноб Ромуальдо бу одамларни ҳаминиша кўнглига яқин оларди: Маргид онадек барчага меҳрибон эди, бу эҳтимол унга оналик бахти насиб этмаганидандир. Бундан толе эгаси бўлган аёл ич-этини еб яшарди ва шу боис унинг уйидан эрталабдан то қош қорайгунга довр ўш болаларнинг шовқин-сурони аримасди. Кўпчилик эр-хотинлар ўз жуфтларини шу хонадонда топишганди, энди уларнинг фарзандлари Жоан ва Маргидни ўз бувилярию ўз буваларидек кўришарди ва уларни шундай деб чақирарди ҳам.

Жаноб Ромуальдо ўзининг касалию парҳези тўғрисида, омади чоғиб Луизадек меҳрибон хизматкор учрагани ҳақида, ёлғизлигию ўн йил бурун бу дунёни тарк этган ўғли Мануэл ҳақида ва яна ёмгирдан ҳали-ҳануз дарак йўқлиги, ҳозирги замонда болаларга тузукроқ тарбия берилмаётгани ва пировардида ўзининг бу ерларга азда-базда овора бўлиб бир идиш ёғ учун келгани тўғрисида сўзлай кетди.

– Литри қанчадан экан?

– Тўрт галлондан, шунда, ўн литри – ўн саккиздан бўлади.

– Бошланғич баҳоси-чи?

– Бир юз ўн саккиз эскудодан. Бу жуда арзон. Зайтун мойининг литри одатда ўн тўққиз эскудодан сотилади. Икки юздан сотса ҳам бўлади. Бир қатта идишдагиси каминага бир йилга, балки ундан ҳам кўпроққа етиб қолади. Биз ахир Луиза иккимиз холосмиз-ку.

Гарчи қария оворагарчилиқнинг керағи йўқ, қарда бўлса ҳам ётиб кетавераман дея эътироз бил-

дирса-да, чўқинтирган ота Жоан жаноб Ромуальдо-ни ҳамиша мана шундай – қўярда-қўймай уйида олиб қоларди. Қария қанча таранг қилса, Маргид ҳам шунча қаттиқ туриб оларди ва олис йўлдан тинкаси қуриб келган Ромуальдо охири ноилож таслим бўларди. Яхши маънодаги бундай мулозаматлару эътирозлар ун йилдан бери шу тахлит такрорланарди.

Уни элтиб қўйишган хонада, Америка маҳсулоти бўлган юмшоқ тўшақли, эгилувчан, худди яп-янгидек ялт-юлт этиб турган беҳисоб соққачалару харидан иборат баланд ва кенг, темирдан ясалган ва сарғиш рангга бўялган каравот турарди. Каравот кенг хонанинг ўртасига, металлдан ясалган улкан хочнинг тагига жойлаштирилган бўлиб, унинг бош тарафи шимол деворига қараганди. Бу каравот маърифатли ва билимдон, ва у ҳам Марказий мактабда дарс берган, теварак-атрофдагиларга маълуму машхур Маргиднинг отаси руҳоний Кассианога тегишли эди.

Деворда яна жаноб Ромуальдонинг гашига тегадиган ўймакорлик ва олеография усулида ишланган расмлар, календарлар осилиб турарди: улардан бирида кўз-кўз қилиш учун уст-бошсиз қиз бола тасвирланган бўлиб, бу календарь нақ Маргиднинг портрети тагига илинганди. Чўқинтирган ота Жоан хотинидан сал бўлса ҳам ҳурматини дариг тутмаса бўлармиди. Ожиз одам!

Жавон устида ҳам чорчўпга солинган фотосуратлар турарди ва расмлар орасида Жоан ва Маргиднинг чўқинтирган ўғли жажжи Мануэлнинг ҳам сурати жой олганди. Бу унинг ўлиmidан сал аввал олинган сўнгги расми эди. Шунақанги чиройли ва шунақанги ақлли бола... Яратган унга нега шундай қисқа умрни раво кўрди экан, балки жаноб Ромуаль-

донинг ёши улғайганда унга эрмак топилишини ис-
тамаганидандир?!

Эртасига барвақт Ромуальдо Жоан билан бирга божхонага йўл олишди: олди-сотди саккизга бел-
гиланганди. Минора соати қачон занг ураркин дея
икковининг ҳам қулоғи динг эди. Улар ўриндиққа
утириб, об-ҳаво тўғрисида, ёмғирдан дарак йўқли-
ги тўғрисида суҳбатлашишди ва бўладиган ҳосилни
ўзларича чамалаб ҳам қўришди. Агар ёмғир ёғма-
са, ҳамма ер куйиб тамом бўлади. Кейин ҳукумат
очин-тўқинларга ёрдамлашиш учун бирон-бир чо-
ра-тадбир қўллашга мажбур бўлади. Ёмғирдан эса
ҳамон дарак йўқ: дарахтларда барг тугул ҳатто кур-
так ҳам қўринмасди, май ойи одатга кўра шаррос
ёмғирни башорат қилса-да, ғивир этган шамол ҳам
эсмаётганди...

Шу пайт, худди театр пардаси очилгандек, божхо-
на эшиги очилди. Оталар тушунгандек, бир-бирла-
рига қараб қўйишди, сўнг ўринларидан туриб, саф-
нинг олдига ўтишди.

Одамлар йиғилаётганди ва чўқинтирган ота
Жоан Ромуальдо эшитиб қолмасин дея эҳтиёт бў-
либ қўшнилари билан гапга тушиб кетди: мана, ис-
теъфодаги ўқитувчи эмиш, нафақаси ҳам оз экан,
шифокор парҳез қилишни буюрибди, чўчка ёғидан
тайёрланган ҳар қандай таомни тақиқлаб, фақат зай-
тун ёғидан истеъмол қилишини айтибди, шу боис у
зайтун ёғи солинган идишдан бирини олмоқчи, агар
сиз унга йўл бериб, ҳиммат кўрсатсангиз, олийжа-
ноб иш қилган бўлурдингиз.

Одамлар, денгиз кўпигидек оқ, бошига соябонли
қалпоқ, эғнига барча тугмалари текис қадалган кал-
та канопп камзул кийиб олган озғин, ҳамманинг кўзи
мўйловли қарияда – бу кўзлар озмунча ёш тўкмади.

Кўриниши иззату ҳурматга лойиқ одам эди. Бирон-та ҳам рақиб уни синдиришга жазм этолмасди.

Машинкада босилган бир уюм қоғоз кўтариб, очик савдо вакили кириб келди-да, қути устига чиқди ва шу билан очик савдо бошланди.

Сотувга чиққан моллар рўйхати бинойидек катта эди, навбат ёғ тўлдирилган идишга келди.

– Бир юз саксон, ким кўпроқ беради?

– Бир юз саксон бир! – қўлини кўтарди жаноб Ромуальдо.

– Бир юз саксон бир, ким кўпроқ? Бир юз саксон бир – бир! Бир юз саксон бир – икки!..

Ҳеч ким баҳони кўтармади. “Уч!” – қичқирди очик савдо вакили ва идишдаги ёғ одоб билан жилмайиб турган жаноб Ромуальдога насиб этди. Чўқинтирган ота Жоан уни тўлиб-тошиб табриклади.

Энди идишдаги зайтун мойини Кова-Фигейрга етказиш қолганди ва унинг жонига яна қиёматли дўсти Жоан оро киргазди: эски кадрдонига эшагини берди. Бари ишлар жойида кетаётганди. Тушдан сўнг жаноб Ромуальдо ўз ҳаширида йўлга тушади, ортидан эса елкасига ёғ тўла идиш юкланган эшак майда қадамлар билан йўртиб боради. Энди у бир йилгача ёғ гамини емай яшайверса ҳам бўлади.

Тушлик қилиб бўлган қария Маргиднинг меҳмоннавоълиги учун миннатдорчилик билдирди-да, у билан хайрлашди ва эгарга ўтириб божхона тарафга қараб йўлга тушди. Дўсти Жоан унга ёрдамлашиш учун бир йигитни ёллаганди.

Соат икки бўлса-да, ҳали божхона ёпиқ эди, бироқ эшикка қўлинг тегиши билан эшик ҳам очилди.

Йигитча амалдорнинг кўмаги билан юк ортиладиган эгарни тайёрлашга киришди: идишдаги ёғни олис манзилга етказишнинг ўзи бўлмасди. Улар

бор куч билан қоринбоғни тортишди, сўнг ёғ тўла идишни эҳтиётлик билан юк ортиладиган эгарга қўндаланг қилиб жойлаб, бирининг устига иккинчисини кесиштириб арқон билан боғлашди ва тугун таранг қилиб тортилди, арғамчи эшакнинг терисига маҳкамланди. Юкни маҳкам тортиб боғланганига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг эшакни ўз ҳолига қўйишди.

Яна қанча вақтга ажралишаётганларини билмай, бир-бирлари билан ўпишишди: турган гап қария шаҳарга тез-тез келолмайди, унинг ёшида бундай сафарлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Қарияни кўргани Кова-Фигейрга яхшиси қиёматли дўсти борсин: у ҳали ёш, бақувват, ўзи билан Маргидни ҳам бирга олиб келсин, у ернинг ҳавоси аёлдаги мигрен касалига шифо бўлса, ажаб эмас.

Кўча майдондан қиялик бўйлаб тикка борарди. Денгиз манзараси қай тарзда намоён бўларкин: оқшом у ерга шаҳарликлар тўпланишади. Ромуальдо қачонлардир, шаҳарда яшаётган пайтлари ҳар оқшом у ерга бориб турарди ва ҳайкал супчасига ўтириб олиб, шаҳарнинг бообрў кишилари билан узоқ суҳбат қуларди. У пайтлар ҳали ёш, соғлиғи зўр, пул ҳам чўнтагида етарлича бўларди. Маоши унча катта эмасди, шунга яраша ҳамма нарсаси арзон эди. Марказий мактабда ойига йигирма беш милрейсдан маош тўлашарди ва десерт учун метрополиядан ўзига узум сотиб олишга ҳам қўрби етарди. Энди бўлса, базўр қўл учиди кун кўряпти ва идишдаги арзимаган ёғ учун жазирама офтобда, ўнқир-чўнқир, паст-баланд йўлларда қадамини зўрға босиб, овораю сарсон тенгираб юришга мажбур бўляпти...

Майдондан кетаётиб, ҳали молия муассасаси муъолишига бурилиб улгурмаёқ ёғ тўла идиш қулаб

тушди. Қуладию думалаб кетди. Орқасидан келаётган Жоан ўзгаргудек овозда дод-фарёд кутарганча воқеа жойига отилди. Қария эгарда тошдай қотиб қолганди. Божхона хизматчиси ҳам қичқира кетди. Ёғ тўла идиш тош йўлдан гумбурлаганча юмалаб борди ва панжарага келиб урилди. Идишнинг чам-бараклари учиб, ҳалқалари сочилиб кетди, ёғ эса тизиллаб оқа бошлади. Эти суягига ёпишган ит ялтираб ётган силлиқ тош йўлни осилиб тушган лунж-лари билан ялай бошлади.

– Қадрдоним Ромуальдо, бу қандай гап бўлди?! – қайғуриб хитоб қилди Жоан.

Ромуальдонинг ҳатто қимирлашга ҳам мажоли қолмаганди. У ёғни тинмай ялаётган итдан кўзини узмасди: тош йўлни ҳалқоб босганди.

– Бу қандай офат бўлди яна, бу қандай мусибат! Шундай олис йўл босиб келиб, бир юз саксон эскудо пул сарф қилинсаю уйга куп-қуруқ қўл билан қайтилса...

– Қўйсанг-чи, Жоан. Мануэлдек боламдан айрилишга етган бардошим, шу оддий ёғга келганда етмасмиди...

У улкан шамсиясини очди: пружина қарсиллади. Ромуальдо қоқ суяк гавдасини жазирамадан ва шаҳарликларнинг ачиниш тўла нигоҳларидан яширди.



ОЙНИНГ АКСИ

Бир куни Кёко уйнинг иккинчи қаватида тушакка михланиб қолган хаста эрига ўз полизини қўл кўзгуси ёрдамида ҳам кўрсатишнинг иложи борлигини фаҳмлаб қолди. Биргина шу “кашфиёт”нинг ўзи эрига бутунлай янги ҳаёт эшигини ланг очиб берганди. Бундан бошқа яна анча-мунча воқеалар ҳам бўлиб ўтди.

Бу ўзи қанақа кўзгу эди. Бу, Кёко эрининг уйига ўзи билан олиб келган пардоз столи қутисида сақланадиган кўзгу бўлиб, бари Кёконинг сепи эди. Пардоз курсиси ва кўзгунинг гардиши тут ёғочидан ясалганди. Кёко тўйдан кейинги дастлабки кунлари ундан орқага турмакланган сочини кўриш учун фойдаланиб турарди. Кимононинг енги тирсаккача сирғалиб тушиб, билаклари яп-яланғоч очилиб қолган пайтларда Кёко уятдан қип-қизариб кетгани ҳамон унинг ёдида сақланиб қолганди. Бу худди ана уша кўзгу эди...

Кёко чўмилиб чиқиб, пардоз столи ёнига келиб ўтиргач, эри: “Сен эплотмаяпсан, қани, кўзгуни бу ёққа бер-чи, мен ушлаб тураман”, – дерди ушанда. Сўнг хотинининг қўлидан кўзгуни тортиб оларди-да, орқага турмакланган соч унга яхшироқ кўринсин учун кўзгуни ҳар томонга бура бошларди ва бу ишидан ўзи ҳам қойил қоларди. Бунини Кёко эплот-

маяпти, деб бўлмасди. Шунчаки у орқасида туриб олиб уни кузатаётган эридан ийманарди, холос.

Ўшандан буён унча кўп вақт ўтмаган, гардиши тут ёғочидан ясалган кўзгу ҳам ҳали эскириб улгурмаган бўлса-да, лекин орада бўлиб ўтган уруш, эвакуация, устига-устак эрининг оғир дардга чалиниб қолгани ўз таъсирини бидирмай қолмаганди. Кёко энди озиб-ёзиб эрига бирров ўз полизини кўрсатаман деб ният қилганда кўзгунинг гардишларини чирк босиб, тўкилаверган упа-эликдан хира тортиб, доғ-дуғ босиб кетганди. Булар Кёкони кўпам ташвишга солмасди, тўғрироғи, у бунга унчалик эътибор бермасди, чунки полизни бошқа кўзгу билан ҳам кўрса бўлаверарди. Лекин шу пайтгача уни қўлидан қўймай, бош томонида ҳамон авайлаб сақлаб келаётган эри, мажбурий бекорчилик сабабми ё беморларга хос жиззакиликми, хуллас кўзгунинг гардишини кирдан тозалаб, ойнани обдан ялтиратиб артишдан ҳеч эринмасди. Кёконинг кўзгуга дам уриб, уни астойдил артаётган эрига тез-тез кўзи тушиб қоларди. Кўпинча эрининг бундай иш билан машғуллигини кўргач, мана энди ёғочли гардишнинг кўз илғамас ёриқларига ҳам сил касалининг таёқчалари ўрнашиб қоладиган бўлди, дея хавотирга тушарди... Кёко эрининг сочини тараётганда камеля ёғидан фойдаланарди, эри бўлса сочини кафти билан силаб-силаб қўярди ва яна аввалгидек гардишни артишга тушиб кетарди, кўзгу бамисоли локлангандек ялтирарди, хира тортган пардоз столи эса ҳамон ўша-ўша жойида турарди.

Иккинчи бор турмуш қурган Кёко пардоз курсисини яна ўзи билан сеп сифатида олиб кетди.

Лекин эрини дафн этишда, уни қўшиб қўл ойнасини ҳам ёқиб юборди. Янги эрига бу ҳақда оғиз ҳам

очмади. Энди пардоз курсисини гардишида камакур¹ нақши бўлган янги қўл кўзгуси безаб турарди.

Мархум эрининг бармоқлари таомилда қандай буюрилган бўлса, ушандай кўкрагига чалиштирилган ҳолда тобутга қўйилди. Шу боис кўзгуни унинг қўли устига қўйишнинг иложи бўлмади ва Кёко кўзгуни мархумнинг кўкрагидан пастроққа тушириб қўйди.

Сўнг Кёко кўзгуни унинг қорнига олиб қўйди-да:

– Доим кўкрагингиз оғиррди, ишқилиб кўзгу сизга оғирлик қилмаса бўлгани, – деди шивирлаб.

Шунинг учун Кёко кўзгуни юракка яқин бўлсин, деб уни аввал кўкрак устига қўйди, чунки эр-хотиннинг биргаликдаги ҳаётларида кўзгунинг хизмати алоҳида эди. Кёко эрининг қариндошлари кўзгу ҳақида билишларини хоҳламасди, шу боис уни хризантема гуллари билан беркитди. Дафн олови уни эритиб юборди. Кўзгу дуд босиб, сарғайиб кетган йўғон, эгри-бугри найчага айланди-қолди.

– Анави нима, шишами? Яна нима бўлиши мумкин? – ажабланиб сўради қариндошлардан кимдир.

Гап шундаки, Кёко пардоз тўпламидан яна бир жажжигина кўзгуни олиб, қўл ойнасининг устига қўйиб қўйганди. Унинг орқа-ўнги бир хил тандзаку² шаклида бўлиб, Кёко уни ўзи билан тўй саёҳатига олиб кетишни орзу қилганди, бахтга қарши уруш бошланиб, орзулар яна ушалмай қолиб кетди. Кўз очиб кўргани ҳаётлигида ушбу кўзгудан фойдаланиш унга насиб этмади.

¹ Камакур нақши – бўёқ нақшнинг ўзаро уйғунлиги. — Ҳозирги ва бундан кейинги изоҳлар таржимонники.

² Танка услубидаги шеърлар битиш учун мўлжалланган чўзинчоқ китоб шаклидаги варақа.

Унинг орзуларини янги эри рўёбга чиқарди. Кёконинг упа-элик тўплами эскириб, тўзиб бўлганди, шу боис у янгисини сотиб олди. Худди аввалгисидек кўзгуси боридан.

Саёҳатларининг илк кунда эри Кёкони багрига босди-да:

– Сен ҳали ҳам бокира қиздексан. Боёқишгинам! – деди пичирлаб.

Эрининг сўзларида истехзони эмас, кўпроқ кутилмаган севинчни пайқаш мумкин эди. Кёконинг қиз боладек кўриниши балки уни мафтун этгандир. Бироқ эрининг бу сўзлари унга оғир ботганди. У ғужанак бўлиб олди-да, йиғлаб-йиғлаб кўнглини бўшатди. Эри бу йиги-сиғини яна ўша қизларга хос тортинчоқликка йўйиб қўя қолди.

Кёко ўзига раҳми келганидан шундай кўйга тушаётганмиди, ё собиқ эригами, буни ўзи ҳам тушунолмай гарнг эди. У буларнинг бирини иккинчисидан ажратолмай қолганди. Шунда Кёко ҳозирги эрига ноҳақлик қилаётганини, унга меҳрибонроқ бўлиши кераклигини англади-да:

– Ростдан-а!? Наҳотки бунинг шунчалик яхши фарқига борсангиз? – деди қувноқлик билан. Бироқ тилига эрк бериб юборганини сизди-да, қип-қизариб кетди. Эрининг эса, аксинча, шодликдан кўзлари чакнаб турарди.

– Ўзи фарзанд кўрмагансан, шекилли, – деди у яна Кёконинг ярасини янгилаб.

Аввалги турмушида бошидан ўтказмаган, ҳозир эса бегона эркакка рўпара бўлганда дуч келган бундай кучли эҳтиросдан Кёко ўзини хўрлангандек ҳис этаётганди: аёл гўё кўнгил эрмагига айланиб қолгандек эди.

– Бироқ менда фарзандга ўхшаш кимдир бўлган-ди, – деди эътироз билдириб Кёко ва яна ўша заҳоти жим бўлди.

Хаста эрини ҳатто вафотидан сўнг ҳам дилида парваришлаб келаётган Кёко уни ҳамон гўдак бола деб биларди.

“Эримнинг ўлиши шундоқ ҳам аниқ бўлиб турган бир пайтда нега энди мен у билан яқин муносабатда бўлишдан ўзимни тийдим?” – кўнглидан ўтказди Кёко.

– Мен Морини фақат поезддан турибгина қўришга муяссар бўлганман. – Янги эри Кёкони бағрига босди-да, хотини туғилган шаҳарни тилга олди. – Атрофи дарахтлар билан ўралган бу шаҳар чиндан ҳам ажойиб бўлса керак. Унга бежизга Мори деб ном қўйишмаган экан. У ерда неча ёшингача яшагансан?

– Коллежни тугатгунча. Мажбурий хизматни эса Сандзёдаги ҳарбий заводда ўтаганман.

– Демак, сен Сандзё яқинида туғилган экансан-да! Нега бунчалик хушрўйсан, десам, гап бу ёқда экан. Сандзё гузалларининг бари Этиго қишлоғида қўним топган деб бежизга айтишмас экан.

– Ошириб юбормадингизми? – деди Кёко қўлини кўкрагига қўйиб.

– Сенинг қўлларинг ҳам, оёқларинг ҳам гузал. Мен сенинг бутун борлигингга мафтунман.

– Йўқ-йўқ, ундай деманг! – ҳаяжондан қўлини кўкрагидан олди Кёко.

– Башарти, боланг бўлганида ҳам, барибир сенга уйланган бўлардим, – деди эри пичирлаб унинг қулоғига. – Уни ўғил қилиб олардим-да, ўз фарзандимдек суйиб, катта қилган бўлардим. Агар қиз бўлганида, янаям яхши бўларди.

Афтидан, ўгли борга ўхшаяпти, хаёлдан ўтказди Кёко, борингки, унинг бу сўзлари ўз муҳаббатини ошкор этиш бўлганида ҳам, барибир, унга ўринсиздек туюлганди. Тўғрироғи, эри ўз ўгли била Кёконинг учрашувини орқага суриш ниятида уни нақ ўн кун тўй саёҳати билан сийлаганди.

Эри асл чармдан ясалган сифатли сафар пардоз тўпламидан фойдаланарди. Бу тўпламни Кёконинг пардоз тўплами билан таққослаб бўлмасди. Эриники унчалик янги бўлмаса-да, лекин пишиқ ва каттагина эди. У тез-тез саёҳатга чиқиб турар ва чамаси, пардоз тўпламини кўз қорачиғидай асраб-авайларди, тўплам ҳам ўзига хос асил буюмдек сақланганди. Кёко ундан гарчанд ёлчителиб бирон марта фойдаланмаган бўлса-да, оҳори кетган ўша пардоз тўпламини тагин ёдга олди. Кёко тўпламдан эрига фақат кўзгунигина олиб берганди холос ва яна ўша кўзгуни эрига қўшиб нариги дунёга кузатганди. Бу Кёко қабрга – қўл кўзгусининг устига қўйиб, сўнгги йўлга кузатган ўша ойна эди... Кўзгу ва эри оловда бир-бирлари билан қўшилиб, маҳкам бирлашиб кетди; аслида у ерда иккита кўзгу борлигини ҳеч ким пайқамади. Ёниб, ғалати тарзда яхлитлашиб кетган шиша парчанинг илгари кўзгу бўлгани ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Кёконинг ўзи эса буни ҳеч кимга билдирмади.

Бу икки кўзгуда акс этган одамлар шафқатсизларча ўтга ташлаб юборилаётганини Кёко ҳис этиб турарди. Эрининг танаси бир сиқим кулга айланиб улгурган бўлса-да, Кёко бу икки йўқотиш ўртасида бироқ-бир тафовут борлигини сезмади. Бошда у полизини мақтанмоқчи бўлиб, эрига қўл кўзгусини тутқазди ва эри шу-шу ундан қайтиб айрилмади, лекин кўп ўтмай у кўзгуни қўлида узок ушлаб ту-

ролмайдиган бўлиб қолди. Бундай пайтларда Кёко ҳар сафар эрининг қўлларини, елкаларини уқалаб қўярди. Кейин Кёко эрига яна бир – ихчам ва енгил ойначани бериб кўрмоқчи бўлди.

Ҳозирча эрининг юраги уриб турган экан, бу икки кўзгу ёрдамида у нафақат полизни кўра оларди, балки энди унда ҳатто кўк ҳам, булут ҳам, қор ва олис тоғлар ҳам алайна-ошкор акс этиб турарди. Яна осмондаги ойнию ердаги дала гулларини ва кўчманчи қушларни ҳам кўришдан баҳраманд эди. Кўзгудаги ўша оламда одамлар йўлни кесиб ўтар, бола-лар боғда яйраб ўйнар эдилар.

Жажжигина кўзгу ўзида намоён этаётган бу бепоён ва ранг-баранг олам Кёкони лол қолдирганди. Кўзгу – ташқи кўринишингга оро беришинг учун асқатадиган бор-йўғи пардоз-андоз буюми, холос, инчунин, қўл кўзгуси, бу – бошқа бир кўзгуда мушкулнингни осон қиладиган яна бир буюм... Ётиб қолган беморга эса табиат ва инсон унда тамомила янгитдан яралгандек намоён бўларди! Эрининг бош томонига келиб чўккан Кёко ҳам кўзгуга тикилди-да, эри иккови у ердаги тасвирларга қараб ўзларича хаёл сура бошлашди. Бора-бора Кёко чин олам қайсию акси қайси, уларни бир-биридан фарқлолмай қолди. Булар Кёко учун мавжуд икки алоҳида-алоҳида оламга айланиб улгурганди, боз устига кўзгуда кўринаётган ўша бошқаси ҳатто ҳақиқийдек туюла бошлаганди.

Кўзгудаги осмон нуқрадек товланарди, – деди у; сўнг деразадан бошини чиқариб қаради-да, кўкка деразадан боқсангиз, у кул рангида, деб қўшиб қўйди.

Кўзгудаги осмонга қарасанг, кўнглинг равшан тортади. У ерда осмон чиндан ҳам порлаб турарди.

– Сиз меҳр қўйиб, уни ярақлагунча артиб-суртганингиздан балки у ҳам сизга шу тахлит ўз миннатдорчилигини изҳор қилмоқчи бўлаётгандир?

Эри осмонга қарамоқчи бўлиб, аста бошини бурди.

– Ҳозир осмон чиндан ҳам хира кул рангида. Дарвоқе, одамнинг, ё дейлик, итнинг ёки чумчуқнинг кўзи, нима, осмонни бир хил рангда кўради деб ўйлайсизми? Осмоннинг асил ранги қанақа ўзи, буни ким айтиб бера олади?

– Осмоннинг кўзгудаги ранги, унинг ўзи қандай кўрса, ўшандаймикан?.. – Кёко – “Икки нафис севги соҳиби уни қандай кўрсалар, ўшандай”, – демоқчи бўлганди. Дарахт баргларининг кўзгудаги тасвири ҳақиқийсига қараганда янгироқ ва кўм-кўкроқ, оппоқ нилуфарлар эса яна ҳам ёрқинроқ кўринарди.

– Мана бу сенинг бошмалдоғинг изи. Унг қўлингники. – Эри кўзгунинг четига ишора қилди. Бундан нимагадир Кёконинг юраги шув этиб кетди ва кўзгуга дам урди-да, уни шоша-пиша арта бошлади.

– Қўй, артма. Биласанми, биринчи марта менга полизни кўрсатганингда, ўшанда ҳам кўзгуда бармоғингнинг изи қолганди.

– Буни сезмаган эканман.

– Сен эътибор бердингми-йўқми, мен энди бошмалдоқ ва кўрсаткич бармоғинг қандай из қолдиришини яхши биламан. Эҳтимол, тўшакка михланган беморгина ўзи учун азиз бўлган одамнинг бармоқлари аксини ёдда сақлаб қолишга қодирдир.

Улар турмуш қургандан бери эрининг боши деярли касалдан чиқмади. У ҳатто урушга ҳам бормоганди.

Эр-хотиннинг уйлари ёниб кетганди, энди улар Кёконинг танишлариникида ижарада туришарди. У пайтлар ҳали эри ишларди. Фақат бир ойдан сал

кўпроқ ўз уйларида ва яна икки ойча таниш-билишларникида яшаб юрганларида ҳам Кёко бирон марта эрининг оғриганини кўрмаганди.

Уруш охирлаб қолганда уни сафарбар қилишди. У атиги бир неча кун аэродромлардан бирида ер қазиш ишларида ишлай бошлади ва бирпасда суроби тўғриланиб қолди-да, уйига қайтди. Худди шу кун и уруш ҳам тугаганди. Шундан кейин эри қайтиб оёққа турмади ва Кёко уни қишлоққа, ота-онаси кўчирилган мамлакат ичкарисига олиб кетди ва ўз мол-мулкининг кўп қисмини эрининг буюмлари кетидан у ерга олдинроқ жўнатиб юборди.

У тоғда ихчамгина уйни ижарага олиб, даволашни бошлади. Эр-хотиндан ташқари бу уйда мамлакат ичкарисига кўчирилган оила ҳам яшарди, модомики, уруш тугаган экан, эр-хотинлар яна тезда Токиога қайта қолишди. Кёкога боғда уч га уч кэн¹ ҳайдалган ер — ихчамгина полиз мерос қолганди.

Улар бу ерда, қишлоқда сабзавотларни деҳқонлардан сотиб олсалар ҳам бўларди, лекин мерос қолган полиздан воз кечишни замон кўтармасди, энди Кёко ҳар кун и ер ковлар ва ўзи парваришлаётган сабзавотларнинг қандай етилаётганини завқ билан томоша қиларди. Кёко полиз билан азбаройи эридан нарироқ бўлиш учунгина овунмасди. Шунчаки тикиш ва тўқиш унинг кўнглига урганди. Бунинг устига, полиздаги меҳнат эрининг соғайиб кетишига унда умид уйғотарди ва бу машғулот Кёконинг эрига бўлган муҳобатининг ўзига хос изҳори эди. Кёко шундоқ ҳам кўп вақтини эрига китоб ўқиб бериш билан ўтказарди. Яна бир гап: мана шу ҳол сабабми, ҳар ҳолда Кёко касал боқишдан чарчаганди ва у бари гўё қайтмас бўлиб кетаётгандек бир туйғуни

¹ Бир кэн 1,81 метрга тенг.

ҳис этди. Полиздаги машғулоти зора кўнглимга таскин берса, дея умид қиларди у.

Сентябрнинг ўрталарида улар тоққа кўчиб кетишди. Жазирамадан жон сақловчи шаҳарликлар бу ерларни тарк этишлари биланоқ, эрта кузга ҳос одатдаги совуқ ёмғир ҳам эзиб ёға бошлади. Бироқ бир куни оқшомолди қувноқ қушларнинг сайраши эшитилди-ю, осмон булутдан тозаланди. Кёко қуёш нурлари ёритиб турган полизга чиқди-да, сабзаётларнинг серсув баргларига тикилди. Сўнг у олис тоғ чўққилари устида сузиб юрган пуштиранг булутларга суқланиб қаради. У иккинчи қаватдан келаётган эрининг товушини дафъатан эшитмади ҳам. Эшитгач эса, қўлидаги тупроқни қоқиб-суқишга улгурмай, юқорига чопиб кетди.

— Овозим бориचा бақиряпман! Наҳотки эшитмаёган бўлсанг?

— Мени кечиринг, ҳаёл суриб қолибман.

— Полиз-молизингни йиғиштир. Бунақада ўлиб-нетиб қолишим ҳеч гап эмас. Кейин: сен ўзи қаердасан, нима билан бандсан, бундан ҳам беҳабар қоляпман.

— Қаерда бўлардим, полиздаман-да. У ерда бўлишим сизга ёқмаса, майли, бормай қўя қоламан.

Эри хотиржам тортди.

— Читтакнинг сайрашини эшитдингми? — У фақат шуни сўраш учун хотинини чақирганди. Эр-хотин шу тариқа гаплашиб турган эдилар ҳамки, яқин-атрофдаги ўрмончадан яна қушнинг сайрагани эшитилиб қолди. Оқшомги осмон узра дарахтзор аниқ-равшан кўрина бошлаганди. Читтак овозини энди Кёко ёдида сақлаб қолганди.

— Келинг, кўнғироқча сотиб оламиз — ўшанда мени чақиришга қийналмайсиз. Ҳозирча бош томо-

нингизга бирон-бир буюмни қўйиб қўяман. Керак бўлиб қолсам, буюмни деразадан ташлайсиз.

— Нима, иккинчи қаватдан пиёла ташланг демоқчимисан? Уйлаб-уйлаб топган гапинг шу бўлдими?!

Шундай бўлса-да, эри Кёкога полизда ишлашни тақиқламади. Фақат тоғда бўладиган узундан-узоқ қаттиқ киш тугаб, баҳор кириши билан Кёко кўзгу ёрдамида эрига ўз полизини кўрсатишни кўнглига туғиб қўйди.

Оддий бир кўзгу бемор эри учун ёш сарин ўсимликлар оламини қайта тиклаганидан Кёко беҳад шод эди. У ҳатто Кёко барглардан зараркунанда ҳашаротларни қандай олиб ташлаётганини ҳам кўриб турарди. Бироқ Кёко ҳашаротларнинг фарқига бормасди, шу боис уларни эрига кўрсатиш учун иккинчи қаватга олиб чиқарди. Шунингдек, эри хотинининг ерни қандай чопаётганини ҳам кўздан қочирмасди.

— Мен кўзгуда чувалчанглари кўрдим, — дерди кейин у Кёкога. Кўпинча кун ёнга келиб қолгандагина у бирдан юзига тушаётган қуёшнинг ёрқин нурини сезиб қоларди. Шунда Кёко бошини кутарарди-да, эрининг тепадан туриб, кўзгуда унга «шайтон» тушираётганини кўрарди. Эри талабалик йилларидан бери сақлаб келаётган арзон матодан Кёко ўзига шолвор тикиб олишини буюрди. Кўк-оқ хол-хол гулли матодан Кёко ўзига тикиб олган шолворни кийиб, полизда ер чопганини томоша қилиш эрига ҳузур бағишларди.

Хотини эри кўзгудан уни томоша қилаётганини билиб турарди, бироқ баъзан иш билан чалғиб қолгандагина унутиб қўярди, холос. Мен ҳозир қанчалик ўзгардим-а, турмушга чиққан дастлабки кунларим қўлим тирсагимгача очилиб қолса, уятдан

ўзимни қўярга жой тополмай қолардим, деб хотирларди Кёко ва юрагини ёқимли бир туйғу чулғаб оларди.

* * *

Япония урушда мағлубиятга учрай бошлаган пайтлар Кёко мутлақо пардоз қилмасди. Кейинчалик бемор эридан уялиб на у па суртди ва на бўёқ. У фақат иккинчи бор турмуш қургандан кейингина астойдил ўзига оро бера бошлаганди. Пардоз-андоз уни қанчалик очиб юборишини энди у биларди. Чиндан ҳам Кёко борган сари соҳибжамол аёлга айланиб бораётганди. Биринчи кун иккови ёлғиз қолиб, Кёконинг чиройи уни мафтун этганда, у ҳозирги эрининг қанчалик оқкўнгил инсон эканига амин бўлганди.

Кёко чўмилиб чиққандан сўнг ўзини кўзгуга солишдан энди уялмасди. Гўзаллиги ўзига аён бўлиб қолганди. Бироқ марҳум эри унга ҳамма ҳам фаҳмлай олмайдиган кўзгуда акс этган гўзалликни идрок эта олишни ўргатганди ва у ҳозир ҳам бу туйғудан мосуво эмасди. Кўзгуда кўринган гўзалликка шубҳа билан қараш у ёқда турсин, аёл кўзгуда чиндан ҳам ўзгача олам бор, деб ишонарди.

Ҳар ҳолда у, аввал ўзига, сўнг кўзгудаги аксига синчиклаб разм соларкан, дераза ортидаги кулранг осмон билан кўзгуда акс этган кумушранг осмон ўртасидаги тафовутчалик ўзгаришни сезмади. Балки гап бу ерда фақат масофада эмасдир. Бироқ тушакка михланган хаста эрининг ғам-ғуссага тўла ҳаётининг бунда муҳим роли борлигидан кўз юмиб бўлмас. У қўл кўзгуда Кёкого диққат билан разм соларкан, полизда ишлаётган хотини унга шундай фариштадек кўриниб кетдики! Энди бу ҳақда Кёко ҳеч қачон би-

лолмасди. Эри тириклигида эса, афсус, буни тушунмаганди.

Касалванд эри кўзгуда уни қандай кўрган бўлса, ўшандай Кёконинг ўзи, кўк рангли соябонгуларнинг кўзгудаги акси, оппоққина нилуфарлар, дала чеккасида ўйнаб юрган болалар, олисдаги ғорли чўққилар устидан кўтарилиб келаётган тонгги қуёш... Кёко бир пайтлар ўзига ва марҳум эрига тегишли бўлган, уни қанчалик қўмсаган, усиз қийналган ўша ўзга оламни — бари-барисини хотирасида жонлантиришга ҳатто уриниб ҳам кўрмади. Аёл, янги эрининг тинчини ўйлаб, эҳтиросли орзулар оғушида истаган лаҳзада ёпирилиб киришга шай турган бу туйғуни босишга уринарди; у ҳақда ўйлаганда, уни гўё бу ерларга еттиёт бегона, ўзга оламга тегишли, олисларда қолиб кетган алланималар деб ишонтиришга ўзини мажбур қиларди.

Бир куни май тонгида Кёконинг қулоғига радиодан ўрмон қушларининг сайраши чалиниб қолди. Эшиттириш тоғдан, аввалги эри вафот этган жойга яқин ердан олиб борилаётганди. У эрини хизматга кузатди-да, пардоз столидан қўл кўзгусини олди ва ундан тиниқ, ғуборсиз осмонга разм солди. Сўнг юзини кўриш учун кўзгуга қаради. Ва кутилмаганда ажабтовур ихтирони кашф этди: буни қарангки, одам ўз юзини фақат кўзгу орқалигина кўра оларкан, ойнасиз бунинг иложи йўқ экан. Кўзгунинг ёрдамисиз ҳам кўриниб турган ундаги юз, чиндан ҳам ўз юзи эканига аёл ҳақиқатан ишонч ҳосил қилиш учун энди у ҳар куни юзига қўлини теккизиб қўярди. Парвардигор нима учун одамни ўз афт-ангорини кўролмайдиган қилиб яратган экан?

«Мабодо инсонга шундай қисмат битилганида борми, у тамомила саросимага тушиб қолган бўлар-

ди, балки ақлдан ҳам озган бўлармиди?» — деб дилидан кечирди у.

Йўқ, тўғрироғи, инсон асли ўз юзини кўришдан маҳрум бўлиб дунёга келган. Бундан балки ниначи ё бешиктерватар баҳраманддир.

Инсонга юз бошқалар уни кўра олиши учун зарурмикан? Меҳр-муҳаббат ва истак уйғотишга ўхшаш...

У қўл кўзгуни бир четга олиб қўйди-да, бирдан пардоз столининг тут ёғочидан ясалган безаги қўл кўзгусидаги комакур ўйма нақши билан мос келмаслигини пайқади. Аввалги кўзгу собиқ эри билан бирга оловда ёниб кетди ва пардоз столи гўё бевадек мунғайиб қолди. Кёконинг эрига биринчи марта тутқазган кўзгуси ҳам, кейинги ихчамроғи ҳам унга нафақат яхшилик, балки бахтсизлик ҳам олиб келганди. Ахир у ҳар куни кўзгуда ўзининг юзини ҳам кўрарди, унга диққат билан разм соларди ва авж олиб бораётган дарднинг янги-янги аломатлари пайдо бўла бошлаганини, ёпирилиб келаётган ажалини ҳам ўша кўзгуда пайқаб улгурганди. Башарти кўзгу ёрдамида инсонни руҳий йўл билан ҳалок қилиш бор гап бўлса, унда Кёко буни уддалади, дейиш мумкинмикан? Кўзгу ўзида аллақандай ёвузликни яшираётганини Кёко аллақачоноқ фаҳмлаганди ва эридан кўзгуни тортиб олмоқчи ҳам бўлганди, бироқ эри бундан узил-кесил бош тортганди.

— Сен ҳали мени кўриш бахтидан маҳрум қилмоқчимисан? — деганди у ўшанда, — ҳозирча тирик эканман, кўзим илғай олган ҳамма нарсадан завқ олишни истайман!

Эри кўзгуда мавжуд бўлган оламга ҳаёт бағишлаш учун ўз ҳаётини қурбон қилганди. Ёмгирдан сўнг ҳовлида ҳосил бўлган қўлмакда акс этган ой-

нинг кўзгудаги акси ҳам ҳатто унга завқ бағишларди. Ҳалигача Кёконинг юрагидан ўчмаган ойнинг акс тасвири ҳақидаги хотира ҳам — шунчаки акс тасвир холосмикан?

— Соғлом муҳаббат фағат соғлом одамдагина бўлади, — дер эди Кёконинг ҳозирги эри, у эса ҳар сафаргидек уялганидан бошини иргаб қўя қолган бўлса-да, бироқ кўнглининг туб-тубида унинг гапларига қўшилолмасди. Бошда Кёко: касал эримга яқинлашишдан нега энди ўзимни олиб қочдим? — деб ўзидан ўпкалади. Бу барибир уни ўлимдан олиб қололмади-ку! Бундай ўй-хаёллар қайғули севги тарихини ёдга солиб юборарди, ҳўп, ёдга солганда-чи, дея хаёлидан ўтказди Кёко ва қалби шу заҳоти худди аввалгидек муҳаббатга лиммо-лим тўлди, сўнг ўзидан ёзғиришни бас қилди.

Ҳозирги эри-чи?.. Аёл муҳаббати наҳотки унга шунчалик жўн туюлса?!

— Шундай олийжаноб одам бўла туриб нега энди оилангиз билан ажрашгансиз? — сўради бир куни Кёко ундан. У индамади. Марҳум эрининг катта акаси қаттиқ туриб олиб, Кёкони кўндиргани учун ҳам ҳозирги эрига турмушга чиққанди. Турмуш қуришдан аввал улар тўрт ой учрашиб юришди. Ҳозирги эри ундан ўн беш ёш катта эди.

Кёко фарзанд кутаётганини билганидан сўнг жуда қўрқиб кетди. «Мен қўрқяпман, жуда қўрқяпман», — такрорларди у эрининг бағрига суйкалиб. Борган сари зўрайиб бораётган кўнгил айланиши Кёконинг эсхонасини чиқариб юборганди. У бир қарасанг ҳовлига оёқяланг чопиб чиқарди-да, қарағай игнабаргини олиб чайнаб кетарди. Яна бир қарасанг ўғай ўғлини мактабга жўната туриб, унга иккиталаб қутичада нонушта ўраб берарди ва иккаласи ҳам ни-

магадир гуручли бўларди... Ёки бўлмаса, тўсатдан пардоз столининг тортмасидан кўзини узолмай қоларди, худди у шаффофлашиб, қутидаги гардиши камакур нақши билан безатилган қўл кўзгу гўё унга кўриниб тургандек туюларди. Бир кун тун ярмида уйғониб кетди-да, тўшакка ўтириб олиб, ухлаб ётган эрининг юзига узоқ тикилди. Ҳаётнинг нақадар ўткинчилигини эслаб ваҳимага тушди ва тунги кимононинг белбоғини ечди — балки, нияти эрини бўғиб ўлдириш бўлгандир. Яна бирдан кўз ёш қилишга тушиб қоларди. Эри уйғонарди-да, уни суйиб, юпатиб, кимоносининг белбоғини боғлаб қўярди. Гарчанд ёзнинг ўртаси, ҳатто тунлари ҳам иссиқ ва дим бўлса-да, Кёконинг бадани совуқдан увишиб, қалтирай бошларди.

— Кёко, яқинда она бўласан, эс-ҳушингни йиғ, — овутомқчи бўларди эри уни елкасидан енгилгина қисиб.

Шифокор аёлни касалхонага ётқизиш кераклигини айтди. Кёко бундан бош тортди, лекин охири рози бўлди.

— Яхши, даволансам даволана қолай, бироқ руҳсат берсангиз даволанишдан аввал юртимга бориб келсам, — илтимос қилди Кёко.

Эри уни ота-онасининг уйига элтиб қўйди.

Ўртасига Кёко тоққа, аввалги эри билан яшаган ерга жўнаб кетди. Кёко бу сафар ҳам тоққа илгаригидек сентябрь ойида борди, бироқ ундан ўн кун илгари — сентябрнинг бошларида. Поездда яна қўнгли айниб, Кёко азоб чека бошлади. У бу аҳволда ҳатто поезддан тушиб қолишига ҳам тўғри келишидан қўрқиб турганди. Нима бўлганда ҳам Кёко ўз манзилига етиб олди ва станцияда поезддан тушибоқ, тоза ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олди ва дарров

енгил тортди. Гүё уни бошқариб турган шайтон вас-
васасидан бир зумда халос бўлгандек, ўзига келди. У
тўхтади-да, қандайдир ғайриоддий туйғуни ҳис этди
ва атрофдаги тоғларга назар ташлади. Тўқ зангори
тоғ тизмалари ва тубсиз осмон янада тиниқроқ кўз-
га ташланиб турарди. Кёко борлиғ олам билан юз-
ма-юз турганини шу лаҳзада ҳис этди. Кўзига қалқиб
келган илиқ ёшни артди-да, ўзлари эри билан аввал
яшаган уйларига йўл олди. Бугун ҳам ёддан чиқмай-
диган ўша кундек кечки қизғиш шафақ пайти ўр-
мондан читтакнинг сайраши эшитилди.

Уйда кимдир яшарди — иккинчи қаватдаги де-
разага жимжимадор парда осиб қўйилганди. Уйга
яқинлашишга журъати етмаган Кёко унга тикилди
ва кутилмаганда оғзидан мана шундай сўзлар учиб
чиқди:

— Башарти, бола сизга ўхшаб қолса-чи, унда
нима қиламиз?

Гарчи шивирлаб айтган бўлса-да, бу сўзлардан
ўзи ҳам ҳайратда қолди.

Сўнг хотиржам станцияга қайтди.



ЖИЛВАГАР ТҮТИЧА

Боғим чоққина бўлса-да, куз келиши билан бу ерга ҳар хил қушлар учиб келишади. Шу яқин атрофда отчопарга туташ боғ ҳам бор, қушлар ана ўша ерда тупланишади ва гоҳ у ранглиси бўладими, гоҳ бу рангисими, йўл-йўлакай менинг боғимга учиб келаверишади. Баъзи қушлар эҳтимол ўша боғнинг ўзида яшашар ва кўнгилларини хушлаш учун менинг боғимга ташриф буюришарди. Улар нафақат менинг боғимда бўлишарди, балки қўшни ҳовлиларга ҳам келиб туришарди. Қаерда лоақал бир тутам яшил майсами, бир-иккита дарахтми бўлса бўлгани, ўша ерда қушлар ҳозир у нозир эди. Биз истиқомат қилаётган даҳанинг ажойиблиги ҳам шунда — Сэтага туманига қарашли бўлган бу ўртача даромадга эга даҳанинг бошқа ҳеч бир эътиборга арзирли жойи йўқ, десам ёлгон бўлмас.

Шу йил баҳорда боғимдаги чуғурчук уяларидан бирини читтак эгаллаб олди ва бу ерда ўз полапонлари билан нақ кузгача яшади. Уч жуфт мусича-кидзибато теварак-атрофда тинмай айланиб учиб юрарди — эҳтимол, улар менинг ё бўлмаса ҳамсоямнинг дарахтига ин қўйишгандир. Баъзан йигирма-ўттизта улкан чуғурчиқлар тўдаси учиб келарди: улар майсалар устига бемалол жойлашиб оларди-да, оз-моз чўқигандек бўларди ва яна шу заҳоти қий-чув кўтарганча кўздан ғойиб бўларди. Бу ерга ҳатто каптарлар ҳам учиб келарди, мана бу иккита жуфтга бир

қаранг, улар гүе ўтлоқни сотиб олгандек ҳеч нимага парво қилмай, жойларидан жилмай ўтираверарди. Уларни кузатиб юрган катта ўғлим, бундай ҳолатда қушлар мудраётган бўлади, деб қолди.

Чумчуқлар, ҳақкалар ва чуғурчиқлар гала-гала бўлиб учиб келарди-да, бутун яйловга ёйилиб тарқалиб, биргаликда чувалчангларга ҳужум бошлардилар. Қизининг айтишича ҳақкалар сержаҳл ва ёвуз бўлармиш, улар баъзан чумчуқ ва чуғурчиқлар олдига пусиб келиб, уларга ташланиб қолармиш. Эҳтимол, ҳақкаларнинг кўзлари ўткирдир, бошқа қушлар қаерда қорин тўйғизишларини улар аниқ-гиниқ кўриб тураарлар.

Шу йилнинг кузи — октябрь ойининг бошларида айвондаги ўз хизмат хонамда чой ичиб ўтирардим. Бирдан боғимда нимадир рўй берди... Буни қаранг! Йигирматача чумчуқ орасида мутлақо уларга ўхшамайдиган қандайдир яшил қушчага кўзим тушиб қолса бўладими. Бу жилвагар тўтичанинг худди ўзгинаси эди. Билишимча, бундай тўтичанинг ёввойиси бўлмасди, демак, қушча кимнингдир уйида яшаган ва у ердан учиб кетган.

Мен боққа тушдим. Чумчуқлар галаси бирдан пир этиб учиб кетди. Тўтича бир оз улгурмай қолди, лекин хийла бесўнақайлик билан бўлса-да, барибир парвоз қилди ва ҳамма қушлар кўчанинг нариги юзидаги сердарахт бошқа боққа беркинишди.

Ўша куни худди шу чумчуқлар галаси яна учиб келди. Бу айнан ўша тўданинг ўзи — чунки анави сабзаранг қушча ҳам улар орасида эди. Бироқ бу сафар мен боққа тушиб ўтирмадим. Ҳа, чиндан ҳам, бу қушча чумчуқларга ўхшамасди. Унинг ранги ҳам, кўриниши ҳам бутунлай бўлакча эди. Шунда чумчуқлар нимадандир чўчиди ва гур этиб учиб кетди.

Кетидан тўтича ҳам парвоз қилди. Фақат қушча чумчуқлар каби моҳир парвозчи эмасди. Чунки у бўшанг-кираб ва бесўнақай ҳаракат қиларди. Шундай бўлса-да, барибир у гала изидан қолмай, қўшни уйнинг томида уларга етиб оларди ва ҳаммалари биргаликда кунботар томонга йўл олишарди. Ушанда хотинимга:

— Чумчуқлар анави томнинг тепасида тўтича келгунча кутиб туришди. Сабзаранг қушча уларга етиб олгандан кейин ҳаммалари биргаликда парвоз қилишди, — дедим мен.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми? — деди хотини.

— Бўлмасам-чи. Улар, гарчи чумчуқ бўлса-да, қисматини қушлар галаси билан боғлаганни ҳеч қачон ташлаб кетмайдилар. Ана шу садоқат уларни одамлардан ажратиб туради. Чумчуқлар — безор жонивор, жилвагар тўтича ҳам улардан қолишмайди. Тўғри, унинг патлари сал бошқачароқ, хўш, бошқача бўлса нима бўпти? Бу пат деганлари фақат мана шу ўткинчи ҳаётдагина асқатади, холос, ҳаёт эса жуда қисқа. Майли, энди у қолган умрини биз чумчуқлар билан баҳам кўраверсин десалар керак-да, — дедим мен.

Ўша куни оқшом уйда учта меҳмонимиз бор эди. Кечки овқат пайти мен ўша жилвагар тўтича ҳақида уларга сўзлаб бердим. Сўнгги пайтлар одамлар орасида қабихликлар авж олиб боряпти, биронта ёқимли гап қулоққа чалинмай қолди, лекин қушлар дунёсида аҳвол бошқача, у ерда кўнглингга таскин берадиган воқеалар содир бўляпти: тўтича чумчуқлар галасига кўникиб кетди, энди у ўша олам қонунлари билан яшайди. Тўтичамиз — ажойиб, уни жон-жон деб ўз бағрига олган чумчуқлар ундан ҳам ажойиб.

Меҳмонларимиз ортиқча эҳтиросга берилмай: «Йўғ-э! Наҳотки! Бўлиши мумкин эмас! Бу ахир

жуда кизик-ку!» — дея сал ажабсиндилар. Ҳикоям меҳмонларни унчалик қойил қолдирмаганига амин бўлдим, тугриси бундай бўлади деб сира кутмовдим.

— Кўрганларингиз балки сиз ўйлагандан сал бошқачароқдир. Нима бўлганда ҳам тўти тўти-да, у асло чумчуқ бўлолмайди, чумчуқ ўз оти билан чумчуқ, улар ҳеч қачон бирга яшамайди. Эҳтимол, аллақачон бир-бирини унутиб ҳам юборгандир ва ҳозир бошқа-бошқа жойларда истиқомат қилишар, — деди меҳмонлардан бири. Улардан роса хафа бўлдим. Садқайи одам кетинглар-е! — демоқчи бўлдим-у, тилимни зўрға тийдим.

* * *

Орадан тахминан ярим ойча вақт ўтди, мен сайр қилгани боққа кирдим ва чумчуқлар галаси ичида юрган яна ўша жилвагар тўтичага кўзим тушди. Мен отчопардаги ўриндиқлардан бирида ўтирардим. Лекин у ерга пойга учун бормагандим. Пойга вақтида иложи борица бу ерлардан ўзимни узоқроқда тутишга ҳаракат қилардим, бироқ ўша куни биронта от пойгага чиқмаганди, ўриндиқлар бўшаб ётар, мен куз офтобига ўзимни солиб, эрмакка газета мутолаа қилгани у ерга боргандим. Бирдан:

— Вой, анави жилвагар тўтичани қаранг! — деган сўзлар қулоғимга чалинди. Бу мендан ўн беш қадамча нарида иш тўқиб ўтирган ўттиз ёшлардаги аёлнинг ҳаяжонли овози эди. Чиндан ҳам ўриндиқ зинапоясини чумчуқлар галаси эгаллаб олган, анави сабзаранг ёлғиз тўтича ҳам уларнинг орасида уймалашиб юарди.

— Бу ростдан ҳам тўтича-ку, — шунга ўхшаш яна бир товуш қулоғимга чалинди. Овоз эгаси юқори қатордан тушиб келди. Бу эғнига шим ва свитер кийиб

олган элликлар атрофидаги эркак бўлиб, негадир у кўзимга иссиқ кўринди. Афтидан, боғда сайр қилишга ишқивозлардан бўлса керак. Доим ўзи билан муъжазгина радиоприёмник олиб юрарди. Аёл, эркак ва мен — ҳаммамиз бир-биримизга яқин келдик ва чумчуқларни биргаликда кузата бошладик.

— Бир ой аввал бу тўтичани ўзимизнинг боғда кўргандим, — дедим мен. — Ўшанда ҳам тўтича чумчуқлар орасида эди.

— Йўғ-э! Наҳотки? — Эркак қизиқиб қолди-да, галага яна ҳам диққат билан разм сола бошлади. Аёл эса:

— Қани энди уни ушлашнинг иложи бўлса. Зап ноёб қуш эканми? — деди суқ билан.

Шунда чумчуқлар бирдан пир этиб учиб кетишди, тўтича боёқиш эса ҳар доимгидек ҳавога аранг кўтарилди ва гала изидан қанот қоқиб кетди.

— Бу қушлар жудаям зийрак жонивор-да, — дедим мен аёлдан жаҳлим чиқиб.

* * *

Ўшандан буён сайрга чиққанимдагина эмас, бошқа пайтда ҳам чумчуқлар галасига кўзим тушса бўлгани, ҳар сафар тўтичани кўриб қолиш илинжида тўхтардим. Бироқ жилвагар тўтичани кўриш менга бошқа насиб этмади. Уйдалигимда ҳам боққа чумчуқлар учиб келишса, ўтирган жойимдан сакраб турардим-да, уни излай бошлардим, лекин афсус...

Қиш ҳам эшик қоқмоқда, тўтича ҳам аста-секин эсимдан чиқа бошлади. Фақат аҳён-аҳёндагина бир эсимга тушиб қолганида, чумчуқлар орасида унинг аҳволи не кечди экан, деб кўнглимдан ўтказиб кўярдим, холос. Бу менга нимаси биландир ахлоқсиз қизи уйдан қочиб кетган шўрлик отани эслатиб юборарди.

Ноябрь ойининг куёшли кунларидан бирида, мен боғ ёпилишидан сал олдин, аниқроғи, соат тўрт бўлмасдан у ерга етиб бордим. Модомики, сайр қилишдан мосуво эканман, жилла курса одатга айланиб улгурган кундалик вазифамни бажаришга киришиб, боғдан шоша-пиша кетиб борардим. Урмондаги яланғоч қолган поялар орасидан ботаётган қизғиш куёш ялт этиб кўзга ташланарди.

Дарахтзордан чиқаётиб, муъжазгина радиоприёмник кўтариб олган эркакка урилиб кетдим. Бу ўша, отчопардаги ўриндикда бир-икки огиз суҳбатлашишга тўғри келган ҳалиги эркак эди.

— Анави жилвагар тутичани яна куриб қолдим, — деди у. Янглишмасам, унга мана шу йўлакда кўзим тушди. Чумчуқлар бу сафар аввалгидан ҳам кўпроқ эди. Санасангиз, бемалол ўттизтача чиқарди. Улар орасидаги анави сабзаранг қуш, тўдадагилар қандай бўлса, ўшаларга тортиб кетганди. Куриб кўзларимга ишонмадим. Биласизми, менимча, у ўзининг тути эканини ҳам унутиб қўйган. Чамамда, у ўзини чумчуқ деб ўйлайди.

— Наҳотки? — Мен нима дейишни ҳам билмай қолдим. Биз ёнма-ён борардик. Боғ ёпилай деб қолганди.

— Ҳар ҳолда, ўзининг чумчуқлардан фарқ қилишини билса керак?

— Йўғ-э, менимча, у буни билмайди. Лекин чумчуқлар орасида қандайдир битта ранг-баранг бошқачароғи юрганини, унинг ҳам ўзлари каби қуш тоифасидан эканини кўраётган бўлишса, эҳтимол, кейин...

— Чумчуқлар-ку билишар, бироқ тутича...

— Менимча, бу сабзаранг қушча ўзининг бошқаларга ўхшамаслигини фаҳмлаганида эди, чумчуқлар

билан қолиб кетмаган бўларди. Бунни англашга тўти ожизлик қиляпти. Ҳамма бало мана шунда.

Шунда эркак бирдан кулиб юборди, юзидаги ажинлар икки баравар кўпайди.

— Ҳасрат дафтаримни очганим учун мени маъзур тутинг, бироқ гап шундаки, менинг ҳам қисматим тўтиникидан қолишмайди. Мен ҳам бошқаларга ўхшамаслигимни фаҳмлашга ожизлик қилиб, бир умр чумчуқлар орасида яшаб келдим. Бу йил ёшим бир жойга борганда ишдан кетдим. Насиб этса, келаси баҳор янги ишга жойлашмоқчиман, аввалги ишимда тўтидан фарқим қолмаганди.

— ...

— Мен савдо-сотик ишини эплолмайман, бунга уқувим йўқ, лекин аҳмоқлигимга бориб, савдо ишлари билан шуғулланувчи бир ширкатга ишга жойлашиб қўйдим-да, синов муддатини ўтагунимча тишимни тишимга қўйиб ишладим. Мана бунни, мен сизга айтсам, ҳақиқий фожиа деса бўлади. Тўғри, мен ҳалол тер тўкиб ишладим, ширкат ҳам мендан домангир бўлмади ва синов муддати тугагунча мени ушлаб турди. Худди чумчуқлар галасига ўхшаб.

Боғдан чиқишимиз билан кетимиздан дарвозанинг панжарасимон темир тавақасига кулф урилди. Биз яна беш дақиқача суҳбатлашиб, сўнг хайрлашдик.

* * *

Отчопардаги ўриндикда ўтириб олиб, иш тўкиш билан машғул бўлган аёлни ўшандан кейин декабрь ойидагина учратиб қолдим. Боғдан чиқаётиб, дарвоза олдида унга урилиб кетишимга сал қолди.

— О... — Биз бир-биримиз билан бош эгиб саломлашдик, у мени дарров танимади, лекин бир оз ўтгач:

— Вой, сиз билан, афтидан...

Ушанда менга инжиқ бола бўлиб туюлган аёл бу гап кўзимга бирам мулойим ва сулув кўриниб кетди.

— Нима, сиз шу яқин-атрофда яшайсизми?

— Бу ердан ун дақиқалик йўл, холос. Ҳозир эрим югуриш билан шуғулланияпти, мен уни олиб кетгани келдим. — Дарҳақиқат, кучанинг нариги бетида енгил машина турарди.

— Ушандан кейин жилвагар тўтичага бошқа кўзингиз тушмадими? — сўрадим ундан. Бунга астойдил қизиқаётган эдим.

— Йўқ, бошқа кўрмадим.

— Эсингизда бўлса, трибунада яна бир одам бор эди. Уша кишини яқинда учратиб қолгандим, у уша тўтичани боғда яна кўрганини айтди.

— Йўғ-эй? Унда тўтичанинг аҳволи қандай экан? Узиям бирам ёқимтой, бирам фаросатли куш эдики. Чумчуқлар орасида қийналиб қолган бўлса керак, боёқиш. Қандай чидаб яшаётган экан?

— Бечора ўзининг жилвагар тўтича эканидан ҳам беҳабар. Ўзини чумчуқ деб уйласа керак. Тўғриси, бу мендан чиққан фикр эмас... — дедим мен.

— Ҳа. Бу кимнинг хаёлига келибди дейсиз, — ажабланиб жавоб берди аёл. — Биласизми, уша тўтича ҳақида эримга гапириб бергандим, у: «Уша тўтича деганинг мен бўламан», — деса бўладими. — Аёл аста елка учуриб қўйди-да, кулиб юборди. — У: «Ўзим жилвагар тўти бўлсам-да, чумчуқлар орасида яшайман, нима қилай, чидайман, илож қанча», — деди.

— ...

— Эрим рассом.

— ...

— Эрим ҳамкасаба-рассомларни чумчуқлар галасига ўхшатади ва уларнинг орасида тўтичанинг косаси ҳеч қачон оқармайди, деб ҳисоблайди.

— ...

— Айтгандай, келгуси баҳор Гиндздаги К. галереясида унинг шахсий кўргазмаси бўлади.

— Энди бунисига нима дейсиз? Шундан кейин ҳам уни тўти дейишда давом этаверасизми?

Шу ерда аёл бирдан шошиб қолди-да:

— Вой, ана менинг тўтичам ҳам келиб қолди. Узр, энди мен борай, кўришгунча. — Аёл хайрлашди-да, кўчанинг нариги бетига, машина турган томонга қараб юриб кетди. Узоқдан спорт майкасидаги бўйдор спортчи йигит кўринди. У хазонлар ер билан битта бўлиб тўкилиб ётган хиёбон бўйлаб чопиб келарди. Олисдан келаётган одамнинг асли-насли қанақалигини билмадим-у, лекин у ёш ва тетик кўринарди.

* * *

Яқинда ёнимга ўрта ёшлардаги кўриниши тажанг бир аёл келди.

— Мен резаворфурушнинг дўконида эшитиб қолдим, — деди аёл, — одамлар боғингизда чумчуқлар орасида юрган жилвагар тўтичани кўришган экан, балки ўша менинг тўтичамдир? Чунки меники ҳам худди шунақа ранг-баранг эди.

Аёл, тўтичани яна кўриб қолсак, унга қўнғирок қилишимизни ўтинди. Тўтиқуш оддий тўтиқушлардан эмаслигини, у чет элдан келтирилганини ва жуда қимматбаҳо туришини зўр бериб тушунтирди.

— Уни, албатта, тутиш керак. Биласизми-йўқми, Японияда бундай қушлар жуда камёб...

— Тўғри, бир пайтлар боғимга сабзаранг тўтича учиб келганди, лекин бунга жуда кўп бўлди. Ўшандан бери у бошқа кўринмади, балки бундан кейин ҳам кўринмас, — дедим мен.

— Ҳар ҳолда яна билиб бўладими, мабодо кўришиб қолса, илтимос, менга сим қоқиб юборсангиз. У

боёқишни ахир чумчуқлар ўтирлаб кетишган, энди қўйиб юборишмаяпти!

— ...

— Уни тутмаса бўлмайди, — деди такрорлаб аёл.

Унчалик ҳам кўнгилга ўтиришмайдиган бу меҳмон кетгандан сўнг ўзимнинг иш хонамга қайтдим-да, чека бошладим ва боққа чиқдим. Кузнинг сўнгги япроқлари сочилиб ётган майсаларни босиб одимлаб юрарканман, тўтичанинг беҳудага қўйиб-пишаётган собиқ эгаси тўғрисида ўйладим. Йўқ, тўтича энди чумчуқлар билан парвоз қилаверсин. Уни тутишнинг ҳожати йўқ.

Бу қанақа қуш ўзи, анави кекса эркакнинг гапига ишонайми, ё рассом айтганигами, тўғриси, ҳеч ақлим етмай қолди, лекин шуни ишонч билан айтишим мумкинки, қафасдаги ҳаётдан кўра қушча ҳозир чумчуқлар билан озод ва бахтиёр. «Чумчуқлар уни қўйиб юборишмаётганмиш — гапнинг тутуруқсизлигини қаранг!» — дедим овоз чиқариб. Уни меҳрибонлик билан бағрига олган қушларни наҳотки ўғри деб бўлса, аксинча, улар тўтичанинг ғамхўр-ҳимоячилари. Ростдан ҳам тўтича бчалки чет элдан олиб келингандир, бироқ энди у аллақачон япон қушчасига айланиб бўлган ва бир оз ёввойи-лашган ҳам, ҳозир тўтича уларнинг энг эъзозли меҳмони бўлиб чумчуқлар билан аҳил-иноқ яшаяпти.



МУНДАРИЖА

Артур Шницлер. Редегонданинг кундалиги.....	3
Бруно Травен. Нотавон кунгил	13
Грэм Грин. Ғоратгар мактублар	63
Иван Бунин. Илтифотли иштирок	80
Марсель Арлан. Аёл – уйнинг чироғи.....	87
Марям Зиёда. Абу Ҳавл пойида.....	138
Масадзи Ивакура. Олтин балиқча	148
Мустафо Ал-Манфалутий. Етимча	182
Мэри Тейчен. Англаш ҳикмати	198
Сорин Тител. Аёз	211
Такэси Иноуэ. Энг катта орзу	217
Хидэо Такубо. Ёғоч туй	244
Энрике Тейшейра де Соуза. Зайтун мойи	267
Ясунари Кавабата. Ойнинг акси	280
Ясуси Иноуэ. Жилвагар тутича	297

Адабий-бадий нашр

“Жаҳон адабиёти” журнали кутубхонаси

ОЙНИНГ АКСИ

Ҳикоялар

Муҳаррир Санжар Турсунов
Бадий муҳаррир Шухрат Мирфайёзов
Техник муҳаррир Хосият Ҳасанова
Мусахҳиҳ Доно Тўйчиева
Саҳифаловчи Зилола Алиева

Нашриёт лицензия рақами АИ № 290. 04.11.2016.

2019 йил 30 октябрда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108^{1/32}. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. 16,7 шартли босма тобоқ. 14,3 нашр тобоқ.

Адади 3000 нусха. 430-рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz

info@gglit.uz

Ойнинг акси



18+



ISBN 978-9943-5295-2-6



9 789943 529526